

М. А. СОКОЛОВА,  
Е. Н. КУЗЬМИНА,  
М. А. РОДИОНОВ

# КИЇСЬКИЙ ПЕДАГОГІКА



М.А.СОКОЛОВА,  
Е.Н.КУЗЬМИНА,  
М.Л.РОДИОНОВ

# ҚИЕСИИ ПЕДАГОГИКА

ГХСР Маориф министрлиги  
педагогика институтлари студентлари  
учун лекция курси (махсус курс)  
сифатида рухсат этган

Соколова М. А. ва бошқ.

Қиёсий педагогика: Пед. ин-лари студ. учун лекция курси (махсус курс) /М. А. Соколова, Е. Н. Кузьмина, М. Л. Родионов.—Т.: УЎИТУВЧИ, 1983. 204 б.

И. 2. Автордош.

Соколова М. А. и др. Сравнительная педагогика.

ББК 74.00я7  
371

№ 424—83

Навой номли УзССР

Давлат кутубхонаси.

Тираж 3200

Карт, тиражи 6400

Муаллифлар китобда қиёсий педагогиканинг фан сифатидаги асосий таракқиёт даврларини, унинг педагогика фанлари системасидаги ўрнини, курснинг предмети ва вазифаларини очиб берадилар, социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда маориф таракқиётининг педагогик ва ижтимоий шароитларини ёритадилар.

Уқув қўлланмаси қиёсий педагогикадан махсус курс тингловчи талабаларга, шунингдек, педагогика институтларининг ўқитувчиларига мўлжалланади.

@ Издательство «Просвещение», 1978 г.

(P) Узбек тилига таржима, «Ўқитувчи», 1983 й.

450300000—249

353(04)83 151-83

Сўз боши

Социализм билан капитализм ўртасида идеологик кураш кескинлашаётган бир шароитда мактаб ва маориф гкдагогикадаги илғор ва реакцион тенденциялар ўртасидаги кескин тўқнашувлар майдони бўлиб қолмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг экономикани, маданият ва маорифни ривожлаштиришдаги ютуқлари коммунистик ва ишчи партияларнинг, таракқиёп парвар кучларнинг капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда таълимни демократлаштириш, барча ижтимоий қағламлар ва миллатларнинг таълим олишда чинакам тенгликка эришишлари учун курашига хал қилувчи таъсир кўрсатмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг таракқиёти, улар кудратининг ортиб бориши инсониятнинг ижтимоий ривожланишининг бош йўналишидир. Капитализм барча кучлари билан илғор тенденцияларга қаршилик кўрсатишга уринмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездида Ҳисобот докладида Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтган эди: «Коммунистлар капитализм ўз-ўзидан ҳалок бўлади» деб башорат қилмоқда эмаслар, асло. Капитализмнинг ҳали анча-мунча резервлари бор. Аммо сўнги йиллардаги воқеалар капитализм истикболи йўқ жамият эканлигини янги куч билан тасдиқлади»<sup>1</sup>.

Ҳозирги дуиёда ўсиб келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш ҳамда улар дунёкарашини шакллантиришнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётнинг бундан кейинги йўналишини белгилайдиган омил сифатидаги роли ортиб бормоқда. Бунинг оқибатида педагогик ғоялар соҳасида идеологик кураш кучаймоқда: капиталистик

• КПСС XXV съездининг материаллари. «Ўзбекистон», Тошкент, 1976, 39-бет.

мамлакатларнинг ҳукмрон синфлари капиталистик тузум асосларини сақлаб қолиш мақсадида педагогик концепцияларнинг шаклланишига таъсир кўрсатишга, уларни социалистик педагогикага қарши қўйишга интилмоқдалар.

Педагогик ғоялар курашида педагогика фанларининг бир йўналиши сифатида буржуа қиёсий педагогикасн хийла катта роль ўйнапти.

Қиёсий педагогиканинг мақсади ҳозирги дунёдаги педагогик ҳодисаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни кнёслаш, ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия беришдаги етакчи тенденцияларни аниқлаб, уларни ривожлантиришнинг бундан кейинги йўллари билгиландан иборатдир.

Амалда эса капиталистик мамлакатлардаги қиёсий педагогика узокни кўзлаган «педагогик игвогарлик», социалистик педагогика ғояларини танқид қилиш ва сохталаштириш мақсадларига эга. Социализм душманлари мафкуравий тажовузни амалга ошириш ҳамда социалистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги ёшлар опнгга таъсир қилишга уриниб, оммавий ахборот орқали ўз ижтимоий ва педагогик ғояларини мунтазам тарғиб этмоқдалар: улар буржуа педагогик концепциялари ва таълим системаларини энг мукамал деб эълон қилиб, уларни бутун дунёга ёймоқчи бўладилар.

Бироқ ҳозирги замондаги маориф тараққиётининг қиёсий анализи марксча-ленинча педагогиканинг асосий қоидалари ва социалистик мактаб амалиёти капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда илгор педагогик ғояларнинг юзага келишига ҳал қилувчи таъсир этаётганини ишончли тарзда кўрсатмоқда.

Жаҳонда ижтимоий тараққиётга ва маорифнинг янада ривожланишига СССРнинг 1977 йили қабул этилган Конституцияси ҳам таъсир кўрсатади. Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» номли докладыда: «Бу Конституция мамлакатимизда қилинган ўзгаришларнинг ҳаммаси, янгиликларнинг ҳаммаси аввало ҳар бир кишига чинакам инсоний ҳаёт яратиб беришга қаратилганини яна бир марта исботлади. Бу Конституция эркинлик, инсон ҳуқуқлари, демократия ва социал адолат тушунчалари фақат социализм шароитидагина ҳақиқий мазмун билан тўлдирилаётганлигини яна бир марта ЯҚҚОЛ кўрсатди»<sup>1</sup>, -- деб қайд қилиб ўтган эди.

<sup>1</sup> Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 650-бет.

Тавсия этилаётган қиёсий педагогика бўйича ўқув қўлланмаси асосан педагогика институтларининг юқори курслари талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, унда педагогика предметлари ўқитувчилари қиёсий ва чет эл педагогикаси бўйича умумий курслар ўқниш ва семинар машғулоти ўтказиш, махсус курс ва махсус семинарлар ўтказишда фойдаланишлари мумкип.

Қўлланма авторлари бу қўлланма студентларни педагогик ҳодисаларни марксизм-ленинизм позициясидан туриб қиёсий анализ қилиш соҳасига дойр билимлар билан қуроллантиришга, бўлажак ўқитувчиларнинг илмий-педагогик қарашлари доирасини кенгайтиришга, ҳозирги дунёда социалистик педагогика ғояларининг тобора ўсиб бораётган таъсирининг асосий аспектиларини ва социалистик мактаб ва педагогиканинг муҳим устунликларини яхшироқ тушунишга, ёт идеология ва ахлоққа қарши мустаҳкам курашчиларни тайёрлашга ёрдам беради деб умид қиладилар.

Шу мақсаддан келиб чиқиб, авторлар ўз олдларига қуйидаги вазифаларни қўйдилар:

кнсқа тарихий очеркда қиёсий педагогиканинг асосий ривожланиш давларини ва унинг педагогика фанлари орасидаги ўрнини кўрсатиш; унинг предмета ва вазифаларини белгилаш;

социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда маорифнинг ҳозирги тараққиётининг тарихи И П! ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини аниқлаш;

бу уч группа мамлакатлар бўйича мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари ва халқ маорифи системаларини ташкил этиш принципларини тавсифлаш;

ҳозирги замоннинг энг муҳим педагогик назарияларининг ғоявий асослари ва мазмунини очиб бериш ва уларнинг турли мамлакатлардаги педагогик жараёнга таъсирини кўрсатиш;

социалистик мамлакатлар ҳукмрон синфларининг халққа қарши мактаб сиёсатини ва капиталистик мамлакатлардаги педагогик назарияларнинг реакционлигини фаш этиш;

социалистик мамлакатлардаги халқ маорифи системаларининг устунлигини кўрсатиш;

маориф системаларининг синфий характерини очиб бериш ва коммунистик ва ишчи партияларининг ҳамда капиталистик мамлакатлардаги тараққиқпарвар қучларнинг ҳозирги замон мактабини демократлаштириш ва замонавийлаштириш учун курашини кўрсатиш.

Укув қўлланмаси ўз олдига бирор мамлакатдаги мактаб ва таълимнинг аҳволини батафсил анализ қилишни вазифа қилиб қўймайди, унда мактаб ва таълимнинг асосий проблемалари уч гурппа мамлакатлар: социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар бўйича қиёсий планда кўриб чиқилади. Бунда халқ маорифи масалаларини уч асосий регионда ҳукмрон ижтимоий муносабатларга боғлиқ равишда ҳал этишнинг ўзига хослиги таъкидланади.

Ҳозирги дунёда мамлакатимиз етакчи роль ўйнаётганлигидан келиб чиқиб, муаллифлар қўлланмада Совет Иттифоқининг марксча-ленинча педагогика назарияси ва мактаб қурилиши амалиётидаги ютуқларини қайд этишни зарур деб топдилар. Л. И. Брежневнинг «Улуғ тилмас Октябрь кунлари бутун планетани оёққа тур-Октябрь ва инсоният тараққиёти докладада Совет Иттифоқининг роли юксак баҳога сазовор бўлди: «Унуғизган янги тарихий давр — жаҳонни революцион янгилаш даври — социализм ва коммунизмга ўтиш даври бошланди. Шундай йўл бошландики, эндиликда юз миллионлаб кишилар шу йўлдан бормоқдалар ва бутун инсоният шу йўлдан бориши муқаррар.

Бизлар биринчи эдик. Шунинг учун ҳам бизларга осой бўлмади. Душманлар қуршови халқаси ичида ўзимизни сақлаб қолишимиз керак эди. Асрий қроқликни ёриб чиқишимиз лозим эди. Тарихий инерциянинг жуда зўр кучини енгиб, янги қонунларга — коллективизм қонунларига биноан яшашни ўрганиб олиш керак эди. Мапа энди қураш ва меҳнатнинг олтимиш йиллигига ҳал қилувчи асосий яқун ясар эканмиз, фахрланиб шуни айта оламизки, биз ўзимизни сақлаб қолдик, биз бардош бердик, биз енгиб чиқдик»<sup>1</sup>.

Социалистик мамлакатлардаги таълимнинг асосий проблемаларини ёритишда авторлар бир вақтда (1944—1945 йилларда) ижтимоий-иқтисодий ва маданий қайта қурунларни бошлаган Европа социалистик мамлакатларидаги маорифнинг аҳволи ва тараққиётидаги етакчи юденцияларни анализ қилиш билан чекландилар.

Қўлланмада материаллар умумлаштириб ёритилди. Шу билан бирга, китобда баён этилган асосий қридаларни тушунтириш учун мактаб ва маориф вазифалари «синфий» характерда ҳал этилаётган ва ҳар бир регион учун типик бўлган мамлакатлардан қонкрет мисоллар келтирилди.

Муаллифлар В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси қошидаги қиёсий педагогика лабораторияси ходимлари Е. Я. Бетяева, А. Г. Бобровский, Г. А. Васильевская, Д. С. Скловский, Е. К. Таршисларга миннатдорлик билдирдилар. Уларнинг айрим ишлари ўқув қўлланмаси материалларида акс этди.

I, III бобларни — доцент *М. А. Соколова*, II ва IV бобларни доцентлар *М. А. Соколова* билан *Е. Н. Кузьмина* биргаликда, V бобни доцент *Е. Н. Кузьмина*, VI, VII бобларни доцент *М. Л. Родионов* ездди.

<sup>1</sup> Л. И. Брежнев. Ленин йулидан, 6- том, 645- бет.



## **1606. ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАСИ ВА ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ**

Давримизга хос бўлган ахборотлар сонининг кўпайиши ва ҳар бир фан доирасида тадқиқот объектларининг кенгайиши унинг аста-секин тармоқланишига, мустақил бўлимлар системасининг ажралиб чиқишига ва янги тадқиқотсоҳаларининг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Айни чоқда ёндош фанларнинг маълум бўлимлари қўшпилиб, уйғунлашиб, билимларнинг янги тармоқлари (биофизика, биохимия, астрофизика, ижтимоий психология ва х. к.) юзага келмоқда.

Педагогика фан сифатида шаклландан буён аста-секин тармоқланиб бормоқда. Педагогика фанларининг ҳозирги замон системасида умумий педагогика, мактабгача педагогика, мактаб педагогикаси, сурдо-, тифло-, олигофренопедагогикалар; хусусий методнакалар, педагогика тарихи сингари мустақил соҳалар вужудга келди. Ҳозирги вақтда педагогиканинг янги соҳалари: болалар ва ўсмирлар характери педагогикаси, катталарни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси; олий мактаб педагогикаси ва бошқалар ривожланмоқда. Педагогика фанларин системасидаги янги соҳаларга қиёсий педагогика ҳам кириди.

### **ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

Тадқиқотнинг қиёслаш методини барча фанларда, шу жумладан педагогикада ҳам кенг қўлланади. Ешлар таълим ва тарбиясининг қиёсий тавсифини турли мамлакатларда — Я. А. Коменский, немис педагогларини И. Г. Гердер, И. П. Бринкман, Ф. А. Хект, А. Х. Нимейер, Э. Г. Фишер, швейцар педагоги Э. А. Эверс, АҚШ педагогларини И. Ниф, Д. Грисом ва бошқаларнинг ишларида учратамиз.

Қиёслаш методи ёрдамида ўқитиш ва тарбиялашни биз учун одатга айлантирилган форма ва методларининг асл қиммати ва самарадорлигини аниқланадиган. Бироқ маориф системалари ёки уларнинг ривожланиш даврлари

рени қиёслаш қиёсий педагогика бўлмайди, албатта. Қиёсий педагогиканинг ижтимоий максадларини, амалий вазифаларини, ўз проблемалари ва тадқиқот методларини белгилаб олишга уни педагогиканинг мустақил соҳасига айлантиради.

Турли мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг ривожланиши ўсиб келаётган авлоднинг ўқитиш ва тарбиялашни қўйилиши билан ўзаро кенг танишишга, ўқитишнинг форма ва методларини, баъзан эса бутун таълим системасини ўзлаштиришга имкон берди. Дунёдаги турли мамлакатлардаги халқ маорифи аҳолини чуқурроқ ўрганиш ва қиёсий методдан фойдаланишга объектив эҳтиёж маориф системасида ўзгариш яшани талаб қилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий силжишлар даврида яққол сезилди.

К- Маркс ва Ф. Энгельс XIX аср моддий ва маънавий жараёнлари шароитларини бундай таърифлайдилар: «Илгариги эски маҳаллий ва миллий бикиклик ўрнига, ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобига яшаш ўрнига миллатларнинг бир-бирлари билан ҳар тарафлама алоқаси ва бир-бирларига ҳар жиҳатдан боғланиши вужудга келмоқда. Бундай алоқа ва боғланишлар моддий ҳаётга ҳам, маънавий ҳаётга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Айрим миллатларнинг маънавий фаолияти умум бойлигига айланмоқда»<sup>1</sup>.

Маркс ва Энгельснинг бу фикри қиёсий педагогиканинг на фақат «маънавий ишлаб чиқариш» соҳаси сифатида вужудга келишини, балки унинг ривожланиш даврларини аниқлашга ҳам имкон беради.

Тарихий материализм принципларига асосланиб қиёсий педагогика тараққиётининг қуйидаги даврларини қайд этиш мумкин: биринчи давр — Ғарбдаги буржуа революцияларидан Россиядаги Улуғ Октябрь революциясигача (XVIII аср охири — 1917 й.), иккинчи давр — Улуғ Октябрь революциясидаги жаҳон социалистик системаси вужудга келишигача (1917—1945 й.), учинчи давр — жаҳон социалистик системаси қарор топгандан хозиргача бўлган давр.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, ПО-бет.

**Киёси» педагогика тараккиётининг бирипчи даври**

Буржуа революциялари ва капитализмнинг жадал ривожланиши даврида Европанинг турли мамлакатларида таълим-тарбия бир қанча умумий хусусиятларга эга бўлди. Бунга фантехниканинг халқаро характери ва ишлаб чиқариш мусобақалари тараккиётининг муштарак шароити таъсир остида шаклланиган умумий таълим мактабларида вужудга келган анъаналар сабаб бўлди.

Чет эл мактаб таърибасини, миллий хусусиятларини ҳисобга олиб ва сақлаб қолган ҳолда, миллий мактабларни ривожлантиришда қўллаш имкониятларини аниқлаш нуктан назардан тавсифлаш, анализ ва танқид қилиш XIX аср буюк педагогларида кўпчилигининг тадқиқот предмети бўлди.

Тадқиқотнинг айрим мақсад ва методларини белгилаган ва проблемага маълум даражада ижтимоий-сиёсий йўналиш берган биринчи тадқиқотчи «киёсий педагогиканинг отаси» номини олган *Марк Антуан Жюльен Парижский* (Маге Ангоше ЛиШепйе Рапз, 1775—1848) бўлди. «Киёсий педагогикага дойр тадқиқотлар ҳақида очерк ва дастлабки мулоҳазалар» ишида (Париж, 1817 й.) ҳозирда барча мамлакатларнинг педагогик терминологиясига чуқур кириб борган «киёсий педагогика» ва «киёсий тарбиялаш» терминларини биринчи бўлиб қўлади. (Б'ЕйисаИоп сотрагёе, la *рейщоёе* сотрагёе, Сотрагёе еаЧюаглоп, Реслаф0ф1ка роғошпалуега, Уегф-1елсБеп(1е Раслафод1к ва х. к.).

Жюльен киёсий педагогикада тарбиялаш ва ўқитиш назарияси ва амалиётини такомиллаштиришнинг, халқларнинг умумий маданий ривожланиши ва жипеллашишига имкон берадиган Европадаги барча мамлакатлар учун умумий бўлган педагогик назарияни ишлаб чиқишнинг энг муҳим йўлларида бирини кўрди. У турли мамлакатлар ва халқлар вакилларида тарбия масалалари бўйича халқаро комиссия тузиш зарур деб ҳисоблади. Унинг фикрича, бу комиссия анкеталар ва ҳисоботлар ёрдамида турли европа мамлакатларида ўқув-тарбия муассасаларининг материалларини, тарбиялаш-ўқитиш методларини тўплаши, классификациялаши ва киёслаши керак; педагог мутахассисларни тайёрлайдиган махсус ўқув юрти очиши; бир неча тилда чиқадиغان

<sup>1</sup> *Маге-АнШне ИуШен е/е Раг1з*. Езшзз е! Уиез ргёП-гшпакез а'ип Оиуга^е зиг Б'ЕйисаИоп сотрагёе. Рапз. 1817.

педагогик журнал нашр этиши; Европадаги энг муҳим илмий ва маданий марказлар вакиллари ўртасида маориф масалалари юзасидан ёзма равишда фикр-мулоҳазалар алмашишни мунтазам амалга ошириб бориши лозим эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида (1870—1900 й.й.) жаҳондаги бир қатор мамлакатларда умумий мажбурий таълим ҳақида ҳукумат қарорлари чиқди<sup>1</sup>. Черков томонидан очилган ва ташкилий тузилишига, мақсади ва таълим мазмунига кўра бутун Европада бир хил бўлган мактаблар билан бирга ҳар бир мамлакатнинг миллий хусусиятларини ҳийла кўпроқ акс эттирадиган давлат ва муниципаль халқ мактаблари юзага кела бошлади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида маориф системасини такомиллаштириш муаммоларига қизиқиш ва мактабни киёсий ўрганиш зарурияти ортади. XIX асрнинг охирига келиб киёсий педагогиканинг айрим назарий асослари ва амалий вазифалари, хусусан, чет элдаги педагогика таъриблари материалларини тўплаш, ишлаб чиқиш ва нашр этиш, ўз мамлакатидан таълим-тарбия системасини такомиллаштириш учун фойдали таъриблар олиш мақсадида турли таълим системалари шг пжобий томонларини кайд этиш вазифалари белгила-падп.

Айрим олимлар маориф ишининг қўйилиши билан танишиш учун бошқа мамлакатларга бордилар. Бу саёҳатларнинг натижалари нашр этилиб, муаллифлар ўз миллий мактабини такомиллаштириш йўллари кўрсатдилар. Сарбоннадаги фалсафа профессори *Виктор Кузен*, немис педагоглари *Ц. А. Крузе*, *Фридрих Тиршнинг*, инженер *Ф. Харкортнинг*, америка педагоглари *Л. Манн*, *Г. Бернард*, *К. Стоу*, *Ч. Турбер*, *А. Флекснернинг*, инглиз педагоги *М. Сэдлер* ва бошқаларнинг ишлари шулар жумласидандир.

Киёсий-педагогик тадқиқотлар Россияда ҳам анча ршюжланди. Айниқса улуғ рус педагоглари *К. Д. Ушинский* ва *Л. Н. Толстойнинг* ишлари энг катта эътиборга ЛОЙик. Чет эл мактаби аҳолини таҳлил қилиш Ушинскийни рус таълим системасини такомиллаштириш тўғрисида ўйлашга рағбатлантирди.

«Барча халқлар учун халқ тарбияси бўйича умумий

Мажбурий таълим ҳақидаги дастлабки қонун актларини 1617 й.ЛГПИ Веймар қонуни ҳамда 1739 й.ЛГПИ Дания қонунида учрата-ИИЭ; бнрок бу қонулар амалга ошмади.

система,— деб ёзган эди Ушинский,— на фақат амалда, балки назарияда ҳам йўқ ва Германия педагогикаси — темпе тарбиясидан бошқа нарса эмас»<sup>1</sup>.

Бегона халқ маорифи системасини ўзлаштириб олишга Л. Н. Толстой ҳам кескин қарши чиққан эди: «Мактаб халқ яшаётган асосий қонуниятларни англагандагина яхши ҳисобланади»<sup>2</sup>. Л. Н. Толстой Россияда рус халқи ҳаётининг тарихий ва миллий хусусиятларига мое тушадиган ўз халқ маорифи системаси бўлиши кераклигини қатъий таъкидлаб, чет эл педагогикасидан болаларни ўқитишнинг фақат айрим метод ва приёмларинигина олиш мумкин деб ҳисоблади.

Хорижий мамлакатлар мактаби ва педагогикаси кўпгина рус муаллимлари ва олимларининг эътиборини жалб қилди. Россияда XIX аср охири—XX аср бошларида нашр этилган «Начальная школа», «Учитель», «Журнал для воспитания», «Педагогический сборник», «Журнал Министерства народного образования» ва бошқа педагогик журналлар рус педагогларининг чет элдаги педагогик назариялар ва мактабнинг амалий иши тавсиф ва таҳлил қилинган мақолаларини, шунингдек, чет эл педагогларининг мақолалари, таржималарини босар эди. Рус авторларининг (*Н. Даденков, П. Капнист, П. Г. Мижуев, Л. Музиченко, М. А. Поспелов, Е. Янжул* ва бошқалар) айрим китоблари чет эл мактаби проблемаси ва педагогик назарияга бағишланган.

Профессор П. Капнист турли мамлакатлардаги мактабни қиёсий ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритиб, ёзган эди: «...бундай ўрганиш, бизнинг фикримизча, ўз олдида мактабнинг миллий хусусиятларини тарбия иши олдида мактабнинг бутун тараккий этган дунёнинг умумий бисоти бўлиб, ҳар қандай илмий мактабнинг — у қаерда мавжуд бўлишига қарамай — зарур асоси бўладиган нарсадан фарқлашнинг мақсад қилиб қўймоғи ва, иккинчидан, бошқа ўлкалардаги мактаб масаласини ўрганиш бизни бошқа мамлакатларнинг мактаби ўтган ва натижалари аллақачон маълум бўлган таъриба ва экспериментларни такрорлаш заруриятидан халос этмоғи лозим»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ушинский К. Д. О народности в общественном воспитании. Собр. соч., т. 1, М. — Л., 1948, 165-бет.

<sup>2</sup> Толстой Л. Н. О народном образовании. Пед. соч., М., 1953, 74-бет.

<sup>3</sup> Капнист П. Классицизм как необходимая основа гимназического образования. Вып. II. Исторический очерк развития среднего образования в Германии. М., 1900, стр. 4 — 5.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада миллий, сўнгра халқаро тадқиқот марказлари, «музейлар» ёки «институтлар» вужудга келиб, улар ўз мамлакатлари ва чет элдаги таълим ва тарбияга оид ахборот материаллари ва статистик маълумотларни тўплаб, ишлаб чиқадилар ва тарқатадилар. Булар Лондондаги Халқаро виставка (1851 й.), Вашингтондаги «Маориф хизмати» (1860 й.), Париждаги Педагогика музейи ва бошлапғич таълим бўйича марказий кутубхона (1879 й.) ва бошқалардир.

XIX асрнинг 70-йилларида Туркия ва Австро-Венгрия империяси составига кирган славян халқлари вакиллари бўлган педагогларнинг қиёсий-педагогик тадқиқотлари ўзига хос характерга эга эди. Бу педагоглар мактаб орқали славян халқларини бирлаштириш ва миллий озод қилишга ёрдам бермоқчи бўлдилар. 1871йили Загребда ўтказилган хорват, серблар, словак, чех, морав ва поляк ўқитувчилари съездида «Славян педагоги» номли педагогика тарихида биринчи халқаро педагогик журналга асос солинди (1872—1874). Унинг вазифаси славян халқларининг маданий алоқасини мустаҳкамлаш, уларни чет эл босқинчиларига қарши кураш учун бирлаштириш эди.

Журналда славян мамлакатларидаги маорифнинг ахволн ҳақида ўша халқлар тилида мақолалар босилди.

Бу босқич 1917 йилдан 1945 йилгача бўлган даврни қамраб олади. Россиядаги Улуғ Октябрь инқилоби, СССРда социализм қурилиши, капиталистик мамлакатларда коммунистик партияларнинг вужудга келиши ва синфий курашнинг кескинлашиши инсоният жамиятининг барча томпларига, шу жумладан тарбия системасига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Буржуа мамлакатларидаги тараккийпарвар кучлар мактабни демократлаштириш, меҳнатқашларнинг таълим олиш ҳуқуқини реал таъминлаш учун курашни авж олдириб юбордилар. Худди шу вақтда ҳукмрон синфлар таълимга ҳўжайинликни сақлашга интилдилар ва ўқувчи ёшлар орасида социализм ва коммунизм ғояларининг тарқалишига қарши барча чоралар билан кураш олиб бордилар.

Бу даврдаги қиёсий педагогика на фақат турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар ўртасидаги, балки капиталистик мамлакатлар ўртасидаги социал-иқтисодий ва сиёсий зиддиятларни ҳам акс эттирди. Маълумот билан экономика ўзаро таъсир этишини ҳисобга олиб, ка-



п и т а л и с т и к мамлакатларнинг педагоглари ўзга мамлакатларда мактабнинг ривожланишини тобора синчиклаб кузата бошладилар. Улардан кўплари киёсин педагогикани ўзларининг илмий фаолиятлари учун соҳа қилиб олдилар. *Исаак Л., Кэндл, Поль Монро, Вильям Рассел, Жорю С, Каунтс* ва б. (АҚШ); *Франц Хилькеп, Фридрих Шнейдер* (Германия), *Педро Росселло* (Швейцария) ва бошқа олимлар шулар жумласидандир.

Умумий таълимнинг ривожланиши, мажбурий таълим муддатларининг узайиши ва даражасининг ошиши, турли йўналиш, тип ва даражадаги мактабларнинг ривожланиши, таълим-тарбия методларини такомиллаштириш зарурияти Европа ва Америкадаги кўпгина капиталистик мамлакатлар учун бир қатор умумий проблемаларни илгари сурди.

Педагогик омилларни халқаро миқёсда тушунишнинг зарурилиги турли хил регионал ва халқаро илмий-тадқиқот ташкилотлари ташкил топишига олиб келди. Колумбия университетининг педагогик коллежи қошидаги халқаро институт (АҚШ, 1923 й.); 1925 йилдан бошлаб Берлиндаги таълим-тарбия Марказий институтининг чет эл педагогикаси ва мактаби бўлими ўзининг илмий-тадқиқот ва амалий фаолиятини активлаштирди; Миллатлар Лигаси ташаббуси билан Халқаро таълим бюроси — ХТБ (Женева, 1925 й.) ташкил этилди. Бюронинг мажбурияти ва ваколатига қуйидагилар кирди: махсус ишлаб чиқилган анкета ва саволлар ёрдамида ХТБ аъзоси бўлган мамлакатларда таълимнинг аҳволи ҳақидаги материалларни тўплаш; педагогик муассасалар ва жамиятлар ўртасида алоқа ўрнатишга кўмаклашиш; «тарбия-таълим бўйича халқаро йилнома» нашр этиш; ишларни чоп этиш; кепгаш ва семипарлар ўтказиш; айрим масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Қуйидаги вақтли нашрлар чиқарилди: Колумбия университетининг АҚШ «Маориф йилнома»си, 1934 йилгача немис, инглиз ва француз тилларида чоп этилган «Халқаро педагогик журнал» (Германия) ва бошқалар.

Европа ва Америкада илмий конференция ва семинарлар, турли мамлакатлардаги таълим системаси билан чуқурроқ танишиш мақсадида чет элларга бориш, халқаро учрашувлар ва чет эл мактабни ўргатишининг бошқа турлари кенг қўлланди,

Киёсий-педагогик тадқиқотиинг ўзига хос методлари белгиланган, уларнинг амалий вазифалари кенгайтирилди. **Киёсий** педагогика соҳасидаги ишлар анча чуқурлашди, мақсадга йўналиди: маориф иши мазкур мамлакатлар ҳаётининг маданий-тарбиявий ва социал-иқтисодий шароити ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади. Бу киёсий педагогика педагогиканинг мустақил соҳаси бўлиб ажралиб чиқди деб ҳисоблашга замин яратди.

20—30- йилларда киёсий педагогика назарияси масалаларига бағишланган бир қатор ишлар ҳам эълон қилинди. Масалап, профессор И. Кэндл «Киёсий педагогика соҳасидаги тадқиқотлар» («Бостон», 1933) ишида киёсий педагогиканинг ахамияти, предмети ва методларини қараб чиқади ва Англия, Франция, Германия, Италия, СССР ва АҚШдаги таълим системасини киёслаб тавсифлайди. Бу китоб таҳлили кўпчилик буржуа компаратистлари\* каби И. Кэндлга ҳам киёсий анализ учун илмий асосланган мезоннинг йўқлиги, турли идеалистик назарияларни тарғиб қилиш, Совет Иттифоқи ижтимоий тузумининг моҳиятини бузиб кўрсатишга интилиш ва СССРдаги маорифни душманларча баҳолашга хос эканлигини кўрсатади.

Буржуа педагогикасининг капиталистик мамлакатлар ҳукмрон синфларининг маориф ва мактаб сиёсатининг реакцион моҳиятини фаш этиб, В. И. Ленин тарбия ва таълимга демократик қарашлар тарихини тўғри ёритишнинг, педагогик воқеа-ҳодисаларни мамлакат тарихи, иқтисоди ва маданияти билан узвий боғлаб қарашнинг зарурилиги ва муҳимлигини таъкидлаган, ишчилар синфига педагогика амалиётидаги барча демократик илгор нарсаларни олишни маслаҳат берган эди<sup>1</sup>.

В. И. Лениннинг маслаҳати билан *П. К. Крупская* АҚШ, Германия, Австрия, Франция, Бельгия, Швейцариянинг педагогик адабиётини чуқур ўрганди. У эмиграцияда юрган вақтида мактаб ва Ошқа укув муассасаларига борди, ўқувчилар, ўқитувчилар, олимлар ва ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди ва танишиш давомида чет элдаги турли типдаги мактабларда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш тарзи ва йўналиши ҳақида хулосалар қилди. Надежда Константиновна «Халқ маорифи ва демократия» китобида (1915) жаҳон педа-

\* *Компаратист* (лотинча сўзга асосланган) — киёсий педагогика соҳасидаги тадқиқотчи.

<sup>1</sup> Қ а р.: В. И. Л е н и н. ТАТ. 30- том, 405- бет.

гогнк адабиётини илмий, м а р к е ч а ёрнтпшга асос солди. Маркс ва Энгельснинг ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш ҳақидаги таълимотини ёркин кўрсатиб бердн, буржуа педагогикасининг халққа қарши характерини илмий асослаб кескин танқид қилди. Педагогик лугат нашр этиш тўғрисидаги хатида Н. К. Крупская чет эл мактаби ва педагогикаси тажрибасини ўрганишга ва таҳлил қилишга марксча-ленинча ёпдаиш-ни ифодалаб бердн.

«Педагогик лугат»нинг мақсади,— деб ёзган эди у **1916** йили,—турли мамлакатлардаги халқ маорифи аҳволи кўринишини беришдир, унда шу мамлакатга энг хос, мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси билан, унинг тарихий ўтмиши билан узвий боғлиқ нарсалар берилмоги лозим. Бирор мамлакатнинг халқ маорифи аҳволи ҳақидаги хабар шу мамлакатда халқ маорифининг тараққиёт тарихи билан боғланмоги лозим. Бу тарих, ўз навбатида, педагогика соҳасидаги гоиларни ва у ёки бу мутафаккир ёки арбобнинг ролини тушуниш учун замин бўлмоги зарур»<sup>1</sup>.

Н. К. Крупскаянинг буржуа назарияларини марксистик нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилиш даркорлиги ҳақидаги кўрсатмалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ташаббуси билан бир группа совет олимлари чет элдаги педагогик практика ва назарияни ўргандилар; чет эл олимларининг назарий ва экспериментал педагогикага оид энг муҳим ишлари рус тилига ўгирилди, «чет эл педагогикаси бюллетени» чиқариб турилди.

Н. К- Крупская \Педагог-ма рксчилар жамятининг ташкилотчиси ва раиси эди. «Чет эл педагогикаси секцияси» иш планининг мазмуни тадқиқотлар, хусусан, Шимолий Америка, Фарб, Шарқдаги замонавий педагогик назарияларни ва капиталистик мамлакатлардаги методик тажрибалар, шунингдек бир қатор бошқа ишлар қиёсий характерда бўлганини яққрл кўрсатадн<sup>2</sup>. **1930—1931** йил планида болалар коммунистик ҳаракати, чет эл коммунистик партияларининг педагогик снётати, ҳозирги замой социал-демократияси (Германия, Австрия, Англия), Германия ва Францияда мактабни реформа қилиш учун кураш, сапоатни капиталистик раднопализациялаш муносабати билан ёшлар тарбияеп

<sup>1</sup> Крупская Н. К- Письмо издтелю, который взялся бы издавать «Педагогический словарь», Пед. соч. в 10-ти томах, т. 1.М., 1957, 353—354-бетлар.

<sup>2</sup> Қар.: ЦПА НМЛ. ф. 12. оп. 3. ед. хр. 37: лл: 954—957,

(Германия ва Америка) ва бошқа масалаларни ўрганиш кўзда тутилган.<sup>1</sup>. Шу сингари масалалар Н. К. Крупская мухаррирлик қилган «На путях к новой школе» журна-лида ҳам ёритнб турилди.

Н. К- Крупскаянинг чет эл педагогикаси ва мактаби ҳақидаги ишлари буржуа педагогикаси ва буржуа мактаби амалиётини анализ қилишга марксча-ленинча ёндаиш панауасидир. Н. К- Крупская синфий курашнинг ўқувчн ёшларга таълим-тарбия бериш мазмуни, уни ташкил этиш масалаларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқлигини, ишчплар сифининг буржуа мактабига муносабатини, революцион ишчилар ҳаракатининг мактабни демократик қайта тузиш учун курашини кўрса-тади.

Қиёсий педагогика тараққиётининг учинчи даври (XX аернинг **40-** йиллари охиридан ҳозирги давргача) хусусиятлари, бир томондан, халқаро сиёсий вазиятда юз берган муҳим ўзгаришлар билан, иккинчи томондан, фан ва техниканинг гуркураб ривожланиши билан белгиланади. Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларда халқ-демократик революциялари ғалаба қозониши, жаҳон социалистик системасининг юзага келиши ва мустаҳкамланиши, жаден мустамака системасининг емирилиши дунёдаги кучлар нисбатини тубдан ўзгартириб юборди ва капитализм ҳукмронлигини кескин чеклаб қўйди.

Социалистик мамлакатларда маорифнинг ривожланишида гавдаланаётган марксча-ленинча педагогик гоилар капиталистик мамлакатларда тараққийпарвар кучларнинг мактаб системасини демократлаштириш учун олиб бораётган курашига, шунингдек ривожланаётган ёш мамлакатларда халқ маорифининг ривожланиш йўллари белгилашга кучли таъсир кўрсатмоқда.

Империализм мафкурачилари марксча-ленинча педагогика ва социалистик мактабнинг оммага таъсирини сусайтиришга ва педагогик воқеа-ҳодисаларни ўзича талқин қилишга уриниб, бу мақсад йўлида буржуа қиёсий педагогикасининг айрим соҳаларидан фойдаланмоқдалар.

Фан-техника тараққиёти янада юқори малакага эга бўлган мутахассис кадрларни ва умумий маълумот да-

• Қар.: План работы Общества педагогов-марксистов на 1930—1931 г.—«На путях к новой школе», 1931, № 1, 6--7-бетлар.

ражасиний муттасил ошйрншнй талаб қилади. **Бироқ** капиталистик мамлакатларда таълимнинг ривожланнши ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кескинлашшига олиб келади. Капиталистик мамлакатларда ички қарама-қаршиликларнинг кескинлашиши буржуа педагогикасини таълим-тарбиянинг педагогика пазарияси ва амалиётида ўсиб келаётган ижтимоий қарама-қаршиликларни бўшаштириш ёки бартараф этишга ёрдам берадиган тарбия методлари ва усулларини излашга мажбур этадн.

Буржуа кнёсий педагогикаси ёш авлод ақлн учун кураш соҳаларидан бирн бўлиб қолади. Ундан бошқа мамлакатларнинг халқ маорифи ва маданият системасига таъсир этиш қуроли сифатида фойдаланилади.

Жаҳон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожланаётганлиги омилини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Халқаро кескинлик юмшаётган бир шароитда буржуа қиёсий педагогикаси мафкурачилари «гоялар ва одамларни алмашиш» эркинлиги ҳақидаги ўз қарашларини актив тарғиб қилмоқдалар, таълим соҳасида кенгайиб бораётган алоқалардан идеологик тажовуз мақсадларида фойдаланишга уринмоқдалар, ҳамкорликни кенгайтиришни «идеологик ён бериш», социалистик мамлакатларда буржуа мафкурасини бемалол тарғиб этишга йўл очиш талаби билан боғламоқдалар.

Юқорида кўрсатилган барча сабаблар мажмуаси қиёсий педагогиканинг кейинги 30 йил ичида тез суръат билан ривожланишини таъминлади. Илгари ташкил этилган марказлар, институтлар ва жамиятлар ўз фаолиятини кенгайтirdи, бир қатор янги халқаро ва миллий марказлар ва кўплаб илмий-тадқиқот муассасалари пайдо бўлди.

1945 йили Парижда таълим, фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (ЮНЕСКО) тузилиб, унинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлди: барча даражадаги таълимни ривожлантиришга, айнқса мактаб ва мактабдан ташқари таълимнинг ҳамма техник жиҳатларини яхшнлаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш; таълим, фан ва маданиятнн ривожлантириш программам ёрдамида аъзо мамлакатларга, даставвал ривожланаётган мамлакатларга уларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққйётини тезлаштиришга ёрдам бериш; табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги халқаро ҳамкорликни стимуллаш ва қувватлаш; маданий-оқартув мақсадига эга бўлган халқаро алмашувларни

рағбатлантириш; барча аъзо мамлакатларга маориф, фан ва маданият сбҳасидаги хужжатларни берувчи ахборот маркази бўлиб хизмат қилиш<sup>1</sup>.

ЮНЕСКО қиёсий педагогика соҳасидаги тадқиқотлар учун керакли материалларни тўплайди, жаҳон мамлакатларида маорифнинг ахволи ҳақида йилнома ва справочниклар нашр қилади, тарбия, таълим, шунингдек, қиёсий педагогика проблемалари бўйича халқаро конференциялар уюштиради. Қиёсий педагогика жамиятлари Бутун дунё совет ЮНЕСКО қошидаги маориф бўйича Халқаро бюро билан биргаликда квартал бюллетенини нашр этади (Женева).

Халқаро тавсифий ва статистик материални такомиллаштириш ва лозим даражада бир хиллаштириш юзасидан конкрет фаолият ва, шунингдек, ЮНЕСКО учун қиёсий педагогиканинг назарий проблемаларини ишлаб чиқиш билан маориф бўйича Халқаро бюро ва ЮНЕСКО — Гамбургдаги Педагогика институти (1951 йил ташкил этилган) шуғулланади. Институт уставиданунинг фаолияти қуйидагича белгиланган: ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси белгиланган асосий йўналишларга мувофиқ. кёнг халқаро камровли ўқув программасини тайёрлаш ва нашр этиш; турли мамлакатлар ўртасида педагогик тажриба алмашиш ва ўзаро тушунишни яхшилаш мақсадида ирограммани илгари силжитиш; ривожланаётган мамлакатларга ёрдам программасидан келиб чиқадиган асосий педагогик проблемаларни ўрганишда ЮНЕСКО Секретариатига ёрдам бериш; институтнинг халқаро миқёсдаги фаолиятида қатнашишга имкон бериш мақсадида ўз мамлақати педагоглари билан алоқани таъминлаш.

Институт «Inleпaлyпaл Кеyлeш o! ЕйисaНoп» журналинн нашр этади, бу журнал қиёсий педагогика назариясн соҳасида тадқиқот ишлари олиб боради, халқаро семинар ва конфереициялар ўтказади ва бошқа мамлакатларда уюштириладиган кенгаш ва симпозиумларда қатнашади. Масалан, институтнинг Лондон университетининг Педагогика институти билан биргаликда ўтказган иккинчи халқаро конференциясида, мактаб реформаларини планлаштириш инструменти сифатида, қиёсий педагогика, ҳозирги дунёда қиёсий педагогиканинг ва-

<sup>1</sup> Қар.: ЮНЕСКО нма? ЮНЕСКО — 1 ахборот-справочниги. М-аориф фан ва маданият бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан нашр этилган. Париж — Лозанна, 7—8- бетлар.

зифаларп, олнй мактабларда киёсий педагогика курени ўрганнш, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро тушунишни ривожланттиришда киёсий педагогиканинг роли еннгари масалалар муҳокама қилинди. Конференция тавсияларида қуйидагилар зарурлиги кўрсатилди: барча университетлар ва олий педагогика ўқув юртларида кафедра-лар очиш ёки киёсий педагогика куренини ўқиш учун махсус ходимлар ажратиш; маориф министрликларининг махсус референтларини, мактаб реформасини ишлаб чиқадиган мутахассисларни, шунингдек, халқаро педагогика ташкилотлари ходимларини киёсий-педагогик кузатишга ўқитиш; чет элга бориб киёсий педагогика проблемаларини ўрганиш учун нафақалар бериш; турли мамлакатлар киёсий педагогика вакиллари ўртасида алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш ва бошқалар.

Бир қатор бошқа халқаро ва миллий ташкилотлар, масалан, АҚШ киёсий педагогика жамияти (1956 й.) кабилар юзага келди, уларнинг мақсадн қуйидагилардан иборат эди: коллежлар ва университетларда киёсий педагогикани ўрганишга, киёсий педагогика юзасида илмий тадқиқотларнинг кенгайишига ва киёсий педагогикага оид энг янги ахборотларни тарқатишга имкон бериш; педагогик ходисаларни бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлаб ўрганиш ва баҳолаш мақсадида бошқа соҳалар олимлар билан ҳамкорлик қилиш; турли мамлакатлар киёсий педагогика вакиллари ҳамкорлигини кенгайтириш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, хужжатлар ва бошқа материаллар алмашиш, ЮНЕСКО, МБП ва шу сингарп халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш. Жамиятнинг бўлимлари бор, у йиллик конференция ва кенгашлар ўтказиши, монографиялар, тўпламлар ва «Киёсий педагогика обзори» («СотрагаПуе ЕдисаНоп Кеуле\у») журналинини нашр этади.

Лондонда Европа киёсий педагогика жамияти ташкил қилинган (1961 й.). Унинг вазифалари қуйидагича белгиланган: педагогикада киёсий методни ривожлантириш, киёсий педагогик тадқиқотлар олиб боришга рағбатлантириш, педагогика ўқув юртларида киёсий педагогика курси ўқитишни кенгайтириш ва яхшилаш, киёсий педагогика соҳасига дойр ишларни нашр этишга ёрдамлашиш, мутахассислар учрашуви ва конференцияларни уюштириш, бошқа мамлакатлардаги киёсий педагогика марказлари ва жамиятлари билан ҳамкорлик қилиш ва ҳоказо.

Киёсий педагогика проблемаларини ишлаб чиқиш билан қуйидагилар шуғулланади: Париж чеккасидаги Севр педагогик тадқиқотлар Халқаро маркази қошидаги француз тили зонаси киёсий педагогикаси ассоциацияси; Европа киёсий педагогика жамиятнинг ГФР, Англия ва Европадаги бошқа мамлакатлардаги секциялари; Испания, Бельгия, Канада, Австралия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги киёсий педагогика жамиятлари; Висбадендаги (ГФР) Педагогик марказ. У 1957 йили Хужжатлар ва ахборотлар хизмати номини олди; Франкфуртдаги (ГФР) Халқаро педагогик тадқиқотлар институти, Зальцбург шаҳридаги (Австрия) Киёсий педагогика институти; Кюсю (Япония) университети қошидаги киёсий педагогика, институти, Токиодаги педагогик тадқиқотлар Давлат институтининг киёсий педагогика бўлими; Хиросима университети қошидаги педагогик тадқиқотлар халқаро институти; Чикаго университети қошидаги киёсий педагогика институти; Колумбия, Кент, Гарвард, Иллиной ва бошқа (АҚШ), Гамбург, Марбург, Гейдельберг, Бохум ва бошқа (ГФР) университетларнинг киёсий педагогика кафедралари, бўлимлари ва лабораториялари.

«Песталоццианум» (Цюрих), «Маориф хизмати» («ОШсе о! Ейисаиоп») (Вашингтон) ўз ишини давом эттирмакда. «Маориф хизмати» 1962 йилдан бошлаб ўз состаида Чет эл таълим-тарбия бюросига эга бўлиб, бюрода бир қанча бўлимлар мавжуд (икки секция—киёсий педагогика ва халқаро педагогика хизмати секциялари бўлган чет эл педагогикаси бўлими).

Капиталистик мамлакатларда кейинги 30 йил мобайнида киёсий педагогика бўйича чоп этилган ишларни тадқиқот характериға кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: киёсий педагогика назарияси масалалари (предмета, вазифалари, тадқиқот методлари), маълум гуруҳдаги мамлакатлардаги таълим-тарбия системасининг тавсифи ва тахлили ёки айрим маориф проблемаларининг киёсий анализи. Биринчи гуруҳдаги ишларга қуйидагилар қиради: *Ф. Шнейдер*. Халқлар педагогикасининг даракатлантирувчи кучлари. Киёсий педагогикага кириш (Зальцбург, 1947); *Киёсий педагогика. Тарих, тадқиқот, таълим* (Гейдельберг, 1961); *И. Кэндел*. Маорифда янги эра—киёсий ўрганиш (АҚШ, 1955); *Я. Хэнс*. Киёсий педагогика (Лондон, 1955); *Ф. Хилькер*. Киёсий педагогика. Унинг тарихи, назарияси ва амалиётига кириш (Мюнхен, 1962); *Ф. Зайденфаден*. Педагогикада киёсий (Брауншвейг, 1966) ва бошқалар.

Кейинги йилларда таълим системалары ва таълим» тарбиянинг айрим проблемаларини қиёсий педагогик тадқиқ этишга хи'йла кўп эътибор берилмоқда.

Қиссий педагогика — педагогика фанининг махсус соҳаси сифатида Европадаги социалистик мамлакатларда тобора кенгроқ ривожланмоқда.

ГДРда 1957 йили Немис Марказий Педагогика институти қошида қиёсий педагогика бўлими ташкил қилинди. Кейинчалик у ГДР Педагогика фанлари академиясининг чет элда мактаб ва педагогика институтига айлантирилди.

Болгарияда Маориф мннистрлпги қошида мамлакатдаги турли педагогика олий ўқув юртларининг бир группа ўқитувчилари қиёсий педагогика проблемалари устида иш олиб бормоқдалар; ҳужжатлар маркази тузилган; София университетиде педагогика тарихи ва қиёсий педагогика сектори ишлаб турибди.

ЧССР Фанлар академияси қошида Педагогика жамияти тузилган бўлиб, унинг таркнбида умумий ва қиёсий педагогика сектори иш олиб боради. Братиславада қиёсий педагогика бўлими бор.

Болгария, ГДР, Венгрия, Польша, Руминия, ЧССР, Югославия илмий тадқиқот муассасалари, университетлари қиёсий-педагогик тадқиқотлар олиб боради.

Бир қатор ишлар эълон қилинган. Уларда қиёсий педагогика назарияси масалалари қараб чиқилади ва чет эллардаги таълим системалары ва таълим-тарбиянинг айрим проблемалари қиёсий анализ қилинади: Я. Чакиров. Қиёсий педагогика масалалари (София, 1969); Т. Я. Вилёх. Қиёсий педагогикага кириш (Варшава, 1970); Станчу Стопан. Қиёсий педагогика (Бухарест, 1960); коллектив яратган «Педагогика очерклари» номили уч жилдлик катга ишда (Б. Суходольский таҳрири остида. Варшава, 1965) «Қиёсий педагогика проблемалари ва вазибалари тўғрисида» бўлими берилган.

ГДР Педагогика фанлари академияси «Қиёсий педагогика» журналинини нашр этади. Журнал саҳифашарида социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда маорифнинг аҳволи ва ривожланиш тенденциялари хақида материаллар эълон қилинади, монополистик капитализм мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари илмий асосда танқид қилинади, капиталистик мамлакатлардаги ўқитиш ва тарбиялашнинг реакцией назария ва амалиёти фoш этилади, қиёсий педагогика тарихи ва назарияси масалалари муҳокама қилинади.

Польшада чиқариладиган «Педагогик квартал» жур-

пали қиёсний педагогикага опд кўплаб мақолаЛір и. мн қилади.

Социалистик мамлакатларнинг бир қатор университетлари ва педагогика олий ўқув юртларида қиёсий педагогика соҳасида диплом ишлари ва дпссертациялар сзнилмоқда, илмий кадрлар тайёрланмоқда.

СССРда чет эл ва қиёсий педагогика проблемалари илмий тадқиқот институтларп, олий ўқув юртларп илмий ходимлари, педагогика олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талабаларининг эътиборини жалб этмоқда.

Чет эл педагогикаси соҳасидаги тадқиқотлар СССР Педагогика фанлари академияси системасида Умумий педагогика пнетитутиинг ҳозирги замон чет эл педагогикаси ва мактаби бўлимида олиб бориладн. Бўлим илмий ходимлари капиталистик, социалистик ва ривожланаётган мамлакатларда мактаб ва педагогиканинг аҳволини ўрганеди. Бир қатор ишлар эълон қилинган, шу жумладан: З. А. Малькова. Ҳозирги АҚШ мактаби (1971); Б. Л. Вульфсон. Ҳозиргп Франция мактаби (1970); З. А. Малькова, Б. Л. Вульфсон. Капиталистик мамлакатларда замонавий мактаб ва педагогика (1975); В. П. Лапчинская. Ҳозирги Англиянинг ўрта умумий таълим мактаби (1977); Европа социалистик мамлакатлари мактаби. Урушдан кейинги ривожланиши ва замонавий проблемалари. М. Н. Кузьмин таҳрири остида (1976); С. А. Танган. Ривожланаётган мамлакатлар: таълим ва ЮНЕСКО (1973); С. А. Танган. Ривожланаётган мамлакатларнинг ҳозирги замон проблемалари (1975); А. Е. Ширинский. Ривожланаётган мамлакатларда таълим (1977); Капитализм мамлакатларида мактаб сиёсати ва мактаб, З. А. Малькова таҳрири остида (1976) ва бошқалар.

1966 йили В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси қошида қиёсий педагогика лабораторияси ташкил этилди. Унинг асосий тадқиқот проблемалари қуйидагилар: қиёсий педагогика тарихи ва назарияси ҳамда социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда мактаб ва педагогика тараққиётини қиёсий баҳолаш. Бу проблема юзасидан лаборатория бир қатор мақоалалар тўпламларини, хусусан- «Қиёсий педагогика масалалари» (1971, 1973, 1975, 1976) ва «Педагогикадаги буржуа оқимларини танқид» (1977) тўпламларини нашр этди, қиёсий педагогика бўйича махсус курс программасини, махсус семинар планлари ва уларга методик кўрсатмаларни ишлаб чикди.

## КИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА ПРЕДМЕТИ

Киёсий педагогиканинг ўзига хослиги марксча пушуннишда шундан нборатки, у hozирги босқичдаги тарбия ва таълимнинг педагогик назарияси ва амалётини умумий ижтимоий-иктисодий укладга эга бўлган мамлакатлар группасига хос конкрет тарихий, иктисодий ва ижтимоий-сиёсий шароит билан боғлаб ўрганган. Киёсий педагогика тарбия ва таълим жараёнининг янги қонунларини очмайди (бу билан умумий педагогика шуғулланади), бироқ педагогика фанлари орттирган илмий тажрибалардан фойдаланиб, мамлакатлар группаси асосида hozирги дунёда маориф тараққиётининг энг муҳим проблемаларини, қонуниятлари ва тенденцияларини ўрганган.

Шундан келиб чиқиб, марксча-ленинча киёсий педагогика предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: киёсий педагогика hozирги дунёда педагогик назариялар ва ўқув-тарбия амалиёти тараққиётининг умумий ва фарқли хусусиятларни ҳамда тенденцияларини ўрганган, уларнинг иктисодий, ижтимоий-сиёсий ва фалсафий асосларини, шунингдек миллий хусусиятларини очган.

Усиб келатган авлодларни ўқитиш ва тарбия бериш борасида тўпланган улкан амалий тажрибани умумлаштириш асосида киёсий педагогика социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги халқ маорифининг тараққиёт қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлайди ва шу билан таълим-тарбия назариясини мукамалроқ ишлаб чиқишга ёрдам беради.

В. Кинитц ва В. Менерт (ГДР) киёсий педагогика предметини қуйидагича таърифлайдилар: марксча киёсий педагогика муҳим, асосий сиёсий-маърифий ва педагогик ҳодисаларни ҳамда уларнинг қонуниятларини турли мамлакатларда конкрет-тарихий шароитда ва ўзаро алоқада тадқиқ этади. Н. Чакиров (Болгария), Сингуле (ЧССР) киёсий педагогиканинг тарбия ва таълим амалиётига таъсир кўрсатадиган омиллар, кучлар ва қонунларни очиқ, шу билан педагогиканинг асосий ҳодисаларини чуқурроқ билнишга, тарбия процессини яхлит ҳолда батафсилроқ тасаввур этиб, ватан маориф системасини яхшироқ тушунишга имкон беришини таъкидлайдилар.

П. Суходольский (Польша) таърифига кўра, киёсий педагогика маориф системаларини ҳамда турли мамлакатларда таълим-тарбия проблемаларини тушуниш ва халқ қилишдаги ўхшаш ва фарқли томонларни кўрсатиб

беради ва проблемаларнинг педагогик назариялар, тарбиялаш ва ўқитишнинг мазмуни, методларини, уни ташкил этиш сингари кенг доирадаги муаммоларни тадқиқ этади.

Буржуа киёсий педагогикаси вакиллари таълимнинг таърифларини, моҳият этиборини билан, уларнинг умумий нуктаи назарини акс эттириб, фақат тадқиқотлар йўналишига кўра фарқланади: ўзаро қиёсланаётган таълим системаларини ўртасидаги умумий хусусиятларини, ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиш — Д. Берей, И. Л. Кэндл (АҚШ), Ф. Маллинсон (Англия), Ф. Хилькер, И. Дербалов (ГФР) ва бошқалар; ижобий тажрибадан, ўз миллий таълим системасини такомиллаштириш мақсадида турли чет эл мактаб системаларини қиёсий баҳолаш — М. А. Жюльен (Франция), Ж. Седлер (Англия), Р. Кинг-Холл (АҚШ) ва бошқалар; таълим системаларининг ривожланишига таъсир қиладиган энг муҳим омилларни аниқлаш — Н. Хэнс (Англия), Ф. Шнейдер (ГФР) ва бошқалар; педагогик ҳодисалар структурасини қиёсий анализ қилиш йўли билан ҳақиқатни излаш ва топиш — Г. Рёрс (ГФР); алоҳида мамлакатлар ва мамлакатлар группаси бўйича таълим беришни планлаштириш ва башорат қилиш — Б. Холмс (Англия), П. Росселло (Швейцария), Ф. Эддингс (Гарбий Берлин) ва бошқалар. Бундай ёндашиш муқаррар равишда бир ёқлама, ноилмий характерда бўлиб, педагогик ҳодисаларни ихтиёрий талқин қилишга йўл очди.

## КИЁСИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Буржуа киёсий педагогикасида педагогик ҳодисаларни тадқиқ этишнинг ягона илмий асоси ва ягона илмий методи йўқ. Ҳодисалар ҳукмрон фалсафий ва педагогик назарияларга бинноан, хилма-хил фалсафий-педагогик концепциялар асосида тадқиқ этилади. Тадқиқотларда ягона асос ва ягона концепциянинг йўқлиги педагогик ҳодисаларни, тарбия ва таълимнинг мақсади ва моҳиятини бузиб таллий қилишга олиб келади. Эклектик ёндашиш педагогик ҳодисаларнинг объектив характери ва объектив қонуниятларини иқоблашга, уларни танланган фалсафий позицияга қараб ихтиёрий талқин этишга имкон беради.

Педагогик ҳодисаларни марксча-ленинча фалсафа позициясида турлибгина объектив таҳлил қилиш мумкин. Марксча киёсий педагогиканинг методологик асоси эса марксча-ленинча фалсафадир. Марксча-ленин-

ча қиёсий педагогика диалектик ва тарихий материализмнинг қонунлари ва асосий қридаларига амал қиладди. Диалектик ва тарихий материализм педагогиканн объектив дунёни билишнинг ягона тўғри, илмий методи билан қуроллантиради. Қиёсий педагогика ўрганадиган педагогик категория ва қонуниятлар ижтимоий ҳаётнинг объектив ходисалари бўлиб, уларни ажратиб, ижтимоий ҳаётнинг бошқа ходисалари билан алоқаси ва ўзаро ҳамкорлигидан ташқарида олиб қараш мумкин эмас.

Маълум бир халқ маорифи системасини илмий асосда анализ қилиш учун системанинг юзага келиши, таракқиёти ва бугунги ахволини мазкур мамлакатнинг тарихий ва миллий хусусияти, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми, маданият даражаси ва умумий характери; фан-техникасининг таракқиёти, миллий анъаналари ва бошқа ижтимоий категориялар билан боғлаб ва ўзаро ҳамкорликда олиб қараш даркор. Педагогик-ходисаларни барча алоқалар комплексида тадқиқ этишгина педагогик системанинг объектив ҳақиқий кўринишини очиқ бериши мумкин.

Маориф таракқиётининг педагогик проблемалари, қонуниятлари ва тенденциялари уларнинг бошқа педагогик категориялар билан алоқаси ва ҳамкорлигида ҳам тадқиқ этилади. Қиёсий педагогика ижтимоий ҳаёт ходисалари аста-секин ривожланиб бориши ҳақидаги диалектик қонунга риоя қилиб, қандайдир педагогик объектни турғун ҳолатда ўрганиш билан чекланиб қрлмасдан, балки жараён динамикасини ҳисобга олади, проблеманинг пайдо бўлиш ва шаклланиш жараёнини қараб чиқади, унинг ҳозирги ахволини қайд этади ва турли мамлакатлар педагогик системаларидаги кўплаб ўхшаш ходисаларни таҳлил этиш асосида бундан кейинги ривожланиш тенденцияларини аниқлайди.

Социалистик ва буржуа идеологиялари ўртасида кескин қураш бораётган ҳозирги дунёда қиёсий педагогикада қарама-қаршиликлар қураши йўли билан ривожланишнинг диалектик қонуни айниқса ёркин намоён бўлмоқда. Ижтимоий таракқиётнинг объектив жараёни социализм ғоялари тарқалиб, буржуа идеологияси билан шиддатли қурашда албатта ғалаба қилаётганини қатъий кўрсатмоқда. Марксча-ленинча педагогика ғоялари капиталистик мамлакатлар меҳнатқашларини ўрта ва олий мактабни халқчиллаштириш ва ҳамма қира оладиган қилиш учун қурашга даъват этади. Буржуа давлатлари бу ҳаракатга қаршилик кўрсатиб ҳукмрон синфларнинг таълимга хўжайинлигини саклаб қолишга уриниб, че\*

қинишга, мактаб сиёсатида хийла ишлатишга, мактабни қисман реформа қилишга мажбур. Ҳозирги мактаб қонуниятларининг қиёсий таҳлили меҳнатқашлар коммунистик ва ишчи-партиялари раҳбарлигида кейинги йилларда таълим олиш ҳуқуқини қенгайтириш борасида маълум ютуқларга эришганликларини кўрсатади.

Қиёсий педагогика бир қатор ижтимоий фанлар: фалсафа, тарих, иқдисод, сиёсат, социология, демография, этнография, антропология ва бошқалар билан боғлиқ. Педагогик ходисаларни қиёсий таҳлил қилпшда бу ижтимоий фанларнинг илмий концепциялари ва методларидан фойдаланиш муқаррар: фақат шундай ҳолдагина педагогик ходисалар моҳиятига диалектик равишда қириш ва уларнинг таракқиёт қонуниятларини аниқлаш мумкпп.

Буржуа қиёсий педагогикасининг кўпчилик вакиллари қиёсий педагогиканинг ижтимоий фанлар комплекси билан эмас, балки улардан бири билап алоқасини олдинги планга суриб, уни ҳал қилувчи деб ҳисоблайдилар, айрим компаратистлар тарбия муассасаларн фаолиятининг ва педагогика назарияси ривожининг асосини ўтмишдан излайдилар ва бунда баъзи олимлар (И. Л. Қэндл, Н. Хэнс, Р. Улих, Ф. Шнейдер ва бошқалар) тарихга, яна айримларн (Ц. А. Андерсен, Д. Ф. Берей, А. М. Казамиас, Г. Д. Ляндшеер ва бошқалар) социологияга таянадилар, учинчи бир хиллари (Э. Лаурайс ва бошқалар) педагогик ходисаларни қиёсий таҳлил қилишда фалсафанинг асосий қоидаларига, тўртинчи гуруҳ олимлар эса (Ф. Эддинг ва бошқалар) иқтисод категорияларига асосланиш лозим деб ҳисоблайдилар. Бундай ёндашиш муқаррар равишда бир ёқлама, ноилмий бўладн.

Қиёсий педагогика — педагогика тарихи ва назарияси билан узвий боғланган. Умумий педагогика, педагогика тарихи ва бошқа педагогика фанлари маълум бир вазиятда қиёсий тадқиқот методидан фойдаланади. Қиёсий педагогиканинг ўзига хослиги шундан иборатки, унинг асосий тадқиқот методи қиёслаш методидир; қиёсий педагогика ўрганадиган предмет ҳозирги дунёдаги тарбия ва таълим назарияси ва амалиётининг ахволи, ривожланиш қонуниятлари ва тенденцияларининг умумий ва фарқли хусусиятларини қиёсий ўрганишдир.

Марксча қиёсий педагогика ҳозирги даврдаги умум-педагогик проблемаларни мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий группаси бўйича ўрганади, бунда педагогика тарихи тўплаган улкан факт ва назарий материалга тая-

нади; педагогик ходисаларни киёсий-тарихий метод ёрдамида анализ қилади; буржуа мактаби ва педагогикасининг асосли танқидини беради; илғор педагогик ходисаларни саралайди ва таҳлил қилади, бинобарин, умумий педагогиканинг бир соҳасини ташкил қилади.

### КИЁСИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Капиталистик дунёда киёсий педагогик тадқиқотларнинг вазифалари ва йўналиши жамиятдаги ҳукмрон синфларнинг манфаати билан белгиланади. Ҳозирги замон буржуа киёсий педагогикаси хилма-хил жамиятлари ва марказларининг амалий фаолияти ҳам жамият тараққиётининг объектив талаблари, ҳам ҳукмрон синфларнинг ташқи ва ички сиёсати томонидан шартланиб қўйилган.

Ҳозирги замон ишлаб чиқариш, фан-техника, ишчилар синфи ва илғор кучларнинг мактабни демократлаштириш учун кураши буржуа киёсий педагогикаси олдинга ушбу вазифаларни қўяди: халқлар маданий ҳамкорлигини кенгайтириш ва ўз миллий маориф системаларини такомиллаштириш имкониятларидан фойдаланиш; ўз мамлакатда халқ маорифини планлаштириш ва олдиндан белгилашни такомиллаштириш мақсадида ҳозирги дунёдаги педагогик ходисаларни ўрганш ва уларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш.

Европа киёсий педагогика жамиятининг президент Бр. Холмс киёсий педагогиканинг ҳозирги даврдаги вазифасини қуйидагича ифодалайди: ҳукуматларга таъинланган мактаб сиёсатини мослаштириш ва ҳаётийлаштириш йўллари белгилашда маслаҳат бериш, ўзини оқламаслиги мумкин бўлган қарорлар қабул қилинмаслигига ёрдам бериш, яъни қўйилган мақсадларга энг қулай воситалар билан эришишда кўмаклашиш; қабул қилинган қарорлар натижаларига таъсир кўрсатадиган шартшароитлар (қимматлар системаси ва халқнинг ҳаёт тарзи мавжуд институтлар, мамлакатнинг миллий ресурслари)ни мумкин қадар кўзда тутиш; танланган сиёсатнинг оқибатларини ва сиёсатни амалга ошириш йўлларининг тўғрилигини олдиндан кўра билиш- Шунинг учун ҳукуматлар киёсий педагогика бўйича мутахассисларга жуда катта эҳтиёж сезади, деб ҳисоблайди. Бр. Холмс, Киёсий педагогик тадқиқотларнинг бу проблема ва вазифалари 1977 йили июнда Лондонда бўлиб ўтган киёсий педагогика бўйича Бутунжаҳон конгрессида муҳрама қилинди.

Буржуа давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати киёсий педагогикага қуйидаги вазифаларни юклайди: ривожланаётган мамлакатларга маданият ва маориф соҳасида «ёрдам» бериш; ёшлар онгини давлат-монополистик капитализми идеологияси руҳида шакллантириш; социалистик мамлакатлар мактаби ва педагогикасини бузиб кўрсатиш.

Буржуа киёсий педагогикаси мутахассислари ривожланаётган мамлакатларга кўрсатилаётган хилма-хил «ёрдам»ларда актив иштирок этадилар. Уларнинг «ёрдам»идан империалистик доиралар томонидан ёш миллий давлатлар маорифига таъсирни кучайтириш мақсадида фойдаланилади. Хусусан: маориф тараққиёти тип планлаштириш ва таълим системаларини моделлаштиришда, тузилиш ва ўқитиш мазмуни «ёрдам» бераётган капиталистик мамлакатдагига ўхшаган умумтаълим ва ҳунар-техника мактаблари очиб, ривожланаётган мамлакатлар учун собиқ метрополилар мавқеини сақлаш мақсадида консультантлар, олий ўқув юртлари учун ўқитувчилар тайёрлаш; ўрта ва олий мактаблар, ҳунар-техника ўргатиладиган марказлар ва илмий тадқиқот институтлари учун китоблар, ўқув қўллаималари ва жпхозлар танлаш ва ишлаб чиқиш; чет эл студентларини алмаштириш ва ўқитишни ташкил этиш.

Капиталистик мамлакатлар ҳукуматлари, савдо ширкатлари, диний ташкилотлар ва хусусий фондлар «Форд фонди», «Рокфеллер фонди», «Осиё фонди» ва бошқалар ривожланаётган мамлакатлар ёшлари ақлига таъсир қилиш мақсадида бундай ёрдамлар учун махсус маблағ ажратадилар. ЦРУ (Марказий разведка бошқармаси) бу фонддан кенг фойдаланиб, кўпорувчилик ишлари ҳамда мафкуравий тажовузларни «Осиё фонди», «Усмир»лар ва студентлар ишлари фонди, Ёшларнинг бутун дунё ассамблеяси ва АҚШ Миллий студентлар ассоциацияси ва бошқалар маблағи билан таъминлайди.

Киёсий педагогика марказларининг АҚШда «Тинчлик корпуси», ГФРда «Немис тараққиёт хизмати», «Дания ёшларининг ривожланаётган мамлакатлардаги иши», «Скандинавия тинчлик корпуси», «Денгиз орти мамлакатларида Нидерландия хизмати», Японияда «Тинчлик корпуси» ва бошқалар учун аъзолар тайёрлаш қабл фаолиятларини ҳам кўрсатиш лозим.

Буржуа киёсий педагогикаси вазифалари орасида муҳим ўринлардан бирини социалистик мамлакатлар мактаби ва педагогикасининг аҳволи ҳақида бузғунчи аҳборот бериш ва антикоммунизм тарғиботи эгаллайди.



«Коммунизм муаммоларп», «рус институтлари»ни ўрганиш «марказлари» сонининг ошнши, «совет мактаби ва педагогикаси мутахасислари» учун иш ўринларининг кенгайиши, қиёсий педагогика доирасида «остпедагогика» (ГФР) каби тадқиқот соҳасининг юзага келиши ва ривожланиш шундан далолат беради. Тарбия ва таълим соҳасидаги мафкуравий кўпуровчиликлар империалистик давлатлар сиёсатининг тарқибий қисмидир. Гарбий германиялик профессор Ф Шпейдер қиёсий педагогика мавжудлигининг бутун маъноси «унинг материализм билан курашидадир», дейди. Америка педагоги Ф. Грубер унинг фикрипи қувватлайди: «Қоипотда ҳукмронлик учун мусобақа билан бпр вақтда кишилар ақли учун жанг бормоқда. Коммунизм ва озод дунё ўртасидаги мафкуравий кураш эндиликда синф хоналарида, мактабда бормоқда. Чунки таълим инсон ўз душманларини енгиш ва ўз ҳаёт тарзини абадийлаштираш учун кашф этган энг қудратли қуроллардаи бнридр».

Буржуа қиёсий педагогикасининг социалистик мамлакатлардаги марксча-ленинча педагогика ва ўқитиш амалиётига қарши фаолияти социалистик мамлакатларнинг тарихи, сиёсати, иқтисоди ва маданиятини сиёсий тарбия системасида «ўрганиш»га дойр тавсиялар, топшириқлар, методик кўрсатмалар, ўқув-кўргазмали қўлланмалар, адабиёт рўйхатн ва бошқа материалларни ишлаб чиқишда паноён бўлмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон синфларн қуйидагиларни сиёсий тарбиянинг асосий вазифалари деб ҳисоблайдилар: буржуа «демократияси»ни мустаҳкамлаш ва «коммунизмнинг до'имий хавфини мамлакат ичида ва ундан ташқарида руҳан қайтариш», «советологлар», «кремлеологлар» ва улар сингари «мутахассис» кадрларни тайёрлаш; социалистик мамлакатлар мактаби ва педагогикасининг асосий қондаларини сохталаштираш, социалистик мамлакатларнинг маданият ва маориф соҳасидаги ютуқларн бутун дунёда уйғотган акс садони сусайтириш мақсадида уларнинг, даставвал Совет Иттифоқининг мактаби ва педагогикасипи ўрганиш-

Марксча-ленинча қиёсий педагогиканиннг вазифалари буржуа қиёсий педагогикасининг вазифаларига тамоман қарама-қарши. Бу вазифаларга қуйидагилар қиради: ҳозирги замонда тарбия ва таълим назарияси ва амалиётига таъсир кўрсатадиган омилларни ўрганиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми бир хил бўлган мамлакатлар мактаби ва педагогикасига таъсири натижаларини қиёслаб таҳлил этиш; умуман, бутун дунёда

ва мамлакатлар гуруҳп — социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда маориф тараққиётининг энг актуал ва умумий муаммолари ва тенденцияларини аниқлаш; чет эл, даставвал социалистик мамлакатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги буржуа идеологиясини, буржуа қиёсий педагогикасининг реакцией нуктаи назарини, замонавий буржуа педагогикаси назариясининг капиталистик мамлакатларда педагогика ва мактабнинг тараққиётига таъсир кўрсатадиган конкрет ғоя ва формаларни асосли танқид қилиш.

Чет элда марксча-ленинча педагогиканиннг тараққиёти ва социалистик мамлакатларда янги мактаб қуриш борасида орттирилган катта тажриба алоҳида эътиборга сазовор. Социалистик мамлакатлар мактаби ва педагогик назариясининг ривожланиш тажрибаларини умумлаштириш, ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия беришнинг энг муҳим муаммоларини биргаликда тадқиқ этиш ва муҳокама қилишни уюштириш социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга, тарбиялаш ва таълим бериш назарияси ва амалиётини такомиллаштиришга, империализмнинг педагогик фронтдаги мафкуравий кўпуровчилигига қарши курашишга, ёшларда коммунистик эътиқодни, ғоявий метинликни, душман идеологияга, буржуа таъсирининг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизликни шакллантиришга ёрдам беради.

## ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКАНИНГ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Қиёсий педагогика, педагогика ва бошқа ёндош фанларда қўлланадиган тадқиқот методларидан фойдаланади.

Буржуа қиёсий педагогикасида тадқиқот методлари ва педагогик ҳодисаларни талқин этишга ёндашиш ягона илмий асосга эга эмас, улар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт қонуниятларининг объективлигини ва, демак, халқ маорифи системасининг, таълим-тарбия назарияси ва амалиётининг тараққиётини анализдан тушириб қолдириш мақсадипи кўзлайдилар. Кўпчилик буржуа компаративчиларида қандайдир бир метод (тарихий, статистик, антропологик, социологик, қиёсий ва б.) ёки тадқиқ этилётган педагогик объектнинг бир томонини анализ қилиш биринчи планга чиқади. Буржуа қиёсий педагогикаси вакилларининг кўпчилиги (Г. Ноа ва М. Экстайн,

АҚШ) олдимги планга миқдорий таҳлил методини қўяди. Миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида буржуа идеологари тадқиқот доирасидан таълим-тарбия мазмуни маеалаларини, дунёқараш муаммолари ва тарихий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олмай туриб, кўрсаткичларни таққослаш йўли билан социалистик ва ривожланаётган мамлакатларда маорифнинг а.хволппп никоблаб, сохталаштиришга уринадилар.

Буржуа қиёсий педагогикасидан фарқли ўларок, марксча қиёсий педагогиканинг тадқиқот методлар ва педагогик объектларни талқин қилиш барча ижтимоий ходисаларни ўрганишга умумий ёндашиш жиҳатдан ич-ичидан бириккан бўлиб, диалектик ва тарихий материализмнинг энг муҳим концепцияларига асосланган.

Марксча-ленинча қиёсий педагогика қуйидаги тадқиқот методларини қўллайди: тавсифлаш, статистик, тарихий, социологик, индуктив-дедуктив, қиёслаш ва б. Тадқиқот жараёнида бу методлар бир-бирига ўзаро таъсир қилиб, чатишиб кетади. Фақат таҳлил қулай бўлснн учунгина улар ажратилади.

*Тавсифлаш.* методи бир қатор мамлакатлардаги кейинги таҳлил, қиёслаш ва хулосалар чиқариш учун зарур ахборотни жамлашга имкон берадиган хилма-хил педагогик ходисаларнинг ташки белгиларини тавсифлашда қўлланади. Бу метод ниҳоятда аниқлик ва объективликни талаб этади. Тавсифлаш методи халқ маорифни бошқариш ва маблаг билан таъминлаш, ўқув-тарбия муассасаларининг типи ва структураси, турли тип ва даражадаги ўқув юрларининг ўқув плани ва программалари, ўқитувчилар тайёрлаш ва уларнинг моддий аҳволи, мактабдан ташқари тарбия системаси, болалар ва ёшлар ташкилотлари фаолияти ва бошқаларни анализ қилишда қўлланади.

*Статистик* метод тавсифлаш методи билан узвий боғланган. У статистик ахборот бериш билан чекланмайди, балки маориф системасига ва қуйидаги каби педагогик ходисаларга дахлдор рақамлар ва маълумотларни таҳлил, талқин қилиш ва баҳрлашни кўзда тутаяди: саводспзлик процента; таълим даражаси бўйича ўқув юрлари сони; ўқувчилар сони ҳамда тегишли ёшдаги болалар ва ёшларнинг ўқишга жалб этилиши; ўқитиш босқичлари бўйича ўқувчиларнинг қолиб бориши; синфларнинг ўртача тўлиқлиги; ўқувчиларнинг ижтимоий состави; давлат ва шахсий ўқув юрлари ва улардаги ўқувчилар сонининг нисбати; мактаб ёшидаги болаларнинг мактабдан ташқари ташкилотларга жалб этилиш ва бошқалар-

Тадқиқотнинг *тарихий* методи қиёсий педагогикада деярли барча педагогик кодисаларга нисбатан қўлланиши мумкин: миллий маориф системасининг пайдо бўлиши ва шаклланиш, маориф ва маданиятнинг ривожланишидаги асосий аъаналар, халқ маорифи силсиласининг тузилиши ва унинг маълум тарихий даврда ўзгариши, мамлакатда давлатнинг мактаб сиёсати, мактаб ва диннинг ўзаро муносабатига характеристика, маориф тараққиётндаги традициялар, энг муҳим проблемалар ва тенденцияларни аниқлаш, педагогик гоаялар, назариялар ва маорифнинг айрим муаммоларини тадқиқ этиш ва хоказо. Ҳар қандай педагогик муаммога оид хулосалар унинг генезиси ва тараққиёт хусусиятларининг таҳлилга асослангандагина илмий характер олиши мумкин. Тарихий метод таҳлил қилинаётган педагогик ходисанинг ҳозирги ҳолатини анча чуқур тушунишга ёрдам беради.

*Социологик* метод тадқиқотнинг бошқа методлари билан узвий боғлиқ. У халқ маорифи системаларининг ижтимоий характерини баҳолашни, тарбия ва таълим мақсадлари ва вазифаларини, мазмуни ва методларини жамиятнинг синфий структураси нуктаи назаридан анализ қилиш, мактаб ташкил этилишининг иқтисодий ва сиёсий эҳтиёжларга мослигини баҳолаш ва бошқаларни назарда тутаяди.

*Аналитик* методларга анализ, синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш, индукция, дедукция каби мантикий методлар қиради. Қиёсий педагогикада анализ, синтез ва умумлаштиришдек мантикий жараёнлар кўпроқ аҳамиятга эга. Барча педагогик ходисаларни тадқиқ этишда тарихий, тавсифий, статистик ва социологик методлар ёрдамида ва улар асосида анализ ва синтезнинг қўлланиши умумий баҳо бериш ва қиёсий таҳлил учун зарур бўлган умумлашмалар чиқаришга имкон беради. Хусусан: тараққиёт даражаси тахминан бир хил бўлган мамлакатлар группасидаги халқ маорифи системасининг асосий хусусиятларини сиёсий ва ижтимоий-сиёсий баҳолаш, педагогик назарияларга ижтимоий-сиёсий характеристика бериш ва уларнинг тарбия ва таълим системасига таъсирини баҳолаш; халқ маорифи системаси тузилишига асос бўладиган умумий принципларни белгилаш; таълимнинг мазмуни ва унинг фан-техника тараққиётининг замонавий даражаси талабларига мослигини умумий баҳолаш, тарбия ва таълимнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қайтарзда йўналганлигини ва давлат мактаб сиёсатини ана-

лиз қилиш; мамлакатлар группасида маориф тараққиётининг асосий тенденцияларини аниқлаш ва ҳоказо.

Маркса-ленинча фалсафа, социология ва сиёсий икти-сод тадқиқотчига педагогик назариялар ва амалиётни, алоҳида мамлакатлар ва мамлакатлар группасидаги халқ маорифи системаси тараққиётининг принциплари ва тенденцияларини тўғри баҳолашга ёрдам беради.

К. Макс ва Ф. Энгельс «Немис идеологияси» асарида қиёслаш методига жуда юксак баҳр бериб, қиёсий фанлар билан таниш бўлишнинг зарурлигини уқтирадилар. Уларнинг фикрига кўра «қиёсий фанлар қиёслаш ва так-косланаётган объектлар соҳасидаги фарқларни аниқлаш туфайлпгина катта ютуқларга эришдилар, бу фанларда қиёслаш худди қиёсий анатомия, ботаника, тил-шунослик ва бошқа фанлардагидек умумий аҳамиятли характер касб этади»<sup>1</sup>.

Қиёсланаётган маълумотларни таққослаш, турли иж-тимой тузумга эга бўлган мамлакатлардаги педагогик ходисаларни қарама-қарши қўйиш ва қиёсий метод ёр-дамида халқ маорифи системасининг ижтимоий-икти-содий тузум белгиланган тузилиш принциплари, алоҳида мамлакатлар ҳамда мамлакатлар группасида маориф тараққиётининг умумий қонуниятлари, тенденциялари ва миллий хусусиятлари аниқланади.

Мактаб ва маорифнинг аҳволи ҳақидаги миқдор ва сифат маълумотларини қиёслаш ва солиштириш учун умумий сурат (знаменатель)—қиёслаш кўрсаткичлари бўлиши керак. Бунда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қиёслаш ва солиштиришда қуйидагилар ҳисобга олина-ди: ижтимоий-иктисодий тузум, тарбия ва таълим соҳа-сидаги тарихий анъаналар, мамлакат фан-техникаси ва маданиятининг ривожланиш даражаси, педагогик назариялар ва уларнинг таълим-тарбия амалиётида акс эти-ши. Қиёслаш методи кўпинча педагогикада кенг қўлла-надиган эксперимент ўрнида фойдаланилади.

Тадқиқот методлари таҳлил этилаётган материал-нинг вазифаси ва мазмунига боғлиқ бўлиб, ҳамкорликда қўлланиши мумкин ва шарт. Педагогик ходисалар, муам-молар, метод ва кўрсаткичлар классификацияси эса шартли, ҳали етарли мукамал эмас ва янада ишлаб чи-қишни талаб қилади.

<sup>1</sup> Маркс К. и Энгельс Ф. *Немецкая идеология*. — Маркс К. и Энгельс Ф. Соч. т. 3. 443-бет.

## ҚИЁСИЙ ПЕДАГОГИКА ҲУҚУВ ПРЕДМЕТИ СИФАТИДА

Қиёсий педагогика олий педагогика ҳуқуви юртлири ва университетлар системасида ҳуқуви предмети сифатида ўз тарихига эга. Капиталистик мамлакатларда қиё-сий педагогика курсига қизиқ.ишнинг ошиши айниқса дунёда ягона социалистик мамлакат юзага келиш дав-рида — Улуғ Октябрь социалистик инқилобидан сўнг ва жаҳон социалистик системаси вужудга келган йиллар-да— Иккинчи жаҳон урушидан кейин яққол кўзга таш-ланди. Бу даврда сиёсий вазият, империализм идеолог-ларининг фикрича, капиталистик жамиятдан мавжуд капиталистик тузумни мустақкамлаши ва антисоветизм сиёсатини активлаштириши мумкин бўлган барча *иаъ-*навий кучларни зўр бериб ишга солишни тақозо этди. Бундай шароитда қиёсий-педагогик тадқиқотлар ва қиё-сий педагогика ҳуқуви курси социал заказ олди: «Ғарбий Европа маданиятлари»ни интеграциялашга, «маданий бирликни ошириш мақсаднда Европадаги турли миллат-лар мактаблари ва халқ. маорифи системасининг ташки ва ички тузилишини бир хиллаштириш»га (Ф. Шнейдер, ГФР) ва коммунизмга қарши курашни кучайтиришга кўмаклашиши лозим эди. В. Брикман (АҚШ) «Педаго-гика тарихи ва қиёсий педагогика бўйича умумий курс-ларга Шарк ва Ғарб ўртасидаги ўзаро муносабатга ҳа-волаларни кўпроқ киритиш лозим», деб бежиз ёзмаган эди-

Бир қатор мамлакатларда (Бельгия, Англия, Япо-ния, Швеция, АҚШ, ГФР ва бошқалар) қиёсий педаго-гикага ҳуқуви предмети сифатида илмий ходимлар, педа-гогика ўқитувчилари ва бўлғуси ўқитувчиларни ўз мам-лакатаида ва, айниқса чет элда ишлашга педагогик тай-ёрлашнинг маҳсус ва зарур қисми деб қаралади. Курс-нинг ҳажми, мазмуни ва ташкилий-методик формалари ҳар бир мамлакат ва ҳар бир ҳуқуви юртида ўта ҳар хил (10 дан 100 ҳуқуви соатигача), бироқ кўпчилик ҳолларда 30—40 соат лекциядан ва мамлакатлар гуруҳида таъ-лимнинг аҳволи батафсил ўрганиладиган семинар маш-ғулоти, мувоҳаса, чет элга саёҳат, танланган мавзу ус-тида мустақил ишлаш ва якунида доклад ёки ёзма им-тихрдан иборатдир.

Баъзан қиёсий педагогика муаммолари ёки «Қиёсий педагогика масалаларининг қўйилишига кириш» бўлими педагогика, педагогика тарихи, таълим фалсафаси, таъ-лимнинг қиёсий социологияси ва бошқа ҳуқуви предметла-ри мазмунига киритилади. Бир к<sup>а</sup>т<sup>о</sup>Р университет ва

олий педагогика мактабларида пропедевтика курси ўрганилади. Бу курснинг мақсади студентларни қиёсий педагогиканинг предмети, вазифалари ва тадқиқот методлари билан, шунингдек, бошқа мамлакатларда мактаб ва педагогиканинг айрим муаммоларининг ҳал қилиниши билан таништиради. Чет элдаги мактаб ва педагогиканинг проблемалари махсус курсда чуқурроқ ўрганилади.

Мутахассис кадрларни тайёрлаш, қиёсий педагогика курсини ўрганиш самарадорлигини ошириш, қиёсий педагогиканинг назарий асосларини, ўқув'програм'доаларини, дарсликлар ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш мақсадида кўпгина университетларда, хусусан АҚШнинг бир қатор университетларида, Лондон (1977 й.), Гамбург (1950 й.), Хиросима (1963 й.), Киото (1965 й.)\ Токио (1967 й) ва бошқаларда махсус қиёсий педагогика кафедраси ташкил қилинди.

Кейинги йилларда чет эл маориф системасини кенг миқёсда олиб қараш аста-секин айрим проблемаларни муфассал ўрганиш билан алмашмоқда. Тема танлашда аввало унинг ижтимоий ақтуаллиги ва ўрганилаётган мамлакат ҳукмрон доираларининг мактаб сиёсатини яхшироқ тушуниш учун аҳамияти ҳал қилувчи, асосий омил бўлмоқда-

Капиталистик мамлакатлар қиёсий педагогикасининг айрим вакиллари ўқув курсига иқтисод ва маориф социологияси соҳасига оид кўплаб темаларни, шунингдек, мактаб сиёсати проблемаларини киритадилар. Улардан ошқора антикоммунистик мақсадларда фойдаланилади. Бу айниқса АҚШ ва ГФРда кенг қўламда қўлланади. АҚШда бу барча типдаги мактабларга ўқитувчилар тайёрлайдиган муассасалар учун мажбурийдир.

Кўпгина мамлакатлар олий ўқув юр்தларининг қиёсий педагогика курслари программасини таққислаб, уларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган проблемаларни кўрсатиш мумкин: қиёсий педагогика предмети, тараққиёт тарихи, вазифалари ва тадқиқот методлари; бир мамлакат ёки мамлакатлар группасидаги маориф системаси; таълим-тарбиянинг айрим муаммолари; миллий педагогик системага таъсир қиладиган ижтимоий-иқтисодий кучлар; чет эл маориф системаларини ва уларни ўз мамлакатининг маориф системаси билан қиёслаш, халқ маорифини бошқариш системаси, мактаб реформалари, таълим методлари, ўқитувчилар тайёрлаш, шунингдек, ЮНЕСКО ва -бошқа халқаро ташкилотларнинг педагогика ва маориф соҳасидаги фаолияти ва бошқалар.

Қиёсий педагогика ўқув курси мазмуни масаласи ре-

гионал ва халқаро кенгашларда қайта-қайта муҳокама қилинган. Хусусан, Европа қиёсий педагогикаси жамиятининг иккинчи йиғилишида (1965 й.), халқаро қиёсий педагогика жамиятининг конгрессда (1970 й., Оттава, Канада) муҳокама этилиб, қуйидаги масалалар кўрилди: ўқитувчилар тайёрлашда қиёсий педагогиканинг роли; педагогика ўқув юр்தларида қиёсий педагогика курсининг вазифалари, мазмуни ва ташкилий формалари; кўргазмаларни қўлланмалардан фойдаланиш ва б.

Кейинги йилларда бир қатор социалистик мамлакатларнинг (Болгария, ГДР, Венгрия, Польша, Чехословакия, Югославия) олий ўқув юр்தларида студентлар ва аспирантларнинг педагогика фани соҳасидаги билимларини тўлдирадиган ва чуқурлаштирадиган қиёсий педагогика ўқув курсига студентлар ва аспирантлар тайёрлашнинг таркибий қисми сифатида катта эътибор берилмоқда.

Қиёсий педагогика курсини ўрганиш студентларнинг педагогик билим доирасини кенгайтиради, социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги педагогик назария ҳамда тарбия ва таълим амалиёти тараққиётининг умумий қонуниятлари ва миллий хусусиятларини тўғри тушуниш ва баҳолашда уларга ёрдам беради; студентларни амалий фаолиятда ўқув-тарбия ишларининг энг самарали форма ва методларини танлаб олиш малакаси билан қуроллантиради; студентларнинг адабиётлар устида мустақил ишлаш малакасининг ошишига ва илмий тадқиқотнинг оддий кўникмаларини эгаллашларига имкон беради.

Гумбольдт номидаги университетнинг (Берлин, ГДР) педагогика кафедраси қиёсий педагогика бўлими бошлиги Г. Гарскийнинг таъкидлашича, қиёсий педагогика курси студентларга чет эл халқ маорифи тараққиёти қонуниятлари, ривожланган социалистик жамият қуриш шароитида социалистик мамлакатлар халқ маорифи ва педагогикаси тараққиётининг умумий қонуниятлари ва миллий хусусиятлари ҳақида билим беради; капиталистик мамлакатлардаги маориф системаси инқирозининг антагонистик зиддиятлари ва моҳиятини, буржуа мактаб сиёсати ва педагогик назарияларининг пайдо бўлиши ва бу мамлакатлардаги таълим-тарбия амалиётига таъсирини очиқ беради; бўлажак ўқитувчиларни кўпгина педагогик ходисаларни илмий таҳлил қилиш ва баҳолаш, чет элда ёшларга таълим бериш ва тарбиялаш педагогикаси ва амалиётининг илғор ютуқларини оқилона танлаш ва уларни ўз мамлақати ўқув-тарбия муассасаларида

**қўллаш мумкинлигини илмий асослаш малакаси билан** куруллантиради; ўқитувчиларни ўқувчиларни **ғоявий-сиёсий** тарбиялаш **ишини** муваффақиятли олиб боришга тайёрлашда ёрдам беради.

Социалистик мамлакатлардаги киёсий педагогика курси мазмуни ва машгулотларни ташкил қилиш формаларида умумий томонлар кўп- Аини чокда ҳар бир мамлакатда педагогиканинг бу соҳасининг тараққиёти ва ўқитувчи тайёрлашни ташкил этиш хусусиятлари, муайян курсда ажратилган соатлар сони томонидан белгиланган миллий ўзига хосликлари мавжуд: хусусан, **Эгвош** Ларанд номидаги университетда (Венгрия) бу курс учун 20 соат, Педагогика фанлари академиясида (ГДР) 45 соат, Польша педагогика институтларида 60 соат (программа Тадуш Я- Вилех томонидан ишлаб чиқилган) ва ҳоказо. В. И. Ленин номидаги педагогика институтида киёсий педагогика махсус курс ва махсус семинар тарзида ўтилади (24—42 соат).

Киёсий педагогика бўйича махсус курс ва махсус семинарларнинг мақсади кўп қиррали: студентларни киёсий педагогика тарихи ва назарияси масалалари билан, унинг тараққиёт босқичлари, предмети ва вазибалари, педагогика фанлари системасидаги ўрни билан таништириш; социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда ҳозирги ривожининг тарихий, ижтимоий-иқтисодий шароитларини таҳлил қилиш; мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари ва халқ маорифи системасини ташкил қилиш принципларини юқоридаги уч группа мамлакатлар бўйича кузатиш; энг муҳим замонавий педагогик назарияларнинг илмий асосларини ва характерини белгилаш ва уларнинг ҳар хил мамлакатлардаги педагогик жараёнга таъсирини кўрсатиш; капиталистик мамлакатларда ҳукмрон синфлар мактаб сиёсатининг халққа қаршилигини ва энг муҳим педагогик назарияларининг реакцион характерини фош этиш; ҳозирги замон маорифининг энг муҳим муаммолари, уларни хал қилиш йўлларини ва бундан кейинги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш; социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда болалар ва ўсмирларни тарбиялаш назарияси ва амалиётини қисқача обзорлаштириш; социалистик мамлакатлар халқ маорифининг устунликларини исботлаш; коммунистик ва ишчи партияларининг ҳамда илгор кучларнинг капиталистик мамлакатларда мактабни демократлаштириш учун олиб бораётган мураккаб курашини очиб бериш.

Материаллар асосий уч группа мамлакатлар — социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги педагогик ҳодисаларни киёсий таҳлил қилиш принципи асосида баён этилади-

Бирор педагогик проблемани киёсий таҳлил қилишда мамлакатлар группаси ёки алоҳида мамлакатнинг мазкур проблеманинг қўйилиш ва хал этилиш характери ва даражасига таъсир кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади; ҳозирги босқичда педагогик ҳодисалар ривожланишига хос умумий ва ўзига хос хусусиятлар ва тенденциялар уч группа мамлакатлар ва бутун жаҳон бўйича аниқланади. Бунда турли ижтимоий-иқтисодий тузумдаги мамлакатларда таълим-тарбия проблемаларини хал қилишга тамоман бошқача ёндашилиши таъкидланадн.

Киёсий педагогика юзасидан махсус курсларнинг фарқланадиган ўзига хос хусусияти педагогика институтларида ўқиш жараёнида студентлар олган кенг билимлардан фойдаланиш мумкинлигидир. Студентлар психологик-педагогик ва ижтимоий фанларга оид билимларига таяниб, ҳозирги замондаги мураккаб педагогик ҳодисаларни илмий-киёсий таҳлил қилиш малакасини эгаллайдилар. Бунда киёсий педагогика синтезловчи ўқув предмети бўлиб, бир қатор педагогик ва ижтимоий-сиёсий билимлар умумлашмаси характерини касб этади.

## **II боб. СОЦИАЛИСТИК, КАПИТАЛИСТИК ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАКТАБ СИЁСАТИ ВА ХАЛҚ МАОРИФИ СИСТЕМСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

### **УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИГА ҚАДАР ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИДА МАОРИФ ТАРАҚҚИЕТИ ШАРОИТЛАРИ**

Капиталистик тузум ижтимоий-иқтисодий формация сифатида турли тарихий муддат ва ҳар хил шароитда юзага келди. Европа мамлакатларида капитализм буржуа революциялари ёки феодал муносабатларининг аста-секин буржуа муносабатлари билан алмашиши натижасида пайдо бўлди. Европа мамлакатларига капитализмнинг ёйилиши икки юз йил давом этди — XVII асрда бўлиб ўтган Нидерландия ва Англияда буржуа революциялари ҳамда XVIII аср охирида Франциядаги буржуа революциясидан бошланиб, XIX аср ўрталаридаги буржуа инқилоблари билан тугади. Скандинавия мамлакатларида халқ оммасининг феодал муносабатларни йўқ қилиш мақсадидаги қуролли кўзғолони формасидаги инқилоблар бўлмади. 1848 йилдаги Германиядаги буржуа революцияси, 1905 йили Россияда бўлган буржуа-демократик революцияси феодал муносабатларни тўла бартараф этмади, бу мамлакатларда капитализм феодал системасининг кўплаб қолдиқлари сақланган шароитда ривожланиб борди.

Америка Қўшма Штатларида капитализм Шимолий Америкада англиялик дастлабки кўчманчилар томонидан асосланган янги давлатнинг ташкил топишига қараб ривожланди. Австралияда ҳам тахминан шундай манзара кузатилди. Капиталистик системанинг қарор топиши товар ҳўжалигининг ривожланиши, феодал системаси бўлмаган бир шароитда содир бўлди. Шу боисдан капитализм иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда хийла изчил ва тўла амалга ошди-

Айрим мамлакатларда капитализм қарор топишининг тарихий муддатларигина эмас, балки ривожланиш суръатлари ҳам ҳар хил бўлди. Классик капитализм мамлакатлари (Англия, Франция, Бельгия, Голландия) кенг мустамлакаларни босиб олиб, узок вақт давомида ўз иқтисодий мавқеларини мустаҳкамладилар, ўз ихтиё-

рида беҳисоб хом ашё манбалари ва арзон ншчи Кучига эга бўлдилар, бозорларни монополия қилиб олдилар, Уларнинг иқтисодий аҳволининг ташки баркарорлиги ишлаб чиқаришни тез суръатлар билан ривожлантиришга стимул бермади. Капиталистик тараққиёт йўлига кечроқ кирган ва ўз рақибларига қисқа тарихий муддатда етиб олишга мажбур бўлган мамлакатлар иқтисодий ривожланиш суръатларига кўра тезда олдинга ўтиб олдилар ва жаҳон миқёсидаги талончиликда ўз хиссаларини талаб қилдилар. Шундай қилиб, Германия хом ашё манбалари ва бозорларни босиб олиш мақсадида Биринчи жаҳон урушини бошлади. Иккинчи жаҳон урушигача саноатнинг ривожланиш даражаси жиҳатидан орқада қолган Япония ва Италия урушдан кейин тез суръатлар билан ўз шерикларига етиб оладилар, айрим соҳаларда улардан ўзиб кетиб, юксак ривожланган саноат ишлаб чиқаришига эга бўладилар.

Капиталистик муносабатларнинг турли мамлакатларда ўзгача қарор топиши *педагогик ғояларнинг ривожланишига, мактаб сиёсати ва мактаб системаларининг тузилиш принципларига маълум таъсир кўрсатди-*

Машиналашган ишлаб чиқариш ишчидан янги сифатларни талаб қилди; ҳокимиятга келган буржуазия ишчиларга энг зарур оддий билимларни беришга мажбур бўлди, капиталистик ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши меҳнаткашлар болаларига бериладиган таълимни маълум даражада кенгайтириш имкониятлари билан боғлиқ бўлди. Бироқ буржуазия бошланғич мактаб тармоқларини кенгайтираркан, таълим системасининг синфий тузум асосларини сақлашга хизмат қилишдан манфаатдор эди. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг ривожланиш талаблари билан буржуазиянинг таълимнинг синфий характерини сақлаб қолишга интилиши ўртасида маълум зиддият пайдо бўлди. Бу ҳолни Ф. Энгельс «Англияда ишчилар синфининг ахволи» ишида кўрсатиб ўтган эди: «Буржуазия ишчиларнинг мавжуд бўлиши тўғрисида фақат ўзига зарур даражада ғамхўрлик қиларкан, у ишчиларга таълимни ҳам фақат ўзига керак-лича беришига хайрон қолмаслик лозим»<sup>1</sup>.

XIX аернинг иккинчи ярмида, империалистик муносабатлар юзага кела бошлаган вақтда, йирик капиталистик мамлакатларда черковга тегишли ва хусусий мактаблар билан бирга давлатнинг бошланғич мактаблар

**К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 2, 343-бет.**

тармоғи ҳам яратилади. XIX аср охири — XX асрнинг бошларида мажбурий умумий бошланғич таълим юридик тарзда жорий этилади- Бу жараён ишчиларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтириш ва мактаб системасини демократлаштириш учун кураши билан бирга борди.

Юридик тарзда *мажбурий бошланғич таълим* киритилди: 1774 йили Австрияда (7 ёшдан 14 ёшгача), Германия (Пруссия)да 1754 йили (6 ёшдан 12 ёшгача), Францияда 1882 йили (6 ёшдан 12 ёшгача), Чехословакия (Чехия)да 1774 йили (6 ёшдан 12 ёшгача), Швецияда 1876 йили (7 ёшдан 12 ёшгача), Англияда 1870 йили (7 ёшдан 14 ёшгача), Италияда 1877 йили (6 ёшдан 10 ёшгача), Японияда 1872 йили (6 ёшдан 14 ёшгача). АҚШда мактаб крнунлари ҳар бир штатда алоҳида (маорифни бошқаришни номарказлаштиришга мувофиқ тарзда), 1852 йилдан бошлаб (Массачусетс штати) XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари давомида қабул қилинди; мажбурий бошланғич таълим муддати ҳар хил эди: 6 ёшдан 12 ёшгача, баъзи штатларда ҳатто 14 ёшгача ва ҳоказо.

Мажбурий бошланғич таълим ҳақидаги қонуннинг эълон қилиниши кўпроқ декларатив характерда бўлиб, мактаб ёшидаги барча болалар ўқитилаётганини асло билдирмасди. Айрим мамлакатларда XIX асрнинг охиригача таълим ҳатто бошланғич мактабларда ҳам пулли эди. XIX асрнинг охириги чораги ва XX асрнинг бошларида давлат бошланғич мактаб тармоғининг маълум даражада ривожланиши хусусий ва черков мактабларининг монополиясига, ҳукмрон синфларнинг таълимга бўлган монополиясига путур етказа олмади. Озчиликни ташкил этган миллатлар учун она тилида ўқитиладиган мактабнинг йўқлиги, мактабларнинг нотекис жойлашганлиги, хусусий мактабларнинг мавжудлиги, ўрта ва олий ўқув муассасаларида таълимнинг пуллилиги, "билимнинг мажбурий ва, айниқса қишлоқ мактабларида паст даражадалиги меҳнаткашлар болалари учун мактабларнинг кам комплектли ва боши берклиги уларга ўрта ва олий мактабларда ўқишни давом эттиришга имкон бермасди. Мулкдор синфларга мансуб болалар учун традицией ўқув юртлари (давлат ёки хусусий) мавжуд бўлиб, улар тўлиқ ўрта маълумот берар ва олий мактабга тайёрларди. Шундай қилиб, мактаб структурасида ижтимоий тафовут мустаҳкамлана боради.

## ЕВРОПА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИДА ХАЛҚ МАОРИФНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ. СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА МАКТАБ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙУНАЛИШИ

Улуғ Октябрь революциясининг Россияда ғалаба қозониши XX асрнинг муҳим воқеаси бўлиб, на фақат миллий, балки халқаро аҳамиятга ҳам эгадир. Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг 1977 йил 2 ноябрдаги тантанали мажлисида Улуғ Октябрнинг аҳамияти ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Табиийдирки, Октябрь революцияси аввало бизнинг мамлакатимиз проблемасини, мамлакатимиз тарихи, унинг конкрет шароити Кўйган проблемаларни ҳал этиш билан шуғулланди. Бироқ ўз негизи эътибори билан бу проблемалар маҳаллий проблемалар эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг бориши инсоният олдига қўйган муштарак проблемалар эди. Октябрь революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти ҳам шундаки, у мана шу проблемаларни ҳал қилиш ва шу тариқа ер юзидан янги типдаги цивилизацияни барпо қилиш йўлини очиб берди»<sup>1</sup>.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси янги эранинг бошланиши, инсониятни маърифатли қилиш тарихида ҳам бурилиш палласи бўлди. *Социализм меҳнаткашларга билимга, маънавий маданият бойлиқларига йўл очиб берди.* Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий революция маданий революция билан жипс боғланган эди. Маданий революция жараёнида янги, социалистик мактаб Курилиши юз берди. Дастлаб К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ифодалаб берилган, В. И. Ленин томонидан ривожлантирилган ва аниқлаштирилган социалистик жамият кишисини шакллантириш назарияси совет мактаби ва педагогикаси ишининг асоси бўлди. РКПнинг VIII съездида (1919 й.) қабул қилинган партия программасида халқ маорифи соҳасидаги бош вазифалар ифодалаб берилди: мактабни буржуазиянинг синфий ҳукмронлик куролидан жамиятнинг синфларга ажралишини йўқ қилувчи кУР<sup>2</sup>лга, жамиятни коммунистик қайта қуриш куролига айлантириш<sup>2</sup>. Бу ҳал қилувчи концепция

<sup>1</sup> • Брежнев Л. И. Ленин йўлидан, 6- том, 646- бет.

<sup>2</sup> КПСС съездлар, конференциялар, Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида. Уздавнашр, Т., 1954, 475 — 476-бетлар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати мактаб сиёсатининг барча асосий жиҳатларини белгилади-

Тарих синовидан шараф билан ўтган СССРда социалистик мактаб қуриш тажрибаси эндиликда бошқа социалистик мамлакатлар томонидан ижодий фойдаланилмоқда.

Европа социалистик мамлакатларида педагогик назария ва мактаб яратиш амалиётининг вужудга келиши ва ривожланиши — мураккаб жараён. Қийинчиликлар бир қатор сабаблар туфайли юзага келди.

Биринчидан, социалистик мактаб яратиш йўлига *маорифи турли даражада ривожланган* мамлакатлар кирди. Айрим мамлакатлар (ГДР, Чехословакия) нисбатан ривожланган мактаб системасига эга бўлиб, халқ демократияси ҳокимияти ўрнатилиш пайтида аҳоли қарийб юз процент саводли бўлишига эришган эди. Бошқа мамлакатларда меҳнаткашлар орасида саводсизлик анча юқори эди: Польша ва Болгарияда аҳолининг қарийб чорак қисми, Руминияда учдан бир қисми саводсиз эди. Буржуа қонунлари томонидан эълон қилинган халқ мактабида мажбурий ўқитиш Венгрияда олти йиллик (1868 й.), Болгарияда етти йиллик (1921 й.), Чехия (1869 й.), Пруссия (1872 й.), Венгрияда (1940 й.) саккиз йиллик— амалда бажарилмас эди- Урта ва олий таълим системаси йшчилар ва деҳқонларнинг болалари учун ёпик. эди.

Иккинчидан, иккинчи жаҳон уруши даврида кўпгина мамлакатларда 50—60 процент мактаб бинолари бузилган, кўплаб жиҳозлар йўқолиб кетган эди. Илғор ўқитувчиларнинг кўплари фашист турмаларида, концентрацион лагерларда, фронтда ҳалок бўлди.

Учинчидан, мактаб ва олий ўқув юртларидаги ўқитувчилар тайёрлаш системасидаги таълим-тарбия мазмуни реакцион ва очик фашист мафқураси билан суғорилган эди.

Тўртинчидан, янги мактаб мураккаб ижтимоии-иқтисодий шароитда яратилди. Кўп миллатли давлат — Совет Иттифоқида маорифни ривожлантириш тажрибаси бу жараённи кўп жиҳатдан енгиллаштирди, бироқ ундан фойдаланишда миллий манфаатлар билан интернационал вазифаларни бирга олиб бориш, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш даркор эди.

Бе'шиичидан, империалистик тарғибот ҳар хил йўллар билан миллатчилик туйғуларини авж олдириш, социалистик мамлакатлардаги ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш характери ва мазмунига уз маф-

қуравий таъсирини ўтказиш, социалистик ҳамдўстликка путур етказишга интилади.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси Европа социалистик мамлакатларида халқ маорифининг тараққиётига таъсир кўрсатди.

Социалистик мамлакатлар, ўқитиш ва тарбиялашнинг марксча-ленинча назариясини ижодий қўлаб, *мактаб ва педагогикани тубдан ўзгартирдилар*. Халқ маорифининг социалистик системаси аста-секин қарор топди ва жаҳрн социалистик системасининг таркибий қисми сифатида бир қанча тараққиёт даврларини босиб ўтди ҳамда ҳар бир даврнинг ўзига хос вазифалари ва муаммоларини хал қилди.

*Биринчи давр (1944—1949)— халқ маорифи системасини демократлаштириш даври:* мактабни давлат ихтиёрига ўтказиш, ягона, ҳамма таълим оладиган қилиш, таълим олишда устунликни бекор қилиш; ижтимоий келиб чиқиши, миллати ва ота-онасининг динига қарамай, ҳамма болаларга барча ўқув юртларида, шу жумладан! университетларда ҳам ўқий олиш имканини яратиш; шаҳар ва кишлОҚ мактаблари ўртасидаги тафовутни йўқотиш учун замин ҳозирлаш; халқ оммасининг умумий билим даражасини ошириш, таълим-тарбияни фашизм ва бошқа реакцион таъсирлардан халос қилиш; ўқувчиларни тинчлик, халқларнинг бир-бирини ўзаро тушуниши, меҳнаткаш кишига хурмат руҳида тарбиялаш; меҳнаткашлар ва демократ зиёлиларни мактабда ишлашга жалб этиш; ишловчи ёшлар таълим олишлари учун теплики ўқув муассасалари (ишчи-деҳқон факультетлари, кечки мактаблар, курслар ва ҳоказо) очиш.

Маориф соҳасидаги демократик қайта қуришлар халқ демократияси мамлакатлари конституцияларида мустақамланди, ҳамма граждaнларнинг таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишнинг конкрет йўллари, халқ маорифи системаси структураси, ҳар бир ўқув-тарбия муассасасининг вазифалари 1945—1950 йиллар орасида қабул қилинган мактаб ҳақидаги қрнунлар билан белгиланди-

Бу вазифаларни хал этиш процессида ҳамма таълим олиши ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган *моддий шароитлар* яратилди: мажбурий ва тўлиқ ўрта мактаблар тармоғини кенгайтириш, қишлоқ жойларда марказий мактаб ва интернатлар очиш, стипендия учун маблағ ажратиш, ўқувчиларни бепул дарсликлар ва ўқув к.ўлланмалари билан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш, оз



миллатлар учун она тилида ўқитиладиган мактаблар очиш ва б. Бу даврда айниқса ўрта махсус ва олий ўқув юртлирида ўқиётганлар сони сезиларли ортди.

Жахон социалистик системаси тараққиётининг *иккинчи бошчида* (1949—1960) Европа социалистик мамлакатлари иқтисодида *социалистик сектор* саноатда, банк системасида, ички ва ташқи савдода *хукмрон мавқега эга бўлди*, аста-секин социализмнинг иқтисодий замини яратила борди. Социалистик мамлакатлар маориф соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришдилар: граждандлар саводсизлиги асосан тугатилди, мактаб биноларини қуриш кенг кўламда олиб борилди, аҳолининг умумий маданий савияси анча ошди, барча типдаги ўқув юртлирида ўқиётганлар сони кўпайди.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, социализм қурилишининг иқтисодий-сиёсий вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш *халқ маорифи системасини такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни ва методларини саноат ва қишлоқ хўжалигида ривожланаётган социалистик ишлаб чиқариш талабларига мослаштириш* заруриятини келтириб чиқарди. Бу даврда умумий таълим мактаби олдида қуйидаги вазифалар турар эди: таълим-тарбиянинг илмий савиясини ошириш, мактабда политехник таълим назарияси ва уни амалга оширишни янада ишлаб чиқиш, таълим-тарбиянинг жамият ҳаёти билан, социалистик қурилиш амалиёти билан жипс алоқасини таъминлаш, ўқувчиларда илмий дунёқарашни таркиб топтириш, меҳнат ва социалистик мулкка социалистик муносабатни тарбиялаш, ўқувчиларда олинган билимларни моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги ўз амалий фаолиятларида қўлай олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлаш.

Умумий таълим мактабини қайта қуриш вазифалари ва йўллари коммунистик ва ишчи партиялар съездларида белгилаб берилди, у мактаб ҳақида 1956—1961 йилларда қабул қилинган қонунларда ўз аксини топди. Қонунларда мажбурий умумий таълим мактабларида ўқитиш муддатини узайтириш кўзда тутилди: ГДРда 10 йилгача, ЧССР да 9 йилгача, БХР, ПХР да 8 йилгача.

60- йиллар бошида социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари социализм асосларини муваффақиятли қурдилар, айримлари эса ривожланган социализм босқичига ўтдилар. Бутун система миқёсида социализм ҳал қилувчи ғалабага эришди.

Ишлаб чиқариш, фан-техника ва жамият тараққиётига мувофиқ тарзда умумий таълим мактаби структураси ва таълим мазмунида айрим ўзгаришлар қилинди. Ривожланган социалистик жамиятда ишлаб чиқариш кучлари юксак даражада ривожланиши билан бирга маданият, фан, халқ маорифи ҳам юксалиб бориши лозим. Ҳозир фан жамиятнинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланганлиги туфайли бу низоҳатда муҳимдир. Ҳозирда Узаро Иқтисодий Ердам Кенгаши (СЭВ) аъзоси бўлган мамлакатларда дунёдаги илмий ходимларнинг учдан бир қисми ишламоқда.

Халқ маорифининг ягона социалистик системаси ўқув-тарбия муассасаларида — болалар боғчасидан тортиб катталар малакасини ошириш муассасаларигача — ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш структураси, мазмуни ва методларини такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилмоқда.

Социалистик мамлакатлар тўплаган ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш назарияси ва амалиётини ривожлантириш тажрибаси ҳар бир социалистик мамлакатнинг таълимнинг миллий системасини ривожлантиришга қаратилган ҳаракатининг барча социалистик мамлакатларнинг таълим-тарбия назарияси ва амалиётини янада такомиллаштиришга оид ҳаракати билан қўшилиши марксча-ленинча педагогик назария ва социалистик мактаб амалиётининг бундан кейинги ривожланишининг муҳим шарти эканлигидан далолат беради.

Социалистик мамлакатлар халқ маорифининг ютуқлари шубҳасиздир. Бу ютуқлар сиёсат, идеология ва эконимиканинг бирлиги ҳақидаги ленинча принципга қатъий риоя қилишнинг натижасидир. Социалистик мамлакатлар ижтимоий тараққиётининг қонуниятлари, ривожланган социалистик жамият қуриш вазифалари халқ маорифи системасини, таълим мазмуни, ўқитиш методлари ва ташкилий формаларини янада такомиллаштириш талабини илгари суради.

Социалистик мамлакатларда таълимга нисбатан қўйилаётган янги талаблар ишлаб чиқаришнинг тор тушуниладиган техник ва иқтисодий талабларини қондиришни, тор мутахассис-технократни тайёрлашнинггина эмас, балки ижодкор шахсларни, социалистик жамиятнинг онгли ва фаол бунёдкорларини тарбиялашни ҳам кўзда тутди.

Социалистик мактабнинг таълим-тарбия ишларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш ўзида маънавий

бойликни, ахлокий покликни ва жисмоний мукамалликни мужассамлаган социалистик шахсни ҳар тарафлама тарбиялаш учун қулай шароит яратишга қаратилгандир. СССРдаги мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари КПСС Программасида (1961 й.), шунингдек, "КПССнинг XXIV съезди қарорларида қайд этилган. Бу ҳужжатларда мажбурий ўрта таълимга ўтиш кўзда тутилган. Бу проблемаларни ҳал этиш бошқа социалистик мамлакатларнинг партия ва давлат ҳужжатларида белгиланган.

### **КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР МАКТАБ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ҳозирги шароитда капиталистик мамлакатларнинг мактаб сиёсатини белгилаш ва унинг характериға бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Улар орасида ҳал қилувчи омил маорифнинг ижтимоий муносабатларга, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг қайдаража ривожланганлигига бевосита тобелигидир. Ҳар бир мамлакатнинг мактаб сиёсатиға мазкур мамлакат ижтимоий-иқтисодий структурасининг хусусиятлари, унинг давлат тузумининг ўзига хослиги, иқтисодий ва маданий ривожланиш даражаси, тарихий ва миллий хусусият ва анъаналари, ижтимоий ҳаётнинг бошқа ўзига хос ҳодисалари албатта муайян таъсир кўрсатади.

Айрим капиталистик мамлакатларда мактаб ва педагогиканинг аҳволи ва ривожланиш тенденцияларини анализ қилиш асосида империализм мактаб сиёсатининг умумий хусусиятлари ва йўналишларини аниқлаш мумкин.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, жамият ва ишлаб чиқаришнинг табиий ривожланиш характери, илмий-техника таракк<sup>и</sup> эти капитализмнинг мавжуд ишлаб чиқариш муносабатлари ҳамда империалистик мамлакатларнинг ташки ва ички сиёсатиға кескин зид келади. Социализм билан капитализмнинг иқтисодий мусобақаси, улар ўртасидаги мафкуравий курашнинг кескинлашиши, капиталистик мамлакатлар экономикасининг харбийлаштирилиши — булар ҳаммаси империализмнинг асосий карама-каршиликларини чуқурлаштирадиги, бу ривожланган капиталистик мамлакатларнинг мактаб сиёсатида ҳам акс этади.

Буржуа давлатлари мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари капиталистик ижтимоий системани ва мавжуд

•**таълим** системасини сақлаб қолишни таъминлашға қаратилган: таълим ва фаннинг барча имкониятларидан жамиятнинг ишлаб чиқариш кучи сифатида фойдаланиш ва ҳукмрон синфларнинг таълимға хўжайинлигини сақлаш; марксча-ленинча педагогика ва социалистик мактаб амалиётининг капиталистик мамлакатлардаги мекнаткаш омма онгига, таракк<sup>и</sup> ар кучларға ва даставвал ёшларға, мактаб ва педагогикаға таъсир этишиға Карши кураш; капиталистик мамлакатларнинг ривожланётган мамлакатлардаги таълим системасиға, ўқитиш ва тарбиялаш амалиётига, ёшларнинг дунёараши ва эътиқодини шакллантиришға таъсирини кен-гайтириш.

Жаҳон капитализм!! ҳозирги шароитға мослашиб, яшаш учун курашнинг, таълимға хўжайинликни сақлашнинг янги форма ва методларини изламоқда. Саноатнинг тез суръатлар билан ривожланиши, техника таракқиёти, халқаро иқтисодий рақобат «инсон ресурслари»ни тайёрлаш масаласини КУ<sup>Я</sup>ДИ - Айни чоқда синфий курашнинг кескинлашиши ҳукмрон синфларни ёшлар учун курашни активлаштиришға, унга мафкуравий таъсири кучайтиришға мажбур этади. Тарбия ва таълим масалаларига эътиборнинг кескин кучайиши шу билан изоҳланади. Бир қатор мамлакатларда мактаб сиёсати асосларини ишлаб чиқиш учун махсус консультатив органлар тузила бошлади. Бу органларға маорифнинг раҳбар ходимлари, педагог-назариётчилардан ташқари, амдлий иш доиралари ва энг йирик капиталистик монополиялар вакиллари киради.

### **СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА ХАЛҚ МАОРИФИ СИСТЕМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ**

Таълимнинг социалистик системаси янги ижтимоий тузум муносабатлари характерини акс эттиради. У социалистик мамлакатлар халқлари маорифининг миллий ўзига хослигини ўз ичига олади, миллий мактабларнинг илғор анъаналарини бир бутун к<sup>и</sup>б бирлаштиради, умумий социалистик асослар ва анъаналарни ривожлантиради.

Социалистик мамлакатларда революцион қайта куришлар ва маданий революция жараёнида снфат жиҳатдан янги халқ маорифи ва педагогик назарияни яратиш конкрет тарихий ва миллий шароитларда борди ва марксча-ленинча назарияда ифодаланиб, совет мактаб Курилишида амалға оширилган социалистик мактаб ва

педагогиканинг умумий принципларига ва ривожланиш қонуниятларига таянди; социалистик давлат билан, унинг иктисоди билан, меҳнатқашларнинг коммунистик жамият қуриш учун қураши билан узвий боғлаш; иркий ва миллий мансублиги, жинси, динга муносабати, мулкӣ ва ижтимоӣ келиб чиқишига қарамай, таълим олиш учун ҳаммага тенг имконият яратиш; барча таълим-тарбия муассасаларининг давлат ва ижтимоӣ характердалиги; қайси тилда (ўз она тилида ёки ўз мамлакатдаги бошқа халқнинг тилида) ўқишни танлаш эркинлиги; таълимнинг дунёвий характери, мактабнинг диндан ажралиши; халқ маорифи системасининг бирлиги ва барча типдаги ўқув муассасаларининг ворисийлиги; ўқувчиларда материалистик дунёқарашни, коммунистик қараш ва эътиқодларни қарор топтириш; уларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш; умумий таълим мактабини изчил политехникаштириш принципини амалга ошириш; назарияни амалиёт билан, таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиш; ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда мактаб, оила ва жамоатчилик фаолиятининг боғлиқлиги ва бирлиги.

Масалан, СССР Конституциясининг 45-моддаси граждaнларнинг таълим олиш ҳуқуқини эълон қилади: «СССР граждaнлари илм олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ХУҚУҚ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш амалга оширилиши, ўқитишни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаш асосида ҳунар-техника таълими, ўрта махсус ва олий таълимни кенг ривожлантириш билан; сиртки ва кечки таълимни ривожлантириш билан; ўқувчилар ва студентларга давлат стипендиялари ва имтиёзлар бериш билан; мактаб дарсликларини текин бериш билан; мактабда она тилида ўқитиш имкониятини яратиб бериш билан; мустақил билим олиш учун шароит яратиб бериш билан таъминланади».

Социалистик мамлакатлар халқ маориф системасининг тараққиётига: уларнинг илмий-техник ва маданий ҳамкорлиги; маориф соҳасидаги умумий ва специфик, кундалик ва келгусидаги манфаатларнинг уйғунлиги ва биродарларча ўзаро ёрдам; интернационал, умумсоциалистик мулк бўлиб қолаётган мактаб тузиш тажрибасини алмашиш; социалистик мамлакатларнинг маданий ривожланиш даражаси барабарлашиши таъсир этади.

## КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА МЛОГИФ СИСТЕМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Капиталистик тузум муқаррар равишда зиддиятларни келтириб чиқаради ва бу зиддиятлар мактаб системаларининг тузилиши ва ташкил этиш принципларида акс этмаслиги мумкин эмас. ЁЛҒОН к<sup>а</sup>Д «таълим олиш имкониятларининг барабарлиги» капиталистик мамлакатлар мактаб сиёсатининг асл моҳиятини никоблашга Қаратилган декларациядир. Конституцияларда барча синф ва ижтимоӣ гуруҳлардан чиққан болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи эълон қилинади. Амалда эса икки маориф системаси мавжуд: бири ҳукмрон синфлар, иккинчиси меҳнатқашлар учун. Таълимнинг синфий характери қуйидагиларда: ягона умумий таълим системаси йўқлиги; мажбурий ва ўрта мактаб ўртасида узилиш мавжудлиги, меҳнатқашлар болалари (айниқса қишлоқ ёшлари), хотин-қизлар, озчилик миллатлар таълим олиш ҳуқуқининг тўлиқ ўрта мактабларга саралаб олишнинг ўзига хос методлари, турли умумий таълим мактабларида таълимнинг ҳар хил мазмуни ва методларини жорий этиш йўли билан чегараланганлиги; хусусий мактаб ва университетларнинг мавжудлиги; черковнинг мактабга таъсирининг кучайиши; болалар ва ёшларга тарбиявий таъсирнинг мазмунида кўринади.

Капиталистик мамлакатларда мактаблар қандай саралаш усулини қўллашига қарамай, улар ижтимоӣ саралаш майдони бўлиб к<sup>о</sup>аД<sup>а</sup> > ЎР<sup>та</sup> ва олий мактаб эса элита имтиёзидир. Масалан, Швеция олий ўқув юртиларида ишчи ва деҳқонларнинг болалари 14,3 процент, Бельгияда 14 процент, Францияда 12 процентни ташкил қилади. Германия Федератив Республикасида эса бу кўрсаткич 8 процентдан иборат, ҳолбуки, мамлакат аҳолисининг 49,8 проценти ишчи ва деҳқ<sup>о</sup>н<sup>а</sup>РД<sup>а</sup>Р-

Империализмнинг ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш соҳасидаги реакцион сиёсати озчилик миллатлар таълим олишга тенг ҳуқуқдан маҳрум этилганлигида ҳам намоён бўлади. Бу Канада, Австралия, айрим Лотин Америкаси мамлакатларига (хиндиларга муносабатда) хос бўлиб, бироқ АҚШда кескин ифодаланган.

Таълимда тенгсизликнинг кучайиш йўлларида бири мамлакат территориясида яшаётган айрим халқлар тили ва маданиятининг инкор этилишидир. Бу АҚШ традицион миллий сиёсатининг табиий натижасидир. Англосакс ирқининг ҳукмронлиги ғоясига тўла мое ҳолда мактабда ўқитиш инглиз тилида ва «юз процент» аме-

рикаликка хос анъаналар руҳида олиб борилади. Ҳоким миллатнинг тили, маданияти ва ҳаёт тарзи иқтисодий зулм билан тўлдирилган миллий зулм воситасига айланади.

Энг йирик капиталистик мамлакатларнинг мактаб ва сиёсат қонуниятлари таълимда аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуққа эгаллигини назарда тутлади. Аммо қонуният билан амалдаги аҳвол ўртасида катта фарқ бор. Бир қатор мамлакатларнинг (ГФР, Япония ва б.) таълим системаларида *аёллар* ўрта умумий таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда билим ҳажми, айниқса табиий-математика фанлари туркуми бўйича анча қисқартирилган. Бундай мактабни тугатиш олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини бермайди. Одатдаги ўрта умумий таълим мактаби (ГФР, АҚШ, Япония ва б.) ўқув планига кўра табиий-илмий фанларга ажратилган вақтнинг бир қисми киз болалар синфи ёки группасида — рўзгор юритиш дарсларига берилган. Кўпчилик кизлар ўрта умумий таълим мактабини ёки олий ўқув юртини тугатмай ўқишни ташлаб кетадилар. Олий техника ўқув юртида хотин-кизлар студентларнинг жуда оз қисмини ташкил этади. ГФРда физика, астрономия, геофизика, метеорологиядан давлат имтиҳони топширувчилар орасида хотин-кизлар 1,5 процентни, химия бўйича 6 процентни, техника ихтисоси бўйича (инженерлик) — 1,3—4,5 процентни ташкил этади; Англияда медицина академиялари ва университетларнинг медицина факультетлари хотин-кизларни студентлар умумий миқдорининг 15 процентигача қабул қилади; АҚШда аёллар аҳолининг 51,3 процентини ташкил қилади, инженерлар орасида эса бир процентдан кам; Данияда фақат 37 процент киз касбга оид маълумот олади ёки олий ўқув юртини тугатади; Австрия аёлларининг 75 проценти ўз маълумотини мажбурий мактаб билан чеклашга мажбур.

Капиталистик мамлакатлар ихтиёрида ижтимоий ва психологик тўсиқлардан ташқари, таълимда ижтимоий саралашни сақлашнинг бошқа йўллари ҳам бор. Барча мамлакатларда давлат мактаблари билан бир қаторда *хусусий ўқув юртлари* системаси ҳам мавжуд. Хусусий мактаблар мавжудлигининг ўзиёқ буржуа социологларининг таълим олиш ҳуқуқининг тенглиги ҳақидаги даъволарини рад этади. Хусусий ўқув юртлари устунлик характери эга бўлиб, бу айниқса Англия, АҚШ, Бельгия, Австралия, ГФР хусусий мактабларига тегишли. Хусусий мактабларда таълим шу қадар қимматки, унда фақат анча таъминланган оилаларнинг болаларигина уқий оладилар.

Турли мамлакатларда умумий таълим системасида хусусий мактабларнинг салмоғи ҳар хил. АҚШ, Англия, Францияда у умумий таълим мактаблари жами миқдорининг 11—18 процентини ташкил қилади. Мамлакатдаги ўқувчиларнинг 11—16 проценти хусусий мактабларда таълим олади. Австралияда хусусий мактаблар 30 процентга етади, Бельгияда эса давлатникидан уч баравар кўп. Японияда юқори ўртача мактабларнинг 25 проценти хусусий бўлиб, уларда ўқувчиларнинг 30 проценти ўқийди; студентларнинг 76 проценти таълим оладиган 72 процент ўқув юртлари таълим корпорацияларига, монополистик иттифокларга ва алоҳида шахсларга қарашли.

Хукмрон доиралар ўз болаларига хусусий мактабларда таълим беришни маъқул кўради. Бунинг энг ёрқин мисоли Англиядаги «публик скулз»лардир. Хусусий мактаблар ўқувчилари каста бикиклиги руҳида тарбияланади. Англия ташқи ишлар министрлиги ходимларининг 95 проценти, элчиларнинг 88 проценти, армия олий кўмондонлигининг 37 проценти, Олий суд ва апелляция судлари судьяларининг 86 проценти ва епископларнинг 88 проценти бир неча хусусий мактабларнинг собик ўқувчиларидир.

Хусусий мактабларнинг хийламуҳим хусусиятла^кни ҳам таъкидлаш лозим: уларда бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда ўқувчилар сира сараланмайди. Ундан ташқари, бу мактаблар олий ўқув юртларига киришга қафолат беради, чунки традицион — капиталистик экономиканинг раҳбар кадрларини, дипломатия хизмати, адлия органлари, қуроли кучлар ва давлатнинг бошқа муассасалари учун кадрлар тайёрлайдиган «обрўли» университетларга киришда бу мактабни битирганларга устунлик берилади. АҚШда барча олий ўқув юртларининг 2/3 қисми хусусий характерда бўлиб, энг йирик монополия ва корпорациялар фондларидан маблағ билан таъминланади.

АҚШнинг кўпчилик хусусий ва давлат олий ўқув юртларини бемалол корхона деб аташ мумкин. Чунки уларнинг кўпчилиги турли саноат, савдо ва кишлок хўжалик корхоналарига қўйилган йирик капиталга эга. Масалан, Гарвард университетининг ҳар йили 30 миллион сўм фойда келтирадиган капитали бор; Нью-Йорк университетининг макарон фабрикаси ва кўнчилик комбинати (35 млн. доллар капиталга эга) ва бошқа саноат корхоналари бор; Колумбия университетининг капитал маблағи 28 млн. доллардан зиёд. Университет ва кол-

**лежлар, шахар трамвайлари, қорамолчилик фермалари,** плантациялар ва ҳоказога эгалик қилади.

Капиталистик мамлакатларда **хусусий** мактабларнинг бошқа категорияси — *черков* (конфессиональ) **бошлангич** мактаблари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўтмиш асрлардаги табақали тарбия системасининг қолдиғидан иборат. Улар асосан меҳнатқашларнинг болаларига мўлжалланган. Бу мактаблар ўқув планида кўп ўринни диний тарбия эгаллайди.

Черков таъсири ва *мактабнинг конфессионаланиши* халқ маорифига катта зарар етказмоқда. У буржуа мактабнинг янада кўпроқ бўлинишига қарши кайфиятдаги ўқитувчиларни мактабни реформа қилиш учун курашида гуруҳларга бўлиб юборишга қаратилган. Карлик бир комплектли мактаблар сони ҳам кўпаймоқда. ГФРда, масалан, евангелия конфессионал мактаблари католик мактабларига қараганда 2,5 баравар кам. Конфессионал мактабларнинг кўпчилиги католик руҳонийлар таъсирида турибди. Конфессионал принципа даставвал меҳнатқашлар фарзандлари таълим оладиган халқ мактаблари, ёрдамчи ва ҳунар-техника мактаблари қурилмоқда.

Шундай қилиб, капиталистик мамлакатлардаги мактаб сиёсати сингари халқ маорифи системасини ташкил қилишнинг асосий принциплари ҳам *турли ижтимоий қатламлар учун таълим олиш. имкониятлари тенг эмас* деган умумий тенденциядан дарак беради. Ҳозирги замон капиталистик ишлаб чиқариши тараққиётининг бошидаёқ шаклланган бу тенденция ҳозирги босқичда ҳам, «таълим олиш имкониятларининг тенглиги» принципи билан никобланаётган бўлса-да, ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Бундан ташқари, «таълим олиш имкониятларининг тенглиги» принципи озчилик миллатларга расман тааллуқли эмас: АҚШ, Канада, Австралия каби мамлакатларнинг кулбаларда яшаётган аборигенлари меҳнатқашларнинг (асосан, оқ танли) болаларига берилган таълим олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрумлар. Кейинги йилларда «рангли» аҳолининг таълим олиш ҳуқуқини чеклаш Англия учун ҳам характерли бўлиб қолди. Англиянинг собиқ мустамлакалари ва ирқчилик режими ўрнатилган мамлакатлар (Родезия, ЮАР) аҳолисининг бир қисми иш ва фаровонроқ турмуш излаб Англияга келмоқда. Ҳозирги замон экономикасидаги инқироз «рангли» ва хорижий ишчилар ҳуқуқининг поймол этилишига олиб келмоқда. Бундай ишчилар айниқса ГФР, Франция

Англияда кўп. Улар даставвал иш ва таълим ол . . . \\\ куқидан маҳрум этилади.

Таълим олиш ҳуқуқининг тенг эмаслиги туфайли энг ривожланган мамлакатлар АҚШ, ГФР, Италияда ҳам меҳнатқашларнинг миллионлаб фарзандлари тўлақонли билим ололмай қолмоқда. АҚШда феодал маориф департаментининг маълумотига кўра, 2,4 млн. бола мактабда ўқимайди, 16 ёшдан катта бўлган 23 млн. киши ўқиш ва ёзишни (билмайдиган тамомила саводсиздир. Бу саводсизликни 1980 йилгача тугатиш белгиланган. Бу фактларнинг ҳаммаси капитализм дунёсидаги зиддиятлар кескинлашиб бораётганлиги ва капитализм мактаб сиёсатининг ижобий томонларипи ва капиталистик мамлакатлар конституциялари ва декларацияларида эълон қилинган ҳамманинг таълим олиш ҳуқуқи тенглиги принципини амалга ошира олмаслигидан яна бир бор далолат беради.

### **РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАКТАБ СИЁСАТИ ВА МАКТАБНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПРИНЦИПЛАРИ<sup>1</sup>**

Мустамлака ва тобе мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққот *даражаси* кескин фарқланар эди. Айрим мамлакатлар (Ҳиндистон, Бирма, Миср, Жазоир, Тунис, Морокко, Яқин Шарқ мамлакатлари) минг йиллик маданиятга эга бўлган бир вақтда, бошқалари уруғ-қабилачилик тузуми босқичида турар эди. Энг ривожланган мамлакатлар мустамлакага айланишдан олдин ҳам таълим турли даражада бўлган бир канча мактабларга эга эди. Айрим мамлакатларда ўрта аср университетлари, масалан, Магриб мамлакатларидаги олий ислом мактаблари бор эди. Мустамлакаларни босиб олиш даврида Европа мамлакатлари босиб олинган территорияларга ўз вакиллари — миссионерларни юборди. Уларнинг вазифалари ерли халқда маҳаллий аҳоли тўлақонли эмаслиги ва оқ босқинчиларнинг уетунлиги ҳақидаги фикрни сингдириш, аборигенларни христиан динига киритиш ва миссионерлик мактаблари ташкил этиш эди. Миссия фаолиятини энг кенг Кулоч ёйдирган католик дини вакиллари бўлди.

Мустамлакачилар маориф ва миллий маданият тараққиётини сунъий равишда сустлаштирдилар. Улар маҳаллий жамоа мактабларини анча қисқартирдилар. Мис-

<sup>1</sup> **Ривожланаётган мамлакатлар ҳақида батафсилроқ қ а р а н г:** *Ширинский Е. А. Образование в развивающихся странах. М., 1977.*

сионерлик мактаблари болаларга билим куртаклари ва дин асосларини метрополия тилида ва қўлланмалари асосида ўргатарди. Оқ мустамлака маъмурияти ва маҳаллий аҳолидан танланган элита болалари учун метрополия мактаб системасига айнан ўхшаш мактаблар яратилди.

Маҳаллий миллий ресурсларни эксплуатация қилишнинг кучайиши ва фан-техниканинг ривожланишига қараб мустамлака ҳукуматлари маҳаллий аҳолига маърифат бериш соҳасидаги сиёсатини бирмунча ўзгартишга мажбур бўлди. Мустамлакачиликнинг садокатли таянчи ва унинг таъсирини ўтказадиган маҳаллий маъмурият кадрлари, шунингдек, маҳаллий sanoatни ривожлантириш учун саводли ишчилар керак эди. Шу сабабли мустамлакачи ҳукуматлар аралаш типдаги бошлангич ва тўлиқсиз ўрта мактаблар оча бошлади. Бу мактабларда даре қисмангина маҳаллий тилда олиб бориларди. Бундай мактаблар сони жуда оз эди. Аҳолининг жуда катта қисми аввалгидай саводсизлигича қолаверди.

Лотин Америкаси мамлакатларида маорифнинг тараккиёт жараёни бирмунча бошқача борди. Асосан Испания томонидан босиб олинган территорияларда индеецлар деярли тўла кириб битирилган ёки узоқ районларга қувиб юборилган эди. Кенг плантацияларга ишлов бериш учун Африкадан қул сифатида негрлар олиб келинди. Испан тили ва католик дини Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг давлат тили ва расмий дини бўлиб қолди. XIX аерда сиёсий мустақилликка эга бўлиш натижасида «Лотин Америкасининг Уйғониши» деб аташ қабул қилинган давр бошланди. XIX аср охири — XX аср бошларида мажбурий бошлангич таълим тўғрисида қонунлар қабул қилинган эди, бироқ Лотин Америкасининг хўжайини — АҚШ монополиялари бу қонунларнинг бажарилишини таъминламади, ахрлининг асосий қисми кейинги вақтларгача ўқиш имкониятига эга эмас эди. Шундай қилиб, Лотин Америкасидаги мактаб сиёсати, айрим фарқларига қарамай, умуман мустамлака системаси хусусиятларини сақлаб қолди.

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида узоқ, аерлик мустамлака ҳукмронлигининг *натижалари*: аҳолининг саводсизлиги, (саводсизлик Осиё ва Африканинг айрим районларида 90—100 процентга етди) мактабларнинг ниҳоятда камлиги; туб ерлик ахрлидан ўқитувчи ва малакали кадрларнинг ўта камлиги; кам сонли мактабларда метрополия тилида ва дареликлари бўйи-

ча ўқитиш; олий ўқув юртларининг деярли йўқлигидан иборат.

Мустамлака системасининг емирилиши ва ёш миллий давлатларнинг тез суръатлар билан пайдо бўлиши улар олдига сиёсий йўналишни танлаш, мустақил ижтимоий-иктисодий тараккиёт ва маорифни дарҳол ривожлантиришдек янги ва мураккаб вазифалар қўйди. Ҳозирги вақтда озод бўлган мамлакатлардаги икки асосий сиёсий йўналиш ҳақида гапириш мумкин: социалистик йўналиш ва капиталистик тараккиёт йўли (бу бўлиниш хийла шартли, чунки сиёсий манфаат ва йўналишларнинг мураккаб чатишиб кетганлигини кўриш мумкин).

КПСС нинг XXV съезидга Ҳисобот докладида Л. И. Брежнев таъкидлаган эди: «Озодликка эришган мамлакатларнинг кўпларида синфий кучларнинг чегараланишидан иборат мураккаб жараён содир бўлмоқда. Синфий кураш кучаймоқда. Бу ҳол турлича намён бўлмоқда. Социалистик йўл тутаётган араб, Африка ва Осиё мамлакатларининг экономикасида ва сиёсий ҳаётида янги прогрессив силжишлар рўй берди. Ривожланишнинг капиталистик йўлидан бораётган мамлакатлар ҳам бор»<sup>1</sup>.

Бироқ ривожланаётган мамлакатлар тобора кўпроқ социалистик йўлни танламоқдалар, ҳар хил ҳарбий блоklarга кирмаслик ҳаракатига қўшилмоқдалар.

Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараккиёти» докладида қуйидагиларни қайд этди: «Умуман, империализмнинг мустамлакачилик системаси ва унинг классик формалари эндиликда тугатилган деб ҳисоблаш мумкин. Бу, ўртоқлар, ҳажоншумул-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳолдир. Шу нарса ғоят муҳимки, озодликка эришган давлатларнинг кўплари капиталистик ривожланиш йулини рад этмоқдалар ҳамда эксплуатациядан ҳоли бўлган жамият қуришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйди. Социализм йўлини кўзламоқдалар... озодлик учун курашувчиларнинг йўли энгил эмас. Социализм учун зарур бўлган жамият экономикасининг негизларини барпо қилиш йўлида қаттиқ меҳнат қилиш зарур. Эксплуататор унсурлар ва уларнинг хорижий хомийлари билан шиддатли тўқнашувлар бўлиши муқаррар. Баъзан бу тўқнашувлар ёш давлатларнинг сиёсатини эгри-бугри йўлларга солиб қўяди ва ҳатто гоҳо орқага қайтиш ҳаракатини туғдиради. Лекин ривожланишнинг бош йўли шак-шубҳасиз». Ва давомида: «Еш мамлакатларни империалис-

<sup>1</sup> КПСС XXV съезиднинг материаллари. «Узбекистон», Тошкент, 1976, 15-бет.

тик ҳарбий блокларга тортиш учун қилинаётган ури-нишларга қаршилик кучайиб бормоқда. Блокларга қўшилмаслик ҳаракати бунни кўрсатувчи далилларнинг би-ридир»<sup>1</sup>.

Мактаб сиёсатининг йўналиши даставвал ҳар бир ривожланаётган мамлакатнинг сиёсий йўли ва иқтисо-дий ресурсларига боғлиқ. Бироқ, ривожланаётган мам-лакатлардаги мактаб сиёсатида хилма-хил фарқлар бор-лигига қарамай, уларнинг айрим умумий хусусиятлари-ни ҳам қайд этиш лозим: саводсизликни тугатиш барча ривожланаётган мамлакатларда биринчи навбатдаги вазифа бўлиб турибди; бошлангич мактаблар тармоғини хатто бугунги кунда мажбурий бошлангич таълим ҳақи-да қонунлар қабул қилинган мамлакатлар — Ҳиндистон Республикаси, Бирма Иттифоқи Социалистик республи-каси, ЖХДР, Филиппинларда, Лотин Америкаси мамла-катларида ҳам ривожлантириш, бу қонунлар маблаг, мактаб бинолари ва ўқитувчи кадрлар етишмаслиги ту-файли бажарилмай қрляпти; мустамлака давридан қол-ган меросдан, европа тилларида ва европа ўқув матери-аллари асосида ўқитишдан воз кечиш; ҳар бир мамла-катнинг миллий манфаатларига мое таълим системала-рини тузиш.

Мактаб сиёсатининг бу асосий йўналишлари деярли барча ривожланаётган мамлакатларга озми-кўпми хос: илгор сиёсий йўл қўйилган вазифаларни анча тез суръат билан ва самарали ҳал этишга имкон беради; капиталис-тик йўлдан бораётган мамлакатлар бу ўзгаришларни хийла суёт амалга оширмоқдалар.

Ривожланаётган мамлакатлар миллий мустақиллик-ка эришгандан кейин *маданий революциянинг* қуйидаги асосий босқичларини амалга оширадилар: саводсизлик-ни тугатиш, кенг кўламда мактаблар қуриш, миллий маданият асосларини қўйиш ва жаҳон маданияти ютуқ-ларидан баҳраманд бўлиш.

60- йиллар бошида ЮНЕСКО доирасида *маорифни ривожлантиришнинг* учта йирик регионал *плани* ишлаб чиқилди: Осиё учун «Карачи плани», Африка учун «Ад-дис Абеба плани» ва Лотин Америкаси учун «Сантьяго плани». Маориф учун маблагни ЮНЕСКО фондига туш-гаи ва маҳаллий молиявий ресурслардан олиш план-лаштирилди. Бу регионал планларга кўра, 1980 йилга келиб барча ривожланаётган мамлакатларда мажбурий

бошлангич таълим ҳақида қонунлар қабул қилинади. Бироқ уч планни амалга ошириш устидан назорат тезда қуйидагиларни кўрсатди: 1) 1980 йилга келиб фақат бир неча мамлакатгина мажбурий бошлангич таълимни жо-рий эта олади; ЮНЕСКО аъзоси бўлган мамлакатлар озодликка эришган мамлакатларда маорифни ривож-лантиришга қаратилган фондни тез-тез қисқартириб ту-радилар.

Реал ҳолат регионал планларга айрим тузатишлар киритишга мажбур этди. Ривожланганлик даражасига қараб улар, *A, B, C* группаларига ажратилди. *A* группа-га ҳам тараққий қилган, мажбурий бошлангич таълим фақат 1980 йилдан сўнг амалга оширилиши мумкин бўл-ган мамлакатлар, *B* группага 1980 йилга келиб, *C* груп-пага эса 1980 йилгача амалга ошириладиган мамлакат-лар киритилди.

Озод бўлган мамлакатларда маорифнинг муваффа-қиятли ривожланишига янги жиддий тўсик халақит бер-моқда. Кейинги йилларда ривожланаётган мамлакатлар-да кузатилаётган демографик «портлаш» аҳоли савод-сизлигининг абсолют ўсишига олиб келди. ЮНЕСКО маълумотларига кўра 1960 ва 1968 йиллар орасида мак-табга бормаидиган 5 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар сони абсолют рақамларда 17 млн кишига кўпайди. Агар аҳолининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолса, 1980 йилга келиб шу ёшдаги ўқишга имкоии бўлмаган болалар сони 230 млн га етади.

Маориф тараққиётидаги қийинчиликларга *маориф соҳасидаги неокOLONиализм сиёсатини* ҳам киритиш ло-зим. НеокOLONизаторлар амалда барча мустамлакалари-ни тугатиб, ёш давлатларнинг суверенитетини сўзда тан олиб, сиёсий ҳаётда, иқтисод ва маорифда энг муҳим мавқеларини эгаллаб қолишга интилоқдалар. Улар озод бўлган мамлакатларнинг ички ишларига аралаша-дилар, контрреволюцией тўнтариш уюштирадилар, бу хол баъзан сиёсий йўлнинг ўзгаришига олиб келади, ёш давлатларнинг табиий ресурслари ва саноатини ўз қў-лида сақлаб қолишга интилади. Маориф соҳасида неокOLONиализм сиёсати метрополиянинг мактаб моде-лини собик мустамлакалар ва тобе мамлакатларда сақ-лаш ёки зўрлаб қабул қилдиришга, империализм ман-фаатлари учун педагогик гоаяларнинг шаклланишига таъсир қилишга, социалистик педагогика таъсирга бур-жуа педагогикасининг етакчи концепцияларини қарама-қарши қўйишга интилишдан иборат.

Мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари ва маориф системасини ташкил этиш принципларида социалистик

<sup>1</sup> Брежнев Л. И. Ленин йўлидан. 6-том, 660, 661, 662-бет-лар.

ва капиталистик мамлакатларда тарбия проблемаларини ҳал этишнинг тубдан қарама-қаршилиги ёрқин ифодаланган. Капиталистик тузумнинг мактаб сиёсати ҳозирги замон империализмининг асосларини, ҳукмрон синфларининг таълимга эгаллигини, уларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги мавқеини сақлаш ва ҳам ўз мамлақати, ҳам ундан ташқарида социалистик мактаб гоёларипинг тарқалишига қарши курашга қаратилган.

Социалистик мамлакатлар Узро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида социалистик интеграцияни қучайтириб, ривожланган социализм шароитидаги мактаб сиёсатининг асосий томонлари ва таълим принципларига биноан иш олиб боради, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи ҳақидаги К<sup>о</sup>У<sup>н</sup> асосларида ифодаланган маориф системасини ташкил этиш принциплари социалистик мактаб тузилиши ленинча концепциясининг ривожини бўлиб, социалистик ривожланаётган ва ҳатто капиталистик мамлакатлардаги таълим ва тарбия амалиётига таъсирига кўра халқаро аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

Мамлакатимиз халқ маорифи соҳасида эришган ютуқлар СССР Конституциясининг 25- моддасида қонун йўли билан мустаҳкамланган.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг мактаб сиёсати беистисно барча миллатлар ва халқларга бир хил қимматли маърифат беришни, шахсни ҳар тарафлама ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бўлиб, социалистик маориф системасини ташкил этиш принциплари ривожланаётган мамлакатларнинг мактаби тузилишига тобора кўпроқ таъсир кўрсата бошламоқда.

Социалистик йўлни танлаган мамлакатлар илғор мактаб сиёсатини амалга ошириш, маорифнинг ақтуал вазифаларини ҳал қилиш учун кўп имкониятларга эга.

Йирик ижтимоий-иқтисодий қайта қуришлар комплекси уларга маорифни давлат манфаатлари ва миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб планлаштириш ва маблағ билан таъминлашга имкон беради.

Озод бўлган мамлакатларда халқ маорифини ривожлантиришга СССР Янги Конституциясининг 3- ва 7- боблари жуда катта таъсир кўрсатади. Бу бўлимларда фан, маданият ва маорифнинг ривожланиш асослари баён этилган бўлиб, улар на фақат миллий, балки халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: О состоянии и мерах по дальнейшему совершенствованию народного образования в СССР . М., 1973, 9, 19-бет.

## III б о б. СОЦИАЛИСТИК, КАПИТАЛИСТИК ВА РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА МАОРИФ СИСТЕМАЛАРИ ВА МАКТАБ РЕФОРМАЛАРИ

### ЕВРОПА СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИДА МАОРИФ СИСТЕМАЛАРИ СТРУКТУРАСИ

Мактаб сиёсати ва маориф системасини ташкил этиш принциплари уларнинг структурасини ҳам белгилайди. Европа социалистик мамлакатларнинг халқ маорифи системалари: мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари тарбия, хунар-техника таълими, ўрта махсус таълим, олий таълим ва малака оширишни ўз ичига олади.

Мактабгача тарбия: болалар боғчалари ва болалар яслилари. Мактабгача муассасалар ва улардаги болалар сонининг мутасил ўсиб бориши бола шахсини ҳар томонлама ривожлантириш ва болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш вазифаларини бажаришда ижтимоий мактабгача тарбиянинг роли ошайганидан дарак беради.

Мактабгача тарбия билан умумий таълим мактабларининг биринчи синфларида ўқиш ўртасидаги узвий боғлиқлик ана шундай амалга оширилади. Уқув-тарбия фаолиятининг мазмуни болаларнинг маънавий ва жисмоний Кобилятларини, уларнинг тили ва тафаккурларини ривожлантиришга, жамият ҳаёти ва табиат билан таништиришга қаратилган. У қуйидагиларни ўз ичига олади: нутқни, раем солиш, ашула айтиш, рақс тушиш ва шёър ўқиш ижодий қобилятларини ўстириш; кУР<sup>м</sup>б турган муҳит ва жамият ҳаётининг болаларга тушунарли турли томонлари билан таништириш; меҳнатга, ҳаётдаги кишилар муносабати ва санъатдаги барча гўзалликларга муҳаббатни тарбиялаш; интизомлилик ва маданий ҳулқнинг энг зарур қўниқмаларини ҳосил қилиш; *очиқ* жойда жисмоний машқ ва ҳаракатли ўйинлар ўтказиш. Айрим болалар боғчаларида болалар чет тили ўрганадилар.

1971—1975 йилларга мўлжалланган халқ хўжалигини ривожлантириш планларида 1975 йилга келиб мактабгача тарбия системасида мактабгача ёшдаги болаларнинг 65 процентдан 80 процентгача қисмини қамраб олиш кўзда тутилган. Бир қатор мамлакатларда бу планлар ошириб бажарилди, ГДР да 1974 йили 81 %, Болгария



Халк Республикасида 86% дан зиёдрок, Венгрия Халк Республикасида 66,1% бола жалб этилди, уйда тарбияланадиган болалар учун (25%) тайёрлов синфларида машғулотлар ташкил қилинди. Шундай қилиб, 90% дан зиёд биринчи синф ўқувчиси мактабга кириш учун тайёргарликка эга эди<sup>1</sup>. ЧССРда 65%, Польша Халк Республикасида 80% (шу жумладан, қишлоқларда 78%, шаҳарларда 90%) болалар мактабгача муассасаларга қатнайдилар<sup>2</sup>. 1980 йилга келиб Венгрия ва ГДРда болалар мактабгача тарбия муассасалари системасидаги барча болаларни, Болгарияда 85%, Руминия Социалистик Республикасида 84% болаларни мактабга киришга тайёрлаш кўзда тутилган. Болалар боғчасига бормайдиган болалар учун аста-секин турар жойлар ва мактаблар қрида уларни мактабга тайёрловчи машғулотлар ташкил этилади.

Умумий ўрта таълим ўрта умумий таълим мактаблари, ўрта хунар-техника ўқув юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларида амалга оширилади.

*Ўрта умумий таълим политехника мактаби* умумий ўрта маълумот олинадиган асосий формадир. У ҳамма учун мажбурий умумий таълим мактабини, тўлиқсиз ўрта мактабини ва тўлиқ ўрта мактабнинг катта босқичини (гимназиялар, лицейлар, кенгайтирилган умумий таълим мактаблари ва бошқа формалар) ўз ичига олади.

Мажбурий умумий таълим мактаби: БХР, ВХР, ПХР да I—III синфлар; ЧССРда I—IX синфлар; ГДР ва РСР да I—X синфлар; VIII синфни тугатгандан сўнг ўқувчиларнинг бир қисми касбга тайёрлаш системасига (ГДР), гуманитар, реал ва махсус лицейларга (РСР) ўтишлари мумкин. Болгария умумий ўрта таълимга ўтишни — 1980 йилгача, Венгрия, Польша, Руминия эса 1990 йилгача асосан тугаллашни кўзда тутмоқда. ЧССР да ҳам истикболда бу вазифа қўйилган.

Болаларни ўқишга қабул қилиш ёши ҳам ҳар хил. Венгрия, ГДР, Руминия ва Чехословакияда болалар олти ёшдан, Болгария ва Польшада етти ёшдан ўқишга борадилар. Ҳозирги замон акселерация жараёнини ҳисобга олиб, Европадаги барча социалистик мамлакатлар

<sup>1</sup> Қ а р : Проблемы образования и воспитания в школах социалистических стран. Материалы Первой конференции министров просвещения (образования) социалистических стран. М., 1975, 3, 21, 40-бетлар.

<sup>2</sup> Кар.: Куберски Е. Польское просвещение за 30 лет.— «Советская педагогика», 1974, № 10, 128-бет.

да болаларга олти ёшдан бошлаб мажбурий таълим беришга ўтиш масаласи кенг муҳокама қилинмоқда.

Асосий мажбурий мактабнинг биринчи босқичи болаларга бир ўқитувчи таълим берадиган бошлангич мактабдир. Бошлангич мактабга одатда, I—IV синфлар ёки I—V синфлар (Чехословакияда) қиради. Кейинги йилларда бир қатор мамлакатлар (Болгария, ГДР) да бошлангич мактабда ўқитиш муддати уч йилга келтирилди. 1973 йили Чехословакияда бошлангич мактаб беш йилликдан тўрт йилликка ўтказила бошланди. Польшада бошлангич таълимни 4 йилдан 3 йилга қисқартиришга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ягона мажбурий асосий мактаб кейинги маълумот учун ахлоқ нормаларини белгиладиган социалистик ва коммунистик дунёқарашни шакллантириш учун пбйдевор қўяди. Умумий мажбурий таълим мактабини тугатганларнинг кўпчилик қисми (85—95%) тўлиқ умумий таълим мактабида ва бошқа ўқув юртларида ўқишни давом эттиради.

Социалистик жамиятда корхоналар ва муассасаларда ншлаганлиги туфайли оилада болалар тарбиясига етарли эътибор беролмайдиган ота-оналарнинг фарзандларига доимий ғамхўрлик кўрсатилади: қупи у з а й т и р и л г а н м а к т а б л а р в а г р у п п а л а р т а р м о г и , болалар билан мактабдан ва синфдан ташқари ишлаш системаси кенгаймоқда. Қуни узайтирилган группаларга қатнаётган ўқувчилар сони мунтазам ортиб бормоқда. Венгрияда 1972/73 ўқув йилида ўқувчиларнинг 22%<sup>1</sup>, Болгарияда 1974 йили I—VIII синфлар жами ўқувчиларнинг 33% и (1980 йилга келиб 50% га етди); ГДР да 1974 йили I—IV синфлар ўқувчиларининг 60% и қуни узайтирилган группаларга қатнади ва ҳоказо<sup>2</sup>.

Ўқувчилар умумий тўлиқ ўрта маълумотни ва олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини ўрта маълумот олганлиги ҳақида етуклик аттестати берадиган тўлиқ ўрта умумий таълим мактабини, ўрта махсус билим юртларини, ўрта хунар-техника билим юртларини, ишлаётган ёшлар учун кечки ва сиртки умумий таълим мактабларини тугатганларидан кейин оладилар.

<sup>1</sup> Қ а р а н г : Венгерский статистический справочник, Будапешт, 1973, 293-бет.

<sup>2</sup> Проблемы образования и воспитания в школах социалистических стран. Материалы Первой конференции министров просвещения (образования) социалистических стран. М., 1975, 8, 40-бетлар.

Тулик урта умумий таълим мактаблари - да таълим структураси, муддатлари ва мазмуни айрим мамлакатларда ўз хусусиятларига эга: Болгарияда — уч йиллик гимназиялар, гарбий европа тиллари кенг ўрта-тиладиган умумий таълим мактаблари (VIII—XII синфлар), математика мактаблари ва рус тили кенг ўтиладиган мактаблар (I—XII синфлар); Венгрияда 4 йиллик гимназиялар; ГДР да тулик ўрта умумий таълим мактаби (XI—XII синфлар); Польшада — 4 йиллик сиртки умумий таълим лицейлари, бадий тарбия лицейлари; Руминияда — реал ва ижтимоий бўлимларга эга бўлган тўрт йиллик умумий таълим лицейлари, бадий лицейлар, жисмоний тарбия лицейлари, 5 йиллик махсус лицейлар; педагогик, саноат, қишлоқ хўжалик, санитария, экономика (IX—XII синфлар), Чехословакияда — ижтимоий ва табиий илмий бўлимлари бўлган гимназиялар (X—XIII синфлар); Югославияда — 4 йиллик гимназия, ўрта бадий ва спорт мактаблари (IX—XII синфлар). Тулик ўрта умумий таълим мактаблари ва ўқитиш муддати тўрт йил бўлган гимназиялар олий ўқув юртига киришга ва амалий ишга тайёрлайди.

Қишлоқ мактаблари ва озчиликни ташкил қилувчи миллатларнинг болалари учун мактабларнинг моддий шароитини яхшилаш ва уларни кадрлар билан таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилди. Марка-

зий Мактабларнинг ташкил ИТИЛИШИ, МакТйблмр ҚоШИД! интернатлар қуриш ва ЯҚИН ҚИШЛОҚ, Ёвр I. . . . >• 1й йрМИИ! транспортда олиб келиниши, кам бутланган МИК! [6 ИИ) ни мумкин қадар қисқартиришга ёки батамом тугатишга имкон берди. Бу қишлоқ жойларда таълим беришнинг илмий савиясини анча оширди. Қатор мамлакатларда (Болгария, Венгрия, ГДР) 1950 йилга нисбатан ўқувчиларнинг, айниқса юқори синф ўқувчилари сонининг ўсиши ва умумий таълим мактаблари сонининг камайиши ҳам бир хил бутланган мактабларнинг тўла бутланган марказий умумий таълим мактабларига бирлашиши билан изоҳланади.

**Хунар-техника таълими** системаси умумий мажбурий таълим мактаби ёки бўлмаса туликсиз ўрта мактаб базасида қурилади. У хунар-техника мактаблари, фабрика- завод билим юртлари, хунар билим юртлари, касб мактаблари ва ўқувчиликни ўз ичига олади.

БХР да 1—3 йиллик хунар-техника билим юртлари ва 1962 йилдан бошлаб касбга тайёрлаш умумий ўрта таълим бериш билан бирга олиб бориладиган ўрта хунар-техника билим юртлари ишлаб турибди. ВХР да саккиз йиллик мактаблар базасида ишлайдиган 2—3 йиллик қуйи касбга оид мактаблар бор; юқори малакали ишчи ёки хизматчилар тайёрлайдиган ва етуклик аттестати берадиган 4 йиллик ўрта касб мактаблари; етуклик аттестати олган-у бироқ, ишлаб чиқариш фаолияти учун махсус билим ва малакага эга бўлмаган гимназияни битирганлар учун хунар мактаблари; ўрта хунар мактабларининг ўқув планлари ва программалари асосида ишлайдиган гимназия синфлари мавжуд. ГДР да ўқувчиларга касб ва ўрта махсус билим юртларига кириш ҳуқуқи берадиган икки йиллик хунар мактаблари; ўқувчиларга касбга оид билим ва олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқи берадиган уч йиллик хунар мактаблари бор. Хунар мактаблари корхоналар қошидаги мактаблар (жамми мактабларнинг 75%и); район советлари қарамоғида бўлган маиший хизмат (касбга оид савдо, қишлоқ хўжалиги ва умумий хунар мактаблари, территориал, марказий хунар мактаблари)га бўлинади. РСРда хунар таълими биринчи босқич лицейлар базасида амалга оширилиб, 1—1,5 йил давом этади. ПХР да икки-уч йиллик қуйи хунар мактаблари ва 2 йиллик қишлоқ хўжалиги мактаблари, малакали ишчилар тайёрлайдиган ва етуклик аттестати берадиган 4 йиллик хунар мактаблари, ўрта хунар мактаблари, ЧССРда — 1—3 йиллик хунар билим юртлари ва ўқувчилик мактаблари; етуклик аттестати

Умумий таълим мактаблари ва ўқувчилар сони (ўқув йили бошида)<sup>1</sup>.

Мамлакат	Умумий таълим мактабларининг сон 1		Ўқувчиларнинг сони (минг киши ҳисобида)	
	1950/51 ўк. й.	1975/76 ўк. й.	1950/51 ўк. й.	1975/76 ўк. й.
БХР	6 646	3 760	970	1 102
ВХР	6 356	4,753	1 282	1 209
ГДР	10 245	5,921	2514	2 698
ПХР	24 605	17 628	3 608	4 991
РСР	15 575	15 151	1 838	3 387
ЧССР	15 395	9 625	1 736	2010

<sup>1</sup> Жадвал қуйидаги китоблар асосида тузилди: Народное хозяйство стран—членов СЭВ. Стат. сб. М., 1974, 313- бет; Статистический ежегодник стран—членов Совета Экономической Взаимопомощи. 1976, М., 1976, 427- бет.

берадиган 4 йиллик ўрта хунар мактаблари; тетншли касбга тайёрлайдиган, аммо етуклик аттестати бермайдиган 2—3 йиллик ўрта хунар мактаблари ишлаб турибдн.

Хунар-техника мактабларининг катта қисми корхоналар қошида жойлашган. Мажбурий ёки тўлиқсиз ўрта мактабни тугатган ва тўлиқ ўрта умумий таълим мактабларида ёки ўрта махсус мактабларда ўқимайдиган болаларнинг жуда кўпчилиги профессионал таълим системасида назарий ва амалий касбга оид тайёргарлик оладилар (ГДР да—99%, бошқа мамлакатларда умумий ўрта маълумотга эга бўлган ишчиларни тайёрлашга ўтиш вазифаси қўйилган).

Хунар-техника мактабларининг ўқувчилари пафака оладилар, ётоқхона билан таъминланган ва бир >катор мактаблар ўқувчилари бепул овқат ва кийим билан таъминланган. Назарий таълим вақтида бўлажак ишчилар махсус технологияни, металлар технологиясини ва материалшуносликни, техник механикани электроника асослари билан электротехникани, техник чизмачилик, математика, она тили, тарих, жамиятшуносликни ўргандилар. Кейинги йилларда эстетик тарбия предметлари туркуми кенг ёйилмоқда. Касбий педагогиканинг замонавий методлари ўқувчиларда ижодий активликни, ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришда мустақилликни ўс тирмоқда.

Ўрта малакали мутахасссларни турли соҳали ўрта махсус билим юртлари тайёрлайди. Уларга мажбурий ёки тўлиқсиз ўрта умумий таълим мактабларинн тугатган шахслар қабул қилинади.

Булар БХР да — техникумлар ва асосий мактаб базасида ишлайдиган 4—5 йиллик билим юртлари ва ўрта мактаб базасида ишлайдиган 1—3 йиллик ўқув юртлари; ВХР да —ўрта таълим базасида 2—3 йиллик техникумлар ва тўлиқсиз олий маълумот берадиган олий хунар мактаблари қурилмоқда. ГДРда — инженерлар мактаблари ва техникумлари, ПХР да — техникумлар ва хунар лицейлари. РСР да — лицейдан кейинги ихтисослашиш мактаблари (1—2 йил) дир. Уларга лицейнинг тўла курсини тугатиб, бакалавр дипломини олган, кириш имтиҳонларини топширган кишилар қабул қилинади. ЧССР да — етуклик аттестати берадиган 4 йиллик ўрта хунар мактаблари мавжуд.

Олий таълим социалистик мамлакатларнинг юкрри малакали кадрларга эҳтиёжига биноан ривожланмоқда.

Ривожланган социализм қурилиши шароитида олий таълим чуқур назарий ва амалий билимли мутахасссларни тайёрлашга даъват этилган бўлиб, бу билнмлар уларга ишлаб чиқаришни фан-техниканинг энг янги ютуқлари асосида ташкил этиш ва ривожлантиришга, ижтимоий тараққпётннинг йўналиш ва тенденцияларини тугрп тушуниш ва мўлжал олишга ёрдам беради. Университетлар на институтлар фаолияти таълим-тарбия ва илмий тадқиқотларнинг бирлиги принципи билан белгиланади.

Олий ўқув юртлари ва ўқув программаларининг структурасини таълим жараёнини халқ хўжалигининг долзарб ва истиқболли эҳтиёжлари билан, фан-техника тараққийтининг талаблари билан тўлароқ боғлаш; олий мактабнинг плмнй-тадқиқот, таълим ва тарбия соҳаларидаги вазифаларини такомиллаштириш ҳамда бу вазифаларнинг бирлиги ва ўзаро алоқасини мустаҳкамлаш; студентларни илмий ишга кенг жалб этиш юзасидан кўпгина ишлар қилинди. Олий ўқув юрти хузуридаги илмий изланиш тажрибалари бўлғуси мутахасссга ўз кучига ишонч бахш этади, кизиқишлари, интилишлари, имкониятлари доирасини аниқ белгилаб олишига имкон беради, студентларнинг ихтисос бўйича билимларини чуқурлаштиради.

Тўлиқ ўрта ва олий мактаблар талабалари орасида ишчи ва деҳқонларнинг болалари сони ўсаётгани социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқ маорифи

Ўрта махсус ўқув юртлари ва студентлар сони (ўқув йили бошида).

Мамлакат	Уқув юртлари сони			Студентлар сони (миң киши)		10 миң аҳолига студентлар сони
	1950/51 ўқ. й.	1975/71 ўқ. й.	1950/51 ўқ. й.	1950/51 ўқ. й.	1975/76 ўқ. й.	1975/76 ўқ. й.
БХР	171	233	61	137	84	157
ВХР	234	243	56,1	225	60	214
ГДР	225	234	34,7	162	19	96
ПХР	2445	5778	279	1098	112	321
РСР	468	888	279	570	78	267
ЧССР	604	599	94,1	294	80	198

<sup>1</sup> Жадвал қуйидаги китоблар асосида тузилган: Народное хозяйство стран—членов СЭВ. Стат. сб. М., 1974, с. 315. Статистический ежегодник стран—членов Совета Экономической Взаимопомощи. 1976 г., М., 1976, 429—430- бетлар.

соҳасида эришган катта муваффақиятидир. Халқ хокимияти даврида кўпгина ишчи ва деҳқонлар таълим олиб, социалистик зиёлилар составига кирди. Бу оила — студентларнинг кўпгина қисми ана шундай оилалардан чиққанлигини ҳисобга олсак, социалистик мамлакатларнинг ишчи ва деҳқонларга таълим бериш оохасидаги ютуқлари яна ҳам яққолроқ кўринади.

Олий ўқув юртларига тўлиқ ўрта мактабни, ишчилар факультетларини, ўрта махсус ўқув юртларини тугатганлар ва касбий, кечки ва сиртки таълим системаларида ўрта маълумот олганлиги ҳақида етуқлик аттестати бўлганлар қабул қилинади.

### СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА МАКТАБ РЕФОРМАСИ

Социалистик мамлакатларнинг маориф системаси ривожланиш жараёнида айрим ўзгаришларга учради. Асосан мактабларнинг айрим типлари ва уларнинг вазифалари ўзгарди. Бирок *барча граждандларнинг таълим олишлари учун тенг ҳуқуқ бериш ва ҳар томонлама камол топишини* таъминлайдиган чинакам демократик принциплар ўзгаришсиз колди.

Илмий-техника революцияси шароитида ривожланган социалистик жамият қурилиши халқ маорифи олди-

Олий ўқув юртлари ва студентлар сони  
(ўқув йили бошидаги ҳисобга кура)<sup>1</sup>

Мамлакат	Олий ўқув юртлари сони		Студентлар сони		10 минг киши нисобига студентлар сони	
	1950/51 ўк. а.	1975/76 ўк. й.	1950/51 ўк. я.	1975/76 ўк. й.	1950/51 ўк. й.	1975/76 ўк. л.
БХР	19	27	33,6	111	46	
ВХР	19	56	32,5	108	35	
ГДР	21	54	31,5	137	17	
ПХР	83	89	125	468	50	
РСР	54	42	53	165	32	
ЧССР	28	36	45,2	155	55,9	

<sup>1</sup> Жадвал қуйидаги китоблар бўйича тузилди: Народное хозяйство стран-членов СЭВ. Стат. сб. М., 1974, 316-бет; Статистический ежегодник стран — членов Совета Экономической Взаимопомощи, 1976 г., М., 1976, 431—432-бетлар.

га қуйидаги вазифаларни қўяди: халқ маорифи системасини, умумий ва политехник таълим мазмунини такомиллаштириш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш; ўқитиш (таълим) (билан ишлаб чиқариш мەҳнати ўқувчпларнинг билиш билан боглик ижодий қобилиятларини ўстиришга кўп қўл-лаш; ўқувчиларни мустақил равишда билим олишга тайёрлаш, ақлий меҳнат маданиятининг асосий приёмлари-га ўргатиш; таълимнинг техник воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; ёшларни меҳнатга, меҳнатга коммунистик муносабатга психологик, маънавий тайёрлаш масалаларига эътиборни кучайтириш, уларда буржуа ва ревизионистик идеологияга муросасиз муносабатни шакллантириш.

Социалистик қурилиш вазифаларига биноан социалистик мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари, ҳукуматлари—БКП пинт X ва XI; ВСРП нинг X ва XI; СЕПГ нинг VIII ва IX съездлари; ПОРП нинг VI ва VII съездлари; РКП МК нинг июнь (1973 й) пленуми ва партиянинг XI ва XII съездлари; Чехословакия Компартиясининг XIV съезди; МК нинг июнь (1973 й.) пленуми ва XV съезди; *халқ маорифи системасини такомиллаштириш, моддий ва маънавий ишлаб чиқаришнинг барча соҳалари учун ва фан-техниканинг янги ва истиқболли йўналишлари бўйича мутахассис кадрлар тайёрлашни яхшилашга дойр кенг программани ишлаб чиқдилар.*

Бу вазифа ҳал этила бошланганлиги қуйидагиларда кўрилмоқда: мактабгача тарбия муассасалари тармоғи кенгайиб, болалар богчаларида болалар сони кўпайиб бормоқда. Бу ерда улар мактабга муваффақиятли тайёрланмоқда; бошлангич мактабда таълим методлари ва мазмуни такомиллашди; **бу ўқув** муддатини **4** йилдан **3** йилга (ГДР) ва **5** йилдан **4** йилга (ЧССР) кискартириш имконини берди; куни узайтирилган мактаб ва синфлар ҳамда мактабдан ташқари тарбия муассасалари тармоғи кенгайди; бир хил ва кам бутланган мактаблар кискарди; факультатив машғулотлар ва ўқувчилар билан ишлашнинг сиифдан ташқари ишлар мазмуни ва ташкилий формалари илмий асосда ишлаб чиқилди; мажбурий мактабни тугатгандан кейин ўрта умумий таълим ва махсус билим юртларида ўқишни давом эттираётган ўсмирлар сони мунтазам ўсиб бормоқда; мажбурий таълим / 8 йилдан 10 йилга (ГДР, РСР, ПХР да, 1978" йилга ҚВЛИБ, бу вазифа ЧССР да ҳам қўйилди) узайтирилди; **л га** секии ёппасига тўлиқ ўрта таълим амалга оширила **б шланди** (БХР, ВХР, ПХР, РСР, ЧССР); хунар таъли-

ми системаси да ўрта маълумот ҳақида аттестат олиш имкониятлари кенгайди; ёш авлодни социалистик жамиятда яшаш ва ишлашга мунтазам ва мақсадга мувофиқлаштириш аниқлаштирилди.

Мажбурий умумий ўрта таълимни амалга оширишга ўтиш кўпгина масалаларни ҳал этишни талаб қилади: болаларнинг ёш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўрта маълумот мазмунини ва мактаб фанларини ўқитиш методларини модернизациялаш; умумий таълим мактабининг алоҳида звеноларида энг мақсадга мувофиқ структура ва ўқитиш муддатларини жорий этиш; ўқувчиларни гоъвий-сиёсий тарбиялашни тарбиявий ролини ва савиясини оширишни; ўқитувчилар тайёрлаш системаси ва мазмунини такомиллаштиришни ва меҳнаткашлар малакасини оширишни ва хоказо.

Қатор мамлакатларда мавжуд *халқ маориф системасини реформа* қилиш кўзда тутилмоқда. Болгарияда бу реформанинг асосий момента ягона ўрта политехник мактабни ташкил этиш бўлиб, унда ёш авлодни тайёрлашнинг тарихий шаклланган икки сўхаси — умумий таълим мактаблари ва ҳунар билим юртлири бирига яқинлашди ва аста-секин қўшилиб кетади.<sup>1</sup>

БКП нинг XI съезди (1976 й.) олтинчи беш йиллик планнинг бажарилишини яқинлаб, олтинчи беш йиллик давомида ва 1990 йилгача социалистик жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида мактабнинг ролини анча ошириш, ёш авлоднинг маълумот даражасини, сиёсий онгини ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш зарурлигини қайд этди. Еттинчи беш йилликда барча ёшларни ёппасига ўрта таълимга ўтказиш асосан тугалланади, ўқув-тарбия процессининг мазмуни ва ташкилий тузилишини сифат ва ташкилий жиҳатдан ўзгартириш амалга оширилади, таълим-тарбиянинг ишлаб чиқариш меҳнати билан таркибан қўшилиши таъминланади, ўқувчиларнинг имконият ва қобилиятларини ривожлантириш, ёшларни актив касбга оид ва ижтимоий фаолиятга интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва ихтисосий тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилади.

Съезд бу вазифаларни ҳал этишнинг зарур шарт-шароитлари деб қунидагиларни кўрсатди: болалар муассасалари тармоғини кенгайтириб, 1980 йилга келганда

уч ёшгача бўлган барча болаларнинг 22—24% ими болалар яслиларига ва 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 80% га яқинини болалар боғчаларига тортиш; I—VIII синф ўқувчиларининг 50% га яқинини мактаб-интернатларда ва тўлиқ кунли мактабларда ўқитишга эришиш (1980 йилга келиб); мактабда уч сменада ишлашни тугатиш ва икки сменада ишлашни қиқартириш, ҳозирги замон педагогика талабларига биноан синфлардаги ўқувчилар сонини камайитириш, ўқувчиларни ишлаб чиқаришни ўргатишга мўлжалланган ўқув устахоналарини кенгайтириш ва такомиллаштириш; ўқувчи ёшларни касб танлашга йўналтиришни кучайтириш; ўқувчиларнинг техник ва илмий ижодкорлигини ривожлантириш: Ешлар уйлари, Пионерлар уйлари, ёш техниклар ва ёш агробиологлар клублари, станциялари қуришни кенгайтириш; ўқитувчиларни тайёрлаш ва келгусида малакасини ошириш сифатини кўтариш; ихтисослаштириш ва меҳнатнинг характерини ҳисобга олиб кадрларни вақт-вақти билан такомиллаштириб бориш ва бошқа касбга ўргатишнинг ягона системасини жорий этиш; ҳунар-техника ўрта мактабларини ишчилар синфи сафини тўлдиришнинг энг самарали формаси сифатида мустаҳкамлаш, 1980 йилга келиб VIII синфни тугатувчи ўқувчиларнинг камида ярмини шу мактабларга ўқишга юбориш; олий ўқув юртлиридаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унта раҳбарлик қилишни такомиллаштириш, ўқитишнинг замонавий техника воситаларини кенг қўллаш ва хоказо.

ПОРП нинг VII съезди (1975 й.) Польшада халқ маорифини такомиллаштиришга оид катта иш қилинганлигини қайд этди: ПХР Министрлар Совети ёшларни тарбиялашнинг асосий проблемаларини ҳал этишга қаратилган программани ишлаб чиқди; тарбия ишлари бўйича Совет ташкил қилинган бўлиб, унинг зиммасига давлат марказий ва маҳаллий ҳукумат органлари бошлаган барча ишларини мувофиқлаштириш юкланди.

Польша Халқ Республикаси Сейма 1973 йил 13 октябрда қабул қилган янги халқ маорифи системаси ўн йиллик мажбурий умумий таълим мактабини, шаҳар ва стилок мактаблари учун ягона ўқув программасини, шунингдек, ҳунар таълимининг кенгайтирилган системасини: соҳасига қараб ўқитиш муддати 6 ойликдан икки ярим йилликкача бўлган мактабларни қиқартириш кўзда тутди. Олий ўқув юртига кириб ўқишни иск-пан ўнинчи синфни битирувчилар турли соҳаларда III икки йиллик махсус мактабларда таълим оладилар.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Живков Тодор* \ Отчетный доклад ЦК Болгарской Коммунистической партии X съезду партии. София-пресс, 1971, 71-бет.

**Шунингдек, Сейм қарори бялан** олий ўқув юрти системасининг асосий йўналишлари ва вазифалари белгиланган.

Ҳозирги вақтда тўлиқсиз ўрта мактабни битирганларнинг 95% и ўқишни давом эттиряпти, уларнинг 40% и ўрта мактабда ўқимокда. Қишлоқ жойларда таркок мактаб тармоғи ўрнига базавий гимн мактаблари системаси киритилмокда. Бу мактаб қишлоқ болаларига юқорн савияда таълим-тарбия беришни таъминлайди. •

Уқитувчиларнинг ижтимоий обрўйини мустаҳкамлаш ва уларнинг турмуш ва меҳнат шароитинн яхшилаш учун кўпгина ишлар қилинди. ПХР Сейми ўқитувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Уставини қабул қилди. Уқитувчилар малакасини оширишнинг янги системаси киритилди. Мамлакатдаги мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқув, тарбиявий ва гоъвий-сиёсий ишнинг савияси ва самарадорлиги хийла кўтарилди. Олий ўқув юртлари халқ хўжалиги эҳтиёжларига мое келадиган илмий-тадқиқотларда кенг иштирок этади<sup>1</sup>.

Чехословакия Коммунистик партиясининг XV съезди (1976 й.) таъкидландики, меҳнатқашларнинг социалистик онглилиги, уларнинг маънавий, гоъвий-сиёсий ва маданий ҳаётининг юксак савияда бўлиши социалистик жамият граждaнларининг онгли активлиги учун муҳим шартлардан биридир... Партиянинг, бутун идеологик системанинг фаолияти социалистик жамият граждaнларида илмий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган, чунки дунёқараш ижтимоий тараққиёт тенденцияларини, ҳозирги замон жараёнларини тушунишга имкон беради ва чуқур ички эътикод асосида социализм қурилиши тарихий ишида фаол иштирок этади<sup>2</sup>.

Бу вазифаларни конкрет хал қилиш Чехословакия мактабининг масъулиятли ва шарафли бурчиднр. Мактабда ўсиб келаётган авлодга умумий ва политехник таълим беришнинг бутун жараёни илмий дунёқарашни шакллантиришга, гоъвий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик тарбияни такомиллаштиришга, ўқувчиларнинг граждaнлик активлигини ўстиришга қаратилган.

КПЧ нинг XV съезди ўн икки йиллик мактаб ҳажмида ягона умумий таълим курсини ишлаб чиқиш, таълимнинг алоҳида босқичларининг вертикал ва горизонтал

<sup>1</sup> Қаранг: \Ч1 съезд Польской объединенной рабочей пар- тии. 8 — 9 декабря 1975 г. М., 1976, 45 — 47-бетлар.

<sup>2</sup> «Кисле пра\о», СлзЪ 28, йиЪпа 1976, 5.6

йўналишларда таркибий боғланишини, назария билан амалиётнинг, таълим билан ишлаб чиқариш меҳнатининг алоқасини, табиий, илмий ва гуманитар предметларнинг ўзаро алоқасини таъминлаш ва таълимнинг хилма-хил форма ва методлари самарадорлигини ошириш вазифа- сини (ҚўЙДИ).

Чехословакия компартияси МК Пленуми (1976 й. июнь) ва Чехословакия ҳукумати 1976/77 ўқув йилидан бошлаб ўн йиллик мажбурий таълим ва янги ўқув прог- раммалари киритилиши, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг ижодий ва мустақил фаолиятини ривожлантириш зарур- лиги ҳақида қарор қабул қилди.

1976 йил 1 сентябрдан биринчи синфлар янги прог- рамма асосида ишлайди, иккинчи синфларда ҳам 1980/81 ўқув йилидан бошлаб жорий этиш учун янги программа- лар тажрибада синаб кўрилади. Шундай қилиб, 1983/84 ўқув йилида мажбурий мактабда таълимнинг янги маз- мунига ўтиш тўла амалга оширилади.

Руминия Коммунистик партияси XI съездининг (1975 й.) 1976—1980 йилларга мўлжалланган беш йиллик план ва Руминияни пг 1981—1990 йилларда социал- иктисодий ривожланиш йўналишлари тўғрисидаги дирек- тиваларида халқ маорифи системасини, таълим-тарбия мазмуни ва методларини барча босқичларда мамлакат- нинг ижтимоий-иҚТИСОДИЙ ва маданий тараққиёт талаб- ларига мое равишда янада ривожлантириш, ёшларни ўқи- тиш жараёнини амалий ишлаб чиқариш фаолияти билан таркибан кўшиб олиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Беш йиллик план охирига келиб мактабгача тарбия ёшидаги (3 дан 6 ёшгача) болаларнинг 80% дан ортик қисми мактабгача тарбия муассасаларига жалб этила- ди; ўн йиллик мажбурий умумий таълимга (лицейнинг биринчи босқичи—IX—X синфлар) ўтиш тугаллаиади ва 1990 йилгача ўн икки йиллик мажбурий таълимга (лицейнинг иккинчи босқичи—XI—XII синфлар) ўти- лади.

Илмий, умумий таълим билан ҳунар ўргатишнинг алоқасини кучайтириш максадида махсус лицейларда таълим оладиган ўқувчилар сони мунтазам ошириб бо- рнлади ва шу билан турли типдаги лицейлар билан ма- лакали кадрларга бўлган талаб ўртасида зарур мослик- ка эришилади; ҳунар ўргатадиган лицейлар тўлик ўрта маълумот олувчиларнинг 70% ини қамраб олади.

Олий таълим нжтимоий-иктисодий фаолиятнинг бар- ча соҳаларида кадрларга бўлган талабни тўла қондира- дн. 1976 йилдан 1980 йилгача олий ўқув юртларинп 180

мингдан 200 минггача киши битириб чиқади, шундан 83 МИНГ киши техник олий ўқув юртларини тугатади. Олий мактабнинг муҳим вазифаси таълимнинг тадқиқот ва ишлаб чиқариш билан таркибни боғланганини амалга оширишдир.

Белгиланган барча тадбирларни тўла таъминлаш учун 1976 йилдан 1980 йилгача бўлган беш йилликда таълим учун маблаг 1971—1975 йилларга нисбатан 35% ортади.

Таълим системасини такомиллаштириш проблемаси Венгрияда кенг муҳокама қилинмоқда. Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг илмий институтларга 1985 йилгача узоқ муддат тайёргарлик ва текширишни талаб қиладиган келажакдаги халқ маорифи структурасининг лойиҳаларини ишлаб чиқишни топширди. ВСРП нинг XI съезди (1975 й.) 10—20 йилдан кейин ўсиб келаётган авлод учун мажбурий ўрта таълимни киритиш вазифасини қўйди<sup>1</sup>.

Германия Социалистик ягона партиясининг IX съезди СЭПГ Марказий Комитетининг хисоботида (1976 й.) «VIII съезди томонидан узоқ истикболга қўйилган ўрта мактаб таълимини янада такомиллаштириш вазифаси яхши натижалар берди. Уқитувчиларнинг куч-гайрати ўқувчилар мустақкам билим ва қўникмалар олишларига ҳамда уларни амалда ижодий қўлланишларига қаратилган»лиги таъкидланади.

ГДР да ривожланган социалистик жамият қуриш ва коммунизмга аста-секин ўтиш учун замин яратиш таълим ва коммунистик тарбиянинг мазмунини янада такомиллаштиришни талаб қилади. «Коммунистик тарбия ёшлар онгига дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар ва чуқур социал жараёнларни етказишни, давримизнинг барча масалаларини тўғри, ишчилар синфи нуқтаи назардан баҳолашни ва ижтимоий тараққиёт учун интилиш қобилиятини синдиришни англади. Ёшларга социализм ва коммунизм ҳақида, янги тузумнинг устунлиги ва унга хос ҳаёт тарзи ҳақида, Совет Иттифоқи атрофида жипслаган социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигининг қудрати ва кучи ҳақида илмий тасаввур бериш зарур. Унинг тарих ҳақидаги тушунчасини чуқурлаштириш, ишчилар ҳаракатининг революцией анъаналарини уларнинг мулкига айлантириш керак»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Каранг: «Правда», 1975, 18 март.

<sup>2</sup> Хонеккер Э. Отчет Центрального Комитета СЭПГ IX съезду Социалистической единой партии Германии, Дрезден, 1976, 134-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда, 136-бет.

Социалистик мамл-акатлар ҳукуматлари халқ маорифи системаси реформасини муваффақиятли амалга оширишни таъминлайдиган, хусусан маориф учун молиявий маблағларни кўпайтириш, мактаблар тармоғини кенгайтириш, тарбиялашнинг ижтимоий фондларини яратиш, ўқитувчилар тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилди,

Ҳозирги вақтда барча мамлакатларда қуйидагилар ўтказилмоқда: янги ўқув программаларини қўллаш таърибасини-батафсил таҳлил қилиш; предметлараро алоқаларни оқилона амалга ошириш мақсадида мактабдаги турли фанлар, синфлар ва ўқитинд босқичлар буйича таълим мазмунини такомиллаштириш ва координациялаш; янги дарсликлар, методик адабиётлар, кўргазмалар куруллар ишлаб чиқиш; ўқитувчининг методик иши савиясини ошириш; таълим жараёнини фаоллаштириш; социалистик мактабда ўқитиш ва тарбиялаш назариyasi ва амалнётини такомиллаштириш.

Ҳаёт олий таълимда ҳам **чуқур** миқдор ва сифат снлжншлари қилишпи тақозо этмоқда. Булар ихтисослар структураси ва номенклатурасини аниқлаштиришда, таълим бериш мазмуни, форма ва методларини такомиллаштиришда; илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртларининг илмий потенциалини интеграллашда, студентлар илмий ҳаракатни кенгайтириш, олий ўқув юртларининг экономика ва миллий маданият эҳтиёжлари учун илмий-тадқиқотларда иштирок этишида, олий ўқув юртлари, илмий муассасалар билан хўжалик ташкилотлари ўртасида бевосита алоқа ўрнатишда; ўқитиш ва тадқиқотлар билан амалиётнинг алоқасияи чуқурлаштиришда ўз пфодасини топади.

Умумий таълим мактаблари ўрта ва олий махсус ўқув юртларининг **ўқув**-тарбия ишлари даражасини ошириш вазифаси ўқитувчилар ва профессор-ўқитувчилар составига анча ююэри талаблар **қўяд**. Бу эса **ўз** навбатида улар малакасини ошпришнинг ўзипи оқлаган йўллари, формалар ва мазмунини такомиллаштиришни қатъий талаб қилади.

Жаҳон социалистик системасининг муваффақиятли тараққиёти давомида социалистик мамлакатларнинг узлуксиз **таракк**ий этиш ва ҳар томонлама яқинлашиш тенденцияси юзага келди. Бу жараён умумий иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва маданий заминга эга бўлган, умумий манфаат ва мақсадлар ҳамда интернационал бирдамлик билан ўзаро узвий боғланган озод, мустақил социалистик мамлакатлар ҳамдўстлигини вужудга келтирди. Фан-

техника тараққийети талабларига биноан социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг илмий-техник ҳамкорлиги формалари тобора такомиллашмоқда.

Халқ маорифи соҳасидаги ҳамкорлик анча кенгаймоқда. У турли формаларда амалга оширилмоқда: ўсиб келаётган авлодларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги тажрибалар ва илмий ахборот алмашиш; педагогикага оид проблемаларни биргаликда тадқиқ этиш, биргаликда илмий конференциялар, симпозиумлар, кенгашлар ўтказиш; халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда ўзаро ёрдам бериш, лекторлар алмашиш; студентларнинг таништирув ишлаб чиқариш практикасини ташкил этиш; профессор-ўқитувчилар малакасини оширишнинг турли формалари ва бошқалар. Социалистик мамлакатлар халқ маорифи министрликлари ўртасида, халқ маорифининг шаҳар бўлимлари, илмий-тадқиқот муассасалари, олий педагогика ўқув юрлари ва умумий таълим мактаблари ўртасидаги ҳамкорлик қилиш бўйича икки ёқлама шартномалар кенг ёйилди.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлари, халқ маорифи министрлари конференциялари, педагоглар, педагогик журналлар ва ўқитувчилар газеталари редакторларининг илмий-методик ва амалий кенгашлари ўқувчплар олимпиадалари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказилади.

Олий таълим министрларининг VII конференцияси (1972 йил июль, Прага) қарорига биноан социалистик мамлакатларнинг «Ҳозирги замон олий мактаби» халқаро журнали таъсис этилди. Унинг асосий вазифаси олий таълимнинг илмий ва педагогик масалалари бўйича тажриба алмашишни ташкил қилишдан иборат.

Ленинча принципларга асосланган янги типдаги халқаро мuposабатлар заминига қурилган социалистик системадаги мамлакатлар халқ маорифи ва педагогик тадқиқотлар соҳасидаги ҳамкорлигининг муттасил чуқурлашиб бориши ҳар бир мамлакатнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш борасидаги ютуқларини кўпайтиради, халқ маорифи социалистик системасининг устунликларидан тўла-роқ фойдаланишга имкон беради. Маорифни ривожлантириш учун энг қулай шароитлар ривожланган социализм даврида юзага келади: «Ривожланган социалистик жамиятнинг КПСС ва қардош коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг коллектив қуч-қайрати билан ишлаб чиқилган концепцияси марксизм-ленинизм хазинасига қўшилган катта ижодий ҳиссадир. КПСС ривожланган со-

циализм назарияси ва практикасига таяниб, яқин йилларга ва олисроқ тарихий истиқболга мўлжалланган халқаро рақатнинг равшан, реалистик йўлини белгилаб берди, программавий мақсадларимизни амалга ошириш йўллариини конкретлаштирди»<sup>1</sup>.

## КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИНING ХАРАКТЕРИСТИКАМ. КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДАГИ ТАЪЛИМNING ИНКИРОЗИ

Турли мамлакатлардаги маориф системалари на фақат бевосита ижтимоий тузумга боғлиқ равишда, балки ҳам мактаб структурасида, ҳам **ўқув** юрларининг номида ўз аксини топадиган конкрет тарихий шароит, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққийетнинг спецификаси, шунингдек, мавжуд традициялар таъсирида юзага келади. Бироқ уларнинг ҳар хиллигига қарамадан, давлатнинг мактаб сиёсати принциплари ва йўналишидагина эмас, балки мактабнинг ички структурасида ҳам умумий хусусиятлар бор.

Мактаб системаларини бошқаришда номарказлашпш ва мактаб структурасини, **ўқув** планлари ва таълим программаларини танлаш, турли типдаги **ўқув** юрлари тараққийетини планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш **хуқуқ** бўлган (булар ҳуқуқрон синфларнинг таълимга хўжайинлигини анча осонлаштирган) штатлар (АҚШ, Канада), музофотлар (ГФР), кантонлар (Швейцария) автономияси тарихан вужудга келган. Францияда маориф системасини бошқариш **к** марказлашган бўлиб, бироқ унинг доирасида ижтимоий саралаш амалга оширилган ва бу меҳнаткашларнинг болалари учун боши берк мактаблар, ижтимоий элита учун тўлиқ ўрта мактабларнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади.

Капиталистик мамлакатлардаги **мактабгача тарбия** муассасалари, одатда, тегишли ёшдаги болаларнинг жуда оз қисмини қамраб олади. Улар таълим системасига кирмайди; уларнинг катта қисми хусусий муассасадир. Улар черков, диний жамоалар ёки алоҳида кишилар томонидан очилади ва қараб турилади.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар таълим системаларининг таркибига XX аернинг 50- йиллари ўр-

<sup>1</sup>Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги туғрисида. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил 31 январь қарори. «Ўзбекистон коммуниста» журнали, 3-сон, 1977 й., 6-бет.



таларига келиб кундагилар кнрди: умумий таълим мактаблари, хунар-техника ўқув юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари.

**Умумий таълим мактаби** структураси ҳар хил тип ва мактаб босқичларига, шунингдек, помга зга эди. Бирок **унинг** асосий тузилиш принциплари, вазибалари ва ўқитиш характерида барча ривожланган капиталистик мамлакатлар учун жуда кўп умумий томонлар мавжуд эди.

Бошлангич (ёки элементар) мактаб тарихан меҳнаткашлар болаларини ўқитишнинг энг оммавий шакли сифатида, кўпроқ материал бериш таълими назарияси асосида ривожланди. Бошлангич мактабларда ўқитиш муддати турли мамлакатларда турлича: АҚШ да 6 йилдан 8 йилгача .

Норвегияда — 7 йил, Англияда — 6 йил (5 йилдан 7 йилгача — кичкинтойлар мактаби, 7 йилдан 11 йилгача — бошлангич мактаб), Япония, Бельгия ва ГФР нинг айрим музофотларида — 6 йил, Франция, Италияда — 5 йил, ГФР, Швецияда — 4 йил ва хоказо. Бир қатор мамлакатлар (АҚШ, Англия)да бошлангич мактаб ўқувчилари қобилиятларига кўра оқимларга (А, Б, С, баъзан Д, Е оқими) бўлинади.

Буржуа педагогикаси гўё генетик жиҳатдан белгилаб кўйилган «болалар туғма пстедоди»ни-нг хилма-хил типлари назариясинн; интеллектуал ёки назарий, ижтимоий ёки амалий, артистлик ёки бадиий (АҚШ, Англия ва бошқаларда); назарий, амалий ёки назарий-амалий истедодлар (ГФР ва бошқаларда) ишлаб чиққан. Истедод типи ва ўқувчиларни таълимнинг турли йўналишлари учун саралаш бошлангич мактабни битиргандан сўнг, таълимнинг дастлабки босқичида тестлар, индивидуал топширқлар, фаҳмлаш ва эрудициясини аниқлаш учун топширқлар ёрдамида (АҚШ, Англия, Австралия, Япония); кузатишлар, йўналиш бериш сйстемаларй (Франция ва бошқалар); конкурс имтихонлар, ўқитувчилар характеристикалари, кириш ва илгариланган деб аталувчи босқичлар V—VI сннфларда ўқитиш давомида кузатиш (ГФР ва бошқалар), шунингдек, аниқлашнинг босқа формалари ёрдамида амалга ошириладн.

Бундай саралаш натижасида меҳнаткашлар оилаларидан бўлган болаларнинг 70—80% и боши берк *мажбурий мактабларда*: АҚШ, Японияда уч-тўрт йиллик кичик ўрта мактабда; Англияда — ўқиш муддати уч-тўрт йил бўлган «замонавий» мактабларда; Францияда — бошлангич мактабларнинг юқори синфларида ва умумий таълим коллежларида; ГФР да — бош мактабнинг юқо-

ри (V—X) сннфларп ва бошқаларда ўқишни давом эттирадидлар. Мажбурий мактабни битирганлар хунар таълими системасида билим олишни давом эттиришлари мумкин.

Назарий-амалпй истедодн бўлган ўқувчилар тўлиқ сиз ўрта мактабларга: Англияда —ўрта техник мактабга, ГФР, Швеция ва бошқаларда — реал мактабларга ўқишга юборилади. Умумий таълим мактабларининг бу тнпларнни муваффақиятли тугатганларга ўрта махсус ўқув юртлари ёки ходим сифатида амалий пшга кириш ҳуқуқи берладп.

Университетларга кириш ҳуқуқни эса *тўлиқ ўрта мактабни*: Англияда—грамматик мактабни; ГФР ва Швецияда — гимназияни; Франциядалицейни; АҚШ, Японияда — катта ўрта мактабларнинг академик оқимлари\* ни ва хоказоларни тугатганлар олади. Тўлиқ ўрта мактабда ўқиш муддати 12 йил, ГФР да эса 13 йил.

Капиталистик мамлакатларнинг мактаб сйёсатини ва мактаблар системаларини ташкил этиш принципларининг анализи бу мамлакатларнинг халқ маорифига хос бўлган чуқур зиддиятлар мавжудлигини кўрсатади. Кейинги вақтларда капиталистик мамлакатларда таълим инкирози тўғрисида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда<sup>1</sup>.

1967 йилнинг октябрида маориф соҳасидаги мутахассисларнинг халқаро конференцияси (АҚШ, Уилльямсбург шаҳри) ЮНЕСКО қошидаги Таълимни планлаштириш халқаро институтининг ректори Филипп Кумбс бошчилигидагн 18 мамлакат вакилларида иборат экспертлар группаси тўплаган жаҳон мамлакатларида таълимнинг ахволи ҳақидаги материалларни кўриб чиқди ва кенг жамоатчиликка мурожаат этиб, босиб келаётган «кўпгина мамлакатларда сезилаётган маорифнинг жаҳон инкирози» хавфи ҳақида огоҳлантирди. Буржуазия идеологлари таълим инк,иросининг умумжаҳон характери тўғрисида тўхталиб, турли мамлакатлардаги таълимнинг ахволини ижтимоий аспектдан ташқарида, конкрет олинган бир мамлакат ёки мамлакатлар группасининг ижтимоий-иқтисодий системасидан ажратиб қарайдилар.

Таълим инкирози ҳақида хилма-хил ижтимоий доиралар ва сйёсий партиялар вакиллари, ҳукумат аъзолари ва олимлар гапирмоқдалар. Буржуа олимлари ва мута-

<sup>1</sup> *РисН1 0. 01е ОеиьСе ВПип^зкаБз^горпе. Мйпсьеп, 1965; I>НсН К. Спзлз апс1 Норет Атепсап ЕйисаЙоп АШегЙоп Пре?з, № 7, 1966; III МамМз Бац115азлре Рапз, 1962.*

хассислари таълим инкирозининг характерини қараб чиқарканлар, «таълимда инкилоб», «тенг имкониятлар инкилоби», ўқитиш сифатини оширишда «инкилобнинг зарурлиги» ва бошқалар тўғрисида ёзмақдалар.

Маорифнинг расмий раҳбарлари ва ҳукумат доираларининг вакиллари таълимнинг инкирозини тасдиқлар эканлар, унинг сабаблари, асосан ташқи характердаги ходисалар: халқ маорифига ажратилаётган маблағлар етишмаётганлиги, мактабларда ўқитувчилар камлиги, таълимнинг мазмуни фан ва ишлаб чиқаришнинг хозирги замон талабларига мөе эмаслиги ва бошқалар деб биладилар. Шу боисдан улар халқ маорифини қисман реформа қилиш, айрим ўқув юртлари типларини ўзгартириш, янги типдаги мактаблар очиш ва ҳоказолар орқали инкироздан чиқиш мумкин деб ҳисобламақдалар.

Аслида эса *капиталистик жамиятдаги таълим инкирози капитализмнинг умумий кризисининг бир шаклидир*. Бу империализм мамлакатлари таълим системаларининг мазкур мамлакатлар конституциясида ёзилган аҳолининг барча табақаларининг таълим олиш ҳуқуқини ва тарбия вазифаларини таъмин этншга, замонавий экономика, фан-техника талабларини қондиришга қодир эмаслиги; капитализм фан-техника тараққиёти ютуқларидан тўла фойдалана олмаслиги; ҳукмрон синфларнинг таълимга хўжайинлиги билан экономика талаблари — замонавий саноат корхоналарига юқорн малакали ишчилар дарқорлннн ўртасидаги зиддият кескинлашаётгани; илмий-тадқиқотлар, умумий таълим ва олий мактабларда ўқилиш ва тарбиялаш мазмунининг ҳарбийлашишида; ёшлар дунёқараши, фикр ва эътиқодининг шаклланишига давлат монополистик капитали сиёсий таъсирининг кучайиши; педагогик назариянинг чуқур инкирозга тушганлиги (тарбия ва таълим назарияси плюрализи деби аталадиган инкироздан чиқиш учун йўл топишга уриниш); тараққийпарвар кучларнинг таълим ва мактаб снетемаларини демократлаштириш учун курашининг кучайишида ўз ифодасини топмақда.

Марксча-ленинча педагогика таъсирининг кучайиши ва тараққийпарвар кучларнинг капиталистик мамлакатлардаги таълим снетемаларини демократлаштириш учун курашининг ўсиши давлат монополистик капитализмининг омгани ўзининг гоявий-сиёсий назорати остида мумкин қадар тутиб туриш учун халқ маорифи соҳасида айрим ўзгаришлар қилишга мажбур этмақда.

Капиталистик мамлакатлар ҳукуматлари халқ маорифининг муқаммал эмаслиги ва инкирозини сўздагина

тан олиб, мактаб таълимини «дмократлаштириш»га оид икки юзламалик ҳаракатларини қилиб, бу ҳаракатларини «ягона индустриалашган жамият», «конвергенция», «техноконструктуралар», «аралаш экономика» сингари турли буржуа назарияларини кенг тарғиб этиш билан бирга олиб бормақда.

Турли мамлакатларда ёшларни тарбиялаш ва ўқитишга монополиялар таъсирини кучайтириш мақсадида халқ маорифини бoшқариш ва планлаштиришни марказлаштириш, ҳукмрон синфларнинг устунлигини сақлаган ҳолда, умумий таълим ва олий мактабларни қисман реформа қилиш; буржуа педагогикасининг асосий концепцияларини замонавийлаштиришга, уларга «илмий», «объектив» тус беришга уриниш; ривожланаётган мамлакатлардаги таълим системаларининг қарор топнши ва ривожланишига таъсир кўрсатишга интилиш; социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг марксча-ленинча педагогикаси ва практикасига қарши кўпоровчилик фаолиятининг активлашишида кўзга ташланмақда.

#### **КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА ТАЪЛИМ РЕФОРМАЛАРИ**

Давлат-монополистик капитализми мавжуд маориф Системасини реформа қилишга мажбур, бироқ у амалга ошираётган реформалар мактаб таълими структураси ва мазмунини *тубдан ўзгартириш характерида бўлмай*, балки кўпинча тарғибот баёни бўлиб қо<sup>а</sup>ди. Масалан, В. Брандтнинг давлат номидан айтган 1969 йилги давлат баёнотида (ГФР) таълим соҳасидаги реформалар СДПГ ва СвДП коалицион ҳукуматининг вазифалари орасида олдинги ўринлардан бирида туради. Бироқ ҳукумат бирорта ҳам жиддий тадбир кўрган эмас. Таълим снетемаларини амалда такомиллаштириш яққол нфодаланган прагматик характерда бўлиб, буржуа маориф системаларининг асосий принципларини сақлаб қолишга к<sup>а</sup>Р<sup>а</sup>-тилган.

Реформаларда капиталистик мамлакатларнинг мактаб сиёсатиға хос к<sup>а</sup>Р<sup>ама</sup>К<sup>а</sup>Р<sup>ш</sup>и тенденциялар яққ<sup>о</sup> ифодаланмақда. Айрим янгиликларни ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш снетемаларини такомиллаштириш йўлида маълум даражада олға қўйилган мажбурий қадам деб, бошқаларини — маориф снетемаларини давлат-монополистик капитализми ва илмий-техника революцияси эҳтиёжлари ва талабларига мослаштириш-

га уриниш, учинчиларини— мамлакатдаги тараккийпарвар кучларнинг маориф системасини демократлаштириш талабларига ён бериш, туртинчиларини эса социалистик мактабнинг айрим элементларини ўзлаштириш деб қараш мумкин.

Ривожланган капиталистик мамлакатлар ҳукуматлари қисман реформа қилиш тўғрисида қонун қабул қилди: мажбурий таълим муддатларини узайтириш; мактабни бошқаришни реформа қилнш; ўқувчилар сонини кўпайтириш; айрим мактаб типлари структурасини ўзгартириш; ўқув планлари ва программаларини реформа қилиш; янги ўқув предметларини киритиш; умумий таълимни техник ва ҳунар таълим билан боғлаш; таълим методларини такомиллаштириш ва бошқалар.

Ҳозирги замон саноати кўпроқ тайёрланган ишчиларни талаб қилаётгани, улар малакаси эса умумий маълумот даражасига боғлиқ эканлиги туфайли мажбурий мактабнинг ўқувчиларнинг ҳунар эгаллашига асос соландиган юқори синфлари (VI—XI синфлар) мактаб реформасининг бош объекти бўлмоқда.

Дастлаб кўпроқ ташкилий ва структурага дойр реформалар ўтказилди. Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг кўпчилигида *мажбурий умумий таълим муддатлари узайтирилди*. Ҳозирги вақтда қуйидаги мамлакатларда У—12 ёшдан 14—16 ёшгача ўқитилади: Австрия, Дания, Швейцария, Норвегия, Австралия, Канадада 9 йил (6 ёшдан 15 ёшгача); ГФР ва Францияда—9—10 йил (6 ёшдан 15—16 ёшгача); Англияда 5 йилдан 16 йилгача; Японияда 6 йилдан 14 йилгача; АҚШ да штатнинг территориал жойлашишига қараб 8—12 йил (6 ёшдан 14—18 ёшгача ва ҳоказо). Бунда мазкур қонунлар *номигагина* эканлигини назарда тутиш керак. Кўпинча умумий таълим мактабида маълум йиллар давомида ўқиш белгиланган даражадаги умумий маълумот олинганликни аниқлашмайди, мажбурий ўқиш муддатининг узайтирилиши эса доим ҳам билимлар даражасини оширишни назарда тутмайди.

Бир қатор мамлакатларда қонун йўли билан мажбурий умумий ва ҳунар таълими муддати 16 ёшгача (Франция ва б.) хатто 18 ёшгача (ГФР ва б.) деб белгиланган. Бундай мажбурий таълимни меҳнаткашларнинг болалари, одатда, ҳунар таълими системасида ўқиш ва айна чокда корхоналарда ишлаб оладилар. Бунинг устига тўлиқ ўқув куни ишлайдиган ҳунар мактабларида назарий машғулотлар ҳафтасига 4—12 соатдан кўп эмас. ГФР да 16 ёшдаги ўсмирларнинг фақат 29%, Италия-

да — 34%, Францияда — 55%, Бельгияда—61% и тўлиқ ўқув куни ишлайдиган ҳунар мактабларида ўқийдилар.<sup>1</sup>

Мустақил шуғулланадиган аҳоли структурасининг ўзгариши хўжалик ва маданиятнинг ривожланган соҳаларида ўрта ва олий м-аълумотли кадрлар салмоғининг муттасил ошиб боришига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, умумий ва техник таълимни янада ривожлантиришни тақозо этади. Монополиялар халқ маорифини сармоя кўйиш учун энг сермахсул объектлардан бири ҳисоблайди. Билим юртлари ҳамда тўлиқсиз ва тўлиқ ўрта, шунингдек олий мактабларда ўқиётган ўқувчи ва студентларнинг сони кўпайганлиги шу билан изоҳланади.

*Умумий таълим мактабининг структура узаришига* қуйидагиларни киритиш мумкин: бирлашган мактаб деб аталадиган ёки мажбурий мактабнинг юқори звеносини табақалаштиришнинг киритилгани (Швеция); бирлашган мактабларнинг ташкил этилганлиги (Англия); иккинчи босқич умумий таълим коллежларининг очилганлиги (Франция); кириш ва илгариланган босқичларнинг киритилиши, бирлашган умумий таълим ва олий мактабларни таълим йўли билан тўқшириш; «таълим олишда ҳаммага баравар имконият» яратишнинг йўлларида бири сифатида кенг тарғиб этилаётган тўлиқ ўқув кунилик мажбурий умумий таълим мактаблари бунёд этилиши (ГФР). АҚШ да конгресс кейинги йилларда халқ маорифининг турли масалаларига дойр ўнлаб қонунларни маъқуллади ва ҳоказо.

Умумий таълим мактабининг бир қатор ўзгаришлари ташки формаси билан социалистик системадан ўзлаштирилмоқда, бироқ капиталистик мамлакатлар уларни ўз талабларига мослаштирмоқдалар. Бу тадбирларга қуйидагилар қиради: қишлоқ мактаблари бир хил ёки кам бутланган мактабларнинг йириклаштирилиши, бу мактабларга яқин қишлоқлардан болаларни машинада олиб келиш, мактаблар қошида интернатлар ташкил этилиши, мактаб марказларининг ташкил этилиши ва уларда ягона раҳбарлик остида уч типдаги мустақил мактаб — мажбурий, тўлиқсиз ўрта (реал), тўлиқ ўрта (гимназия) мактабларнинг ишлаши ва бошқалар. Бундай типдаги бирлашган мактабда ижтимоий саралаш вазифасини ички табақалаштириш: кириш ва илгариланган босқичлар; мажбурий курслар ва танлаб ўқиладиган курслар; майли, кизиқиши ва қобилиятга кўра курслар, группалар,

<sup>1</sup> «Шере 2eП», № 15, 13, Апрель 1973, 5. 17,

оқимлар, шунингдек, дидактик табакаланишнинг турли приёмлари бажаради.

Капиталистик мамлакатларда *олий мактабни реформа қилишнинг* янги, бирлашган олий мактаб деб ата- лувчи концепцияси кенг муҳокама қилинмоқда. Бу мак- таб турли типдаги олий ўқув юрларини бирлаштиради ва бир олий ўқув юртидан иккинчисига ўтишга имкон беради, барча типдаги олий ўқув юрларининг эшигини «хаммага очик» қилиб қўяди, ўқувчиларни бир ихтисос бўйича эмас, балки ихтисослар группаси бўйича тайёр- лайди, студентларни ўқитишни уч босқичда уюштиради, бу босқичларнинг ҳар бири ихтисоснинг маълум дара- жасини эгаллашни таъминлайди (ўқитувчиларни тайёр- лашда, масалан, ҳар бир босқич умумий таълим макта- бининг бир босқичи — бошланғич, асосий, тўлиқсиз ур- та, тўлиқ ўрта мактаб ўқитувчиси малакасини беради); кўзда тутилган курслар (фанлар) таълимнинг би- ринчи ва иккинчи босқичларида олдин танланган соҳа- ни ўзгартиришга йўл қўяди.

1974 йил декабрида ГФР бундестаги олий мактаб тўғрисида қонун қабул қилди. Мўлжалланган янги олий мактаб: университетлар ва махсус олий ўқув юрларида таълим мазмуни ва ўқитиш даражасини бирлаштириш; кенг ихтисосий фаолиятга тайёрлаш; техник-системали фикрлашни, мустақил билим олиш ва янги проблемалар- ни методик жиҳатдан асосли ҳал эта олиш қобилиятла- рини ривожлантириш; мутахассислар малакасини оши- ришда олий мактаб ролини кучайтиришни кўзда тутати.

Олий мактабни бирлаштириш концепцияси Франция- да университетлар таркибига технологик ва техник ин- ститутлар ва коллежларни киритиш йўли билан кенг татбиқ этила бошлади. Улар тўла қонли олий таълим бермаган ҳолда, қисқа вақт ичида тор соҳа бўйича му- тахассис кадрлар тайёрлайди.

Франциядаги олий мактабни реформа қилишга оид сўнгги лойиҳалар умумий назарий предметлар даража- сини анча пасайтириш ва ўқув планларида уларни қис- қартиришни кўзда тутати. Мақсад ёшларни техноло- гик институтлар ва олий таълимнинг биринчи икки цикли (босқичи) доирасида анча тор ихтисосга йўналти- ришдир.

60- йиллардаги қисман реформалар *буржуа мактаби- ни инқироздан олиб чиқмади*. Уларнинг ҳаётнинг янги талабларига номуносиблиги капиталистик мамлакатлар аҳолисининг барча қатламларида норозилик уйғотмоқ- да. 70- йиллар бошларига келиб ҳам мактабларда ўсиб

келаётган авлодга таълим ва тарбия бериш системаси кескин танқид қилинишда давоқМ этаверди.

Фан-техника тараққиёти, фан ва ишлаб чиқариш- нинг тараққиёт даражаси туфайли илгари сурилаётган ишчи ва хизматчиларнинг билимларини мунтазам янги- лаб бориш ва такомиллаштириш зарурати махсус курс- лар, катталар учун кечки ва сиртқи таълим снетемалари- ни яратиш ва кенгайтириш масаласини кўндаланг қўй- моқда.

«Параллел таълим» деб аталадиган таълимнинг ке- нгайтирилиши ва тарғиб этилиши (оммавий ахборот во- ситалари ва турли ўқитилмайдиган муассаса ва ташки- лотлар ёрдамида билим олиш) замонавий мактаб ол- дига ўқувчиларга муайян билим даражасини бериш вазифасини эмас, балки асосан ўқишни ўрганиш, яъни ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ўстириш ва улар- да янги билимларни мустақил эгаллаш кўникма ва мала- каларини ҳосил қилиш вазифасини қўяди. Уз навбатида, ўсиб келаётган авлодни фан асосларига оид билимлар билан қуроллантиришнинг аҳамиятини, синф-дарс сис- темасини, ўқитувчининг таълим жараёнидаги ролини, ўқитишнинг мазмуни, метод ва суръатларини индивиду\* аллаштиришни етарли баҳоламаслик, буржуа педагоги- касининг айрим, энг чекка ва сўл вакилларини мактабни йўқотиш, «деворсиз мактаб» сингари гоёларга олиб кел- ди. (И. Ильич, Э. Рай-мер, П. Гудмен — АҚШ ва б.).

Хукмрон доиралар буржуа жамиятига хос бўлган ан- тогонистик зиддиятларни юмшатишга, ҳозирги замон ка- питализми таълим соҳасида «хаммага барабар имконият» яратишга қафолат беришга қодир деган таассурот ҳосил қилишга роса уринмоқда. Бирок қисман реформалар иж- тимой тенгеизликни йўқотишга кўмаклашмайди, чунки бу тенгеизликни юзага келтирувчи замин — ишлаб чиқа- риш воситаларига хусусий мулкчилик дахлсиз бўлиб қолмоқда, доимий омил бўлиб қолаётган даромадлар- нинг тенгеизлиги «имкониятлар тенглиги»га қарши ту- рибди. Оқибатда ривожланган капиталистик мамлакат- лар аҳолиси меҳнатқашлар қатламнинг анча қисми саводсиз қолмоқда ёки паст даражада билим олмоқда.

Энг ривожланган капиталистик мамлакатлардан би- ри — АҚШ да яшаётган 25 ёшдан юқори бўлган милли- онга яқин киши мактабга бормайди; АҚШ аҳолисининг тахминан 13% и (мамлакат жанубида — 22—25%) са- водсиз ёки чаласавод бўлгани учун касбий тайёргарлик- ка эга эмас; 6—13 ёшдаги 800 минг бола ўқишга тортил- маган, бир хил бутланган қишлоқ мактабларида ўқиёт-

ган 6 млн. ўқувчи арзимайдиган маълумот олмакда. Италияда 4 млн. га яқин киши саводсиз; мамлакат бўйича 150 минг синф хонаси етишмайди. Колумбияда мактаб ёшидаги болаларнинг 64% и ўқимайди. Грецияда аҳолининг 30—35% и, саводсиз ва чаласавод, Испанияда мактаб ёшидаги бир миллион бола мактабга бормайди.

Кўпчилик ривожланган капиталистик мамлакатларда ягона давлат ҳунар-техника таълими системаси йўқ. Ёшларнинг кўпчилигига *хунар таълими* корхоналарда ўқувчилик формасида берилиб аввало кўникма ва укув хосил қилишга қаратилган бўлади; назарий тайёргарлик ўқувчиларга фақат энг оддий, конкрет меҳнат турини бажариш учун керак бўладиган билимларни баён этийдигандан нобрат.

Корхоналарда пшлаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам касбий тайёргарликни ўтамаганлиги ва тегишли назарий билим ва амалий кўникма ва укувга эга эмаслигини ҳам назарда тутиш керак. ГФР да ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган 1,5 млн. ўсмир йигит ва қизлардан 500 минг киши махсус касбий таълим олмаган; Францияда ўсмир йигитларнинг 35% и ва қизларнинг 45% и касбий маълумотга эга эмас; АҚШ да кўпгина концернлар ёшларни маълум фаолпат тури учун керак бўладиган приёмларга қисқа муддатли ўқитиш билангина чекланади.

Айниқса *чет эллик ишчиларнинг болалари* қийин аҳволда. ГФР да муҳожир ишчилар болаларининг 95% и касбий тайёргарлик олмади ва улардан қўшнмча ишчи кучи сифатида фойдаланилади, бу болаларнинг 1/4 қисми мактабда ўқимайди ва улар ўқитилмаган ёрдамчи ишчиларнинг резерв армиясини тўлдиради, Францияда муҳожир ишчиларнинг 50% и саводсиз.

Капиталистик мамлакатларнинг илмий-техник ва ижтимоий тараққиёти ўртасидаги катта номутаносибликлар жамият томонидан тўпланган моддий бойликларнигина эмас, балки интеллектуал бойликларни тақсимлашда ҳам тенгсизлик проблемасини кескинлаштиради. Умумий таълим ва хунар таълимидаги маълум силжишларга қарамай, ҳатто энг ривожланган ва бой капиталистик мамлакатларда ҳам *мавжуд таълим системаси билан фан-техника тараққиётининг объектив талаблари ўртасидаги узиллиш ортиб бормокда.*

Янги ишчи касбларини эгаллаш ва ишчи кучипинг сафарбарлигини кучайтириш учун зарур шарт-шароит кенг умумий таълим тайёргарлигидир. Бироқ оммавий мажбурий мактаб юксак малакадаги замонавий касбларни эгаллаш учун зарур бўлган маълумот даражаси-

ни бермайди. Тажриба ва меҳнат стажи йўқлиги ёшларнинг ишлаб чиқаришга қўшилиб кетишини яна ҳам қийинлаштиради. *Ёшлар орасида ишсизлик проблемаси* кейинги йилларда тобора кескинлашмоқда. 1976 йилнинг охирида ривожланган капиталистик мамлакатлардаги бутунлай ишсизлар сони 15 млн. кишидан ошди. Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) маълумотларига кўра эса 18 млн. кишига етди<sup>1</sup>.

Меҳнат бозорида айниқса хотин-қизлар, ёшлар, озчилик миллатлар, ва чет эллик ишчилар қийин аҳволда қолдилар. Кўпгина мамлакатларда ишсизларнинг ярмидан кўпи — хотин-қизлардир (АҚШ да—55,2%, Францияда—50,7%, Бельгияда—50,4%,<sup>2</sup>. 1976 йил охирига келиб АҚШ да 20 ёшгача бўлган йигит-қизларнинг 19% и, негрларнинг 13,6% и ва бошқа ирқий озчиликнинг 13,6% и<sup>3</sup>, негр ёшларнинг эса 40%<sup>4</sup> га яқини ишга эга эмасди.

Европа иктисодий жамиятига қиравчи мамлакатларда ёшлар ишсизлиги мунтазам ўсмоқда: 1967 йилдан 21% дан 1977 йили 35% га ўсди. ГФР даги ишсиз ёшлар рўйхатга олинган барча ишсизларнинг 40% ини, Англияда — 44% ини ташкил этади.

ГФР қасаба союзларининг маълумотида кўра 1982 йилга келиб касбий тайёргарликка ва иш жойига эга бўлмаган ёшлар сони 1,4 млн. кишига кўпаяди. Капиталистик мамлакатлардаги ёшларнинг тобора кўпроғи умумий таълим мактабини битиргандан сўнг ишсизлар сафини тўлдиради; улар ишсизлар ҳақидаги статистик маълумотларга қирмайдилар, ишсизлик нафақасини олмайдилар, чунки уларнинг кўпчилиги йиллаб иш тополмаганлари учун сира ишламаганлар.

Ишсизлик ёшларга на фақат моддий, балки маънавий-психологик зарар етказди, уларда умидсизлик, тўлақонли эмаслик туйғусини уйғотди.

Ишсиз ўқитувчилар сони ҳам ўсмоқда. ГФР-статистика, башорат ва экономика комиссиясининг маълумотларига кўра мамлакатдаги ишсиз ўқитувчилар сони 1973 йилнинг кузидаги 970 кишидан, 1975 йил кузига келиб,

<sup>1</sup> Қаранг: Экономическое положение капиталистических и развивающихся стран. Приложение к журналу «Мировая экономика и международное отношение», 1977, № 8, 13-бет.

<sup>2</sup> Тенденции развития капиталистической экономики. «Мировая экономика и международное отношение», 1975, № 9. 16-бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Капиталистическая экономика в 1976 г. «Мировая экономика и международное отношение», 1977. № 3. 53-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Покатаев Ю., Шенаев В. Некоторые черты современного экономического кризиса. «Коммунист», № 12, 80-бет.

4070 кишига кўпайди. Айниқса ёш ўқитувчилар орасида ишсизлар проценти катта: 23 ёшдан кичик бўлган ўқитувчилар орасида ишсизлар сони 1973 йили 67% ва 1975 йили 73% ни ташкил қилди<sup>1</sup>.

Шимолий Рейп-Вестфалия музофотининг сизиниш министри маълум қилдики, 1980 йили 11000 ўқитувчи мактабдан иш ололмади. 1985 йилга келиб эса мамлакатда 60 минг ишсиз ўқитувчи бўлади<sup>2</sup>.

Илмий-техник революция капитализмнинг илгариги барча қарама-қаршнликларини кескинлаштиришдан ташқари, янгиликларин хам юзага келтирмоқда. «Бу аввало илмий-техник революция очаётган одатдагидан ташқари имкониятлар билан капитализм фан кашфиётларининг катта қисмини ва беҳисоб моддий ресурсларини ҳарбий мақсадларда ишлатиб, миллий бойликларни ҳавога совириб, уларни бутун жамият манфаатлари учун фойдаланиш йўлига қўяётган тўсиқлар ўртасидаги қарама-қаршилиқдир»<sup>3</sup> -

*Ҳарбий харажатлар* инсониятни кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган ниҳоятда улкан бойликлардан маҳрум этади. У фан-техника тараққиётига хунук тую беради, капиталистик ишлаб чиқариш қарама-қаршилиқларини кескинлаштиради. Капиталистик мамлакатларнинг ижтимоий харажатларга, шу жумладан халқ маорифига ҳам, ажратмаларининг мунтазам қисқариб бораётганлиги ҳарбий харажатлар ортиб бораётганлигининг оқибатидир.

Ҳарбий машин ага жуда катта олимлар армияси, сонсаноксиз лабораториялар, институтлар ва бошқа муассасалар ишламоқда. Капитализм миллатнинг энг яхши ақллари тинчлик йўлига эмас, энг муқаммал йўқ қилиш воситаларини ишлаб чиқариш учун ишлашга мажбур этади.

Капиталистик мамлакатлар экономикаси ва сиёсатининг ҳарбийлашиши на фақат халқ маорифини маблағ билан таъминлашга, балки ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишга, таълим-тарбия мазмуни ва методларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Шу мақсадда экспертларнинг махсус муассасалари ва институтлари ташкил этилади, халқ маорифи органлари раҳбарлари, мактаб ўқитувчилари ва университетлар профессорлари

<sup>1</sup> Қаранг: «Оеи1зпе Бепгегейипр;», 1976, X» 37, з. 2.

<sup>2</sup> Қаранг: «Мееиз Оеи1зпШапсь, 1977, 14. Лапаг, з. 7.

<sup>3</sup> Международное Совещание Коммунистических и рабочих партий. Документы и материалы. М., 1969, 298-бет.

танланади; дарсликлар ва ўқув кўлалимлари милитаризм ғоялари билан суторилади; олий мактаб ва илмий-тадқиқот институтлари армия ва уни кўрлаантиришга қарам қилиб қўйилади.

Капиталистик мамлакатлардаги таълим реформасини анализ қилишда кўпгина лойиҳа ва таклифлар КУРУК декларация, бажарилмайдиган ваъда, сайлов олди сўзлари бўлиб қолишини эсдан чиқармаслик лозим. Капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ҳар бир ўқувчи ва студентни ўқитиш харажати ортанлиги ва ўрта ҳамда олий мактабда таълим олувчилар сони кўпайганлиги туфайли талабга мувофиқ маблағни оширишдан турли баҳоналар топпб бош тортмоқда. Ҳарбий харажатларнинг ошиши ва чуқур иқтисодий инқироз АҚШ, ГФР, Англия ва бошқа мамлакатларда қабул этилган бир қатор қонун ва реформалар лойиҳаларининг бажарилишини орқага сурди. Масалан, ГФР ҳукумати 1969 йили таълим реформасини ўзининг биринчи навбатдаги вазнфаларидан бири қилиб қўйди, бироқ канцлер Шмидт ҳукумат 'баёнотида (1974 й.) иқтисодий ва ижтимоий реформалар орасида даставвал тезда иқтисодий самара берадиган ҳунар таълимини такомиллаштириш вазифасини кўрсатди. Ҳукумат «Таълимнинг умумий плани»ни (1973 й.) «имкониятга биноан теран қараш билан амалга оширилиши лозим бўлган, мамлакатдаги бутун таълим системасини узок муддатли ривожлантириш» плани деб қаради.

Францияда ўрта таълим коллежларининг уч-тўрт соҳага бўлиниши амалда 40% болаларни лицейларга киришдан маҳрум этади, раҳбарлар ва ижрочилар тайёрлашда чуқур тафовутни саклайди. Маориф министри Рене Абининг 1975 йили Франция Миллий йигини қабул қилган ўрта таълимни инқироз шароитига мослаштиришга қаратилган реформаси ўқувчилар оммасини «кафолатланган билимлар минимуми», га эга бўлишга ва бевосита ишлаб чиқаришдан иш олишга йўналтиради. Мактаб доирасида ҳунар ўргатиш кучаймоқда; ўқувчилар лицейнинг битирувчи синфига киришдан воз кечиб, ҳунар таълимидан олдин бериладиган махсус синф билими билан кечканишга чақириладн: иккн босқичли бакалорат киритилиб, у олий мактабга кириш имкониятини яна кўйинлаштиришга қаратилган. Болаларнинг мактабга турли ёшда киришига руҳсат этилади; тайёргарлик даражаси ҳар хил бўлган болалар учун бошлангич мактабда ўқиш муддати ҳам турлича қилиб белгиланади. Лицейнинг юкори синфларнда факультатив дарслар ва

танлаган предметлари бўйича машғулотларни кенгайтириш кўзда тутилади, битирувчи синфда ўқитиш факультатив бўлади. Р. Аби реформаси француз мактабининг «америкалаштириш» тенденциясини, ўқувчилар асосий оммасини ўқитиш утплитар характер касб этишини ва айна чоқда мактаб доирасида ижтимоий саралашни ва аслзодалар учун тўла конли маълумот беришни саклаб қолиш тенденциясини яққол кўрсатди. Шу сабабли француз матбуотида кескин мубохаса бормокда: Франция коммунистлари ва тараккийпарвар доиралари реформани танқид қилдилар.

### **КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЁШЛАРНИ УЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ УЧУН КУРАШИ**

«Октябрь галабаси,— дейди Л. И. Брежнев «Улуғ Октябрь ва инсоният тараккийети» номли докладда,— халқаро ишчилар ҳаракати курашида янги боақиқ очди.

СССРда, сўнгра бошқа мамлакатларда ҳам социализм КУРилиши капитал мамлакатларидаги пролетариатнинг сиёсий етуқлиги ўсишига ёрдам берди. Пролетариат сафларининг уғошқоклиги кучайди. Тарихда буюк роль ўйнаши лозим бўлган куч—халқаро коммунистик ҳаракат вужудга келди. Монополиялар ҳукмронлигига қарши, демократия ва социализм учун курашда пролетариатиттифокчиларининг фронти кенгайди»<sup>1</sup>.

Капиталистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар маориф снетемаларини, ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни демократлаштириш учун курашга бутун жамиятни демократик қайта ўзгартишнинг узвий таркибий к<sup>н</sup>и сифатида қараб, уни муттасил кучайтирмоқдалар. Бу курашда улар тарбия ва таълимнинг марксча-ленинча назариясига асосланмоқдалар ва социалистик мамлакатлардаги мактаб курнлиши тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар.

Ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш тўғрисидаги интернационал марксча-ленинча таълимот, ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни ягона назарияси, социалистик таълим системаси тузилишининг умумий принциплари, социалистик мамлакатлар мактаби қурилиши ва иш амалиётининг бой тажрибаси капиталистик мамлакат-

ларнинг ишчи ва коммунистик партияларга капиталистик тузум шароитида халқ маорифини демократлаштириш учун кураш стратегияси ва тактикасини тўғри белгилаш ҳамда меҳнаткашлар оммаси сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятни эгаллаган ва капитализмдан социализмга ўтиш шароитида социалистик мактабни КУР<sup>н</sup>и йўллари-ни белгилашга ёрдам беради. Социалистик мамлакатларнинг марксча-ленинча педагогика, халқ маорифи ва ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашга оид иш тажрибасининг халқаро ахамияти ана шунда намоён бўлади.

Капиталистик мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари буржуа таълим системасининг антидемократик характерини ҳамиша фош этиб келади, ишчилар синфни, тараккийпарвар жамоатчилик ва ёшлар ҳаракатини уюштириш ва халқ маорифини ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни ва методларини демократлаштириш учун, тинчлик ва ижтимоий тараккийет учун курашга йўналтиради.

Коммунистик ва ишчи партиялар, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашни марксча-ленинча интернационал назариясига асосланиб, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодини ривожланиш даражасини, конкрет тарихий ва миллий шароитларни ҳамда мавжуд халқ маорифи системасининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мактаб сиёсати соҳасидаги ўз программа талабларини ишлаб чиқадилар.

*Буюк Британия Коммунистик партиясининг* «Британиянинг социализм сари йўли» программасида (1951 й.) мамлакатдаги халқ маорифи системасининг синфий характери очиб берилди ва куйидаги талаблар илгари сурилади: устунликка эга бўлган ўқув юртлари системасини йўқотиш; барча ўқувчиларга к<sup>н</sup> ривожлантириш ва ўрта маълумот олиш учун тенг имконият берадиган ягона мактаб яратиш; ўрта ва олий мактаблар тармогини кенгайтириш; меҳнаткашларнинг болаларига зарур ёрдамни бериш ва хоказо.

Буюк Британия Коммунистик партияси мактаб ва маорифни демократлаштириш учун нзчил кураш олиб бормокда. 1964 йилги программа «Британияда биринчи марта таълим олишда чинакам тенг имкониятларни таъминлаш... бошланғич, ўрта ва олий таълимни барча болалар ва ёшлар манфаати хизматига қаратиш» вазифасини қайтадан қўйди. Компартия бу вазифани ҳал этиш учун зарур шароитлар деб куйидагиларни ҳисоблайди: ҳарбий ҳаражатларни қискартириш ҳисобига халқ

<sup>1</sup> Л. И. Брежнев, Ленин йўлидан, 6- том, 662- бет,

маорифи учун маблағни кўпайтириш: болаларни ижтимоий саралашнинг барча турларини йўқотиш; ўрта таълимнинг уч типли системасига барҳам бериш ва уни ягона мактаб билан алмаштириш: қобилиятларига кўра потокларии бартараф этиш; мажбурий таълим муддатини 16 ёшгача узайтириш; хусусий мактабларни бекор қилиш ва уларни давлат қарамоғига ўтказиш; ўқитувчиларнинг маошини ошириш ва уларнинг иш шaroитини яхшилаш; олий таълим системасини демократлаштириш; хунар-техника таълими системасини такомиллаштириш ва бошқалар.

БҚП программа талабларининг долзарблиги ва уларнинг конкретлашиши Буюк Британия Коммунистик партияси Ижроия комитетининг XXXI съездга Ҳисобот докладида (1969 й.), Ҳисобот доклад юзасидан резолюциясида, БҚПнинг Сайлов манифестида (1970 й.), БҚПнинг XXXII съезди материалларида (1971 й.), ўз аксини топди<sup>1</sup>.

БҚП маориф реформаси соҳасида қуйидаги талабларни илгари суради: эскирган барча мактаб биноларини ўзгартириш; халқ маорифи учун маблағларни кўпайтириш; 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болалар учун мактабгача тарбия муассасаларини очиш; барча мактабларда синфлардаги болалар сонини 30 тагача камайтириш; таълимнинг иккинчи босқичига мавжуд танлаб олиш принципига барҳам бериш ва ҳамма жойда «бирлашган мактаблар»ни киритиш; хусусий мактабларни йўқотиш ва уларнинг биноларни маҳаллий мактаб бошқармалари ихтиёрига бериш; 18 ёшгача бўлган ёшлар учун маляка оширишни мажбурий қилиб қўйиш; олий таълимнинг ягона системасини яратиш ва олий ўқув юрлари тармоқларини кенгайтириш.

*Франция Коммунистик партияси* Франция мактабини ривожлантириш ва демократлаштириш масалаларига ҳаммаша алоҳида эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда. Франция фашистлар асоратидан озод бўлгандан кейин тезда халқ маорифи бўйича комиссия тузилди ва унга таниқли олим-коммунистлардан физик *Поль Ланжевен* ва психолог, педагог, маориф ишининг актив арбоби *Анри Валлон* бошчилик қилдилар. Комиссия план ишлаб чиқди, у авторлар номи билан Ланжевен-Валлон

<sup>1</sup> Қаранг: «СоттепЪ, Бойюн, 1969, УО1. 7, МоуетБег, 1969, Иг. 45; «СоттепЪ, Бойюн, 1969, уо1. 7, БезетБег, 1969, №. 49; Сотгпитз! Рагу. Онегал Елесюн Матлезло, Бойюн, 1970; Тье Соттитз! Рагу о! Креале ВпЫп. Тке 32-с1 Ччаюнал Соп§гезз, I, 1971.

плани ёки лойихаси деб аталди. Лойиха асосига 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган барча болалар учун умумий мажбурий бепул дунёвий ўрта таълим бериш асосида француз мактабидаги синфий дуализмни тезда бартараф этиш ғояси қўйилди.

Ланжевен-Валлон плани амалга олмади. Бирок хо-зирги замон шароитида ФКП уни ўзининг мактабни демократлаштириш учун кураш программасига киритиб, планининг асосий қоидаларига муттасил муурожаат қилнб келмоқда. ФКП раҳбарлари Франциядаги таълимни демократлаштиришга дойр таклифларда (1967 й.) мактабни чнакам демократлаштиришни таъмин этадиган асосий қоидалар Ланжевен-Валлон планида баён этилганини қатъий эслатмоқда. ФКП қуйидагиларни таклиф этади: қонун йўли билан 6 ёшдан 18 ёшгача мажбурий таълимни ўрнатиш; синфларни тўғри номерлаш (биринчидан ўн иккигача; бутун ўқитиш жараёнини тўрт циклга ажратиш; таълим олишда чинакам тенглик асосида ўқувчиларнинг таълимнинг барча йўналишлари бўйича пхтисос танлашларини таъминлаш, мактабдан ижтимоий саралашнинг ҳар қандай формасини йўқотиш<sup>1</sup>; меҳнаткашлар болалари маълумоти даражасини ошириш.

Бу таклифларнинг умумий маъноси 1974 йилги президент сайловида барча сайловчиларнинг қарийб 13 миллион ёки барча сайловчиларнинг 49,2% и овоз берган сўл кучларнинг қўшма давлат программасида тасдиқланди.<sup>2</sup> Халқ маорифининг долзарб масалалари ФКПнинг педагогик ва назарий журналлари: *V Ecole e!la ЫаНоп», «Ба ЫоюеИе Оп§ие>>, «Ё Реп5ле»—«Мактаб ва миллат», «Янги танқид», «Фикр»* ва бошқаларда мунтазам ёритиб турилади.

*«АҚШ Коммунистик партиясининг* янги программаси»да (1970 й.) америка таълим системаси инқирози мохиятининг чуқур таҳлили берилган. Бу инқироз,— дейлади программада,— таълимнинг синфий системаси туғдирган конфликтлар кульминациясидир. Бир томондан, меҳнаткашлар... ёппасига бепул таълим учун курашадилар... иккинчи томондан, капиталнстлар синфи меҳнаткашлар маълумотини буржуа экономикаси очик талаблари билан чеклашга, уни ғайрат билан ишлайдиган ишчи кучи тайёрлашдан иборат қилиб қўйишга интилади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: РгрозШопз роиг ипе гёГогте детосга^ие. Йе Гепяеггепеп1—Б'Еcole e! la ЫаНоп», 1967, № 156, p. 200.

<sup>2</sup> Қаранг.: Мило Жак. Француз Компартиясининг назарий фаолияти. «Проблемы мира и социализма», 1975, 60—61-бетлар.

<sup>3</sup> Г}С\У Ргойгат о\ Ые Соттитз! Рагу 115Д. У., 1970, p. 75.



АҚШ коммунистлари куйидаги талаблари илгари сурадилар: хар бир ёш кишини тўла конли таълим олиш ХУКУКи билан таъминлаш; мухтож ўқувчиларга ўрта мактабдан бошлаб стипендия бериш; камситишнинг хар қандай турини йўқотиш; мактаб комитетларига сайлов системасини демократлаштириш; йирик бизнес вакиллари мактабни бошқаришдан четлатиш: жамоа аҳолисига, шунингдек, маориф соҳасидаги мутахассисларга директорлар ва ўқитувчиларни тайинлаш ва улар фаолиятини, мактаб курсларининг мазмунини назорат ЦиЛйш хукукини бериш; мактабни маблағ билан хукумат таъминлаши; мактаб программалари ва ўқув материалларидан ирқчилик, антикоммунистик, милитаристик ва бошқа реакцион қарашларни чиқариб ташлаш; кишилик жамиятининг эволюциясида меҳнатнинг ролини, мамлакатнинг ривожланишида АҚШ негр ва рангли аҳолисининг хиссасини очиб берадиган программалар қабул қилиш: давлат томонидан мактаб ва олий ўқув юртини тугатган барча кишиларни иш билан таъминлаш ёки ишга киргунча тегишли нафақа бериб туришни кўзда тутадиган программа қабул этиш<sup>1</sup>.

*Германия Коммунистик партияси* ва *Герман коммунистлар партияси* таълимни демократлаштириш учун изчил кураш олиб бормокда. Германия Коммунистик партияси «Дунёни кутқариш, демократик ҳукуқлар, ижтимоий таъминланганлик сари йўл» программавий баёнотида (1963 й.) ГКП курашининг биринчи навбатдаги вазифалари қаторига «халқ маорифини тубдан қайта қуриш: бундесверни қуролантириш харажатларини камайтириш ва бу маблағни мактаблар, университетлар ва илмий-тадқиқот институтлари куриш, қишлоқ мактабларининг камбағаллигига барҳам беришга, кўплаб ўқитувчилар сонини камайтиришга, мажбурий ўн йиллик таълимни амалга оширишга, ўрта мактаблар ўқувчилари ва студентларига моддий ёрдам бериш ва меҳнатқашларнинг болаларига стипендия белгилашга сарфлаш<sup>2</sup> вазифаларини қўйди.

Герман коммунистлар партияси (1968 йили ташкил этилган) мактабларда реваншизм ғояларининг тарқати-

лишга, тарихий бузиб қўрсатиш ва мактабларнинг конфессиональ бўлишига кескин қарши чиқди.

ГКП ўзининг мактаб-сиёсий талабларини илгари сураркан, социалистик жамият ва унга мое социалистик таълим системаси партия курашининг бош мақсади эканлигидан келиб чиқади. "

ГКП ҳозирги замон шароитида маориф соҳасидаги демократик сиёсатнинг вазифалари деб куйидагиларни хисоблайди; ҳукмрон синфларнинг таълим олишдаги устунлигига барҳам бериш; барча болалар учун Ю—12 ёшларда ижтимоий саралашга ва ўқувчиларнинг турли типдаги умумий таълим мактабларига, қобилиятларига кўра, ўзлаштириш майлларига ва хоказоларга кура<sup>3</sup> оқимларга ажралишига барҳам берадиган бирлашган мактабнинг 10 йиллик бошланғич ва ўрта босқичларини киритиш; ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни ва характери илмий-техника революцияси талабларига жавоб бериши ва тинчлик, гуманизм ва халқлар дўстлиги манфаатлари билан белгиланиши; мактаб программаларидан ва дарсликлардан антикоммунизмни, реваншизм, милитаризм ва неонацизмни тарғиб этувчи материалларни чиқариш, меҳнатининг бирлигини ўрнатиш, мактаб билан демократик янгиланган жамият ҳаётининг узвий алоқасини ўрнатиш; касб ёки олий таълим йўлини танлашни, ҳеч бўлмаса, мактабнинг ўрта босқичи охирига кўчириш.

Мактаб сиёсати масалаларини муҳокама этишга бағишланган иш конференциясида (1974 й., Кёльн шҳри) ГКП ГФР дагн умумий ва хунар таълими аҳволни яхшилаш юзасидан тезда чоралар кўришни талаб қилиб чиқди<sup>1</sup>.

ГКП 1970 йили қабул этилган халқ маорифини демократлаштириш учун кураш программасини ривожлантириб ва конкретлаштириб, давлат-монополистик капитализмининг мактаб сиёсатиға қарши курашда дархол кўриладиган чора сифатида ГФР ҳукуматининг «Таълимнинг умумий плани» ўрниға қуйидаги талабларни илгари суради.

Меҳнатқашларнинг болаларини ўқитиш учун зарур моддий шароит яратиш: ўқитувчилар раҳбарлигида даредан кейин уй вазифаларини бажариш учун бепул

<sup>1</sup> Ы1, р. 76.

<sup>2</sup> Қ а р а и г: Бег Ше^гиг КеНипе сlez Ғнеёенз, гит 5спн(2. Нег НстосгаЙзсН КесЬе, ги 5021aler 81сберЬеИ, Рго^гаттаКзсЬе Егк1агитпо; с1ег Коттипиз(15сбер Par1el ОенизсЫан(15 ВезсЫозсен \от Par(ella§ с1ег КРО.— «ЕтЬе11>, 1963. Ней 7, з 22.

<sup>1</sup> Қ а р а н г. ВИ(1ип8зро1ШзсЬе ҒоҒейипдеп аег Аг1еЦегс1аззе-аигсН-зе1геи. 5о1ог{уогзсп1аде йег ОКР 1йг Беззеге ВН(1ипв иий ВегиЫЫс1ипе. НегаиззееЬег: Par1e1У0гз1апа аег БКР, РйззееБаог!, 1975.

маШғулотлар киритиш ва бун тўлик кун ишлайдиган мактаблар сари қўйилган қадам деб қараш; болалар боғчалари қошида уй вазифаларини бажариш ва оналари ишдан келгунча дам оладиган ўқувчилар группасини ташкил қилиш; дастлаб ишчилар кварталларида, қишлоқ жойларда ва мажбурий умумий таълим мактабларида керакли миқдорда мактаб ошхоналари қуриш; умумий таълим ва ҳунар мактаблари реформасини қуролланишга кетадиган харажатлар ва хусусий мулкдорлар даромади хисобига амалга ошириш.

Йирик корхоналарда малакали ишчи касбини олиш учун зарур миқдорда ўрин бериш; асосий касб юзасидан кенг тайёргарликни таъминлаш; адолатсиз саралашга олиб келадиган ҳунар тайёргарлиги босқичларини бекор қилиш; назарий тайёргарлик даражасини ошириш; ҳунар мактабларини ўқитувчилар билан тўла таъминлаш, мактаб билан корхона ўртасида таълим алоқасини ўрнатиш; меҳнатқашларга ўз малакасини ошириш учун ҳар йили уч ҳафталик ҳақ тўланадиган отпусқа бериш: ҳунар таълими тўғрисида илғор қонун қабул қилиш ва бошқалар.

Барча болаларни бирлашган мактабларда ўқитишга ўтиш; мажбурий мактабларда, даставвал меҳнатқашларнинг болалари ўқиётган мактабларда таълимнинг моддий ахволини яшилаш ва мазмуни савиясини ошириш? мажбурий мактабнинг ҳар бир ўқувчиси учун тўлик урта мактаб ўқувчисига сарфланадиган маблағ билан тенг миқдорда маблағ ажратиш; мажбурий умумий таълим мактабларида ўқитувчилар сонини, айниқса табиий илмий фанлардан ўқитувчилар сонини кўпайтириш, тегишли мактаб хоналари ва улар учун жиҳозлар яратиш; мажбурий ўн йиллик таълимни киритиш; мажбурий мактабнинг X синфини тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома билан тўлиқсиз ўрта мактабни тугатганлик ҳақидаги аттестат тўла тенглигини тан олиш; мактабни реформа қилишга дойр тадбирларни даставвал ишчилар кварталларида ва қишлоқ жойларда амалга ошириш; олий мактабга киришдаги чеклаш ва ўрта мактабларга саралаб олиш формаларини йўқотиш.

Ёрдамчи мактабларга болаларни саралаб олишга дойр барча кўрсатмаларни қайта кўриб чиқиш, орқада қоладиган ўқувчиларга текин ёрдам бериш.

Мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш; мактабгача тарбия муассасаларида болаларни тарбиялаш учун тўланадиган ҳақни камайитириш; тар-

биячилар сонини 50% кўпайтириш, группалардаги болалар сонини 15 кишига олиб келиш.

Чет эллик ишчиларнинг болаларини таълим олиш ҳуқуқи билан таъминлаш.

Синфдаги ўқувчилар сонини 25 кишига олиб келиш; барча ўқув предметларини махсус маълумотга эга ўқитувчилар ўқитишига эришиш.

Ишчилар ва барча тараққийпарвар кучларнинг таълим-тарбия мазмунига прогресс ва тинч-тотув яшаш руҳидаги таъсирини кучайтириш: таълим мазмунига ГФРнинг социалистик мамлакатлар билан шартномаларини, Ғарбий Берлин бўйича тўрт ёклама келишувни, шунингдек, халқлар ҳуқуқлари қоидаларини киритиш: уларга зид бўлган барча материалларни чиқариб ташлаш, даставвал тоталитаризм ҳақидаги трактатни ва таълимда «осткунд» принципини бекор қилиш; мактабларда ҳарбий таълим ва бундесвер тадбирлари ўқитилишига йўл қўймаслик.

Конституцияга зид бўлган касбга тақикни бекор қилиш, бу қонун асосида ҳамма ишдан бўшатирилганларни ишга қайта тиклаш.

Халқ маорифини реформа қилиш: кўпроқ ишчи кварталлари ва қишлоқ жойларда янги мактабларни бирлашган мактаблар шаклида очиш: ўқитувчилар тайёрлаш ва улар меҳнатига ҳақ тўлашни бир хиллаштириш; барча типдаги умумий таълим мактабларининг V ва VI синфларини мустақил марказга бирлаштириш, улар базасида бирлашган мактаблар ташкил этиш.

Коммунистик ва ишчи партиялар маориф системасини демократлаштириш учун изчил курашмоқдалар ва меҳнатқашларнинг таълим олишлари учун юридик жиҳатдан эълон қилинган ҳуқуқларни дарҳол ҳақиқатда амалга ошириш талабларини илгари сурмоқдалар.

## **РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ТАЪЛИМ РЕФОРМАСИ ПРОБЛЕМАСИ**

Ёш мамлакатлардаги мактаб ва маориф реформаси ҳар бир мамлакатнинг танлаган сиёсий йўлига ва иқтисодий ахволига боғлиқ- Ривожланаётган мамлакатлар олдига турган қийинчиликлар миллий таравдиёт манфаатига жавоб берадиган жиддий ўзгаришларни амалга оширишни сусайтириб турибди.

Кўпгина собиқ мустамлакалар, айниқса илгари Францияга қўрилган бўлган мамлакатлар, мустамлакачилик даврида вужудга келган мактаб структурасини сақлаб

колдилар. Бундай аҳволни Мағриб мамлакатларида (Жазоир, Тунис, Марокко), Гвинея республикаси, Мали, Чад, Конго, Сенегал республикалари, Мадагаскар Демократик Республикаси ва бошқаларда кузатиш мумкин. Бироқ ҳозир мактаб системасига айрим ўзгаришлар киритилмоқда: бошланғич, асосий ёки таянч мактабларни уз ичига олган ворислик босқичларини, тўлиқ ўрта таълимнинг юқори синфлари, хунар таълимнинг турли типлари, олий ўқув юр்தларини киритишга ҳаракат қилинмоқда.

Миллий кадрларни тез суръатлар билан тайёрлаш эҳтиёжи маориф органларини бир қатор ҳолларда бошланғич ва ўрта мактабнинг қисқартирилган курсларини киритишга мажбур этади: тўлиқ ўрта мактаб бошланғич ва асосий мактабларга нисбатан анча кам. Уқувчилар сони мактаб бинолари қуриш ва ўқитувчи кадрларнинг ўсишига нисбатан ортиб кетган.

Буюк Британиянинг собиқ мустамлакаларида ҳам шундай манзара кўзга ташланадн. Бу мамлакатлар ҳам мустамлака давридан мерос қолган мактаб системаларй структураси (бошланғич мактаблар, замонавий, грамматика мактаблари)ни сақлашга мажбур бўлдилар. Ҳозир ёш мамлакатлар ҳам бошланғич, асосий ва тўлиқ ўрта таълим мактабларидан иборат ворислик структурасига ўта бошладилар.

Бир қатор ёш мамлакатларда 4, 5, 6 йил давом этадиган бошланғич мажбурий таълим ҳақида қонунлар қабул қилинган. Айрим мамлакатлар мажбурий бошланғич таълим тўғрисидаги қонунларни бажаришни 70-йиллар охири—80 йиллар бошларида маорифни ривожлантириш планларига киритганлар. Аммо ЮНЕСКО регионал планларига тузатишлардан маълум бўлишича, кўпчилик Африка ва Осиё мамлакатларида мажбурий бошланғич таълим кейинроқ зарур моддий шароит яратилгандан сўнг амалга ошириладн. Ҳали жуда оз бўлган асосий ва тўлиқ ўрта мактаблар таълим структураси ва мазмунини қайта қуриш босқичида турибди. Халқ хўжалигининг барча соҳалари учун кадрларни тезроқ тайёрлаш зарурати туфайли асосий ва тўлиқ ўрта таълим мактабларининг кўпчилиги хунар мактаблари вазифасини бажаради. Бу ҳол айрим бошланғич мактабларга ҳам хос (Гвинея, Мали, Танзания, Кения ва ҳ. к.). Бир қатор ёш мамлакатларда миссионерлик ва хусусий мактаблар, ҳар хил диний йўналишдаги (бу айниқса католик ўқув юр்தларига тегишли) мактаблар ишлаб турибдики, бу мактаб бинолари ва ўқитувчи кадрлар етишмаётгани

**билан изоҳланади:** ўқитиш вазифасини, **лоқал** қисман к .1 - 1\1, қал ^тадиган ҳар бир имкониятдан фойдаланади. . . . . **тўғри** келмоқда. Аммо ҳукуматлар келажакда профессионал мактабларни тугатиш ёки уларни давлат МЙОриф системасига кўшиш вазифасини қўйганлар.

Бирмунча ривожланган мустамлакадан озод бўлган мактаблар реформалари проблемаларини анча кескин ҳал қилмоқдалар. Масалан, Бирма Иттифоқи И ОЦИалистик республикасида қонун йўли билан бошланғич, тўлиқсиз ўрта (асосий) ва тўлиқ ўрта мактабдан иборат бўлган ва ворислик структураси жорий этилган 12 йил давом этадиган мажбурий бошланғич таълим киритилган, ҳамма хусусий мактаблар давлат системасига киритилган, и,т. Бироқ мактаблар сони кам, кўпгина болалар бошланғич мактабларга ҳам қатнай олмайди. Уч **50СКИЧЛИ** ворислик структурасидаги мактаб Ҳиндистон Республикасида киритилмоқда, мажбурий бошланғич таълим тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Лекин маориф на иқтисодий имкониятлар барча штатларда бир қаторида шунинг учун кўпгина болалар ё мактабда ўқимайдилар, ёки энг жўн билимларнигина оладилар.

**Кейинги** йилларда кўпгина ёш давлатлар мактабни реформа қила бошладилар. Масалан, ЖХДР, Гвинея, Мали ва бошқа республикаларда таълим уч циклга бўлинган: олти йиллик бошланғич таълим; икки ёки уч йиллик кейинги цикллар. Улар олий мактабга ёки амалий фаолиятга тайёрланишга йўналтиради. Лекин бу мамлакатлар барча болаларни мажбурий бошланғич мактабда ўқитишга қодир эмас.

Лийпксга бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларда болаларнинг мактабни ташлаб кетиши барча ривожланаётган мамлакатлар учун характерлидир.

Логин Америкаси мамлакатларининг аҳволи бирмунча яхши. Бу мамлакатларда мактаб системаси XIX—XX асрлар чегарасида вужудга келди; Осиё ва Африкадаги ривожланаётган мамлакатларга нисбатан аҳолининг саводлилиги бирмунча кжори. Бироқ дунёнинг бу регионидида ҳам ўз к"йинчиликлари мавжуд: иқтисодий ривожланиш даражасига қараб бошланғич мактаб 2 йилдан 6 йилгача давом этади ва жамиятнинг энг таъминланмагани қатламларини қамраб олади. Бошланғич мактаб билан ўрта мактаб программаси ўртасидаги фарқ шунчалик каттаки, бошланғич мактабдан ўрта мактабга Кириш амалда мумкин эмас. Тўлиқ курсли ўрта мактабларга кейинги вақтларгача фақат таъминланган оилаларнинг болалари қабул қилинди. Бир қатор анча ри-

вожланган мамлакатлар (Мексика, Аргентина) да уч боскич ворислигига асосланган ягона бир хиллаштирилган мактаб ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда; бу илғор реформаларни амалга оширишда ҳозирча дастлабки ишлар қилинмоқда. Лотин Америкасининг камбағал қисмига келганда (бу қисм жуда кўп сонли) у кўп ҳолларда тўлақонли бўлмаган бошланғич мактаб берадиган ўта паст билим даражаси билан чекланишга мажбур. Бундай ташқари, Лотин Америкасида кўпгина болалар мактабга бориш учун умуман имкониятга эга эмас; мажбурий бошланғич таълим тўғрисидаги қонун номигагина бўлиб, ҳеч бир кафолат билан мустаҳкамланмаган; таълимнинг бошланғич босқичларида ўқувчиларнинг мактабдан чиқиб кетиш ҳоллари жуда кўп.

Ҳамма озод бўлган мамлакатларга ҳос бўлган асосий тенденцияларга келсак, улар аста-секин реформа қилиш йўли билан мактаб системаларини бир хиллаштиришга, унинг босқичлари ворислигини таъминлаш ва мактаб ёшидаги барча болаларни таълимга тортиш учун шароит яратишга интилишдан иборат. Аммо ҳозирча диққат марказида саводсизликни тугатиш ва болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш турибди.

#### **IV О 06. ПЕДАГОГИКАДА СОЦИАЛИСТИК ИД БУРЖУА ИДЕОЛОГИЯЛАРИНИНГ КУРАШИ**

Жаҳон социалистик системаси моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши, социализм ижтимоий муносабатларининг ҳар томонлама такомиллашиши, маданиятнинг юксалиши, халқ оммаси фаровонлигининг тез ўсиши, халқаро социалистик система обрўининг ортиши капитализм умумий кризисининг чуқурлашувида хал қилувчи таъсир этмоқда. Жаҳон капитализмининг умумий кризиси, ишчи ва коммунистик ҳаракат назарияси ҳамда драктикасининг муваффақиятлари капитализм билан социализм ўртасидаги синфий курашни янада кескинлаштирди. Бу кураш ҳозирги даврнинг асосий қарама-қаршичилиги бўлиб, ҳаётнинг барча соҳаларида, экономика, сиёсат, идеология, шу жумладан педагогика фани, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш практикасида ҳам олиб борилмоқда. Идеология соҳасида бу марксча-ленинча идеология ва буржуа идеологияси ўртасидаги курашнинг кескинлашувида акс этиб, бунда дегредациянинг энг ашаддий формаси антикоммунизмда кўрнанади.

В. И. Ленин таъкидлаган эдики, «капитализм бирданга ўлиб кетмайдн ва айниқса ўлимига яқинлашган сари тобора жуда қаттиқ қаршилиқ кўрсатади...»<sup>1</sup>

Л. И. Брелчев КПСС Марказий Комитетининг XXV съезидига қилган Ҳисобот докладида: «Жаҳон сиёсатидаги ижобий енлжншлар, кескинлик юмшаб бораётганлиги социализм гояларни кенг ёйиш учун қулай имкониятлар яратиб бермоқда. Лекин, иккинчи томондан, икки системанинг бир-бирига қарши гоявий кураши тобора акгпвлашмоқда, империализм пропагандаси тобора мақри туге олмоқда.

Икки хил дунёқараш ўртасидаги курашда бетарафлик ва ёнбосишларга ўрин бўлиши мумкин эмас. Бу курашда сиёсий хушёрлик юсак даражада бўлиши, пропаганда иши актив, оператив ва ишонтирарли равишда

бўлиш, душманнинг идеологик диверсияларига ўз вақтида зарба берилиши лозим»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди.

Хозирги дунёда, илмий-техника прогресси ва жамиятнинг социал, иктисодий ҳамда маънавий ҳаётида илмий билимларнинг роли тез ўсаётган бир шароитда, шахсга билим ва тарбия бериш проблемалари идеологик курашнинг олдинги каторига сурилмоқда.

#### **МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ПЕДАГОГИКАДА ТАРБИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Марксча педагогик тафаккурнинг пайдо бўлиши XIX аернинг иккинчи ярмига тўғри келади. «Коммунистик партия Манифести»даёқ К. Маркс ва Ф. Энгельс тарбиянинг синфий характерини таърифлаб, мактабнинг «бетарафлиги» ва «сиёсатдан ташқарилиги» ҳақидаги буржуа афсонасини фож килади ҳамда пролетариатнинг ўсиб келаётган авлодга билим бериш соҳасига қўйилган бир қатор талабларини келтиради<sup>2</sup>.

Кейинчалик К. Маркс «Айрим масалалар бўйича Вактли Марказий Совет делегатларига Инструкция» асарида ишчилар синфи болаларни капиталистик жамият шароитларида тарбиялашни мақсад ва вазифалари ҳақидаги проблемани қўйиб, ўқитишни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш ҳамда ўз ичига уч тармокни: аклий, жисмоний тарбия ва политехника таълимини олувчи ўқитишни ташкил этиш лозимлигини таъкидлайди.

«Ҳақ тўланадиган унумли меҳнат, аклий тарбия, жисмоний машқлар ва политехника таълимининг бирга қўйиб олиб борилиши ишчилар синфини аристократия ва буржуазия савиясидан анча баланд кўтаради»<sup>3</sup>,— деб хулоса чиқаради К. Маркс.

Ф. Энгельс «Коммунизм принциплари» асарида ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик батамом тугатилган социалистик жамият шароитида ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш проблемаларини кўриб чиқади: «Тарбия ёшларнинг бутун ишлаб чиқариш системасини практикада тез ўзлаштириб олишларига, жамиятнинг эҳтиёжларига ёки шахсий майлларига қараб ишлаб чи-

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистан» нашриёти, 1976 й., 100—101-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг Маркс и Энгельс. Соч., т. 4, с. 440—447.

<sup>3</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 2-том, 91-бет.

қйришниш бир тармоғидан бошқа тармоғига навбатманавба | \ | иб | уришларига имкон беради. Бинобарин, тарбия уларни хозирги замон меҳнат тақсимоти ҳар бир айрим кишининг бошига солган бир томонламаликдан озод |,п.| | III Шундай қилиб, коммунистик асосларда ташкил |...| | жамият ўз аъзоларига ўзларининг ҳар томонлама ривожланган қобилиятларини ҳар томонлама қўлланиш имконини беради»<sup>1</sup>.

К- Маркс ва Ф. Энгельс коммунистик тарбиянинг мақсади ва вазифалари ҳақидаги асосий к<sup>о</sup> Даларни ишлаб чиқдилар, бу қоидалар шахсни ҳар томонлама камол топтириш ва ўқитишни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлиқ олиб бориш ғояларида ўз аксини топди.

Коммунистик тарбиянинг мақсад ва вазифалари В. И. Ленин ва Н. К. Крупская асарларида шакллантирилди. В. И. Ленин мактаб капиталистик мамлакатларда буржуазия синфий ҳукмронлигининг КУР<sup>олн</sup> бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади, унга табақа, буржуазия ғрухи сиғиб кетган деб бир неча бор таъкидлаган эди. Мамлакатимизда пролетариат революцияси ғалаба қилгандан сўнг мактаб олдиға уни буржуазия синфий ҳукмронлиги қуролидан жамиятни коммунистик қайта КУР<sup>иш</sup> Қуролиға айлантириш вазифаси қўйилди.

В. И. Ленин «Ёшлар союзининг вазифалари»<sup>2</sup> асарида коммунистик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини янада тўлиқроқ очиб берди. 1920 йилда РКСМ нинг Бутунроссия II съездида сўзга чиқиб, В. И. Ленин ёшлар олдиға асосий мақсад — коммунистик жамият қурувчисини тарбиялаш вазифасини қўйди. Бу умумий мақсадни у «инсоният яратган барча бойликларни билиш», коммунистик ахлоқ руҳидаги ахлоқий тарбия, меҳнат тарбияси — ишчи ва деҳқонлар билан ҳамкорликдаги меҳнат, замона-инп<sup>л</sup> | | техникани эгаллашни назарда тутувчи аклий ёки маънавий камол топишнинг конкрет вазифаларида очиб берди.

«Политехника таълими хусусида мулоҳазалар» ҳақида (Надежда Константиновна тезисларига) асарида В. И. Ленин совет мактабидаги политехник таълим вазифаларини янада батафсилроқ очиб беради.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, 90-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами, 41-том, 333—355-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: В. И. Ленин. Тула асарлар тўплами, 42-том, 269—271-бетлар.

К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин қоидаларига амал қилиб, марксча-ленинча педагогика коммунистик тарбия вазифаларини ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш, коммунистик жамиятнинг актив қурувчисини тарбиялаш тарзида таърифлайди.

Коммунистик тарбиянинг вазифалари ўсиб келаётган авлодга гоъвий-сиёсий, ақлий, ахлокий, жисмоний, эстетик, политехник ва меҳнат тарбияси бирлигида акс эттирилган.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардаги социалистик қурилиш тажрибаси коммунистик тарбиянинг мақсад ва вазифаларини конкрет мазмун билан бойитиш ҳамда тўлдириш имконини берди. КПСС XXII съездида қабул қилинган КПСС Программасида коммунистик жамият қурувчисини тарбиялашни умумий мақсади ҳам, унинг асосий вазифалари ҳам батафсил очиқ берилган.

«Партия ҳозирги босқичда идеология ишидаги асосий вазифа барча меҳнатқашларни юксак гоъвийлик ва коммунизмга садоқат руҳида меҳнатга ва ижтимоий ҳўжаликка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, буржуа қарашлари ва ахлоқнинг сарқитларини батамом тугатишдан, шахсни ҳар томонлама гармоник тарзда ўстиришдан, чинакам маънавий маданият бойлигини вужудга келтиришдан иборат деб ҳисоблайди. Партия ёш авлодни тарбиялашга алоҳида аҳамият беради»<sup>1</sup>.

Бу асосий низомни ёритар экан, КПСС Програ-ммаси тарбиянинг қуйидаги вазифаларини таърифлаб беради: а) илмий дунёқарашни шакллантириш; б) меҳнат тарбияси; в) коммунистик ахлоқни қарор топтириш; г) пролетар интернационализи ва социалистик ватанпарварликни ўстириш; д) инсон шахсини ҳар томонлама ва гармоник ўстириш; е) кишилар онги ва хатти-ҳаракатидаги капитализм сарқитларини бартараф қилиш; ё) буржуа идеологиясини фўш қилиш. Программанинг ҳар бир низоми конкретлаштирилган ва уларни тарбиявий иш системасида мужассамлаштиришнинг реал йўллари кўрсатиб берилган. Коммунистик ахлоқ нормалари коммунизм қурувчисининг кодекси талабларида очиқ берилди; инсон шахсини ҳар томонлама ҳамда гармоник ўстириш ўзида маънавий поклик, ахлоқий софлик ва жисмо-

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, «Ўзбекистон», 1970, 118-бет.

**Пий** етукликни мужассамлаган янги инсонни тарбиялашни 1.1 лаб қилади. Таълим ва тарбиянинг ҳаёт ҳамда ишлаб чиқариш меҳнати билан алоҳасига асосланган халқ маорифи системаси коммунистик жамиятнинг ҳар томонлама камол топган аъзоларини шакллантиришга, энг муҳим социал проблемалардан бири — *аклий меҳнат бита жисмоний меҳнат ўртасидаги жиддий фарқларни партираф қилишга* ёрдам беради.

Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган Ҳисобот докладида партиянинг гоъвий-тарбиявий ишининг энг муҳим аспектларини кўрсатиб берди: «Ҳисобот даврида **одамларни гоъвий тарбиялаш масалалари, коммунизмнинг муносиб қурувчилари бўлган янги кишини шакллантириш проблемалари бутун ишимизда катта ўрин олиб келди.**»

КПСС ўзининг бутун революцион-ўзгартувчи фаолияти каби, коммунистик тарбия ишини ҳам марксизм-ленинизм назариясининг мустаҳкам пойдеворига қурмоқда»<sup>1</sup>, деган эди.

Марксча-ленинча педагогиканинг асосий принциплари ривожлантирилиб, СССР Конституциясининг 20-мудд'асида қуйидагилар ифодаланди: «Давлат «Ҳар бир кишининг эркин камол топиши ҳамманинг эркин камол топиши шартидир» деган коммунистик идеалга мувофиқ граждандарнинг ўз ижодий қучларини, қобилиятларини ва истеъдодларини ишга солишлари учун, шахснинг ҳар томоЦлама камол топиши учун реал имкониятларни кенгайтиришнинг ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

КПСС ва Совет давлатининг йўл-йўриқ кўрсатувчи" ҳужжатларида ривожланган социализм — коммунизм йўлидаги қонуний босқич шароитида коммунистик тарбиянинг мақсад ва вазифалари очиқ берилди.

Европадаги социалистик мамлакатларда ўсиб кела- . пан авлодни коммунистик тарбиялашни мақсад ва вазифалари худди шу марксча-ленинча принциплар асосида белгиланиб, улар қардош коммунистик партиялар, халқ ҳукуматларининг йўл-йўриқ берувчи ҳужжатлари- ,та, социалистик педагогика назарияси ва практикасида акс этади.

ГДР Педагогика фанлари академиясининг президенти III Герхарт Нойнернинг «Социалистик умумий таълим

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Т., 1976, 97—98-бет- лир.

назарияси масалалари» китобида социалистик мамлакатлар олдида тургаи тарбиянинг мақсад ва вазифалари аниқ таърифлаб берилган: «Социалистик шахсни шакллантириш социалистик жамиятнинг бош вазифасидир... Жамиятда объектив мавжуд бўлган жамиятнинг барча аъзоларини ҳар томонлама ўстириш зарурлиги, агар ишчилар синфи ва унинг иттифокчиларининг революцион кураши орқали капиталистик эксплуатация ва у келтириб чиқарган кишининг бир томонлама ўсиши бартараф этилса, ҳақиқатга айланиши мумкин»<sup>1</sup>.

Барча социалистик мамлакатлар партия ва ҳукуматларининг ҳужжатларида акс эттирилган шахсни ҳар томонлама ва гармоник ўстириш ғояси<sup>2</sup> буржуа педагогларининг социализмда мактаб ва таълимга қўйиладиган ягона талаб доирасида шахнининг индивидуал хусусиятлари поймол этилади, деган уйдирмаларини инкор этади. Социалистик мактаб, аксинча, ҳаёт йўлини эркин танлашнигина эмас, балки Ф. Энгельс башорат қилиб айтганидек, жамият эҳтиёжи ёки шахсий майлларига кура ишлаб чиқаришнинг бир соҳасидан иккинчисига ўтиш имкониятини таъминлаб, шахнининг барча қобилият ва майлларини аниқлаш ҳамда ўстиришни назарда тутаяди ва шунга шароит яратаяди.

Таълим социалистик концепциясининг асосий таълимий-сиёсий ва психологик-педагогик низоми ягона характерга эгадир: социалистик мамлакатлар таълим-тарбияни марксча-ленинча педагогика мақсад ва вазифаларига мувофиқ ривожлантирадилар.

## **БУРЖУА ПЕДАГОГИКАСИДА ТАРБИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

XIX аср охири — XX асрнинг бошларида буржуа педагогикасининг кўплаб назария ва концепциялари пайдо бўлдики, уларнинг мақсади марксча-ленинча педагогик ғоялар таъсирига қарши туриб, бу ғояларнинг тарқалишига ҳамда амалий қўлланишига тўсқинлик қилиш эди.

Буржуа педагогикасида тарбиянинг мақсад ва вазифалари, марксча-ленинча педагогикадагидек, равшан ва

<sup>1</sup> Нойнер Герхарт. Вопросы теории социалистического общего образования. М., 1975, с. 16, 24.

<sup>2</sup> Мазкур қўлланманиннг III бобига қаранг.

шиқ, ифодалаб берилмаган. Синфий жамиятда турли социал группаларга тааллуқли болаларни тарбиялашниинг Ягона мақсад ва вазифаси бўлиши мумкин эмас. ШУКИНГ учун ҳам буржуазия педагогикасининг жуда кўп на (ария ва концепциялари ё тарбиянинг мақсад ва вазифалари ҳақида аниқ масала қўйишдан қрчадилар, ё ҳеч парсага мажбур қилмайдиган декларациялар билан ифода этади.

Масалан, кейинги йилларда абстракт реализм «яқинпга умумий муҳаббат» руҳида тарбиялаш ғоясини тартиб этмоқда. Унда шаҳе қандайдир индивидуаллик деб қаралиб, у ўзининг хусусий, имманент қонунлари бўйича социал-иктисодий шароитлардан мустасно тарзда усади, Мазкур ҳолатда тарбиянинг мақсадини шахсга нодир субъект тарзидаги субъектив-идеалистик ёндашиш акс эттириб, унга кўра шахсни ҳар қандай «авторитор доктриналар» ва «идеологик концепциялар»дан озод этиш лозим. Бундай тарбия вазифасини янги «гуманистик» мактаблар амалга ошириши лозим, у ерда ҳар бир болага «шахсга ўз-ўзини ифодалаши учун тўлиқ эркинлик» шароитида ўсиш имкони берилади. Синфий антогонистик жамиятдаги тарбиянинг бу ғоялари асосизлиги тамоман равшандир-

Буржуа педагогикаси ҳозирги жамиятдаги тарбия мақсади тарзида таснифлайдиган турли ғояларнинг хилма-хиллигига қарамай, «таълим имкониятларининг тенглиги», «танлаш эркинлиги», «боланиннг шахсий имконияти асосида эркин ўсиши» принциплари билан ниқобланган баъзи умумий фикрларни учратиш мумкин. Аслии олганда, капиталистик мамлакатлар мактаби олдига, гарчи бу ҳеч қаерда очик тан олинмаса-да, аниқ белгиланган мақсадлар: таъминланган доиралар учун ўсиш, тарбия ва маълумот олиш учун энг қулай шароит яратиш, меҳнатқашларнинг асосий қисмини ўқитишни эса капиталистик ишлаб чиқариш учун зарур бўлган амалий-ушлитар тайёрлаш билан чеклашни қўядилар. «Билим олиш йўлини танлаш эркинлиги» ниқоби остида таълимнинг социал табақалар учун бир хил эмаслигида ифодалмунчи селекция<sup>1</sup> мактаб доирасидаёқ амалга оширила-

<sup>1</sup> Селекция (танлаш, саралаш — лотинча *selectio* сўзидан) — педагогик процесда ўқувчиларни уларнинг қобилият ва ақлий имкониятларига кўра аниқлаб саралаш демақдир; амалда буржуазия Мактвбида саралаш албатта синфий характерни қасб этиб, болаларни группа ва потокларга социал қелиб чиқнишига кура танлашга олиб илгди.

ди. Бунда тарбия мақсадлари расмий жиҳатдан турлича ифодаланиши мумкин: абстракт гуманизм ва умуминсоний идеаллар руҳида, «шахенинг ўзини-ўзи реализация қилиши» ва «ўз-ўзини ифодалаш», билим олиш йўллари ва ҳаёт тарзини танлашда ҳар бир шахенинг эркинлиги, унинг мактаб ва жамиятдан ташқарида мустақил ўқиши ва шу қабилар. Тарбия мақсадига бундай қарашларда, асосан «шахе» ва «эркинлик» сўзлари алмашиб туради, бу эса социалистик педагогиканинг коллективизм принципига қарши қўйилган *буржуа педагогикасининг ўта индивидуаллигидан* далолат беради.

### ҲОЗИРГИ ЗАМОН БУРЖУА ПЕДАГОГИКАСИДАГИ Йўналишларнинг хилма-хиллиги

Буржуа идеологияси, шу жумладан, буржуа педагогикасининг кризиси унинг педагогик ҳодисаларни чинакам илмий асослай олмаслиги, буржуа педагогикасининг тугаб бораётган бойликларини, ривожланган капиталистик мамлакатларда маориф ситемасини қуриш принципларини ҳимоя қилиб, мустақамлай олмаслиги, ҳозирги дунёдаги таълим-тарбиянинг вазифалари, мазмуни, форма ва методларига тааллуқли асосий саволларга жавоб топа олмаслиги, социалистик мактаб ва педагогиканинг ишонарли альтернативасини кўрсата олмаслигида намоён бўлади.

Ҳозирги буржуа педагогикаси назариялари гоёвий кураш ўта кескинлашган шароитда шакллантирилмоқда. Бу назария уларнинг асосий мақсади — ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш соҳасида давлат-монополистик капиталистнинг мавқени мустақамлаш, марксча-ленинча педагогика назариясининг таъсирини бетарафлаштириш, прогрессив педагогик ғоялар йўлига ғов қўйишдир. Мактаб тобора жаҳон социализм ва капитализм системаси ўртасида ҳам, айрим капиталистик мамлакатлар ўртасида ҳам иқтисодий ҳамда сиёсий рақобатнинг муҳим факторига айланиб бормоқда. Буларнинг барчаси буржуа идеологларини ёшларга гоёвий таъсир этишининг янада нозик ва ниқобланган формаларини ахтаришга, буржуа педагогикасининг турли асос бўлувчи қараш назарияларига жиддий ўзгаришлар киритишга мажбур қилмоқда. Фалсафа, сиёсий иқтисод, социология, сиёсат соҳасидаги турли қараш ва назариялар инсон ва жамият, шу жумладан педагогика ва мактабнинг ҳам бутун

• и | фаолиятга ёйилмоқда. Позитивистларнинг\* педагогик ҳодисаларни баҳолашга субъектив, юзаки-эмпирик ёндашувлари буржуа педагогикасининг плюрализм | пк назариясининг гуллаб-яшнашига олиб келди, бу Назария ҳатто педагогик процесс ва ҳодисаларнинг бевоСИТА қарама-қарши интерпретацияларининг ҳам бир иактда мавжуд бўлишига йўл қўяди.

Плюрализм\* социал педагогик процессини баҳолашга илмий ёндашишни инкор этади. Буржуа педагогикаси идеологларининг таъкидлашича, плюрализм гўё аҳолининг барча гуруҳларининг қизиқишларини ифодалайди. Аслида эса бу назария ва қарашлар буржуа педагогикаси ва таълим-тарбия муассасаларини конкрет тарихий, сиёсий, иқтисодий ва миллий шароитга мөлаштириш масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган йўл, восита ҳамда методларнинг ўзига хослиги билан фарқланади.

Буржуа педагогикаси назарияларини кўриб чиқиш уларнинг асосан, уч оқим — фалсафий, психологик-педагогик ва социологик йўналишда ривожланаётганлигидан далолат беради. Шуни айтиб ўтиш лозимки, буржуа педагогикасини бу уч йўналишга бўлиш шартлидир, у фақат ҳар бир оқимнинг бошланғич назарий асосларини кўрсатади. Улар амалда, айниқса ҳозирги кунда, кўнннча бир-бирига қўшилиб кетиб, турли йўналишдаги айрим қарашларнинг бирикмалари кўринишида намоён бўлади.

\* Позитивизм (ижобий — лотипча розШуиз сўзидан) — Фалсафий идеализмнинг бир тури; XIX аерда тарқалиб (О. Кант, Ст. Милль, Г. Спенсер), позитивистлар томонидан объектив борлиқни акс эттирмайдиган субъектив сезги ёки тасаввурларнинг йиқилмаслиги деб тушунилан тажрибанинг «ижобий» (позитив) маълумотларига асосланган. XX аернинг 20—30-йилларда пайдо бўлган неопозитивизм ўзини «манткий позитивизм» деб атади ва у фалсафанинг объекти деб табиат ва жамиятнинг қонуниятларини қўйиб эмас, балки фан ва уни тилининг манткий структурасини асос қилиб қарайди. Педагогик нуқтаи назардан позитивизм ва неопозитивизм «синфий гармонзация»га интилади, мактабда биринчи навбатда ўрганиладиган объект ва табиий фанларнинг манткий структураси бўлиши керак деб, ижтимоий фанларнинг социал ривожланиш қонуниларини билишдаги аҳамиятини инкор қилди.

\* Плюрализм (кўплик -лотипча рГигаНз сўзидан) — <ИНЖУДЛИК ҳуқуқига эга бўлган кўпгина алоҳида маънавий тояларнинг бир иккитда мавжуд бўлиши мумкин деб ҳисоблаш.



**Педагогикадаги  
фалсафий йўналиш**

XX аернинг бошларида буржуа фило-софиясида баъзи педагогик назария-ларнинг шаклланиши учун замин хизмати ўтаган субъектив-идеалистик оқим пайдо бўлди.

В.И. Ленин фалсафий асари «Материализм ва эмпириократизм»<sup>1</sup> да фалсафадаги етакчи йўналиш ва оқимларни ҳамда материализм ва идеализмнинг аср бошидаги асосий кураш аспектиларини чуқур анализ қилиб берди. В. И. Лениннинг асаридаги бир қатор муҳим ҳолатлар педагогик тафаккур ва тарбия соҳасидаги ғоявий курашни тадқиқ қилиш ва баҳолашда восита хизматини ўтайди.

*Фалсафий идеализм монополистик буржуа идеология-сининг асосидир.* У бир неча ўн йиллардан бери капиталистик мамлакатлардаги тарбия назарияси ва амалиётига таъсир кўрсатиб келаётган буржуа педагогик назариясининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Ну маънода пайдо бўлиши XIX аернинг иккинчи ярми — XX аернинг бошларидаги хисобланган педагогик оқим: "позитивизм педагогикасининг ривожланиши ибратлишр.

*ГТ" ?ит ив из мнинг* энг йирик намояндаларидан бипи ғайласуф, социолог ва педагог *Герберт Спенсердер П<sup>а</sup> 0* — (1903). У файласуф-позитивист сифатида реал дунёни ва илмий билимлар системасини илмий билиш мумкинлигини инкор этган эди, социолог сифатида эса капитализм доирасида таркиб топган ижтимоий муносабатлар структурасининг зарурлигини ҳимоя қилди. Позитивизм ва буржуа социологиясининг қарашларини тўлиқ маъқуллаган Спенсер ўз педагогик ғояларини қуйидагича ифода-лайди: мактабдаги таълим илмий билимлар системасига асослана олмайди ва асосланиши ҳам мумкин эмас; мактаб асосий ўқувчилар оммасига утилитар\*-амалий тайёрлик бериши керак; мактабнинг асосий мақсади инсонни мавжуд ижтимоий шароитга мослаштириш учун тарбиялашдир; тарбиянинг бутун системаси ўқувчилар онгига мавжуд буржуа муносабатларининг барқарорлиги ҳақидаги фикрни ва бу система шароитида ҳар бир синф ҳамда ҳар бир табақа ўзига белгиланган тарихий жойга эга эканлигини сингдириши лозим.

XIX аернинг охири чорагида пайдо бўлган Америка-ча *прогрессив педагогика* деб аталмиш педагогика таҳминан Г. Спенсер таълимоти билан бир хил булган ғоя-

**ими** поэнцияда ривожланди, бироқ у тарбияда «хусусий 1,1111лббускорлик»ни ва «эркин тадбиркорлик»ни ривожлайтириш руҳини анча кучайтирди. Педагог-«прогрессивистлар» фикрича, болалар майлларининг спонтан\* нз-Моён бўлиши педагогик процесснинг характерини бел-ГИЛаши лозим, тарбиянинг вазифаси эса болаларнинг индивидуал имкониятларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат. Кишининг ҳаётга индивидуал мослашуви ҳақидаги ғоя ҳам Г. Спенсер таълимодан ўзлаштирилган бўлиб, у аввало, АКШ ва Англияда педагогик тафаккурнинг ҳамда педоцентризмнинг\*\* уеишига катта таъсир кўрсатди ва педоцентризм принципнинг шаклланишига асос бўлди.

Буржуа педагогикасининг ривожланишидаги кейинги босқич *прагматизм\*\*\* педагогикасининг* вужудга келиши, бўлиб, унинг назарияси ҳамда амалиётини машҳур файласуф-прагматист ва педагог *Жон Дьюи* (1859-1952) бирмунча батафеил ишлаб чиққан. «Прогрессивизм» ва прагматизмнинг тарбия тармоғига тааллуқли қарашларини ривожлантириб, Дьюи педоцентризмнинг таълим соҳасидаги принципиал позициясини кучайтирди ва *инструментал педагогика* деб аталган назарияга асос солди. Прагматизмни билишнинг ягона манбаи тарзидаги субъектив тажриба ҳақида асосий назарий заминни у педагогика соҳасига татбиқ қилди. «Инструментал» педагогикада тарбия педагогик процесснинг маркази ва субъектига ай-

\* *Утилитар* — (лотинча иИШаз — фойда, наф сўзидан) — амалдй фойдали; ўқувчиларнинг фақат амалий фаолиятларида керак бўладиган билим, малака ва қуникмаларнигина эгаллашига йўлланган ўқитишнинг ташкил этилиши педагогикада шундай номламади.

\* *Спонтан* (беихтиёр, лотинча зроп:апел5 сўзидан)—бетона таъсирсиз пайдо бўладиган; мазкур ҳолатда болаларнинг ички дун-Вси на ёшларидан келиб чиқадиган қизиқиш ва майлларининг на-ми,-и бўлиши назарда тутилади.

\*\* *Пеоцентризм* (грекча «педо»—болакай ва «центр» — мар-Каэ сўзидан) буржуа педагогикаси ва психологиясининг принципла-ридан бири бўлиб, унга кўра педагогик процесс болаларнинг ўз (бола—педагогик процесснинг маркази) спонтан қизиқиш, истак | I майлларидан келиб чиқиши керак.

\*\*\* *Прагматизм* (грекча «прагма»—харакат, практика, фойда)— ржуа педагогикасига катта таъсир кўрсатган субъектив-идеалистик ф Шсафа, ҳақиқат ва объектив реал дунёни билиш мумкин эмас-ШШ и мезони тарзидаги субъектив тажриба ҳақидаги ғоялар мак-рабда системали илмий ўқитишни инкор этишга ва ўқитиш жараёни- | I боланинг шахсий тажрибасини тиклаш» деб қараш фикрига ОЛЮ келди.

<sup>1</sup> Қаранг: В. И. Ленин. Тула асарлар туплами, 18-том.

ланувчи боланинг индивидуал хусусиятларининг тўла намоён бўлишига ёрдам берувчи жараён ҳисобланади. Боланинг спонтан қизиқишлари ва шахсий тажрибаларига асосланувчи таълимни ташкил этишнинг зарурлиги ҳақидаги фикр ана шундан келиб чиқади. Уқитиш болаларнинг ўйин ва меҳнат фаолиятлари билан алмаштириллади, унда боланинг ҳар бир ҳаракати кашфиёт инструментиға ҳамда навбатдаги ҳақиқатни билиб олиш усулиға айлапади. Тарбия, Дьюи фикрича, «боланинг тажрибасини тиклаш ёки қайта ташкил қилиш»дир; болаларнинг тўплаган тажрибаларини бойитиш уларға мунтазам билим бериб боришдан кўра муҳимроқ вазифа ҳисобланади. Дьюи «синфий қизиқишлар гармонизацияси» назариясини тарбия системаси ёрдамида асослади; бу назария билан у Спенсернинг социологик-педагогик қарашларини давом эттирди ва ривожлантирди.

XX аернинг 50—60- йилларида прагматик педагогика кўпгина буржуа педагогларининг танқидига учради, улар бу педагогикани ўқувчилар билимини пасайтириб юборганлиги учун танқид қилдилар. Бироқ бу танқид прагматик педагогиканинг етакчи қарашлари ва педоцентризмнинг принципларига сира таъсир этмади; фақат прагматистик педагогиканинг баъзи модификация\* учраганлиги ва ҳозирги шароитга мосланганлигини айтиб ўтиш мумкин.

Шахенинг тугма хусусиятлари, боланинг спонтан қизиқиши ва шахсий тажрибаси ҳақидаги назарияға асосланган ўқитишни ташкил этиш ғояси тўлиқ «учини сақлаб қолди: барча болаларға ягона илмий умумий маълумот тайёргарлиги бериш мумкин эмаслиги ва у керак ҳам эмаслиги ҳақидаги асосий фикр аввалгидек сақланган. Прагматик педагогиканинг ўзгарган шароитга мослашуви фақат терминологиядаги айрим ўзгаришларгагина тааллуқлидир: масалан, «педонентризм» термини, гарчи ўқитиш амалиётининг конкрет формаларида ўз ахамиятини сақлаб қолган бўлса-да, деярли ишлатилмайди.

\* *Модификация* (лотинча *тоёШсаНо* — кўринишини ўзгартирмаман сўздан) — кўринишини, шаклини ўзгартиш, бу ўринда дастлабки моҳиятни жиддий ўзгартирмай, тушунча (терминология, асослаш) ни қисман формал ўзгартишдир.

Агностицизм\* қараш — атроф-дунё қонунларининг Обьектив булмаслиги илмий-техника ривожланиши туфаили ҳозирги кунда очик айтилмай қўйди, бироқ у Социал юқори синф ва меҳнатқашларнинг болаларини |||некие ўқитишни ташкил этишда реал мужассамлашгап. Буржуа педагогикасида кенг тарқалган боланинг деярли ўзгартириб бўлмайдиган ирсиятға асосланган табиати, унинг тугма қобилияти ҳақидаги назарияси прагматик педагогиканинг асосий ҳолатларига асосланади ва ўқитишни ташкил этишнинг конкрет формаларига таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда бу ҳол социологияға кўпроқ сипғиб бормоқда ва тарбиянинг ҳозирги замон психологик ва социологик қарашларини ишлаб чиқиш мақсадига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги замон экзистенциализми\*\* мактаб ва педагогик процесға ҳам таъсир кўрсатмоқда. Экзистенциалистлар фикрича, маориф ва ўқитиш мазмуниға системали ҳамда илмий ёндашиш, ягона талаблар қўйиш фойдасиз, хатто зарарлидир, улар замонавий мактабға мажбур қилувчи «характер»ни қасб этади: «индивидуалнинг эркин ўсиши»ға тўсқинлик қилади. Тарбия ва мактаб фақат ўзининг такрорланмаслигиға кўра нодир бўлган ҳар бир инсон шахсиға «ўзини-ўзи ифода этиши ва ўзини-ўзи реализация қилиши» учун шароит яратиши керак, холос; шахс учун «онг оқими», унинг шахсий сезги ва кечинмалари муҳимдир, ундан дунёни, хато ва тасодифий бўлса-да, ўзини «шахсий». баҳолаши келиб чиқади. Экзистенциализм назариясида шахсини унинг социал алоқалари ва муносабатларидан ажратиш, шахс гўёки ўзининг шахсий «мен»идан, шахсий сезгиларидан ва ўзининг субъектив тажрибасидан жамият

\* *Агностицизм* [грекча «а» (инкор маъносини англатувчи олд шмча) ва «гнозис» — билим, билиш] — объектив дунёни билиш мумкинлигини ва ҳақиқатнинг объектив ахамиятнини инкор этувчи Идеалистик фалсафий оқим.

*Экзистенциализм* (мавжудлик, лотинча *ex13ten11a* сўздан) — цмонавий буржуа фалсафасининг субъектив-идеалистик йўналиш. Лвридан бири (мавжудлик фалсафаси); ахлоқнинг бемақсадлигини, |ц волюцион курашнинг бефойдалигини ваъз қилади инсоннинг .....\им.ида» аксини топувчи ички сезгилари ролини бўрттириб Юборади; педагогикаға татбиқ қилинганда илмий билимларни системали эгаллашни бефойда ва бемақсад деб ҳисоблайди; ўқувчидар учун тартиб қилиб қўйилган ўқув процессини ташкил этган | 41 кура шахсий сезгиларининг оқими ва ўз шахсини «ўзини ўзи 11 | И 18ЦНЯ қилиши» муҳимроқ деб ҳисоблайди.

билан муратскаб ўзаро муносабатини ҳамда социал вазиятлар характерини баҳолашни келтириб чиқарадиган вазиятни яратишга интилиши яққол сезилиб туради.

Ҳозирги буржуа педагогикасига неотомизм\* катта таъсир кўрсатмоқда. Неотомизм идеологлари фалсафани динга хизмат қилдирмоқдалар. Ғоявий кураш кескин формаларда олиб борилаётган, табиий фанлар катта муваффақиятларга эришаётган бир вақтда ғоявий реакция учун меҳнашаш оммага таъсир этишнинг зеки, асрлар бўйи синалиб «елган воситаси—диндан фойдаланиш борган сари қийинлашиб бормоқда. Неотомизм — ҳозирги католик черковининг расмий фалсафий доктриналаридан бирининг пайдо бўлиш сабаби ҳам шундадир.

Неотомизм идеологлари дин ва илмий билимлар бир-бирини инкор этмайди, балки худо томонидан берилган икки ҳақиқат манбаи сифатида бир-бирини тўлдирди, деб даъво қиладилар. Шу билан бирга, улар диннинг манбаи «илоҳий» ҳақиқатдир, уларни эса фақат «ўта ақллилар» ёрдамидагина билиш мумкин, дейдилар. Бу «абсолют» ҳақиқатлар худодандир, демак, улар онг ҳақиқатидан устундир. Неотомистларнинг социал таълимоти хусусий мулкчилик ҳуқуқини абадий, худо томонидан берилган деб эълон қилган: бу гоё меҳнатқашларни тенглик, жамиятнинг адолатлилиги учун курашдан чалғитиш мақсадида кенг қўлланади.

Буржуа оламида черков монополиялар билан яқин алоқададир. Неотомизм, бошқа диний оқимлар сингари, ижтимоий ҳаётнинг барча тармоқларига сингиган, албатта мактаб бундай мустасно эмас, бундай мактабда ўқитиш неотомистик фалсафанинг асосий ҳолатларига мувофиқ ташкил этилиш тенденциясига\*\* эгадир. Неотомистик педагогика черков ва конфессионал мактаб-

\* *Неотомизм* — «томизм» — ўрта аср идеологи Фома Аквинский (XIII аср) таълимотининг ҳозирги ўзгартирилган тушунчаси. Фома Аквинский католик динининг қоидаларини ўзи учун замонавий илмий билимлар билан бириктиришга ҳаракат қилган. Кейинчалик томизмнинг таъсири бир оз сусайди: XIII асрнинг охирида неотомизм номи остида пайдо бўлди ва католик черковининг расмий доктринаси деб эълон қилинди; неотомизм ҳам замонавий фанни диний нуқтаи назардан тушунтиришга ҳаракат қилади. Ахлоқий тарбияга ўзини ўзи такомиллаштириш ва худога яқинлашиш — инсоннинг ахлоқий идеалининг мужассамлашув процесси деб қарайди; у таълим-тарбия процессига, аиникса, католик ўқув юртларида маълум таъсир этади.

\*\* *конфессионал* (лотинча *confessio* — ибодат қилиш сўзидан шундай принципдирки, унинг асосида бир динга — католик, протестант, ислом ва шу каби эътиқод қилувчиларнинг болалари учун мактаблар ташкил этилади.

ларнинг ўзига хос назарий асосигина бўлиб қолмай, балки I. I. 1 ҳозирги замон буржуа педагогикасининг назария ва қарашларига ҳам таъсир этади.

Дин капиталистик мамлакатлардаги мактабга ҳам педагогик фикрга ҳам таъсир этган ва таъсир этиб келмоқда. Ҳозирги шароитда у ўзининг ёшларга таъсир этиш методларини ўзгартирмоқда. Неотомистлар фанни тан олиш каби демагогик ваъдалар билан яшириниб, капитализм ҳамда буржуа таълим ва тарбия системасининг айрим иллатларини танқид қилиб, асл мақсадларини пухта никоблайдилар ва ёшларга худо, олий рух, инсоннинг гуноҳкорлиги, худонинг аён бўлиши, христиан инсонпарварлиги, умумжаҳон христиан жамоаси каби ўрта аср поғмаларини жон-диллари билан сингдиришга ҳаракат қиладилар. Неотомистик педагогика христиан тарбиясининг мақсадини инсонни ерда такомиллаштириш ва им яхлоқийлик ҳамда умумжаҳон халқи ғоясининг мужассами бўлган худога яқинлаштиришдан иборат деб қапақлади. Дин ва неотомизм буржуа жамияти шароитида "Гражданлик ва ахлоқий тарбия масалаларига жула катта аҳамият бермоқда. Неотомистик педагогика «абадий ва синфдан ташқари» фазилатлар — ростгўйлик, олижаноблик, одамларга муҳаббат, саботлилик, ўзини қурбон этишга қрибллик ва ҳоказоларни тарбиялашга даъват этади.

Ижтимоий тараққиёт қонунлари албатта черков ва мактаб ўртасидаги алоқани ҳаётнинг ўзи, илмий-техника тараққиёти, коммунистик ва ишчи партиялари, ёшларнинг прогрессив ташкилотлари ва капиталистик мамлакатлар илғор жамоатчилигининг халқ маорифи системасини демократлаштириш ва дунёвий характери учун кураш ишига олиб келади.

Капиталистик мамлакатларда В. И. Ленин кўрсатгани жараён содир бўлмоқда: «Йирик фабрика саноатида тарбия олган, шаҳар турмушидан маърифат олган ҳозирги ишчи ўз устидан диний хурофотларни нафрат билан улоқтириб»<sup>1</sup> ташламоқда.

«Прогрессив» ва айниқса прагматик педагогиканинг ривожланиши билан бирга педагогикани фалсафадан «озод қилиш», унинг тадқиқотларига алоҳида, дастлабки қарашда фалсафа қу-

<sup>1</sup> И. Ленин. Социализм ва дин. Тула асарлар тўплами, 12-том, 112-бет,

рплмаларига боғлиқ бўлмаганлик характери беришга уринишларни кузатиш мумкин. Бу тенденция экспериментал педагогиканинг пайдо бўлишига олиб келди. Мазкур йўналишнинг тарафдорлари фалсафий-педагогик ғоялар ортикча назарий ва субъектив характерга эга бўлиб, реал педагогик вазиятларга эмас, балки берилган назарий заминларнинг априорларига асосландилар, деб ҳисобладилар. Экспериментал табиатшуносликнинг ривожланиши билан боғлиқ тарзда психологияга эксперимент методлари кириб кела бошлади, кейинчалик экспериментал-психологик методлар педагогикага кўчирилди. Сўнгра таълим-тарбия проблемаларининг ўзи" экспериментал тадқиқотлар предметига айланди<sup>1</sup>. Экспериментал педагогиканинг энг машхур намояндалари немис педагоглари *Август Лай* (1862—1926) ва *Эрнст Мейман* (1862—1915) лар бўлган.

Экспериментал педагогика болаларни экспериментал характердаги хилма-хил методлар: анкета, кузатиш, ёш тестлари (Бине тестлари) ёрдамида, болаларнинг турли педагогика ва ўқув вазиятларидаги инт'изомларини ўрганиш гоёсига асосланган эди. Экспериментал педагогика тарафдорларининг фикрича, бу методлар ўзига хос педагогик ва психологик «нормативлар»ни ишлаб чиқишга ёрдам беради, булар асосида эса таълим-тарбия процессини анчагина объектив ҳамда илмий ташкил этиш мумкин. Бироқ А- Лай ва Э. Мейман ҳамда уларнинг издошларининг ишлари, асосан бир қатор фанлари—анатомия, физиология, психология, психопатология, педагогика кабилардан олинган турли маълумотларнинг синтетик йиғиндиси бўлган. Тадқиқотларда боланинг ривожланишда биологик омилнинг роли ортикча баҳолаб юборилган. «Эксперименталистлар» бирор мақсадга мувофиқ назарияни ярата олмадилар, ўз қарашларини назарий ишлаб чиқиш билан шуғулландилар. Бироқ экспериментал педагогиканинг айрим қоидалари кейинчалик бошқа қарашларга сингиб яшаб келди.

Болаларнинг психик хусусиятларини махсус тестлар ёрдамида улчашга уринишлар *Эдвард Торндайк* (1874-1949) ва *Уильям Киппатрик* (1871—1965)ни (АҚШ) кизиктириб қолди ва болаларнинг интеллектуал қобилиятларини аниқлаш тест системасининг кенг ривожланишига дастлабки асос бўлиб хизмат этади. Экспериментал пе-

<sup>1</sup> К а р а н г; *Общие основы педагогики*- М., 1967, 56—58- бетлар.

.кмогиканинг кўпгина тадқиқот методлари асосан психологик оқимлар, жумладан педология, *бихевиоризм\** ва айниқса психология хазинасидан ўрин олди. Э. Торндайк— бихевиоризм (ахлоқ назарияси) асосчиси— болаларнинг ақлий ўсиш коэффициентини ўлчаш системасини ишлаб чиқди, бу система прагматик педагогикага кириб кетди; мактаб бихевиоризм ва педоцентризм принципларини кенг реализация қилиш учун энг қулай экспериментал асос бўлиб чиқди. Прагматизм ва бихевиоризмнинг педагогик назариялари бир қатор капиталистик мамлакатларга кенг ёйилди ва ҳозирги кунда ҳам мактабга ўз таъсири кўрсатиб келмоқда-

XX аср бошларида кейинчалик аста-секин тарбия соҳасига суқилиб кириб борган Фрейд психологиясининг асоси шакллана бошлади. Австриялик врач-психиатр *Зигмунд Фрейд* (1856-1939) психик касалликлар диагностика ва уларни даволашнинг ўзига хос методини ишлаб чиқди ва ўз фаолиятининг бошларида фақат психиатрия соҳаси билан чекланди. *Фрейдизмнинг* айрим қоидаларининг психологияга ёйилиши унинг педагогикага яқинлашувига сабаб бўлди. Фрейдизмнинг моҳияти (энг қисқа ва умумлаштирилган тарзда) туғма биологик ҳамда жинсий инстинктлар, онгсиз ҳамда психик «комплекс»ларнинг бола ва кишининг ўсишида ҳал қилувчи роль ўйнашини қарор топтиришдан иборатдир. Фрейдизмнинг тадқиқотнинг бош объекти шахе, унинг биологик инстинктлари ва индивидуал психологик комплекслари деб ҳисоблаш тарбияда индивидуализмнинг устунлиги концепцияси билан буржуа психолог ва педагоглариининг эътиборини дарҳол ўзига жалб қилди.

Фрейдизм прагматик ва бихевиорик педагогикани, уларнинг ўзига хос бўлган таълим-тарбия процессига *психоанализ методини* қўшиб, мавқеини кучайтиради. Психоанализ методи ижтимоий қарама-қаршиликлар ва конфликтлардан тезда четлашиб, шахсни ўз хиссиёт, кечинма ҳамда «комплекс»ларини анализ қилиш ботқоғига олиб қиради. Ижтимоий конфликтларни индивидуал психик «комплексларнинг атроф-муҳит билан кон-

\* *Бихевиоризм* (ахлоқ,— инглизча *Бегауог сўзидан*)— психологик асосдаги йўналиш, у тадқиқот предметини ҳайвон ва одамнинг турли вазиятдаги хатти-ҳаракати билан чеклайди, ундан организмни таъсирга жавоб реакцияларининг йиғиндиси тушунилади (стимул-реакция схемаси бўйича); бихевиоризм ақлий ўсиш коэффициентини аниқлашнинг тест системасини ишлаб чиқиш учун асос бўлди.

фликти, агрессив ва бузғунчилик инстинктларининг пайдо бўлиши деб тушунтирса бўларди. Шундай қилиб, аввал бола, сўнгра катта киши онгида сезилмайдиган алмашинув содир бўлади. Унда кескин ижтимоий қарама-қаршиликлар биологик тур бўлган инсон учун хос бўлган иммонент қарама-қаршиликка кўчирилади.

Хозирги шароитда педагогикадаги психологик йўналиш концепциялари, гарчи қисман ўзгаришларга дуч келган бўлса-да, ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, педагогик процессда аклий ўсганлик коэффицентини аниқловчи тест системаси анча кам қўлланмоқда.

Баъзи мамлакатлар (Англия, Япония) да тест системаси тўлиқ бўлмаса-да, маълум даражада рад этила бошланди, бироқ ҳозир ҳам ўзгартирилган кўринишда болаларнинг ўқишга қобилиятларини, уларнинг билимларни эгаллаш жараёнидаги илгарилашларини кузатиш ва кейинги таълимнинг турли типлари бўйича йўналишларни аниқлаш системаси мавжуд. Шахнинг психологик хусусиятларини ўрганишга асосланган ва унинг ҳаётдаги ролини белгилаб берадиган болаларни потокларга бўлиш у ёки бу формада сақланиб қолган.

Ўқитиш процессини гўёки ҳукмрон фалсафий доктриналардан озод қиладиган ва уни инсон ҳақидаги турли фанлардан олинган маълумотлар синтеза деб қарайдиган экспериментал педагогик методлари қайтадан пайдо бўлмоқда. Неофрейдизм концепциялари марксизмни ва психоанализни бириктиришга интилишида ифодалангандир. *Неофрейдизм\** шарҳида ижтимоий қарама-қаршиликлар ва «революцией портлашлар» қарама-қарши синфлар қизиқишлари эмас, балки биологик инстинктлар курашини акс эттирувчи қарама-қаршиликлар оқибатидир; психонализ чуқур социал процесслар сабабларини гўёки кенг қўламда ечиб бериш имконини беради. Неофрейдистлар биологик инстинктлар (сексуал, агрессия, бузиш) ни жамият ва шахнинг ривожланишига табиий омиллари деб даъво қилиб, биологик хусусиятларни социал факторлардан устун деб қаровчи буржуа

\* *Неофрейдизм* — «фрейдизм» тушунчасининг ўзгартирилган формаси: Неофрейдизм Фрейд назариясининг баъзи ярамас ғояларини инкор этиб, ижтимоий ҳодисаларни биологик инстинктлар ҳаракати нуқтаи назаридан тушунтиришга интилади ва фрейдизмнинг асосий ҳолатларини сақлаб қолади. Фрейдизм ва неофрейдизм капиталистик мамлакатлардаги ёшларнинг қарашлари ва хатти-ҳаракатларининг шаклланишига маълум таъсир кўрсатади:

психологияси ва педагогикасининг бир қатор қарашларининг назарий базасини кучайтидилар.

Буржуа педагогикасининг *ўқитиш психологияси, дидактика, таълим процессини ташкил қилиш соҳаси*-сидаги изланишлари маориф тармогининг кенгайиши билан узвий боғлиқдир. Америкалик олим *Жером Брунер* (1915 й.) томонидан ишлаб чиқилган ўқитиш прониесен назарияси шулар жумласидандир. Брунер психология ва педагогиканинг баъзи тадқиқотларини бирлаштириб, болаларни илк ёшидан фан ғоялари ва қонунлари билан таништириш МУМКИН деган хулосага келди. Брунернинг фикрича: билимнинг барча болалар ўқитишнинг бошлангич босқичида эгаллай оладиган структураси ва бирлаштирувчи ғояларини аниқлаш лозим. У ўқитиш процессини спирал тарзида куришни тавсия этди, унинг ҳар бир ўровида болаларнинг фаннинг структурой элементлари ҳақидаги дастлабки билимлари<sup>1</sup> чуқурлашиб боради ҳамда фан қонуниятларини тўлиқ эгаллагунча кенгайиб боради. Бу мақсадга эришиш учун Брунер ўқитиш прониесидида проблема қуйиш методикасини ишлаб чиқди. Проблеманинг жавобини ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида топадилар<sup>1</sup>. Брунер прагматизм ва бихевиоризмнинг асосий қоидаларини танқид қилиб, барча болалар илмга оид билимларни эгаллаш имкониятларига табиатан эгадирлар, деб хисоблади. Брунернинг қарашлари мактаб амалиётида қўлланмади ва қўлланиши мумкин ҳам эмас эди, чунки у буржуа педагогикасида расман қапор топган таълимнинг селектив\* характери ва болаларни аклий қобилиятига кўра тақсимлашга кескин қарама-қаршидир.

Хозирги кунда капиталистик мамлакатларда КУПГИ-на ташкилий ва махсус комитетлао УКУВ процессини ташкил этиш ва метояикасининг янги фопмалапини излаш билан банд. АҚШ даги математика ва **физиками & КИТИШ** талқикоти комитетлари СКИПМ ва КИПФ), **Тоамп** плани, Конант мактаби модели, Англиядаги «На-||)ндл фонди» ёодам ташкилоти, Франциядаги маориф **системасини** к<sup>а</sup>та куриш замонавий лойихалари ва

<sup>1</sup> **К а р а и г:** *Брунер Дж. Процесс обучения. М., 1961.*

\* *Селектив* (лотинча *зексНо*—саралаш. сўзидан)—капиталистик Мамлакатлардаги мактаблар ижтимоий саралашга асосланадиган принцип,

бошқалар шулар жумласидандир<sup>1</sup>. Бу барча лойиха ва планлар маорифдаги саралаш принципини фақат саклабгина қолмай, балки уни анча кучайтиради ҳам. Кучайтириш айниқса *Д. Конант* (1893 й. да. т.) бирлашган мактаблари моделига тааллуқлидир.

Конант мактабининг мақсади — ҳамжихат миллатни яратиш, унда синфий фарқларни сезилар-сезилмас даражага келтиришдир. Конант ўқув плани ва программаларининг қуйидаги тартибини тавсия этади: ўқув вақтининг ярми умумтаълим предметлари учун, ярми — селектив предметлар учун ажратилади. Буржуа психологларининг маълумотлари асосида қобилиятли ўқувчилар умумий ўқувчилар сонининг 15% ини, энг қобилиятлилари — 3% ини ташкил этишини таъкидлаб, 15% ва 3% ўқувчи учун ўқитиш программасининг шундай бой ва кенг программасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг билимларига шундай юқори талаблар қўйиш лозимки, — дейди у, — қобилиятга эга бўлмаган қолган 85% ўқувчида ҳатто академик йўналишдаги мураккаб электив\* предметларни танлаш иштиёқи ҳам туғилмасин.

Мактабдаги ўқув процессини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган барча лойиха ва таклифларда ўқитиши ўта персоналлаштириш\*\* элективлик, болаларнинг кизиқишлари, тема ва ўқпш профилларини танлаш эркинлиги, мустақил ўқиш қабиларда болаларнинг сафарбар группаларини тузиш тенденцияси яширишиб ётади. Гарчи «янги» лойихалар расмий тарзда прагматизм ва бихевиоризм концепцияларига ишора қилмаса-да, улар, аслини олганда, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги буржуа педагогикасининг барча етакчи ғоялари билан чирмашиб кетган ва уларни янада авж олдирган лойихалардир.

<sup>1</sup> Бу мас'ала юзасидан қ а р а н г: *Фулфсон Б. Л. Школа современной Франции. М., 1970. Малькова З. А. Современная школа США. М., 1971; Малькова З. А. Фулфсон Б. Л. Современная школа и педагогика в капиталистических странах. М., 1976; Латинская В. П. Средняя общеобразовательная школа современной Англии: М., 1977* ва бошқалар.

\* *Электив* (танланган — лотинча *elect* (из сўзидан) — капиталистик мамлакатлардаги ўқишда предмет ва вариантларни эркин танлаш принципи.

\*\* *Персоналлаштириш* (шахе — лотинча *регнопа* сўзидан) — бир ўқувчи ёки ўқувчиларнинг кичик группаси билли уларни кизиқтирувчи темаларда машгулот олиб боришни назарда тутувчи ўта индивидуаллашган ўқитиш.

Социологик педагогика маъ-  
ду<sup>м</sup> Даражада Герберт Спенсер  
ва *Эмиг Дюркгеймнинг* (1858 —  
1917) тарбиянинг социологик кон-  
цепцияларидан фойдаланди. У  
*синфий кизиқишларни келиштириш,* социал «гар-  
монлаштириш»ни яратишга йўллаган эди. Мак-  
табдаёқ ҳар бир болага миллий бирлик, капиталис-  
тик тузумнинг мустақамлиги ҳақидаги гоё сингдири-  
лар эди: ҳар бир киши жамиятда ўзига белгиланган  
функцияни бажариши лозим, чунки турли синфлардаги  
моддий ва маънавий имкониятлар тенгеизлиги гўёки со-  
циал мувозанат учун керак ва зарур; ҳар қандай  
жамиятда ҳам раҳбарлар ва ижрочилар керак, синфий  
карама-қаршиликлар эса миллий бирлик асосида ту-  
гатилиши мумкин.

Ҳозирги шароитда классик буржуа педагогикаси на-  
зариясининг кўпгина коидалари буржуа файласуфлари,  
психологлари ва педагоглари томонидан танқид қилин-  
моқда. Бу муносабатда анъанавий тасаввурларга баъ-  
зи ўзгартишлар киритиш ҳамда қайта қўриб чиқиш,  
буржуа педагогикасининг бутун таълим-тарбия система-  
сини давлат-монополистик капитализмга бўйсундириш  
мақсадларидаги доктриналарининг энг заиф ва қалтис  
жойларини бартараф қилиш йўлидаги интилишларни ай-  
тиб ўтиш мумкин. Бу бўйсундиришнинг туб мақсади шахс-  
ни бошқариш, яъни кишиларнинг фикр ва ҳаракатлари-  
ни бошқариш, таълим системасини монополистик буржу-  
азия эҳтиёжларига бўйсундиришнинг янги формалари-  
ни излаш, садоқатли граждандарни тарбиялашни иёл,  
восита ва методларини излаб топишдир.

60- йилларнинг охиридан бошлаб капиталистик мам-  
лакатларда давлат-монополистик капитализмининг мак-  
таб ва мактабдан ташқари таълим системасига ҳамда  
ўсиб келаётган авлодни буржуазиянинг синфий кизи-  
қишлари руҳида тарбиялашга умумтаълим, хунар-  
техника ва олий ўқув юртларининг ўқувчиларини сиё-  
сий тарбиялашга таъсири кучая бошлади, *педагогика*  
*фанининг сиёсатлашуви* юз бермоқда. Педагогика капи-  
тализмнинг умумий системасига сингиб, буржуа жамия-  
| нпи мустақамлашда муҳим идеологик воситага ай-  
ланмоқда. Буларнинг барчаси *буржуа педагогикасининг*  
*гоциологлашишига* ҳамда таълим-тарбия проблемала-  
I.... ПНГ конкрет — социологик тадқиқотининг сезиларли  
Қвнгайтирилишига олиб келди.

Педагогиканинг социологик концепциялари аста-секин фалсафа ҳамда психологик-педагогик йўналишдаги купгина ғояларни ўз ичига олди. Таълим-тарбия социологик назарияларининг анализи педагогик тафаккурнинг ҳозирги босқичдаги асосий ривожланиш аспектларини акс эттириб, буржуа идеологияси ва педагогикаси кризисининг янада чуқурлашганлигидан далолат беради.

Ҳозирги замон буржуа педагогикасида социологик йўналишнинг роли ва ўрни ошганлиги ҳақида махсус муассаса ва жамиятлар — Америка социологлари ассоциациясидаги маориф социологияси секцияси (1960 й), илмий-текшириш муассасалари ва университетлардаги секция ва лабораториялар (АҚШ, ГФР, Англия ва шу қабилар), махсус журналлар «Маориф социологияси» (АҚШ) ва бошқаларнинг пайдо бўлганлиги далолат беради.

Педагогикадаги социологик йўналиш ўз уфкини кенгайтирди: таълим-тарбия проблемалари, маорифнинг аҳволи билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ўртасидаги қонуният ҳамда алоқалар турли мамлакатларда йирик қиёсий тадқиқотлар предметиға айланди.

Педагогикадаги социологик йўналиш жамиятнинг тарбияға бўлган талабини тадқиқ қилади ва белгилайди, бу талабларни амалға оширишнинг энг маъқул йўллариғни излайди, ижтимоий омилларнинг таълим-тарбия ҳамда таълим-тарбия практикасининг ижтимоий жараёнға тесқари таъсириғни, маорифнинг иқтисодий самарасини ўрганайди; билим олишға имкониятлар тенглиги деб аталган ҳуқуқни амалға ошириш йўллариғни; маорифнинг социал стратификация<sup>1</sup> билан алоқаларини; «аклий қобилиятлар» ёки «академик қобилиятлар»ни, талантли ва қобилиятлиларни аниқлаш ва ўқитиш; турли табақа болаларини ўқув юртлари типлари бўйича тақсимлаш, ижтимоий муҳитнинг ўқувчиларнинг мактабдаги муваффақиятларига таъсири, ҳовли, кўча, ишлаб чиқаришда стихияли таркиб топувчи болалар коллективларининг шаклланиш шартлари, уларнинг турлари, фаолиятларининг мазмуни, ҳаёт нормалари ва тарбиянинг бу омиллини бошқариш имконияти; касб танлаш ва ёшларни ишға жойлаштириш проблемаси ва бошқалар.

<sup>1</sup> *Стратификация* (лотинча *stratum* — тўшама-Иасеге — қилиш) — геологияда — қатлам — қатламланиш, чўқинди жинсларнинг қатлам бўлиб жойлашши. Педагогикада ўқувчиларни таълим системаси доирасида ижтимоий қатламлар бўйича тақсимлаш,

ва ёшларни ишға жойлаштириш проблемаси ва бошқалар.

Шахенинг жамиятдаги социал роли проблемасиға алоҳида диққат берилмоқда. Замонавий социологик тадқиқотларда — социал роль тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Гарбий Германиялик социолог Р. Дарендорф «Нопюзослоо;лси5» асарида (1970) «Шахе эгаллаган ҳар бир позицияға шу билан шуғулланувчи киши учун характерли бўлган маълум хатти-ҳаракати мувофиқ келади; ҳар бир социал ҳолатға маълум социал роль тааллуқлидир. Қиши ўзи яшаётган жамият томонидан ёзилган драманинг персонажға айланади. Ҳар бир янги ҳолат билан жамият унга янги ролни топтиради»; деб ёзади. Педагогика фани олдиға шахсға жамиятнинг мувофиқ келувчи ривожланиш босқичида у ёки бу социал позицияни эгаллашиға ёрдам бериш вазифаси кўйилади.

Буржуа социологлариғнинг ижтимоий омилларини мактаб, ўсиб келаётган авлоднинг таълим-тарбиясига таъсири, тарбия ва таълим амалиётининг жамият тарқиётига таъсири проблемалари билан қизиқинлари мактабни, унинг таълим-тарбия методларини, бошқа ижтимоий муассасалар билан алоқасини (мактаб ва ишлаб чиқариш, мактаб ва жамоатчилик, мактаб ва урбанизация, мактаб ва Европа ҳамкорлиги, мактаб ва синфий кураш, мактаб ва миллат, мактаб ва меҳнаткаш ёшларнинг ижтимоийлашуви, мактаб ва унга турли социал группаларнинг таъсири, мактаб ва «конфликтлилик» назарияси ва бошқалар) қайта қуриш ҳақидаги педагогик назариясини олиб келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин 50- йилларнинг ўрталариғача буржуа педагогикаси империализмғача бўлган ўтмишни, «ғарбий» анъаналарни кўқларға кўтарди, ёшларни ҳақиқатдан, яқин ўтмишни тушуниб олишдан, демократик қайта қурилиш учун курашда қатнашишдан чалғитишға уринди.

50- йилларда *иктисодий назариялар* кенг тарқалди: хусусий мулкни «сочиш», фойдаларни «бошқариш» ва «революция қилиш», капитални «демократлаштириш», булар асосида «халқ капитализми» доктринаси шакллантирилган эди. Унга «умум фароғати давлати» концепцияси, капиталнинг «трансформацияси», «демократик» ёки «гуманистик» социализмға ўтиш реформистик назариялари ва бошқалар туташиб кетади. Буларнинг барчаси социал партнёрлик педагогикасида акс этди (Т. Вильгельм ва бошқалар).

Жамиятни «гармонизациялаш», «социал партнёрлик» назариялари позитивизм ва прагматизмнинг баъзи коидаларидан фойдаланади. Мактабга тадбиқан у *болфарни синфий ҳамкорлик руҳида тарбиялашни* «синфий кизиқишларни гармонизациялаш»ни назарда тутуди (Д. Дьюи): мактаб ижтимоий келиштириш к.уроли бўлиши, ўқувчиларга турли синфларнинг мавжуд бўлиши азалдан белгиланганлиги, бу синфларнинг ҳар бири ўз тарихий функциясини бажарган ва янги «гармонизациялашган жамият»да ҳам бажаради, деган фикрни сингдириши керак.

60-йилларнинг буржуа идеологиясида *ягона индустриаллашган жамият назарияси* ишлаб чиқилди. Илмий-техника революциясига сажда қилипиши, унинг кишигш ҳозирги жамиятдаги ҳаётга тайёрлашга таъсири, фан-техникани дунёдаги туб социал ва сиёсий ўзгаришлардан ажралган ҳолда абсолютлаштириш буржуа педагогикаси идеологларини *таълим-тарбия проблемаларини ҳал қилишга технократик ёндашишга* олиб келди. Педагогик адабиётда маорифни «индустрия тармоги»га, мактабларни—«йирик индустриал ишлаб чиқариш»га, ўқувчиларни—«технократик киши»га айлантириш ғояси ривожлантирилади. «Уқитиш технологияси», ўқув процессини энг янги техника воситалари ёрдамида рационализация қилиш, социал инженерия методлари билан «ахлоқ технологияси», «ахлоқни ўзгартириш», рационал тафаккур воситасида социал ҳаёт ва индивид хатти-ҳаракатини бошқариш кабилар оқибатда ҳукмрон синфларнинг иктисодий ҳамда сиёсий манфаатларни ифодалаб, буржуа жамиятидаги сўзсиз ижрочиларни тарбиялашга йўллангандир.

70-йилларнинг бошларидан бошлаб, социал буюртма — мактаб ва жамият кескин қарама-қаршиликлардан озод қилишни бажара олмаган технократик назариялар танқид қилина бошланди: маорифни реформа қилишни тўхтатиш, хатто бекор қилиш ҳақида фикрлар билдирилди; «гуманистик маориф», «эркин шахе» ни тарбиялаш, «шахенинг ўз-ўзини реализация қилиш», таълим-тарбия жараёнини «индивидуаллаштириш», «эмансипация қилинган тарбия», «антиавторитар тарбия» ва шу каби ғоялар кенг ёйилди.

~. Номи ва мазмунида баъзи фарқлар бўлишига қарамай, бу назарияларнинг барчаси ягона мақсад — *ҳозирги замон капиталистик жамияти асосларини химоя қилиш*: империализмнинг кескин ижтимоий қарама-қар-

шиликларини юмшатиш; замонавий «постиндустриал жамият» нинг характерини, ҳукмрон ишлаб чиқариш муносабатларидан қатъи назар, фақатгина унинг техник ривожланганлиги даражаси билан тушунтириш, капитализмнинг гўркови — пролетариатнинг ўз тарихий миссиясини йўқотганлиги ва жамиятда олим, инженер ва бошқа мутахассисларнинг раҳбарлик роли ҳақида маълумотлар; синфий фарқ ва қарама-қаршиликларнинг пасайиши ва аста-секин йўқ бўлиб кетиши, идеологиянинг маҳкум бўлиши кабиларни назарда тутуди.

Айтиб ўтилган назариялар жамият тараққиётига «илмий», «объектив» тушунча беришга ҳаракат қилади ва ижтимоий процессларга, шу жумладан таълим-тарбия проблемаларига ҳам *техник-иктисодий ёндашиш* билан тавсифланади. Замонавий техника асосидаги иктисодий тараққиёт маълумотли ва малакали кадрлар сонининг тез кўпайишини талаб қилади. Шунинг учун, буржуа идеологларининг фикрича, кадрлар тайёрлаш проблемаси «замонавий индустриал ривожланган жамиятнинг» асосий проблемаларидан бири ҳисобланади.

Баъзи педагог-назарийчиларнинг ишларида замонавий индустриал жамият «маориф жамияти» ва «ўқитиш жамияти» тарзида таърифланади. Масалан, Ғарбий Германиялик педагог-социолог Х. Фогт индустриал жамиятнинг илмий-техник, сиёсий, социал ва маданий ривожланишини таълим-тарбия масалаларининг ҳал этилишига боғлиқ деб ҳисоблайди. Ҳозирги жамиятда, гўёки фақат маълумоти, тарбияси ва маданиятининг даражаси бир хил бўлмаганлиги туфайли пайдо бўлиши мумкин бўлган кишиларни «ижтимоий тенглаштириш» мактабда амалга оширилиши лозим. «Постиндустриал жамият» идеологлари мактаб структурасига, айрим типдаги ўқув юртларининг вазифаларини аниқлашга, ўқитиш мазмуни ва методига катта таъсир кўрсатмоқдалар. Бунда ҳам улар халқ маорифидаги прогресс ва демократия фақат капиталистик ижтимоий тузумдагина таъминланиши мумкин, деб исботлашга уринадилар.

«Постиндустриал жамият»нинг педагогик назарияси бевосита ғоявий кураш вазифаларига хизмат қилиб, аввало, социалистик мамлакатлардаги ўсиб келаётган авлодни коммунистик тарбиялаш назариясига қарши йўллангандир. Конвергенция назариясининг турли формаларига «постиндустриал жамият» назариясига асосланган.

Пуржуа конвергенция назарияси илмий-техника революциясининг кескин ^ужуми натижасидаги тарихий



ривожланиш жараёнида барча мамлакатлардаги капитализм ва социализмнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий системалар, гўёки кесишувчи чизикдек бир-бири томон ривожланади. Аста-секин капитализм билан социализм ўртасидаги фарқлар ювилиб кетади, уларнинг яқинлашуви, гўёки қандайдир «ўрта», «интеграл» ёки «синтетик» жамиятнинг пайдо бўлишига олиб келади ва унга ҳозирги замон капитализмининг ҳам, ҳозирги замон социализмининг ҳам хусусиятлари хос бўлади.

Педагогика соҳасидаги конвергенция назариясининг тарафдорлари, қандай бўлса-да, капиталистик ва социалистик мамлакатлар маорифининг «ўхшашлиги»ни ишботлашга уринмоқдалар: мажбурий таълим муддатларининг узайтирилиши, тўлиқ бўлмаган ва тўлиқ ўрта таълимнинг кенгайтирилиши, студентлар сонининг ортиши, жамиятнинг интеллектуаллашуви, оммавий маданиятнинг ўсиши. Бу шароитда «фалсафанинг инкирози» ва ҳатто «фалсафанинг охири», ижтимоий онгнинг «идеологиядан узоклашиши» ҳақида миш-мишлар пайдо бўлди. Илмий-техника тараққиёти гўёки идеологиями синфий позициялар ва баҳоловчи мулоҳазалардан озод конструкциялар билан алмаштиришни талаб қилади, деб педагогикани фалсафадан «озод қилнш»ни, педагогикани *идеологиядан узоклаштириш*, унга автоном характерини бериш талабларида ҳам кенг реклама қилмоқдалар.

Педагогиканинг баъзи буржуа назариётчилари педагогиканинг асосий фалсафий масалалари ўтмишдаёқ ҳал этилган ва буюк файласуфларнинг гояларини такрорлашнинг ҳожати йўқ десалар (Ж- Конант), бошқалари педагогик назария учун фалсафанинг аҳамияти йўқ дейдилар: тарбия назарияси гўё гоявий йўлланишдан маҳрум этилиши керак, у фақаттабiiй фанларга тенглашгандагина «чинакам илмий» бўлиши мумкин. Экспериментал педагогиканинг (у ҳам педагогика нормативларини фақат таълим-тарбия процессидан чиқаришга уринганда) баъзи бошланғич позицияларининг танланиши шу тарзда содир бўлмоқда.

Буржуа идеологлари «хар қаптап идеологиянинг туғаш» деб эълон қилнб, китобхонларни ҳозирги кунда таълим-тарбия масалалари социал-иқтисодий тузум ва идеологиядан мустасно ҳал этилиши керак, деб ишоптирмоқчи бўладилар, социалистик жамиятдаги таълим-тарбия назариясидаги асосий марксча-ленинча ҳолатни «ювиб ташлаш»га, маориф системаларининг тузилиш принципларида мактабни политехникаштириш принципларини амалга оширишда, социалистик ва капита-

листик мамлакатларда таълим-тарбия масалаларини ҳал этишда умумий хусусиятларни топишга уринмоқдалар (В Миттер, О. Аньайлер, Х. Фогт ва бошқалар). Бу назариянинг энг ўнг тарафдорлари марксча-ленинча педагогика идеологлар ва «технократлар» ўртасидаги Карам-қаршилиқлар натижасида «эрозия»га учраши муқаррар деб даъво қилмоқдалар ва идеологик диверсиялар йўли билан уни ичидан «портлатиш» умидидадир.

Баъзи ҳолларда педагогикани деидеологиялаш назарияси ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш масаласини оқилона ҳал этишга  $K^{\circ}A^{\circ}P$  бўлмаган идеалистик фалсафага эътироз билдиради. Идеологиядан узоклаштириш концепцияси ҳам замон синовига чидаш бера олмайди; ривожланган капиталистик мамлакатларда гоявий ишии кучайтириш ҳақида овозлар таркала бошлади. ГФР капиталистлари союзлари бош ташкилотининг раҳбари Отто А. Фридрих «идеология уйғониши» ҳақида, «замон талабларига янги жавоблар» ҳақида гапириб қолди.

Шундай қилиб, *империалиста мактаб сиёсатини идеологик асослашни* кучайтириш томон бурилиш очикдан-очик таъкидланади. Кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгариши, социалистик мамлакатларнинг маорифни ривожлантиришдаги муваффақиятлари, буржуа педагогик назариясининг пучлиги буржуа педагогикасининг кризисини кескинлаштиради ва унинг идеологларини педагогик назарияларни ўзгартиришга мажбур қилади.

Инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари ҳақида энг машҳур назариялардан бири *шахсни ижтимоийлаштириш назариясидир*- шахсни капиталистик ҳаёт тарзига актив қўшиш, шахс-индивиднинг мавжуд ижтимоий тузумга мослашуви, яъни тарбияланувчини жамиятда ҳукмронлик қилувчи идеологик, иқтисодий ва ахлокий нормалар, принцип ва этикодлар оламига олиб кириш; индивидни жамиятнинг маълум синфи ва қатламига тааллуқлилигига қўра ижтимоий ролини бажариш учун тарбиялаш.

Ҳозирги буржуа педагогикасида ижтимоийлаштириш процессини тушунишда бирлик йўқ. К. Лэнгтон (АҚШ) ил<тимоийлаштиришни мувофик келувчи социал группа ва жамиятнинг муносабат ҳамда хатти-ҳаракат моделлари системасини эгаллаш процесси деса, Х. Рейнольдз (Англия) унга «ўз жамиятининг бойликлари, урф-одат на ҳаёт тарзини ўрганиш» жараёни деб қарайди; Р. Дарнпдорф (ГФР) ҳар бир шахсни, мазкур шахе жамият-

да эгаМаган «социал ҳолати»га кура, «маълум социал рол»ни бажаришга тайёрлаш зарурлиги ҳақида гапиради ва б. Бирок буржуа назариётчиларининг кўпчилиги учун умумий бўлган нарса жамият ва шахнининг қарама-қарши кўйилнши, «социал рол»ларнинг мазкур социал-нк,- тисодий шароитлардан ажратилган ҳолда қаралиши, инсоннинг моддий ишлаб чиқариш фаолиятини шахнининг шаклланиши ва камол топишида ҳал қилувчи омил сифатида тан олинмаслигидир.

Буржуа педагогикасидаги «социал рол»лар назарияси конфликт ва ўқувчиларни замонавий меҳнат оламига олиб кириш назарияси билан узвий боғлиқдир.

Империалистик гарбий европа интеграцияси педагогика соҳасида, хусусан *европа тарбияси назариясида* ўз аксини топди. Тарбиянинг бош вазифаси Ғарбий Европа, энг аввало, барча Ғарбий Германия ёшларини коммунизмга қарши барча кураш воситаларини қўллашга, ахлоқий, сиёсий ва ғоявий тайёрлашдир. «Европа тарбияси» синфий курашни инкор этади, ёшларга иллюзр, синфий қарама-қаршилиқлардан озод, социал шерикларнинг давлатдан юқори доирадаги ҳамкорлик жамиятини зўрлаб сингдирмоқни ният қилади (Миллий чегараларсиз Европа «давлатдан юқори ҳаётнинг» идеалидир). «Европа тарбияси»нинг вазифалари ва характери Европа ИҚТИСОДИЙ ҳамкорлиги ва унинг аъзолари, айниқса ГФР нинг конкрет шароит ва вазифаларига мувофиқ тарзда ўзгариб турди.

Мавжуд ижтимоий система ҳамда таълим-тарбия системасини ўзгартириш мумкинлиги ва унинг йўллари- Ни назарий асослашга уриниш билан боғлиқ тарзда бир қатор реформистик, буржуа ва майда буржуа назариялари, шу жумладан социал-танқидий педагогика пайдо бўлди.

*Социал-танқидий педагогика* янги ижтимоий муносабатлар, билим олишдаги ҳамма учун тенг имкониятлар ривожланиш реформа орқали бўлиши керак дейди. Капиталистик ижтимоий тузум ва авторитар мактаб системасининг айрим, энг заиф жойларини — билим олиш имкониятларининг тенгеизлиги, мактабда инсон шахсининг эркин ўсиши учун керакли шароитнинг йўқлиги, болалар иродаси, ташаббуси ва қизиқишларининг поймол қилиниши, мактаб ва оиладаги жазоларнинг каттиклиги, шунингдек, мактаб реформасининг моделларини танқид қилиб, социал-танқидий педагогика педагогик назариянинг ҳозирги замон шароитига мослашув процессини тезлаштиришга, марксча-ленинча педагогика ва со-

циалистик мактаб амалиётига қарши амалийроқ курашишга уринмоқда. Шу билан бирга, социал-танқидий педагогика вакиллари «умумий онг» позициясидан туриб «умуминсонийлик ва ҳақгўйлик» жарчиси ролига даъвогарднрлар; баъзида марксистик назариядан демагогик фойдаланадилар ҳам.

Танқидий педагогика ижтимоий ва социал-сиёсий омилларнинг ролини тан олишига қарамай, индивидуалистик позицияга таянади, буржуа шахейлаштирилган педагогикаси доирасидан чиқмайди, тарбияни «ўзини-ўзи аниқлаш», «эмансипация», «муस्ताқиллик», «ижодий тафаккур», «сиёсий етуклик», «танқидий онг» ва шу кабиларни ўстиришдангина иборат қилиб кўяди. Ана шундай *эмансипацияланган тарбия* (унинг асосида боланинг эркин ўсиш ғояси ётади) келажакда жамиятни яратиш воситаси сифатида тавсия этилади. Социал-танқидий педагогика, сиёсий маорифни бундай тарбиянинг энг муҳим йўли деб ҳисоблайди, чунки унинг ёрдамида киш! «ўзи учун фойдали ҳақиқатни билиб олиши», «умумий онг позициясидан туриб жамиятни онгли ўзгартиришни ўрганиши керак».

Социал-танқидий йўналишга буржуа жамиятининг турли синф ва қатламларининг вакиллари кириб кетади. Ҳар бир шахнининг озод бўлиши фақат унинг танқидий онгининг ўсиши орқали бўлиши мумкин деган ғояни таъкидловчи *буржуа радикализмнинг* намояндалари (К- Молленхауэр, В. Клапки, Г. Бланкертц ва бошқалар) жамиятни ўзгартиришнинг революцион йўли марксча-ленинча педагогикадан қатъиян юз ўгириб, уни индивидуумни тарбиялашни етарлича баҳоламасликда, шахсни коллектив томонидан эзишда, унинг коллектив орасида йўқ бўлиб кетишида, шахсни ҳар томонлама тарбиялаш масаласини ҳал қилишга қодир эмасликда айблайди.

*Анархистик оқимдаги майда буржуазия реформаторлик йўналишининг* вакиллари А. С. Нейл (Англия), И. Иллич (АҚШ), П. Фрейре (Бразилия), И. Бекк, Х. Гамм, Ф. Генрих, М. Клемонсо, Г. Мюллер, М. Фотель ва бошқа педагоглар, шунингдек, Золинген шахридаги ташаббускор группа деб аталмиш группанинг тарафдорларидир (ГФР)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Булар ҳақида батафсилроқ қара и г: *Яркина Т. Ф. Буржуазная мысль ФРГ на современном этапе. В сб... Критика теоретико-методологических основ современной буржуазной педагогики, ч. 1. М., 1974.*

А. С. Нейл (1883— 1967) 20-йилларнинг мактаб-реформистик ғояларига, Фрейднинг психоанализи ва жамиятга майда буржуача утопик қарашларга асосланади. У, интизом ва обрўни инкор этиб, «абсолют эркинлик, ҳақгўйлик, тенглик ва қардошлик»ка эришиш ҳақида гапирадн.

Капиталистик мамлакатлардаги мавжуд таълим-тарбия системасининг авторитарлиги, ўқитишни ташкил этишни: ўқитиш мазмуни ва методларини қатъий тартибга солишни танқид қилиб, Нейл боланинг эркин табиий ривожланиши, мактабни болаларнинг қизиқишига мослаштириш, "улар учун ер юзида бахт яратиш, одамлардаги бир-бирларига бўлган нафратни йўқотишни ёқлаб чиқади. Шу билан бирга, у индивидуум, индивидуализмни тарбиялаш, шахсий бахтга эришишни коллектив ва коллективистни тарбиялаш ҳақидаги марксча-ленинча назарияга кескин қарши қўяди.

ГФР антиавторитар педагогикасининг тарафдорлари мамлакатдаги маориф системасини қаттиқ танқид қилдилар, бироқ уни радикал ўзгартириш учун бирорта талаб қўймадилар. Мактаб кризисини улар жамиятни танқидий мактаб ва сиёсий онгни ўстириш йўли билан бараварлаштириш орқали бартараф этишни тавсия қилдилар. Улар томонидан «сиёсий курашнинг назарияси ва практикаси» деб эълон қилинган бараварлаштирувчи тарбияга боланинг эркин ривожланиши ғояси, ўқувчилар ва ўқитувчининг конкрет тажрибаси асос қилиб олинган. Педагогикада обрўдан воз кечиб авторитар тарбиянинг барча принцип ва анъаналари: интизом чоралари, жазолаш, баҳолаш имтиҳон кабиларни йўқ қилишни назарда тутди. Бироқ, бараварлаштирувчи тарбия идеологлари бу билан чекланмадилар: улар педагогикани умуман йўқотишни тавсия этадилар.

Эмансипацион тарбия назариясининг утопиклиги ва реакцияон характерини унинг айрим, хийла прогрессии намояндалари англай бошладилар.

Х. Гамм (1925 йилда тугилган) «Буржуа педагогикасининг ночорлиги» китобида (1972 й.) буржуа педагогикасини: унинг консерватизми, ишлаб чиқариш ва жамият таракқиётининг ҳозирги замон даражасидан орқада қолаётганлиги, индивидуал йўналиши, таълим-тарбия масалаларига техника нуқтаи назаридан ёндашиши, ўсиб келаётган авлод тарбиясини мавжуд давлат монополистик системасининг манфаатларига бўйсундириши, маорифнинг индустриал тармокка айлантирилганлиги, ундан фойдани кўпайтириш мақсадида фой-

м и.....на уриниши учун танқид қилади. Буржуа педагогикасининг ҳозирги замон шароитига мослашиш йўлини ( . 1 1 м уринишларини Гамм «қалбаки умид», «иллюзия» деб атайди. Бироқ Гамм қарашларининг чекланганлиги, **ички** қарама-қаршилиги, таълим-тарбия масалаларини **ал** этишга баъзан ревизионистик оқимдаги «неомарканизм» позициясида туриб спдашуви унинг капиталистик жамият шароитида педагогик тафаккурни ривожлантиришнинг янги йўллари излашни маҳсулсиз қилиб қўяди.

Социал-танқидий педагогика концепцияларини мантқан яқунлаб, уларни маъносизликка олиб борадиган концепция *мактабни тигахиш^кон^ециясидир* (И. Иллич, Э. Раймер, П. Гудмаен, К. Рожерс (АҚШ), П. Фрейре (Бразилия) ва бошқалар). Илмий-техника таракқиёти мактаб олдига маорифни радикал қайта қуришни талаб қилувчи бир қатор янги ва мураккаб вазифаларни қўяётганлиги туфайли мактабни тугатиш концепциясининг тарафдорлари асосий проблемаларни ҳал этиш мумкин эмас деб ҳисоблаб, мактаб ва бошқа ўқув муассасаларини тугатишни, ўқитиш процесси ва атроф-муҳитдаги маорифни «ювиб» ташлашни, унинг ҳар қандай аниқ- белгиларини йўқотишни тавсия этадилар: ҳатто «деворсиз мактаб» термини ҳам пайдо бўлди. Бу нуқтаи назарга кўра болалар ўзларига қулай усуллар билан ўқишлари, информацияни китоб, кинофильм, телевизион кўрсатувлар, радио, магнитофон ёзувлари орқали олишлари мумкин: маълумотларни турли маъмурий ва маданий муассасалар, инструкторлар деб аталадиган шахслар, яъни маълум профессионал билим ва малакага эга бўлган, бироқ профессионал педагог бўлмаган кишилардан ола оладилар: бирга ўқиётганлар, яъни муайян бир вақтда айни бир масала билан қизиқиб қолган одамлар группасидан; ўқувчилар ёрдам сўраб мурожаат этадиган (уларнинг функцияси консультация бериш ҳамда бола ва ўсмирларнинг фаолиятини йўналтириш билан чекланган) ўқитувчилардан оладилар. Шундай қилнб, ҳар бир ўқувчи ўзи учун таълим процессини у \* ига ёқимли тарзда ўзи ташкил қилади: ҳозирги замон кишиси билим олишга эҳтиёж сезиши туфайли уни ўзи-ўзи қўлай ва қизиқарли шаклда амалга оширади.

Кенг тарқалган «педагогикани персоналлаштириш» термини «Мавжуд бўлишга ўргатиш» китобида (ЮНЕСКО, 1972) қуйидагича очиқ берилади: «Ҳозирги замон педагогикаси шахсни, унинг қобилиятларини, унинг интеллектуал структурасини, унинг қизиқиш ва

важларини, унинг истакларини кадрлайди. Бу маънода у персоналлаштирилгандир. У асосий аҳамиятни тарбия субтракти — группавий ҳамда индивидуал тарбияга қаратади. Бу нукта назардан ўқитувчи, у қанчалик қатъан роль ўйнамасин, энди ягона актив киши эмас: ўқувчининг ўзи, тарбиялаш ҳолатидаги шахс, ўз тарбияси (ўқиши) нинг тобора актив кишига айлана боради»<sup>1</sup>.

Телевидение, радио, кино, ер йўлдошлари ва бошқа техника воситалари персоналлаштирилган, группавий педагогиканинг ривожлашига ёрдам бериши, педагогик процесда улардан эргономика — ҳозирги дунёда одам ва машиналар муносабатини акс эттирувчи ва тадқиқ қилувчи — одам-машиналар алоқа системасининг технологияси каби кенг фойдаланилиши зарур.

Мактабсиз жамият, мустақил ўқиш, «деворсиз» мактаб ва университетлар автодидактизми, ўқувчиларни мустақил ўқиш ва ўзини-ўзи тарбиялаш марказига айлантириш гоёлари янгилик эмас. Булар буржуа педагогикасида аллақачондан бери мавжуд бўлган, бироқ янги либосдаги ва янги ном билан аталётган концепциялардир. Аслини олганда, бу прагматик педагогика ва педоцентризм принципнинг замонавий кўринишидир. Бироқ бу «янги йўналиш»нинг ҳозирги замон буржуа намоёндалари ижтимоий муассаса бўлган мактабни бузишни талаб этмаган Жон Дьюидан анча ўзиб кетдилар.

Илличдан фарқли ўлароқ, сезиларли қисми *Франкфурт мактаби*\* файласуфлари, ҳар хил турдаги реви-

<sup>1</sup> Аррепаре а ё(ге, 1ЖЕ5СО, Рапз, р. 136.

\* *Франкфурт мактаби* (1930 й. Франкфурт-на-Майне университет қошидаги социал тадқиқотлар институтида (раҳбари—Маркс Хоркхаймер (1895 — 1973) либерал майда буржуазия интеллигентлари намоёндалари томонидан яратилган бўлиб, улар абстракт-гуманистик позицияда туриб давлат-монополистик капиталининг қўпгина салбий томонларини танқид қилдилар (Т. В. Адорно (1903 — 1969), Ф. Поллок (1894—1940), Г. Маркузе (1898 й. да тушлган). Э. Фромм (1900 й. да туғилган ва бошқалар). Улар ишчилар синфида замоннинг қудратли революцион кучини эмас, балки капитализмга «интегралланган» оммани қўрқдилар ва ўз умидларини «танқидий фикрловчи» интеллигентларга аратдилар. Уз эволюциялари жараёнида Франкфурт мактабининг етакчилари гоҳ «ультра сўл» ва анархизмга яқинроқ революционизмнинг жарчилари (Г. Маркузе), гоҳ яши пессимизм (Т. Адорно), гоҳ реформистик оқимдаги антикоммунистлар сифатида чиқдилар. Франкфурт мактабининг концепциялари «неомарксизм» деб аталмиш йўналишнинг энг қуюқ, ифодаси бўлиб, ҳозирги замон капитализмга ҳеч қандай амалий альтернатив бўлолмади, бироқ антикоммунизм системасида реал социализмни обрўсизлантириш воситаси сифатида фойдаланилади.

ИОНИСТлар, оппортунистик, анархист — «сўл гоёлар таъсирида бўлган янги сўллар» демагогларча, ёшлар билан ИШЧИлар синфини бир-бирига чамбарчас боғлаб, мактабсизликни социал, сиёсий ва маънавий тўнтарилган шаклга олиб чиқарди. Масалан. Золинген шаҳрида педагогик жамиятнинг ташаббускор группаси мавжуд бўлиб, уларнинг ишлари билан мактаб системасига альтернатив тарзда ишчилар болалари учун мактаб лойиҳаси—*мактаб кооперативини* ишлаб чиқди (лойиҳа 1972 йилда «Синф тўсиқларисиз мактаб» сарлавҳаси остида эълон қилинди).

Мактаб кооперативининг лойиҳаси: буржуазиянинг болаларга синфий бирдамлик ва ўз тақдирини ўзи белгилаш руҳида таълим-тарбия беришдаги монополиясини бекор қилиш; мактаб билан ҳаёт ўртасида мустақам алоқа ўрнатиш; ўқиш процессини информация бериш воситасидан социализация процессига айлантиришни; қатъий ўқув планлари ва программаларини бекор қилиш; назария ва амалиёт, мактаб билан ишлаб чиқариш ўртасидаги доимий алокани таъминлайдиган, бевоқиф ишчилар синфининг кизиқларини ифодалайди. **1.И1** ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш; мактаб ёшларининг революционлашувини актив қўллаш; **КУ** социал иерархиянинг шаклланишини мустақо этувчи шароит яратиш; ўқувчилар билан ўқитадиганлар ўртасидаги анъанавий роль ва қаршиликларни бартараф этиш; ота-оналар ва жамоатчиликни мактаб ишларида кзтнашишга жалб қилиш; тўлиқ ўқув кунни жорий қилиш; таълим-тарбия ишини антиавторитар тарбия принципларида ташкил этишни тавсия этади.

Золинген мактаби моделининг авторлари мактабнинг психопарварликка зид моҳиятини ва синфий капитализмнинг жамиятдаги социал таълимни кескин танқид қилдилар, бироқ уларнинг мактаб программаси реал шароитдан узоқ бўлиб, у утопик (хаёлий) ва рўёбга чиқилмади.

Социал-танқидий педагогика деярли барча педагогик проблемаларни: мақсад, вазифа, мазмун, таълим ва тарбиянинг ташкилий форма ҳамда методлари, мактаб таълим системаси ва бошқаларни танқидий анализ қилди. Бироқ социал-танқидий педагогика намоёндаларининг майда буржуа ҳамда ревизионистик позициялари, қарашларининг ноизчиллиги ва қаршичилиги тарбия на жамият проблемаларини нотўғри талқин қилиш билан келди: тарбияни индивид ҳамда жамиятни деюкратлаштириш ва бараварлаштиришнинг энг муҳим воситаси деб қараб, улар аввал индивидни, шундан кес-

йингина Жамиятни озод қилишни тавсия қиладилар; таълим-тарбия масалаларини бараварлаш ҳолярига бўйсундириб, улар соф педагогик проблемаларни ҳал этишдан четланиб, бу проблемаларни социал-сиёсий проблемалар билан алмаштирдилар; тарбия ва бутун инсониятни конвергенция ҳоляри руҳида тарбиялаш масалаларини ҳал этишнинг умумий йўлини шакллантиришга уриниб, улар социалистик педагогикани ҳолявий, «куролсизлантириш» ни тарғиб этадилар.

Кейинги йилларда эмансипация қилинган тарбия ҳолялари билан расмий мактаб сиёсати ва капиталистик мамлакатлардаги ҳоким буржуа педагогик назариялари уртасидаги яқинлашув процесси тобора очикроқ намоён бўлмокда.

### **БУРЖУА ПЕДАГОГИКАСИНING АНТИКОММУНИСТИК ЙЎНАЛИШИ**

Идеологик курашнинг кескинлашуви антикоммунизм позициясининг кучайиши ва активлашишига олиб келиб, у педагогик назариянинг хилма-хил аспектларида акс этади.

Буржуа фалсафий оқимлари (позитивизм, прагматизм, экзистенциализм ва бошқалар)нинг кўрсатмаларидан келиб чиқувчи педагогик назариялар умумий асосга эгадир, бу ҳам бўлса субъектив идеализмдир. Субъектив идеализм фалсафанинг асосий масаласи — тафаккурнинг турмушга, онгнинг материяга, билиш назариясига муносабати масаласини илмий коммунизмга тўғридан-тўғри қарши бўлган позициялардан ҳал қилади. Педагогик назариялар субъектив идеализм оқимида ривожланар экан, унинг асосий йўл-йўриқларини интерпретация қилади ва капиталистик мамлакатлардаги маориф назарияси ва амалиётига мослаштириб, педагогик процесс марказига бола шахсини унинг табиий қизиқишлари билан кўядилар, илмий билимлар системасининг зарурлигини инкор этиб, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини билиш мумкин эмаслиги ҳақидаги тезисни маъқуллайдилар.

Шундай қилиб, фалсафий-идеалистик йўналишдаги педагогиканинг барча асосий қоидалари марксча-ленинча педагогика назарияси ҳолярига кескин қарши чиқади. Укитиш жараёнига идсалистик фалсафанинг бузук реакцияон йўл-йўриқларини ёйиб, буржуа педагогикаси, шубҳасиз, актив апологетика ва антикоммунизм пропагандасини касб этади.

И Б мхи.нипк-псадогик йўналишдаги педагогик оқим-|.||| ( жспериментал педагогика, бихевиоризм, фрейдизм, .и! пи шк концепцияларнинг замонавий асосланиши) ни \.|\| шу хусусиятлар ажратиб туради. Психологик-педагогик йўналиш, кўпинча, инсон тараққиётидаги биологич асосни: шахснинг туғма хусусиятлари, инстинктлар, цмманент, ички майл, спонтаи қизиқишларни етакчи деб эълон қилади. Инсон психикасини ўзига хос алоҳи-ч.] абсолютга айлаптириб, психологик-педагогик йўналиш! П111! бир қатор ҳолатларда вульгар материализм ҳамда СубьеКтив идеализмни бириктириб юборади. Онгни реал борлиқдан ажратиш, унинг социал шароитдан яққала-Ниши тарихий ҳамда диалектик материализмнинг ижтимоий ва табиий тараққиёт махсули бўлган инсон ҳақидаги асосий тезисларидан бирига қарши чиқади. Буржуа педагогикасидаги психологик-педагогик йўналишдаги концепциялар ҳам, сўзсиз, актив антикоммунистик позицияларга олиб келади. Бундан ташқари, педагогик назариялардаги электизмнинг кучайганлиги, уларнинг бир-бирига чирмашиб ҳамда сингиб кетганлигини қайд қилмаслик мумкин эмас, бу ҳозирги замон буржуа педагогикасининг концепцияларини ишлаб чиқишда бирорта ҳам ягона назарий асос йўқлигидан яна бир марта далилат беради.

Социологик йўналишдаги педагогик назарияларда антикоммунистик йўлланганлик янада аниқроқ намоён бўлади. Конвергенция, социал шериклик, «остпедагогика», эмансипация қилинган ва танқидий педагогика назариялари антикоммунизмни ўзларининг ҳолявий замани эканлигини очикдан-очик эътироф этади.

•Ҳозирги шароитда империалистик буржуазия Шарк билан Ғарб ўртасидаги рақобат ҳолясини биринчи ўринга суриб, психологик уруш, ҳолялар урушини олиб бормокда.] ва шу орқали коммунизмнинг омма учун тортиш кулпш сусайтирмоқчи бўлмокда, у «эрозия», «тинч революция», социализм дунёсига «кўприк ўрнатиш» ва шу Кабилар воснтасида «коммунизмни тўхтатиш»га «уни Ювиб ташлаш, ичидан портлатишга» ҳаракат қилмокда.

ЛҚШ, Ғарбий Германия ва бир қатор бошқа мам-|.|катларда фикрни сиёсий шакллантириш аистемаси ташкил этилган бўлиб, у мактабдан бошланади ва проф-Лессионал таълим, олий мактаб ва армия орқали ўтиб, VI таъсирини ҳар куни ёшлар ташкилотлари, черков, I [абиёт, саиъат ва шу кабилар ёрдамида ўтказилади.

ГФР, АҚШ ва бошқа капиталистик мамлакатларда коммунизмни ўрганиш бўйича марказлар, илмий муассасалар, университет ва олий педагогика мактабларида кафедра, секция ва лабораторияларнинг кенг тармоғи ишлаб турибди, уларнинг сезиларли қисми Совет Иттифоқи ва Европа социалистик мамлакатларидаги таълим-тарбия проблемаларини тадқиқ қилади. ГФРда илмий-тадқиқот институтлари, жамият «остфоршунг»<sup>1</sup> семинарлари системасида «остпедагогика»га катта эътибор берилади. (Шаркий Европа, яъни социалистик мамлакатлар мактаби ва педагогикаси назарда тутилади).

«Остпедагогика», аввало, социалистик педагогиканинг дунёдаги таъсирини нейтраллаштириш, унга қаршилик кўрсатиш мақсадида пайдо бўлган. «Остпедагогика» 1957 йилдан сўнг хийла жонланди, бунга «йўлдош-шок» сабаб бўлди. Жумладан, «Совет маориф системасидаги баъзи ибратли кузатишлар» мақоласида Е. Лемберг «Совет маориф системаси тўсатдан Ғарбни қизқитириб қолди. Ер Йўлдошининг муваффақияти кўпчиликнинг кўзини очди... у ерда маориф соҳасида амалга оширилган ва амалга ошириш мўлжалланган нарсалар намуна эмас, аксинча, огоҳлантириш бўлиши керак», деб ёзган эди.

«Остпедагогика» ҳам назарий, ҳам амалий йўналишга эгадир. Амалий йўналиш — бу «советшунос», «кремлшунос» кадрларни, ўқитувчиларни тайёрлаш; «остпедагогика» олий педагогика мактаблари ва университетларда қиёсий педагогика курсининг таркибий қисми ҳисобланади. «Остпедагогика» «осткунд»нинг назарий асосланиши ва бу антикоммунистик ўқитиш принципининг ГФР мактабида амалга оширилишидир; сиёсий тарбия системасида социалистик мамлакатларнинг тарихи, сиёсати, экономикаси, маданияти ва маорифини «ўрғапиш» бўйича тавсия, кўрсатма, методик кўрсатма, ўқув ва кўргазмали қурооллар, адабиётлар рўйхати ва бошқа материалларни ишлаб чиқишдир. Сиёсий тарбиянинг асосий вазифаси капиталистик мамлакатлардаги ҳукмрон синфлар томонидан «буржуа демократиясини мустақамлаш ва мамлакат ичидаги ва ундан ташқаридаги доимий коммунизм хавфини маънавий даф қилиш» тарзида таърифланган.

\* *Остфоршунг* (нем. *0\$1* — Шарқ, *ҒовсБипе* — тадқиқот сўзларидан) — Шарқни тадқиқ қилиш; бу ўринда Шаркий ва Жануби-Шаркий Европани тадқиқ қилиш назарда тутилади.

«Остпедагогика» ўз тадқиқотлари проблематикаси-  
1111, м.фксча-ленинча педагогика ва социалистик мактаб-  
1.1 карши кураш формаси ҳамда методларини антикоммунизм тактикаси ва методларига мувофиқ тарзда ту-  
1.1 1.1: марксча-ленинча педагогика ғояларини менсимаслик ва атайин индамасликдан унга бўхтон ёғдиришга, қўпол қаллобликдан — нозик, хаддан ошган антикоммунизма, буржуа педагогикасининг айрим концепцияларига «илмийлик» ва «объективлик» характерини беришга, марксча-ленинча педагогиканинг айрим қоида па терминологиясини (политехник таълим, ягона мактаб на шу кабилар) олдиндан империализм манфаатларига мувофиқ; тарзда ишлаб чиқиб, ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш; баъзида социалистик мактабдаги таълим ва тарбия назарияси ҳамда практикасини «яхшилаш» бўйича «дўст» ва «маслаҳатчи» ролида чиқар-эди.

Буржуа идеологларининг «эмансипация қилинган», «гуманистик», «танқидий», «социал-танқидий», «персопаллаштирилган», «антиавторитар» педагогика концепцияларини шакллантиришга уринишлари, «янги тар-  
Пня» — «мактабсиз жамият», турли информация воситалари ёрдамида мустақил ўқиш каби ғоялари — буларнинг барчаси маориф проблемаларини ҳал этишга илмий ёндашилмаганидан, педагогик электизмдан далолат беради. Кўпгина «янги» концепцияларни диққат билан анализ қилиш буржуа педагогикасида радикал ғоялар йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини кўрсатади. Уларнинг моҳиятини «классик» буржуа педагогик назариялари (позитивизм, прагматизм, бихевиоризм кабилар) билан қиёслаш барча педагогик «янгиликлар» традицион буржуа педагогикасининг аллақачонлардан бери маълум бўлган кўрсатмаларидан келиб чиққан деган хулосага олиб келади. Бошқалар билан бир қаторда хо-  
(Иргй замон педагогик фикрининг ривожланишига Керимшптейнернинг «мехнат мактаби педагогикаси» ғоясининг таъсирини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Бу ғоя тест

- Ил кузатишлар асосида аниқланиб, тўла қимматга эга бўлмаган ўқув юртлари: асосий мактаблар, коллежлар, 1.1м<>плвий мактаблар, америка ва инглиз мактаблари-  
Н111Н «бўш» поток ва группаларига йўлланадиган бола-  
|.||| учун умумтаълим билимларининг ҳажмини қисқар-
- ш>ш> ҳамда амалий мехнат тайёргарлигини кучайти-  
РИШ1 а пнтилишда ўз ифодасини топган.

70 йилларнинг бошларидан бошлаб капитализм умучим кризисининг чуқурлашуви консерватив — национа-  
III . . . , милитаристик, авторитар ва хатто ирқчилик оқи-

мидаги тарбия ва таълим назарияларига қайтиш тенденцияларининг кучайишига олиб келди. Бу йўналишнинг намояндалари энг реакцион кучларнинг идеологиясини акс эттирар экан, педагогикадаги, тарбиядаги эски назарияларни модернизация қилиш йўлларида излаб топилган ва улардан ҳозирги шароитда капиталистик системани стабиллаштиришда самаралироқ фойдаланишга уринмоқдалар. Улар асосий эътиборларини билим олиш учун қобилият ва имкониятнинг тенг эмаслигини, ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқишига кўра билим олишнинг хилма-хил йўллари зарурлиги ва муқаррарлигини назарий асослаш, ёшларга ғоявий таъсирни кучайтириш орқали уларни давлат-монополистик капитализмининг ўйинчоғига айлантириш, унда «фойдали давлат онгини» шакллантиришга, буржуа ахлоқ нормалари ва қимматлари руҳидаги хусусиятларни таркиб топтиришга қаратганлар.

Кейинги йиллардаги буржуа педагогика адабиётида «инсон фаолияти чегараларини аниқлаш», «маориф чегаралари», «кишиларнинг табиий тенгсизлиги», «элитар истеъдодни ўстириш ҳуқуқи», «истеъдод жихатдан фаркланишнинг биологик асоси» ни билиш зарурлиги, маорифнинг турли даражаларининг «қадмдан ўзини оқлаган» қиммати ҳақида тез-тез гапира бошладилар. Капиталистик мамлакатларнинг мактаб сиёсати ва амалиётида бу 60-йилларда кенг реклама қилинган умумтаълим ва олий мактабни реформа қилиш, «билим олишга имкониятлар тенглиги»дан чекиниш ёки бутунлай инкор этишда акс этади.

Утмиш гоё ва назариясини ҳозирги замон шароитига мослаш процессида капиталистик жамиятдаги ўта реакцион кучларнинг идеологлари ўз доктриналарининг антикоммунистик йўналишини очикдан-очик кучайтирмоқдалар.

Марксча-ленинча педагогика билан буржуа педагогикаси ғоялари ўртасидаги курашда ҳозирги босқичда ўз донраларини кенгайтириш ва янада кескинлаштириш тенденцияси мавжуд.

Усиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш проблемаси атрофида авж олаётган ғоявий кураш СССР ва барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидаги олим-

лар, педагоглардан жиддий эътиборни, доимий хушёрликни, буржуа педагогик назарияси, давлат-монополистик капиталининг маориф соҳасидаги сиёсатининг реакцион моҳиятини фош қилишда актив иш олиб боришларини талаб қилади.

Шунга кўра марксча-ленинча педагогик тафаккурнинг софлигини-сақлаш, коммунистик тарбия проблемаларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш, педагогика фанининг ютуқларини ҳамда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлардаги ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни кенг пропаганда қилиш муҳим аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида сўзга чиққан Л. И Брежнев шундай деган эди:

«Октябрь, социализм инсоният тарихини меҳнатқашларни маънавий қулликдан қутқариш тажрибаси билан ҳам бойитди. Эзувчилар ҳукмронлигининг «сирлари» дан бири ҳар доим шундан иборат бўлиб келдики, улар оммапи бевосита жисмоний эзиш билан бирга маънавий нсихатдан ҳам эзиб турдилар. Ҳукмрон синфлар меҳнатқашларнинг маърифат ва маданиятдан баҳраманд бўлиш йўлига хилма-хил ғов солиб келдилар, уларни ёлғон ғоялар ва тасаввурлар асоратида сақлаб турдилар. Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги маданий революция сиёсий революциянинг қонуниятли давоми бўлди.

Бир авлоднинг умри давомида совет мамлакати саводсизликнинг оғир бўйинтуругидан батамом ва абадий қутулди. Меҳнатқашлар маданий ҳаётнинг актив қатнашчилари, маънавий бойликларининг нҳодқорлари бўлиб қолди. Халқ ичидан янги социалистик зиёлилар етишиб чиқди, улар фан ва техниканинг, адабиёт ва санъатнинг юя т буюк ютуқлари билан Ватан шухратини оширдилар. Инсониятнинг энг зукко кишилари орзу қилиб келган учрашув, меҳнат билан маданиятнинг тарихий учрашуви амалга ошди, кпшилик жамияти тарихида энг **НО ИК**, энг қалтис масалалардан бири бўлган миллий ма-Оала хал этилганлиги Октябрь муваффақиятлари ора-• И 1.1 ало.ҳида ўрин олиб турибди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ///. Брежнев. Ленин йўлидан. 6-том, 648- бет:

## У б о б . С О Ц И А Л И С Т И К , К А П И Т А Л И С Т И К В А Р И В О Ж Л А Н А Ё Т Г А Н М А М Л А К А Т Л А Р Д А Т А Ё Л И М Н И Н Г М А З М У Н И Ҳ А М Д А У Қ И Т И Ш Н И Т А Ш К И Л Э Т И Ш П Р О Б Л Е М А Л А Р И

### С О Ц И А Л И С Т И К М А М Л А К А Т Л А Р Д А Г И Т А Ё Л И М Н И Н Г М А З М У Н И В А У Қ И Т И Ш Н И Т А Ш К И Л Э Т И Ш

Таълимнинг мазмуни масаласи

Маорифни илмий-техника тараққити талабларига мувофиқлаштириш дунёдаги барча мамлакатлардаги замонавий мактабларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади; уни ҳал қилиш устида маориф министрлиги, махсус ташкилот ва комитетлар, турли илмий комиссия ҳамда ўта турли даражадаги мутахассислар бирлашмалари иш олиб бормоқда. Ҳозирги, фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айлана бошлаган бир даврда, умумтаълим мактаблардаги таълим мазмуни масаласи сўзсиз фақат умумдавлат эмас, балки умумжаҳон характерини ҳам касб этади. Исталган мамлакатдаги мактабнинг таълим даражаси билан фан ва техниканинг ривожланиш даражаси ўртасидаги ўзаро алоқа, таълим мазмунидаги бир неча ўн йилдан бери мактаб тараққиётида анчагина барқарор, анъанага айланиб қолган формаларни оқилона ўзгартиш зарурлиги аниқ бўлиб қолди. Таълим мазмунида чуқур ўзгаришлар қилиш зарурлигини ҳамма тан олади ва у ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Бирок ижтимоий тузум ва давлат мактаб сиёсатининг йўналишига кўра бу масалалар турлича йўллар билан ҳал қилинади.

Фақат социалистик тузумгина мактаб ва маорифнинг планли ривожлапшини ва шахсни ҳар томонлама гармоник камол топтириш ғоясини реал мужассамлаштиришга имконият яратиб беради. Халқ маорифининг давлат характери ва унинг системасини бошқаришнинг марказлаштирилганлиги таълим мазмунини илмий-техника тараққиёти, илмий ахборотлар ҳажми ва воситаси, болалар ўсишининг психологик-педагогик қонуниятлари талабларини ҳамда замонавий мактаб таълими процессидаги имкониятларни тенг назарда тутувчи аниқ белгиланган *илмий мезонлар* асосида такомиллаштириш имконини беради. Таълимнинг энг муҳим проблемасини ҳал этишга таълимга таъсир этувчи барча омилларни назарда тутган ҳолда бундай *комплекс ёндашиш*

фақат мактаб системаси давлат томонидан планлаштирилмаган ва давлат томонидан раҳбарлик қилинадиган шароитдагина мумкин. Таълим мазмунининг асосий концепцияларини илмий ишлаб чиқиш барча социалистик мамлакатларнинг социализмга борувчи йўлининг умумийлиги ҳақидаги ҳолат билан узвий боғлангандир. 11. Брежнев КПСС XXIV съездида қилган Ҳисоботдоқлада «Социализмга олиб борадиган йўлни, унинг асосий белгиларини барча социалистик мамлакатларнинг ривожланишига хос бўлган муштарак қонуниятлар белгилаб беришини эндиликда биз фақат назарий жиҳатдан билибгина қолмасдан, шу билан бирга, амалий жиҳатдан ҳам қўриб қаноат ҳосил қилдик»<sup>1</sup>, деган эди.

КПСС XXV съездида Л. И. Брежнев социалистик мамлакатларнинг қардош партиялари билан ҳамкорликка яқун ясар экан, социалистик ҳамдўстликдаги давлатлар билан алоқаларнинг самарали натижаларига юксак баҳо бериб, экономика, сиёсат, идеология иш ва фанни ривожлаштириш соҳасида олдимизда турган мақсадларнинг умумийлигини яна бир бор таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. КПСС XXIV ва XXV съездларида ифозалаб берилган умумий қоидалар социалистик мамлакатларда мактабни ривожлантириш ҳамда таълим мазмуни ва уни такомиллаштиришга асос қилиб олинган концепцияларга беvosита алоқадордир.

Ксийинги ўн йилларда социалистик педагогикага тааллуқли илмий-педагогика тадқиқотларида таълим мазмуни масаласига биринчи даражали эътибор берилмоқда. 1.1 Унинг муҳокамаси 1972 йил август ойида Москвада бўлиб ўтган социалистик мамлакатлар олим-педагогларининг Биринчи конференцияси ишида муҳим ўрин эгаллади<sup>3</sup>. Бир қатор педагогларнинг тадқиқот ва асарлари **К8М** шу масалага бағишлангандир, масалан, М. Н. Скаткин «Уқитиш жараёнини такомиллаштириш» («Совершенствование процесса обучения». М., 1971); Г. Нойпер «Социалистик умумий таълим назариясига доир» (1973); Г. Нойнер «Социалистик умумий таълим назарияси масалалари», («Вопросы теории социалистического образования», М., 1975); А. И. Махмутов «Проб-

<sup>1</sup> КПСС XXIV съездининг материаллари, «Узбекистан», Тош-14 ян. 1071, 7-бет.

<sup>2</sup> 11 .1 ранг: КПСС XXV съездининг материаллари. Т., 1976, 5—11 бетлар.

Қ а р а н г: Проблемы социалистической педагогики. М., 1973, 71 (д. III).



лемали ўқитиш» («Проблемное обучение». М., 1975); Ю. К. Бабанский «Уқитиш жараёнини оптималлаштириш» («Оптимализация процесса обучения». М., 1975) ва бошқалар. Кўп сонли тадқиқотларда тадқиқот мазмунини аниқлашга ёндашиш концепциясини шакллантириш имконини берадиган умумлаштирувчи ҳолатларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Фан-техниканинг экспоненциал (кўчкисимон) ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида актив қатнашиш учун зарур бўлган илмий билимлар ҳажмини узлуксиз кенгайтириб боришга олиб келади. Мактабда илмий-техника революцияси давригача шаклланган анъанавий ўқитиш системаси замонавий таълим талабига жавоб бермай қўяди. Ҳосил бўлган «узилиш»ни бартараф этиш учун илмий билимлар ҳажмини ҳар бир мактаб предмети доирасида шунчаки ошириб қўя қолиш кифоя қилмайди: барча мактаб курсининг мазмуни ва структурасини танлашга ягона илмий ёндашувни ишлаб чиқиш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг XXV съездга Ҳисобот докладада қуйидагилар<sup>1</sup> қайд қилиб ўтилади: «Жумладан, бутун умумий таълим системасини ва, биринчи навбатда, ўрта мактабни янада жнддий такомиллаштириш зарурлиги очик кўрпниб турибдн. Одам учун зарур бўлган билимлар ҳажми кескин равишда тез ошиб бораётган ҳозирги шароитда фактларнинг муайян мазмунини ўзлаштиришни асосий вазифа қилиб олишнинг ўзн энди кифоя қилмай қолди. Уз билимларини мустақил тарзда тўлдира бориш, илмий ва сиёсий информациянинг тез кўпайиб бораётган оқими орасида "ўл топиб ола билиш маҳоратини сиигдириш муҳим вазифадир"<sup>1</sup>. Шундай қилиб, таълим процесси фақат жуда кўп факт, қоида, исбот ва қурилмаларни ўрганиш ҳамда шунчаки хотирлаб қолншгагина эмас, балки илмий билимларнинг етакчи қояларини эгаллаб олишга ҳам йўналтирилиши зарур. Социалистик мактабнинг асосий ўқув мақсади ижодий тафаккур, қобилиятни, кейинчалик киши фаолиятининг барча турлари процессида пайдо бўлган ва пайдо бўладиган илмий ва амалий проблемалар моҳиятини мустақил ^англаб этиш кўникмасини ўстиришдан иборат. Ана шу ҳолатлар асосида *узлуксиз таълим*, мактабдан сўнг малакани мунтазам оШириб бориш эҳтиёжи тугилади.

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Т., 1976, 105-бет.

Козирги фаннинг тараққиёт хусусиятлари таълим мазмунини аниқлашга *бир хил ёндашиш* аспектларини Кўрсатиб беради. Фан тараққиёт билан уни табақалаш на \а'иунлаштириш процесси ёнма-ён боради. Ҳар бир фақда янги ғоя ва фактлар тўплана бориши билан тад-\Ш\()тнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиқувчи янги бўлимлари пайдо бўлади. Иккинчи томондан, илгари алоҳида ажралиб қолган фанлар ўртасидаги чегара алоқалари аниқланади, бир ёки бир неча фан тармоги ягона бир бутуига ўзига хос синтезланади, бу эса билимнинг биохимия; биофизика, молекуляр генетика каби янги интегралланган тармоқларини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, фандаги йириклаштириш ёки умумлаштиришни қайд этиб ўтиш лозим: илгарилари мустақил ўрганишни талаб қилган кўпгина тушунча, метод ва айрим қоидалар ҳозирги кунда янги назарияга киритилиб, умумлаштирилмоқда ҳамда улар олдин яққаланиб қрилган ҳоднсаларни ягона илмий системага бпрлаштиришнинг асосига айланади. Бундай йириклаштиришга химия, физика, биология ва бошқа табиий фанларнинг кўпгина проблемаларини комплекс ёндашиш позициясидан ҳал этиш имконини берувчи Менделеевнинг даврий системасини, арифметика элементларининг мактаб математикасининг умумий курсига киритилиши қабиларни мисол келтириш мумкин. Ҳозирги замон мактаб таълимининг мазмуни фан-техника тараққиётининг объектив тенденцияларини акс эттирмаслиги мумкин эмас. Худди мана шу тенденциялар ушбу проблемани ҳал этиш йўлларини ҳам кўрсатиб беради. Социалистик педагогиканинг таълим-тарбия назарияси қуй сонли тадқиқотлар асосида таълим мазмунини аниқлашга системали-структурали ёндашиш концепциясини нратди. *Системали-структурали* ёндашиш ҳар бир фаннинг структура элементларини ягона системага боғлай-; пиан ҳамда уларни мактаб предметлари қуреларида \кн Ўтипнинг ҳар бир босқичида ўқувчиларнинг пепхоло-**NI**. педагогик имкопиятларини албатта ҳисобга олган | | ада ўзгартирувчи асосий ғояларни аниқлашни назарда гутади. Социалистик мамлакатлар олимларининг таъ—! [Им психологияси соҳасида олиб борган кейинги тадқиқотлари болаларнинг илмий билимларни эгаллашдаги Имкониятлари ҳали тугамаганлиги ва унда анчагина ре-рирлар борлигини ишонарли тарзда исботлаб берди. ' ипп I Ггифоки ва бошқа социалистик мамлакатларда мм и\|ўв программаларини татбиққилиш борасида олиб борилган кенг экспериментлар кичик мактаб ёшидаги

болаларнинг улар учун илгари тушунарси хисобланган кўпгина тушунчаларни идрок этиш ва эгаллашда тафаккурлари хилма-хиллиги ҳамда мослашишга мойиллигинд кўрсатди.

Социалистик мамлакатлардаги таълимни такомиллаштиришнинг реал йўллари давлатнинг йўл-йўриқ кўрсатувчи қарорлари ҳамда умумтаълим мактабидаги ўқув курсларининг структурасини қайта кўриб чиқиш йўллари белгилаб берган ҳужжатларида акс эттирилган.

Совет мактаби олдида умумтаълим мактабининг биринчи синфидан бошлаб то охириги синфигача умумий ғоя ва принциплар билан мустаҳкам боғланган ягона изчил таълим системасини яратиш вазифаси қўйилган эди. Замоनावий таълимнинг муҳим проблемаси фақат социалистик лагерь мамлакатларидагина ана шундай хал этилиши мумкин. Европадаги барча социалистик мамлакатларда таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш борасида жадал иш олиб борилди, бу мақсадда составига йирик олимлар, педагоглар, ўқитувчилар, партия ва давлат органларининг вакиллари, халқ маорифи, саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик матлубот ходимлари ва бошқаларни бирлаштирган давлат комиссиялари ташкил этилди. Янги ўқув плани ва проблемаларига ўтиш 1966/67 ўқув йилидан бошланиб, 70- йилларнинг охирида тугалланиши назарда тутилди. Бироқ фан-техника тараққийнинг хозирги замон босқичларининг хусусиятлари ўқитиш программаларининг доимо такомиллаштириб борилишини, керак бўлганда, янги маълумотлар ёки янги ғоялар талқинини киритиб боришни талаб қилади. Янги ўқув программаларининг татбиқ этилишига кўра таълим амалиётининг ўзи ҳам таркиб топган таълим мазмунига баъзи тузатишлар киритиш зарурлигини тақозо қилади.

Илмий билимларнинг бетўхтов ўсишини мактаб программаларида дарҳол акс эттириб бўлмайди. Шунинг учун социалистик педагогика *билимларни мустақил эгаллаш* қобилиятини ўстиришга алоҳида эътибор беради, Масалан, ГДР педагоглари бугунги кунда инсонни болалик ва ёшлик чоғларида унинг кейинги бутун ҳаёти давомида керак бўладиган барча билим малакалари билан қуроллантириш умуман мумкин эмас, деб таъкидлайдилар. Таълимнинг социалистик концепцияси — бу мактаб, ҳунар-техника таълими ва олий мактабда ўқитиш доирасидан чиқиб кетувчи узлуксиз ўқиш концепциясидир. Кейинги узлуксиз ўқиш учун доимий ўқишга тайёрликни тарбиялаш, яъни билимларни мус-

**ГВҚИЛ** эгаллаш учун талаб қилинадиган барча малакаларда қобилиятларни мақсадга мувофиқ ўстириш заруриятидан ташкил топувчи мустаҳкам асос яратилиши лозим.

Социалистик мамлакатлар педагогларининг конференция ва форумларида халқ маорифини янада такомиллаштириш проблемалари ва айниқса унинг башорати кенг муҳокама қилинади.

«Социализм,— деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган Ҳисобот докладада,— меҳнат аҳлига эркинликни, чинакам демократик ҳуқуқларни, фаровонликни таъминлаб бермоқда, билимлар эшигини кенг очмоқда, келажакка мустаҳкам ишонч бахш этмоқда... Эртаги кун эса социализмнинг чексиз имкониятларини, капитализмга нисбатан тарихий устунлигини кўрсатувчи, ҳеч шубҳасиз, янги далиллар келтиради. КПСС бундан бун ҳам бошқа қардош партиялар билан бирга ғолиб социализм намунаси тобора эркинроқ нур сочиб туриши учун ҳамма чораларни кўраверади»<sup>1</sup>. Социалистик мамлакатнинг ривожланган социализм босқичидан коммунистик жамиятга аста-секин ўтишини таъминловчи ҳаракатининг реал йўллари таълимнинг бундан кейинги тараққийида акс этмаслиги мумкин эмас. «Совет Иттифоқи ва иттифокчи республикаларнинг халқ, маорифи ҳақидаги қонунларининг асослари», (1973), СССР Конституцияси (1977), КПСС МК ва СССР Мипистрлар Совестининг «Умумий таълим мактаблари ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва уларни меҳнатга тайёрлашни [нада яхшилаш ҳақида] ги қарори (1977 й) Совет мактаби эришган муваффақият ва ютуқларнигица қайд этиб қолмай, уни янада такомиллаштириш йўллари кам белгилаб беради.

*Таълимни башорат этиш* вазифалари борган сари социалистик мамлакатлар педагоглари диққати ҳамда муҳокамасининг объектига айланиб бормоқда. Герхарт Пойнернинг «Социалистик умумий таълим назарияси м.калалари» асарида мактаб билан ҳаётнинг бирлиги Принципида «таълим-тарбия мақсадларини янги ижтимоий шароитга мувофиқ тарзда ҳамда социалистик жамиятни тараққий эттиришнинг аниқланаётган янги йўллари назарда туган ҳолда доимий ойдинлаштириб бориш эҳтиёжини ифодаси деб қаралиши лозим. Айни

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Т., 1967, 13- бет.

бир вақтда бу принцип таълимнинг танланган мазмуни доимо текшириб бориш ва педагогик процессни ташкил этишнинг метод ҳамда ташкилий формаларини янада ривожлантириш зарурлигини ҳам ифодалайди»<sup>1</sup> деб таъкидланади.

*Таълимни башорат этиш* социалистик мамлакатлардаги ижтимоий тараққиёт истиқболлари ва тенденцияларини назарда тутиш керак. Илмий-техника тараққиёти маорифни унинг мазмунига системали-структурали ёндашиш асосида доимо такомиллаштиришни; фаннинг ривожланиши ҳамда янги ғояларни мактаб программаларига аста-секин киритиб бориш тенденцияларини (эскирган ёки аҳамиятсиз матерпални чиқариб ташлаган ҳолда) аниқлашни; ўқувчиларни ўқитиш ва касбга йўллаш системасини янада кенгайтиришни; хунар-техника, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида ўқитишни янада такомиллаштиришни талаб қилади. Автоматлаштириш ва механизациянинг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига кенг татбиқ қилиниши аклий меҳнат билан жисмоний меҳнат, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутни бартараф этишга ёрдам беради ҳамда умумтаълим мактаблари ва бошқа ўқув юртларида ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш борасида шунга мувофиқ тайёргарлик бўлишини талаб қилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, таълим мазмунида маълум ўзгаришларга, унинг илмийлик даражасини оширишга ҳамда таълимнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлашга олиб келади.

Маорифни ана шундай планли тарзда ҳамда узокқа мўлжаллаб ривожлантириш мактаб проблемалари ягона умумдавлат томонидан ҳал этиладиган социалистик жамият шароитидагина мумкин.

<b>Умумий таълим мактаби</b> *қув	Таълим „мазмуни ўқув планлари“ ҳамда уқув предметларининг программаларида акс этади.
<b>платларнинг'умумий характеристикаси</b>	Совет мактабининг ўқув плани ҳамма вақт бутун Совет Иттифоқи территориясида мактаб системасининг бирлиги принципи асосида тузилади. Бир бутун совет мактабининг ўқув плани раҳбар давлат органлари томонидан тасдиқланиб, барча республикалар учун мажбурийдир; айрим

<sup>1</sup> Нойнер Г. Вопросы теории социалистического общего образования, М., 1975, с. 50.

мчпубликалар бу планга миллий анъаналар ва хусусиятларга боғлиқ баъзи тузатишларни киритадилар. Таълим мазмуни ва ўқитиш процессининг бир бутунлик принципи совет тузумининг характерли хусусиятларини, Совет Иттифоқининг бутун территориясида коммунистик жамиятни барпо этишдек умумий мақсадни акс эттиради, барча меҳнаткашларга, уларнинг социалмавкелари, қайси ирқ ва миллатга тааллуқли бўлишларидан қатъи назар тўлақонли билимга эга бўлиш куқуқларини таъминлайди. Бундай кафолатлар СССР Конституциясида қайд этилгандир.

Илмий-техника революцияси таъсирида оммавий совет мактабларининг ўқув планларига ўқувчиларнинг ўзларини қизиқтирган масала юзасидан куреларни танлашларини назарда тутувчи факультатив машғулотлар тарзида қўшимчалар киритилади.

Европадаги социалистик мамлакатларнинг ўқув планлари халқ ҳокимиятининг дастлабки йилларида анъанавий характерини ҳамда ўрта мактабнинг юқори синфларидаги тоифаланиш профилини сақлаб қолди, бу, асосан гуманитар ва табиий-математик циклларга ажралиш бўлиб, улар, ўз навбатида, айрим предметлар бўйича турли секция ва профилларга эга эди.

Таълим мазмунининг социалистик мактабнинг бирлик концепцияси асосида қайта қурилиши ўқув планларини бир хиллаштириб, мактабнинг барча босқичларидаги умумтаълим тайёргарлигига барабар талаблар қўйиш принципини амалга оширди. ГДР, ПХР, БХР, ПХР, ЧССР, ЮСФР мактабларининг ўқув планларида ана шундай ўзгартиришлар содир бўлди.

ГДР ўрта мактаби ўқув планининг умумий анализи 1-ш мисол келтирамиз. ГДР умумтаълим политехник ўн йиллик ўрта мактабининг ўқув планига ўқитилиши мажбурий бўлган 19 предмет, бундан ташқари, VI синф-Ia факультатив тарзда ҳафтада 1 соат — қўл меҳнати, VII синфдан бошлаб — иккинчи чет тили киритилган. Умумтаълим предметлари (немис тили, рус тили, математика, физика, астрономия, химия, биология, география, тарих, гражданшунослик, раем, музика, спорт) билан биргаликда ишлаб чиқариш таълими, мактаб участкасида шуғулланиш, политехник таълим, социалистик ишлаб чиқаришга кириш, техник чизмачилик, ишлаб чиқариш меҳнати киритилган. Ишлаб чиқариш таълими мактаб участкасидаги машғулотлар I — IV синфларда; политехник таълим VII—X синфларда; социалистик

тик ишлаб чиқаришга кириш ва техник чизмачилик VII—X синфлардадир. Ҳафта соатларининг умумий миқдори I синфда 21 соатдан, X синфда 34—35 соатгачадир (факультатив машғулотлар билан биргаликда). ГДР ўн йиллик мактабининг ўқув плани умумтаълим предметларини ишлаб чиқариш таълими билан меҳнат фаолиятига тайёрлашнинг бошқа турларини қўшиб олиб боришнинг намунаси бўла олади. Ун йиллик мажбурий таълимдан сўнг ГДР ўқувчилари ё профессионал таълим мактабларига (улар ўрта махсус билим юртларига йўл очади), ё ўрта маълумот берувчи хунар мактабларига; ё олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини берувчи икки йиллик кенгайтирилган мактабларга йўлланадилар. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, ГДРда таълимнинг узвийлигини таъминловчи катталар малакасини ошириш системаси мавжуддир. Олий ўқув юртларига кенгайтирилган ўрта мактаб, ўрта махсус ўқув юртларини тугатгандан сўнг ҳамда катталар малакасини ошириш системасининг курсини битиргаппа сўнг кириш мумкин. Бу олий маълумот олоқчи бўлган барча граждандар учун кенг имконият яратади.

Саккиз йиллик мажбурий таълим жараёнида Болгария ўқувчилари ягона ўқув плани асосида шугулланадилар. Бу даврда ўтиладиган предметлар: болгар тили ва адабиёти, рус тили, математика, тарих, ахлоқ ва ҳуқуқ, эстетика, жамиятшунослик, география, биология, физика ва астрономия, ҳозирги замон ғарб тиллари, химия, кибернетика, тасвирий санъат, ашула ва музика, политехник циклдаги предметлар (технология, меҳнат практикаси, техник чизмачилик) жисмоний тарбиядир. Мажбурий предметлардан ташқари, таълимнинг барча босқичларида ҳафтасига 2 соатдан 4 соатгача бўлган факультатив машғулотлар мавжуд. Мактабнинг юқори циклида (IX—X синфлар) физика-математика, биология-химия, тарих-филология, ишлаб чиқариш ихтисослари киритилган. Табақалашнинг конкрет формаларида, яъни умумтаълим ва ихтисос берувчи предметларнинг соат миқдори ўртасида фарқ шунчалик камки, комил ишонч билан умумий таълим тайёргарлигига талаб бир хил дейиш мумкин. Масалан, физика-математикадан ихтисос берувчи мактабда математикага ҳафтасига 6 соат, қолган мактабларда эса 4 соат ажратилган. Табиий-математик йўналишдаги ихтисосларда гуманитар предметлар учун ажратиладиган соатлар ҳам тахминан барабар.

Польшада мажбурий ўн йиллик таълимга ўтиш амалга оширилмоқда; мактаб ягона ўқув плани асосида ишлайди: мажбурий ўн йиллик мактаб базасида олий ўқув юртига кириш ҳуқуқини берувчи турли ихтисосдаги махсус икки йиллик мактаблар ташкил этилади. Шунинг қайд қилиш лозимки, кейинги йилларда социалистик мамлакатларда ўқув планларининг, шу жумладан ўрта мактабнинг юқори синфларида ҳам тўлиқ бирлигига эришиш тенденцияси назарда тутилмоқда, буни ГДРдаги мажбурий ўн йиллик ва икки йиллик тўлиқ ўрта таълим ўқув планлари мисолида кўриш мумкин.

Социалистик мамлакатлар (СССР ни ҳам қўшиб) ўқув планларининг анализи гуманитар ва табиий-математик (агар раем, ашула, музика, ишлаб чиқариш таълими, меҳнат мустасно этилса) тайёргарликка тахминан тенг соат ажратилганлигини кўрсатади. Бу, биринчидан, соатларнинг бундай тақсимланишининг қулайлигидан, иккинчидан, ҳозирги замон шароитида ўқувчиларнинг умумтаълим тайёргарлиги ҳамда умумий маданияти учун гуманитар ва табиий-математик тайёргарлик тенг аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. **Тоифалаб ўқитиш** Тоифалаб ўқитиш ўқувчиларни ай-  
**на ўқувчиларни** рим мактаб предметлари ёки фан-тех-  
**касбга йўллаш ма-** ника тармоқлари чуқурроқ ўргани-  
**салалари** ладигап секция ёки группаларга бў-  
лишни назарда тутати.

Социалистик мамлакатларнинг олим-педагоглари томонидан тоифалаб ўқитиш соҳасида ишлаб чиққан асосий концепциялари бу проблемага оид кўпгина қарашларнинг бирлигини кўрсатади.

Социалистик педагогиканинг асосий қондаси шунки; иборатки, бир бутун бўлган умумтаълим мактаби ўқувчиларни барабарлаб қўймайди, уларнинг шахсларини бир хиллаштирамайди, балки, аксинча, индивидуал имкониятлар, майл, қизиқиш ва қобилиятларнинг \((\psi)\) пшига жуда катта ёрдам беради, кейинчалик мураккаб ушбу, танланган фаолият соҳасида билимларни чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга тайёрлайди. Совет оммавий мактабида VII синфдан бошлаб ўқув планига факультатив машғулотлар (ҳафтасига 2—5 соат) киритилган. Қўпича факультатив машғулотларни танлаш Парқарор характер касб этиб, кейинги йўналиш ва йўналиш — ишлаб чиқариш ёки олий мактабни танлаш аниқлайди. Оммавий мактаблар билан бир қаторда махсуслаштирилган мактаблар: математика,

физика-математика, тил, бадий, музыка каби мактаблар мавжуддир. Кўпгина ҳолларда фақат параллел юқори синфлар (IX—X синфлар) дан иборат бўлган маҳсус мактаблар ташкил қилинмоқда. Уларга саккиз йиллик мактабни тугатган ва мазкур мактаб ихтисосига тўғри келадиган фанларга қизиққан ҳамда қобилиятли ўқувчилар киришлари мумкин. Тоифалашнинг бир мактаб доирасида юқори синфларда гуманитар ёки табиий-математик йўналишдаги бир неча ихтисосни яратиш ёки предметлардан бирортасини чуқур ўрганадиган синфнаажратиш каби формаси ҳам бўлиши мумкин. Кейинги йилларда барча ўқувчиларга тўла қонли умумтаълим ва касбга оид тайёргарлик олиш имкониятини берадиган ўрта маълумот берувчи ҳунар-техника билим юртларининг системасини кенгайтириш тенденцияси кузатилмоқда. Умумтаълим мактабида касбга йўллаш системаси такомиллашмоқда.

Европа социалистик мамлакатларидаги тоифалаб ўқитиш ва касбга йўллаш ўқувчиларнинг ўзлари учун кўпроқ қизиқарли бўлган соҳани танлашларини ҳам, касбга йўллашни ҳам етарли даражада таъминлайди. Тоифалашнинг илмий ихтисос бўйича бўлимлари, табиий-математик йўналиш; гуманитар; ижтимоий фанлар; замонавий тиллар; химия-биология ва бошқа формалари кенг қўлланмоқда. Шунингдек, предметларни танлаб ҳамда факультатив предметларни ўрганиш; айрим ўқув предметлари — математика, физика, биология, химия, чет тили, музыка, жисмоний тарбия кенгроқ ўқитиладиган маҳсуслаштириладиган мактаб ва синфлар; ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари чуқурроқ ўргатиладиган мактаб ва синфлар ташкил қилиш имкониятини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Умумтаълим мактаб доирасида билим ёки қизиқадиган соҳасини танлаш буйруқ характерида бўлмайди: агар ўқувчи мактабда математика билан қизиқса ва бошқа фанларга нисбатан бу фан билан чуқурроқ шуғулланса, бу унинг олий мактабнинг гуманитар факультетига, ҳунар-техника таълими системасига кириши, бевосита ишлаб чиқаришга ишга кириши учун тўсик бўла олмайди. Социалистик педагогика ҳар бир ўқувчига келгусидаги фаолиятини эркин танлашини таъминлаш принципига асосланади ва ўқувчиларнинг қизиқиши фақат мактаб доирасининг ўзидагина эмас, балки уни тугатгандан кейин ҳам ўзгариши мумкинлигини назарда тутлади.

Тоифалаб ўқитишнинг мактаб доирасида қарор топган формаларидан ташқари, ўқувчиларга касб танлаш-

ларида ёрдам бериши керак бўлган касбга йўллашнинг кўпгина бошқа турлари мавжуддир. Баъзи ҳолларда касбга йўллаш мактаб структурасининг ўзида назарда тутилади; бунга, аввало, ГДР нинг умумтаълим ўн йиллик мактабларини киритиш мумкин, унинг ўқув планининг юқорида келтирилган анализи шундай далолат беради.

Касбга йўллашнинг қарор топган, ўқув планларига киритилган турлари билан бир қаторда социалистик мамлакатларда хилма-хил клуб, жамият, предметлар буйича тўғарақлар ташкил этилиб, у ерда ўқувчилар ўз қизиқишларига кўра уюшадилар. Бу йўлда мактабдан ташқари муассасалар: пионер ва ўқувчилар уйлари, ёш техниклар, авиамоделчилар, ёш табиатшунослар станциялари, болалар театрлари ва бошқалар катта иш олиб бормоқда. Болалар ва ёшларнинг мактабдан ташқари муассасаларнинг доираси шунчалик кенги, улар болаларга ўз қизиқишларини аниқлашларида ёрдам бериб, уларнинг исталган қизиқишларини қондиришга қодирдир.

Касбга йўллаш ишини янада такомиллаштириш мақсадида мактабларда ҳам, мактабдан ташқари муассасаларда ҳам турли касб вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашув ва суҳбатлар, олий ўқув юртларида очик эшиклар куни, турли конкурс ва олимпиадалар, ёшлар матбуотида касб ҳақида суҳбатлар цикли кабилар ташкил этилади.

Социалистик мамлакатларда мактаб, одатда, ишлаб чиқариш билан яқиндан алоқада: ишлаб чиқаришга уюштириладиган экскурсиялар, завод, фабрикалар қошидаги ўқув комбинатларида, ўқув устахоналари ва ўқув-тажриба участкаларида ишлаш, халқ хўжалигига гурлича ёрдам бериш.

Касбга йўллаш усулларини янада такомиллаштиришга қаратилган барча тадбирлар комплекси социалистик мамлакатларнинг ўқувчилари кенг ва эркин танлаш имкониятига эга эканлигини асосли тарзда кўрсатди. Бундай кенг ва эркин танлаш имкониятини умумтаълим мактабидаги ўқитишнинг мазмуни ҳамда тоифалаб ўқитиш характери, синфдан ва мактабдан ташқари иш-Яарнинг хилма-хил турлари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида актив қатнашишларини таъминлайди.

Ўқитиш мазмунидаги чуқур ўзгаришлар таълимнинг ўқувчининг мантикий тафаккури ва интеллектуал имкониятларини ўстиришни назарда тутувчи замона-

вий форма ҳамда методлари ишлаб чиқилишини такозо этди. Анъанавий дарё билан бир қаторда дарснинг ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак бўлган янада кенгрок ҳамда мослашувчан классификацияси яратилмоқда. Социалистик мамлакатларнинг педагоглари билимларни эгаллашга асос қилиб олинадиган *ривожланиб боровчи таълим назариясини* ишлаб чиқдилар.

Ўқитиш методлари программалаштириш элементлари, ўқитишнинг техника воситаларини қўллаш, мустақил ишнинг родини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг билиш фаолиятларини активлаштириш эвазига анча бойиди. Асосий форма—дарё доирасида ўқитишнинг хилма-хил методларини қўллашнинг мақсади ўқувчининг ижодий тафаккури, мустақиллиги ва активлигини ўстириш, уларнинг индивидуал қобилиятларини аниқлашдир.

Социалистик мамлакатлар мактабининг ўқув иши тажрибасини ва педагогик адабиётини ўрганиш социалистик педагогика назарияси ва амалиётига умумий нуқтаи назардан қарашини тўла кўрсатиб берди: таълимнинг асосий формаси дарё ҳисобланиб, қолган хилма-хил методлар ўқувчи шахсининг актив камол топишига катта ёрдам бериши, ўқувчиларда ўқитиш жараёнида қўйилган проблеманинг ечимини мустақил топишга интилишни таркиб топтириши лозим. Социалистик педагогикада «проблемали ўқитиш» ёки «проблемали метод» деб аталувчи термин пайдо бўлди ва у ўқувчиларда қўйилган саволларга жавоб излаш учун актив интилишни шакллантириш мақсадида дарёда проблемали вазият яратишни назарда тутди.

Социалистик педагогика ўз олдига ўқувчиларнинг ижодий тафаккурларини, билиш фаолиятларини максимумал ўстиришни вазифа қилиб қўяр экан, ўқув процессини ташкил этишнинг асосий формаси бўлган синф-дарс системаси доирасида таълимнинг замонавий актив формаларидан кенг фойдаланади. Синф-дарс системаси ўқув предметларини мунтазам ҳамда изчил ўрганиш билан узвий боғлиқ, яъни билимлар системаси предметлараро алоқанинг родини анча кучайтириб эгалланишини таъминлайди. Уқиш пренесенини активлаштириш методлари орасида изланишга оид эвристик методларга, ўқитишдаги мустақилликнинг родини оширишга борган сари кўпроқ ахамият берилмоқда. Уқиш системасига турли техника воситалари: тренажёрлар, ўқитадиган ҳамда контрол қиладиган машиналар,

намойиш этувчи аппаратлар, программалаштирилган қўлланма ва материаллар кенг татбиқ қилинмоқда.

Социалистик мамлакатларда ўқитишнинг ягона умумтаълим мактаби доирасида қабул қилинган форма ва методлари шахени ҳар томонлама гармоник камол топтириш вазифаларини ҳал қиладди ва ўқувчиларнинг хилма-хил қизиқиш ҳамда қобилиятларининг намоён бўлиши учун шароит яратади.

### **Капиталистик мамлакатлардаги таълимнинг мазмуни ва ўқитишни ташкил этиш**

Таълимнинг мазмуни ва ўзгартирилиши, уни такомиллаштириш масаласи капиталистик мамлакатлар олим ва педагоглариининг тадқиқот ва ўрганиш предметига айланиб қолди. Капиталистик мамлакатлар мактабида таълимнинг мазмуни эксплуататорлик жамияти ўз олдига қўйган тарбия мақсадларига мувофиқ келувчи кўпгина асрий анъаналарнинг таъсирини бошидан кечирди. Анъаналар икки-уч аср давомида таркиб топиб, ижтимоий тузумда мустахкам асосга эга бўлиб қолди. Бу ижтимоий тузум шароитига кўра, таъминланган талабаларининг болалари билан меҳнатқашларнинг болалари жамиятда бир-биридан фаркланувчи функцияларини бажариши, демак, оладиган тайёргарлиги ҳам шунга мувофиқ бўлиши керак эди. Бу умумий қоида ҳозирги Шароитда ҳам, гарчи ташқи томондан баъзи ўзгаришларга учраган бўлса-да, ўз ахамиятини сақлаб қолган.

Ўқувчиларга келгуси фаолиятни танлаш эркинлигини берувчи маорифнинг хилма-хил турлари, йўналиш ва ихтисослари, ўқитишнинг шахсийлаштирилиши капиталистик дунёдаги замонавий таълимнинг норасмий концепцияларининг негизига айланган. Энг прогрессив гояла|1 деб даъво қилинаётган «танлаш эркинлиги» ва шахсийлаштириш бевосита жамиятнинг бой ва камбагал қатламлари болаларининг тайёргарлиги кескин фаркланишига олиб келади.

50-йилларнинг охирида капиталистик мамлакатларда прагматистик педагогика ва бихевиоризмнинг асосий гояларининг танқид қилиниши туфайли умумий таълим м| шунининг хийла такомиллашган концепцияларини ЦШлаб чиқиш йўлида баъзи уринишлар амалга оширилди. Бундай концепциялар қаторига АҚШ даги Жером

Брунернинг ўқитиш назариясини киритиш мумкин. Бу назария таълим мазмуни ва ўқитиш методларини анчагина оқилона ўзгартиришни назарда тутарди. Бирок Брунернинг ғоялари АҚШ оммавий мактабидаги ўқитишни қайта ташкил этишда акс этмади; улар юқрри урта мактабнинг академия профилларида қисман қўлланди, холос.

Капиталистик мамлакатларда махсус илмий комитетлар ва комиссиялар ташкил этилиб, улар олдига янги, такмиллашган ўқув планлари, айниқса табиий математик цикл бўйича программа яратиш вазифаси қўйилди. Янги программага эҳтиёжнинг сабаби иккита, яъни урушдан кейинги даврдаги фан-техника тараққиёти ҳамда ўрта мактаб ўқув плапларида гуманитар йўналишдаги предметларнинг анъанавий устунлиги эди. 50- йилларнинг охиридан бошлаб комитет ва комиссиялар табиий-математик таълимни замонавийлаштириш ва унинг мазмунини илмийроқ ва аниқроқ системага солиш борасида катта ишларни амалга оширдилар. Бирок турли комитет ва комиссиялар, шунингдек, айрим олимларнинг таклифлари капиталистик мамлакатлар оммавий мактабидаги таълим мазмунининг ўзгаришига таъсир кўрсатмади. Янги ғоялар, асосан бойлар, оксуякларни тарбиялашга мўлжалланган ўқув муассасалари ёки умумтаълим мактаблари ихтисослари доирасида амалга оширилмоқда.

Шундай қилиб, таълим мазмунининг буржуа концепциялари, худди илгаргидек, тўлақонли таълимни тайёргарликнинг э л и т а р характерини ва ҳатто бир хиллаштирилган ҳамда бирлашган мактабларга ҳам саралашни и сақлаб қолишга йўлланган. Кейинги вақтларда таълим мазмунида, айниқса кенг меҳнатқашлар оммасини ўқитишда, прагматистик педагогик концепцияларни қучайтириш тенденцияси очик кўрина бошлади.

АҚШ да ишлаб чиқилган болаларнинг интеллектуал тенгсизлигига асосланувчи маориф системаси дунёда кенг тарқалган. У Англия, Канада, Австралия, Япония мактабларига, шунингдек, йирик мустамлакачи давлатларга тобе бўлган мустамлака ва карам мамлакатлардаги ўқув муассасаларига таъсирини ўтказган.

Уқув планларининг тузилиш принципларини анализ қилишда АҚШ, маориф системаси анчагина қизқишга лойиқдир.

Мактаб системасини бошқаришдаги тарихан таркиб топган марказлашганлик ҳамда штатларнинг мактабни

маблағ билан таъминлаш, мактаб структурасини, ўқув плани ва программаларини танлашдаги автономиялик ҳуқуқига эгалити таълим мазмунига ягона илмий ёндашиш имкониятини мустасно этди. Расман барча бошлангич ва қуйи ўрта мактаблар ягона ўқув плани асосида ишламоқда деб қаралади. Бирок бир типдаги ўқув планлари ҳам турлича фарқ қилиши мумкин. Масалан, қуйи ўрта мактабда типовой ўқув планига кўра умумий табиатшунослик ва математикага ҳафтасига 5 соат ажратилади, бирок мактаб раҳбарлари табиатшунослик умумий курсидан табиатшунослик, физика, химия, биологияни бирлаштирувчи баъзи элементларни тянлаб, уни ўқувчиларга алоҳида топширик тарзида бериши мумкин. Математика мунтазам тарзда ўрганилмайди: кўпгина ҳолларда математик топшириқлар уларнинг ҳаётда амалий қўлланилиши билан боғланади; масалан, «истеъ-молчи арифметикаси», бу ўринда оилавий маблағ учун зарур бўлган ёки солиқ ҳамда банк операциялари билан боғлиқ пул ҳисоб-китобларини ўрганишлари лозим<sup>1</sup>.

Юқори синфларда ўқитилиши шарт бўлган фанлар рўйхатига: инглиз тили ва адабиёти, табиий фанлар, математика (алгебра, геометрия, тригонометрия), ижтимоий фанлар (тарих, жамиятшунослик) чёт тили, жисмоний тарбия ва шахсий гигиена киради. Кўпгина шаҳар мактабларида турли программалар бўйича параллел ўқитиш — коллежга тайёрлаш, савдо-идора фаолиятига тайёрлаш, ҳунар ҳамда умумий тайёргарлик амалга оширилади. Уқувчига қайси программа бўйича шуғулланишни танлаш ҳуқуқи берилади. Мажбурий предметлар бўйича ҳафтасига маълум соатлар ажратилади, бирок, бошлангич ва қуйи ўрта мактабларда бўлганидек, машгулотлар мазмуни турли мактабларда турлича бўлиши мумкин. Юқори синф ўқувчиларига ҳавола этилган мажбурий предметлардан ташқари предмет ва мазмуни танлаб ўқиш ҳуқуқи ўқув планларининг турли ва кўп вариантли бўлишига олиб келади.

Франция, Бельгия, Германия, Швейцария каби мамлакатлардаги ўқув планларининг тузилишига бошқа концепциялар асос қилиб олинган эди. Шу муносабат билан системали ўрта таълимга анчагина жиддий талаблар қўйилган. Франция намуна бўла олади. Францияда тарихан таркиб топган халқ маорифи системаси-

<sup>1</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Малькова З. А. Современная школа США. 1971, 4—5—6- боблар.*

ни бошқаришнинг қатъий марказлашганлиги, маориф министрлиги томонидан ишлаб чиқилган мажбурий ўқув плани ҳамда программалари таълим мазмунига ягона (умумий) ёндашувни ва ҳар бир мактаб предмети бўйича билим даражасига аниқ талаблар қўйишни таъминлади. Француз мактаби узок йиллар давомида ягона ўқув плани ва программалари ҳамда мактабнинг ҳар бир типи ўқувчилар билимига маълум талаблар қўйиш асосида ишлаб келди. Тест системаси Франция мактабларида кенг қўлланмади, ихтисосларга ажратиш фақат ўрта мактабнинг юқори синфлари — лицей ва коллежларда амалга оширилган эди; аҳолининг таъминланган қатлами тўлиқ маълумотга эга бўлди, меҳнаткашларнинг болаларини ўқитиш эса ўқитишнинг бошланғич мактаб ва 14 ёшгача мажбурий таълимни таъминловчи устқурма синфлардан таркиб топган элементар цикли билан чекланарди.

1958 йилгача тўлиқ ўрта мактаб бўлган лицей ва коллежларнинг ўқув планларида ўта гуманитар йўналишдаги предметлар устунлик қиларди: ўқитишда грек ва лотин тиллари, антик маданият элементлари, гуманитар циклдаги предметлар катта ўрин эгаллар эди: бунда ўқув плани ўқитиш ихтисослари бўйича қатъий тартибга солинган эди. Ягона ўқув плани фақат бошланғич мактабдагина қабул қилинган эди. Ҳозирги кунда, мактаб структурасида амалга оширилган бир қатор реформа ва такомиллаштиришлар оқибатида ўқув планлари ташқи кўринишдан қисман ўзгарди. Турли типдаги мактаблар учун ўқитиш программаларидаги анъанавий фарқлар янада бир хиллаштирилган маориф системаси ичида сақланиб қолди. Уқувчилар бошланғич мактабдан сўнг кузатиш бўйича мактаб совети тавсия этган секцияга кўра турли программаларда мажбурий умумий таълим коллежи даражасида шуғулланарди.

ГФРдаги замонавий мактабларнинг ўқув планларида камситиш ва тепсизлик айниқса аниқ кўринади. Ҳар бир ер<sup>1</sup> мактаб типи ва ўқув планларини танлаш ҳуқуқига эга. ГФР да ўрта умумтаълим мактаби гимназиядир. Бироқ гимназиялардаги таълим мазмунининг йўналиши ва ўқув планлари ўртасида катта фарқ мавжуд.

Гимназияларнинг ўқув планлари, предметларнинг рўйхати ҳамда мажбурий ва ихтисос берувчи предмет-

ларга ажратилган соатлар миқдори хийла фарқ қилади. Асосий ҳамда бирлашган мактаблардаги таълим мазмунига келганда, уларнинг ўқув планларидаги фарқ унча сезиларли эмас. Барча-ўқув планларига дин, немишти, тарих ва гражданшунослик предметлари киритилган; қолган предметлар рўйхати мактаб типига кўра зғариб туради. Бундан ташқари, ГФР нинг турли ўқув ртларида аниқ фарқлар кўзга ташланадики, бу умумтаълим тайёргарлигига қандай бўлса-да, ягона талабнинг йўқлигидан далолат беради.

Япон мактаби асосан ягона ўқув плани асосида ишлайди. Бироқ умумтаълим предметлари бўйича ягона ўқув планлари фақат бошланғич ва қуйи ўрта мактабга татбиқ қилинган. Юқори ўрта мактабда икки асосий бўлим: умумтаълим ва ҳунар-қасб бўлимлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирдан фарқ қилувчи ўқув плани ва программаларига эгадир. Уз навбатида, умумтаълим ва ҳунар-қасб бўлимларига бир неча ихтисос берувчи потоклар киритилган бўлиб, улар учун махсус программа ишлаб чиқилган. Япон мактаби учун айрим ўқув предметларини мунтазам эмас, балки синтетик курс бўйича ўқитиш характерлидир. Асосан қуйи ўрта мактаб учун характерли бўлган бу хусусият кейинги йилларда юқори сифтларга ҳам тадбиқ қилинмоқда. Турли предметлар-III бирлаштирувчи синтетик курслар умумтаълим тайёргарлиги даражасини анча пасайтириб, ўқув предметларини баён қилиш мантики ва системасини бузади.

Капиталистик мамлакатлар мактаблари ўқув планининг умумий тавсифи, бу мактабларнинг тузилиши турли социал табақаларга *нотекис қимматли билим* бериш принципини сақлашга қаратилган дейишга имкон беради. Капиталистик мамлакатлар мактабининг социализм мамлакатлари мактаб системасидан чуқур ва туб фарқи ҳам ана шундадир.

Капиталистик мамлакатларда бошланғич таълимнинг умумий тавсифи, бу мактабларнинг тузилиши турли социал табақаларга *нотекис қимматли билим* бериш принципини сақлашга қаратилган дейишга имкон беради. Капиталистик мамлакатлар мактабининг социализм мамлакатлари мактаб системасидан чуқур ва туб фарқи ҳам ана шундадир.

**Уқувчиларни тоифалаб ўқитиш ва касбга йўллаш масалалари**

Капиталистик мамлакатларда бошланғич таълимнинг умумий тавсифи, бу мактабларнинг тузилиши турли социал табақаларга *нотекис қимматли билим* бериш принципини сақлашга қаратилган дейишга имкон беради. Капиталистик мамлакатлар мактабининг социализм мамлакатлари мактаб системасидан чуқур ва туб фарқи ҳам ана шундадир.

<sup>1</sup> ГФР 10 та территориал-маъмурий бирликка ажратилган бўлиб, улар ер деб аталади ва маълум автономияга эга.



фалаб ўқитишнинг конкрет формалари бир оз ўзгарди. Анъаналар ва устунлик қилиб турган педагогик назарияларга кўра тоифалаш турли капиталистик мамлакатларда ўзига хос формаларга эга.

АҚШ да элементар мактаб даражасида дастлабки потокларга ажратиш болаларнинг интеллектуал имкониятларига асослаган ўзига хос тоифалашни назарда тутган эди. Турли потоклардаги ўқитиш билим даражаси ва ҳажмига кўра жиддий фарк қилар эди.

«Буш» потокларга тушиб қолган болалар енгиллаштирилган программа бўйича шугулланар, уларнинг билимларига бирорта жиддий талаб қўйилмас эди. Қуйи синфлардаёқ улар «қобилиятсизлар» қаторига киритилганликлари ва олий мактабга даъвогар бўлолмасликлари ҳақидаги фикрга кўникиб қолар эдилар.

«Кучли» потокдаги ўқувчилар анча мунтазам ва чуқурроқ ўқитилган. Бирок, америка мактабининг асосий принципларига мувофиқ, ҳатто «кучли» потокларга ҳам ягона умумтаълим тайёргарлиги талаблари қўйилмаган: мажбурий предметлардан ташқари, кўплаб факультатив предметлар тавсия қилинади (уларнинг сони АҚШ юқори ўрта мактабларида мингдан ортиқ). Бунга драматик санъат, психология, нафис санъат, машинкада ёзиш ва стенография, электроника, автомашинани бошқариш, радио ва телевидение журналистикасининг асослари, қиёсий давлат тузуми ва шу қабилар қиради. Факультатив машғулотлар қулай бўлси учун 14 категория группаланган: инглиз тили ва адабиёти, ижтимоий фанлар, математика, табиий фанлар, чет тиллар, гигиена ва жисмоний тарбия, савдо ишлари, ишлаб чиқариш таълими, уй-рўзғор ишлари, музика, санъат, агрокультура, ҳунар таълими ва бошқа предметлар. Ҳар бир категория юқори синф ўқувчилари танлаш мумкин бўлган кўпгина вариантларни ўз ичига олади.

«Урта» ва «бўш» потоклардаги ўқувчилар мактабни тугатганларидан сўнг иш билан таъминлай оладиган ўқитиш программалари ва вариантларини танлашга мажбур эдилар: бу савдо-идора ва ҳунармандлик фаолиятига тайёрловчи программа, бухгалтерия, стенография, иш юритиш, савдо ишлари, суратқашлик, ёғоч билан ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тикувчилик, сувоқчилик иши, босма ишлари ва шу қабиларни факультатив ўрганиш программалари бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, АҚШ мактабларида қабул қилинган тоифалаш формалари айни бир вақтда касбга йўллаш

мақсадларига, яъни ишлаб чиқариш ва амалий фаолиятнинг ҳар хил турларига тайёрлашга хизмат қилади. Мактабларда мутахассис-консультантлар ўқувчиларга келажак йўлларини тўғри танлашларида ёрдам бериш мақсадида турли касблар ҳақида суҳбат олиб борадилар. Касбга йўллаш анчагина эрта, ақлий ўсиш коэффициентига асосида болаларнинг қобилияти ва улар учун энг қулай ҳисобланган ўқитиш характери аниқланган вақтда бошланади.

АҚШ умумтаълим мактабларидаги ажратиб ўқитиш ва касбга йўллашнинг энг характерли ҳамда қарор топган хусусиятларини кўриб чиқар эканмиз, гап ёшларнинг асосий кўпчилик қисми, турли ирқ ва миллат болалари ўқийдиган оммавий мактаблар хусусида бораётганлигини қайд қилишимиз лозим. Жамиятнинг асил қатламининг болалари ўқийдиган шаҳар атрофидаги имтиёзли мактаблар ва хусусий ўқув юртларида таълим мазмунига хийла жиддий талаблар қўйилади, ажратиб ўқитиш формалари ва ёшларни олий мактабда ўқитишга тайёрлашни назарда тутувчи касбга йўллаш характери ўзгариб туради.

Англияда тоифалаб ўқитиш формалари ўзига хос характерга эгадир. Сўнгги вақтларгача Англия мактабларида, худди АҚШ да бўлганидек, қобилиятлилик коэффициентини кўрсаткичларига кўра потокларга ажратиш системаси қабул қилинган эди. Ажратиш беш йиллик бошлангич мактабда бошланиб, асосан уч, тўрт, баъзан эса беш поток (А, Б, С, Д, Е) доирасида бўлар эди. Бошлангич мактабдан сўнг грамматика, замонавий ёки техника мактабига ўтиш мумкин эди. Академик типдаги тўлиқ ўрта маълумотни фақат грамматика мактабларига берар эди. Уқувчиларни ўқишни давом эттириш учун тақсимлаш ақлий қобилият кўрсаткичлари асосида амалга оширилиб, энг қобилиятлилар грамматика мактабига йўлланар эди.

60 — 70-йилларда тест системаси қаттиқ танқид қилинди; бу танқид таъсирида кўпгина мактаблар бу системадан воз кечди. Бу ҳолда ўрта маълумотнинг турли йўналишларига ўқувчининг шахсий варақаси ва ўқитувчи тавсияномасига мувофиқ ўтилади: академик ўзлаштириш ўрта маълумотнинг турли босқичларига йўллашда асосий мезон ҳисобланади.

Грамматика, замонавий ва техника мактабларининг бир бинода бўлиши натижасида вужудга келган бирлашган мактаблар деб ном олган мактаблар бир мактаб туридан иккинчисига ўтишнинг кенг имкониятларини

таъминлаши лозим эди. Бироқ болаларни қобилиятига қараб, ўқитишнинг турли йўналишларига тақсимлаш зарурлиги ҳақидаги анъанавий нуқтаи назар ўз аҳамиятини сақлаб қолган ва ҳатто бирлашган мактаб таркибига киритилган грамматика мактаби ҳозир ҳам эътиборли ҳисобланиб, тўлиқ ўрта маълумот бериш ва, асосан, олий ўқув юртига тайёрлашни назарда тутди. Уқувчилар, асосан, бошланғич мактабни тугатганларидан сўнг касбга ва бошқа мактабга йўлланади: грамматика мактабига — тўлиқ ўрта маълумот олиш учун, замонавий ва техника мактабларига — амалий ва техник фаолиятга тайёрлаш учун йўлланади. Уч йўналишдан бирида ўқиш келажак йўлини танлашни белгилайди; ўқитишнинг бир туридан иккинчисига ўтиш «юқорига» дан кўра «пастига» тезроқ бўлади, яъни грамматика мактабидан замонавий мактабга ўтиш бунинг аксидан кўра осонроқдир.

Илмий ихтисослар ва ўқитиш вариантларига қараб тоифалаш, асосан, фақат грамматика мактабларида мавжуд. Грамматика мактабларининг ўқув планлари жуда хилма-хилдир; улар мазмунига кўра ҳам, мактаб предметларини ўқитишга ажратиладиган соатлар миқдори бўйича ҳам, тоифаланган ўқитиш вариантлари бўйича ҳам фарқ қилиши мумкин. Дастлабки икки-уч йилда ўқувчилар тахминан бнр хил программа бўйича шуғулланидилар, тоифалаш учинчи-тўртинчи ўқув йилида бошланиб, у аввал ўқув планларининг баъзи вариантларида ва айрим предметларга ажратилган соатлар миқдорида акс этади. VI синфдан бошлаб ўқувчилар қобилиятларига кўра бирор ихтисосни танлайдилар: (А) гуманитар, (В) табиий-математика, қолганлар С ва Д<sup>1</sup> ихтисосларига ўтадилар.

Инглиз ўрта мактабларида ўқитиш индивидуаллашган характердадир. Ҳар бир ихтисосдаги тоифалаб ўқитиш доирасида турли вариант ва темаларни танлаш мумкин. Кейинги йилларда касбга йўллаш системасини яхшилаш мақсадида «аралаш қобилиятли» болаларнинг ҳаракатчан группаларини ташкил қилиш тенденцияси пайдо бўлади — ўқувчилар вақтинча бирлашишлари, тарқалишлари, янги группалар тузишлари мумкин. Грамматика мактабларида ҳам замонавий ва техника мактабларидагидек индивидуал ҳамда группавий методларга кўпроқ эътибор берилди бошланди. Юқори синфларда

<sup>1</sup> Қ а р а н г: *Ланчиская В. П.* Средняя общеобразовательная школа современной Англии. М., 1977.

кўпинча 3 — 5 кишидан иборат кичик группалар тузилиб, улар, айтайлик, математикани чуқурроқ ўрганишар эди. Урта мактаб учун имтиҳонлар босқичма-босқич топширилади. Биринчи имтиҳон ўрта мактабни битирганлик ҳақидаги дипломни, иккинчи имтиҳон олий мактабга кириш ҳуқуқини берадиган дипломни олиш учун топширилади.

Тоифалаб ўқитиш системаси Францияда жуда аниқ ва тартибга солинган характерга эга эди. Урушдан кейинги йилларда, 1959 ва 1969 йиллардаги мактаб реформаларига мувофиқ, тоифалашнинг конкрет формалари бир оз ўзгарди. Уқувчиларнинг қобилият ва интеллектлари даражаси бошланғич мактаб, тўлиқсиз ўрта мактаб ҳамда тўлиқ ўрта мактабда бир йил ўқигандан кейинги кузатиш ва касбга йўллаб деб номланган бир неча босқичдан иборат бўлган цикллардан фойдаланиб аниқланган.

Бошланғич мактабдан кейинги ўқитиш узоқ ва қисқа муддатли ўқитиш циклларига тақсимлашни назарда тутди. 1965 йил реформаси ғояларига кўра иккинчи босқич коллежи лицейнинг (етти йиллик) тўрт синфини бирлаштириши, умумтаълим коллежи ва устқурма синфлар бошланғич мактабдан кейин келиши лозим. Уз структурасига кўра иккинчи босқич коллежи ўқитишни бу ўқув юртига хос бўлган йўналишини сақлаб қолган. Узоқ муддатли ўқитишнинг икки секцияси — классик ва замонавий секциялар — лицейдир; қисқа муддатли ўқитишнинг икки секцияси — замонавий ва амалий — умумтаълим коллежи ва бошланғич мактабдан кейинги устқурма синфларга тўғри келади. Бошланғич мактабдаги кузатиш совета ўқувчиларга (бир секциядан иккинчисига ўтиш имкониятини тан олган ҳолда) коллежда ўқишнинг улар учун мақбул бўлган йўналишини тавсия қилади. Коллежда тўрт йил ўқиш кузатиш цикли ва касбга йўллашнинг иккинчи босқичи ҳисобланади. Коллежнинг III синфидан<sup>1</sup> сўнг касбга йўллаш бўйича мактаб совета ўқувчилар ҳақидаги кузатиш дафтарида ёзилган кузатишлар ва маълумотларга таяниб ҳамда синф советининг фикрини эътиборга олиб, келгу-

<sup>1</sup> Францияда синфларни тескари номерлаш қабул қилинганлигини назарда тутиш лозим. Коллежда ўқишнинг биринчи йили олтинч<sup>1</sup> синф (беш йиллик бошланғич мактабдан сўнг), шунга мувофиқ, коллежда охириги йилги ўқиш учинчи синф деб аталади; лицейнинг кетмай-кет иккинчи синфи бўлади; биринчи синф ва Т (Теттша!) >.|||чт билан белгиланадиган битирувчи синф.

сидаги ўқш характери ҳақида қарор қабул қилади. Сийф совети, ўз навбатида, ўқувчиларнинг ота-оналарининг фикри, уларнинг қизиқишлари, ёши, мактабдаги муваффақиятлари ва ўсиш истикболларини назарда тутган ҳолда хулоса беради.

Мактаб болаларни уч асосий йўналишни назарда тутиб йўллайди: ўрта таълимнинг уч йиллик иккинчи цикли (ҳозирги системага кўра лицей); ўрта таълимнинг икки йиллик иккинчи цикли (лицейнинг иккита биринчи синфи); актив ҳаётга кадам қўйиш, сўнгги йўлланма хунар-техника таълими системасига ёки коллежлардаги ўқувчиларга бир йиллик хунар тайёргарлиги берувчи амалий секцияларни назарда тутати. Синф совети ота-оналарнинг фикрини ҳам қўшиб, ўқувчи ҳақидаги барча маълумотларни умумлаштиради ва ўз хулосасини якуний қарор чиқариш учун йўллаш бўйича мактаб советига топширади. Совет қароридан норози бўлган ўқувчи уни ўзи ўқишни хоҳлаган секциянинг етакчи предметларидан имтиҳон топширибгина ўзгартириши мумкин.

• Коллежни битирувчиларнинг деярли 50% ини қабул қиладиган лицейнинг иккинчи синфига ўтишда уч йўналиш: гуманитар, табиий-математик ва техник (саноат) йўналиш бўйича дифференциация амалга оширилади. I синфда беш секция: *A*—гуманитар-классик; *B*—гуманитар-замонавий; *C*—математика ва физика; *D*—биология ва амалий математика; *T* (ёки *E*) — техника секциялари киритилади. Шу беш секция битирувчи синфда ҳам сақланади ва илмий ихтисоси *A*, *B*, *C*, *D*, *T* (*E*) кўрсатилган ҳолда бакалавр унвони учун имтиҳон топшириш билан якунланади.

Шуни қайд қилиш лозимки, кейинги йилларда қарор топган секциялар доирасида ўқитиш вариантларини танлашга кўпроқ эркинлик бериш тенденцияси сезилмоқда, факультатив машгулотлар, ишнинг группавий ва индивидуал формаларига кўпроқ эътибор берилмоқда, ихтисослар ўртасидаги қаттиқ чегараларнинг бир оз юмшаши кузатилмоқда, баъзи мактабларда янги ихтисослар пайдо бўлмоқда.

Асосан, тоифаланган ўқитишнинг барча секцияларида умумтаълим билимларининг умумий ҳажми назарда тутилган. Бирок умумтаълим предметларига ажратилган соатлар миқдори турли секциялар доирасида сезиларли фарк қилади ва фан ёки техниканинг бир ёки икки-уч тармоғи бўйича чуқур ихтисослашиш эвазига таълим даражасига, талабнинг сусайишига олиб келади. Француз мактабида қабул қилинган тоифалаш формалари асил-

**1.1лар** (оксуяқлар) ўқув юрти ҳисобланадиган ҳамда **аксади ИЖТИМОЙИ** саралаш ва олий мактабга тайёрлаш **б** **I** **Ип** лицейга энг қобилятли болаларни танлашни на-чардм тутати.

Ва шфаси ўқувчиларни таълимнинг ҳар хил типла-**I** **Ип** тақсимлаш бўлган мактабнинг йўллаши билан бир-**I** **I** Францияда мактаб ва касбга оид йўллаш инспекцияси | **I** мавжуддир. Инспекция мажбурий таълим қурени битиргандан сўнг ишга киришга мажбур бўлган ўқув-**ЧИ**ларга касб танлашлари ҳамда иш топишларида ёр-**I** **I** берувчи департамент марказларининг фаолиятини Гнмқаради.

Сўнгги мактаб реформаси — Аби реформаси (1975) иф системасига ҳам, тоифалаб ўқитиш ва ўқувчи-**•.11** **Ип** йўллаш формаларига ҳам жиддий ўзгаришлар кир-**р**ш т. Француз мактабида программалаштириш ва ўқитишнинг амалий характерини кучайтиришни назар-**,1.1** гутувчи Аби реформаси **ФКП** ва Франция буржуазия-**ли**нинг прогрессив доиралари томонидан кескин танкид қилинмоқда. Бирок ўқувчилар асосий оммасининг ўқи-**ни**ни амалий йўналиш бериш ва айна вақтда реформа кепи бўйича ўқитиш факультативлар—танланадиган Предметлар асосида ташкил этиладиган ҳамда бакалавр унвони учун имтиҳонлар эса икки босқичга ажратил-**диган** лицейнинг юқори ва битирувчи синфларининг оқ-**I** **И** яқларига хошлигини кучайтириш тенденцияси аниқ кў-**ри**ниб турибди. Француз мактаби тадқиқотчиларининг фикрича, у маорифнинг «америкалашув» таъсирини куч-**ли** рок ҳис этмоқда.

Урта мактабнинг юқори синфларида тоифаланган укипим системаси Японияда ҳам кенг қўлланмоқда. Иккинчи жаҳон урушга қадар Японияда ўқитиш тоифаланмаган. Урушдан кейинги даврда Японияда АҚШ даги сингари (6+3+3) мактаб системаси таркиб топди. **40** йилларнинг охирида юқори ўрта мактабларнинг **ук**, \n планига мажбурий предметлар билан бир қаторда танланадиган предметлар ҳам киритилди. 60-йилларга Келиб тоифалаш хийла аниқ характер олди ва у ўқувчиларни старли аниқ тартибга солинган ўқув планларини и шеослар бўйича тақсимлаш асосида амалга оширил-**Л.П.** Япония ўқитиладиган предметларни танлашнинг кўп вариантлилигидан воз кечиб, тоифалаш формаларини **икки** асосий йўналишда қарор топтирди: умумтаълим ва касбга оид бўлими булар, ўз навбатида, бир қатор .....( ёки ихтисосларга эга. Умумтаълим бўлмида **пккп** асосий ихтисос—академик ва умумий ихтисослар

мавжуд. Ҳар иккала ихтисос ўқув планлари турли вариантларга эга бўлган бир неча секцияга бўлинган. Уларда гуманитар ёки табиий-математик циклдаги бир предмет ёки предметлар группаси устунлик қилади. Касбга оид бўлим беш секцияни: кишлок хўжалик, балиқчилик, саноат, савдо-сотик, уй-хўжалик ишларини ўз ичига олади. Ҳар бир мактаб, ўз имкониятларига кўра, икки асосий бўлимни бирлаштириши, улардан фақат биттасини танлаши ёки бирор касбга тайёрлаш билангина чекланиши мумкин. Бир неча йилнинг статистик маълумотлари ўрта мактабнинг касбга оид бўлимида саноат ҳамда савдо-сотик секцияларининг кучайиш тенденцияси барқарорлигидан далолат беради. Ҳукумат ва маориф министрлиги томонидан қўллаб-қувватланаётган бу тенденция ишлаб чиқаришда умумий ўрта ҳамда махсус тайёргарликка эга бўлган малакали кадрларга талабнинг ўсганлиги билан боғлиқдир. Японияда махсус хунар ўргатувчи билим юртларининг тармоғи йўқ: амалда бу вазифани ўрта мактабларнинг касбга оид бўлимлари бажаради. Юқори ўрта мактаб ўқувчиларидан деярли 40%и касбга оид бўлимда, қолганлари эса умумтаълим бўлимларининг академик ва умумий потокларида таълим олади.

Япон мактабидаги тоифаланган ўқитиш характери академик ёки касбга йўллашни назарда тутди. Касбга оид бўлимнинг бирор потогини танлаш фаолиятнинг маълум турига йўлланма ҳисобланади. Юқори ўрта мактабнинг умумтаълим бўлими асосан олий маълумотга йўл очади.

Капиталистик мамлакатлар мактабларидаги тоифаланган ўқитиш, ўқувчиларни ўқиш ва фаолиятнинг турли йўналишларига йўллаш системасининг умумий обзори бу системаларнинг барчаси *синфий характерен* эга эканлигини ҳамда умумтаълим мактаби даражасида *ижтимоий саралашни* таъминлашга қаратилганлигини аниқ кўрсатади. Капиталистик мамлакатлар мактабидаги дифференцияланган ўқитиш меҳнаткашлар болаларининг тўла қонли ўрта маълумот олишлари ва олий ўқув юртига киришлари йўлидаги қўшимча тўсиқдир.

**Ўқитишнинг форма ва методлари** Капиталистик мамлакатлар мактабларидаги ўқитишнинг форма ва методлари

Капиталистик жамият томонидан мактаб олдида қўйилган мақсад ва вазифалари билан узвий боғлангандир. Буни айниқса АҚШ мактаблари мисолида аниқ кўриш мумкин.

Ташки формасига кўра АҚШ мактабларидаги маш-

на иилар асосан дарё кўринишида ўтади. Мактаб ягона мактаб на программаларига риюя қила олмайди. Риюя қилишига йўл қўймайдиган асосий концепция ЦПрсии ташкил этишда синф-дарс системасидан жиддий шнншларга сабаб бўлади. Болаларни синф ёки мактаб доирасида потокларга тасқимлаш мактаб предмети мунтазам ва изчил ўрганишга имкон бермайди: ўқувчиларнинг турли группаларига нисбатининг индивидуаллашгандир. Юқори синфларда ўқитишнинг турли программа ва вариантларининг имконияти умумий таълимнинг мунтазамлигига кўпроқ путур етказди. АҚШ мактабларини қайта қириқтиришнинг замонавий лойиҳа ва планлари бу принципларнинг амалда группа ва индивидуал ўқитиш, комплекс ташкил бўйича ўқитиш, болаларни қобилият ва қизиқишларига кўра турли программалар бўйича ўқитиш, берилган тасмалар бўйича иш бажариш, индивидуал масалаларни ечиш учун керакли маълумотни ахтаришда ўқувчиларнинг мустақил фаолиятлари, драматизация—

Ишчи турли вазиятларни ижро этиш қабил формалари мисоли, қириқтиришсиз қолдиради. Ҳаётий вазиятлар амалда тарихий сюжетларни драмалаштириш «социодрамалар» деган ном олди.

Ллойд Трамп плани қизиқишга лойиқдир. У йирик ома, янги материални ўқувчиларнинг 100—150 кишилик пборат катта группасига ўқитишнинг техника восиларидан кенг фойдаланган ҳолда лекциялар тарзида баён қилишни тавсия этади; бунга ўқув вақтининг 40% п слрфланиши лозим. Темаларни чуқурроқ ўрганиш ва муҳокама қилиш 10—15 кишилик кичик-кичик группаларга амалга оширилиши керак; бу 20% вақтни олади. Ўқув вақтининг қолган 40% и —ўқитувчи билан группа ал шуғулланиш вақтидан икки марта кўп вақт мустақил машғулотларга ажратилади. Трамп плани аслида синф-дарс системасини йўққа чиқаради (шуми айтиш лозимки, АҚШ ўрта мактабида «дарё» 50 минут давом этувчи «давр» билан алмаштирилган). Трамп плани ўқитишни ўқитувчилар бригадаси томонидан амалга оширишни тавсия этади. Катта ўқитувчи — яхши педагог — болаларнинг катта группаси билан шурулланади, бригада аъзолари эса ўқувчилар билан индивидуал иш олиб борадилар. Оз миқдордаги экспериментал мактаблар Трамп плани бўйича ишламоқда. Оммавий мактаблар эса унинг айрим элементларини пил қўйиладанмоқдалар.

Умумтаълим мактабидаги ўқитишнинг фор-

ма ва методлари, принципиал асосларига кўра, АҚШ да қабул қилинган ўқитишнинг форма ва методларидан кўп фарқ қилмайди. Урта мактабда ўқитишнинг мазмуни ва формаси устунлик қилувчи ўқув ихтисосига боғлиқ бўлади. Замонавий ва техника мактабларида ўқитишнинг амалий методларига, фаолиятнинг ҳар хил турларига тайёрлашга жиддий эътибор берилади, бироқ машгулотлар, асосан, дарё кўринишида бўлади. Индивидуал ва группавий машгулотлар грамматика мактабларида анча кенгроқ қўлланади, бундан ташқари, у ерда мунозаралар, вазиятларни драмалаштириш кенг татбиқ қилинади, ўқитишда техника воситаларининг роли сезиларли ўсган. Кейинги вақтларда ўрта мактабларда ўқиш жараёнини ташкил этишнинг турларидан бири сифатида лойиҳалар методи пайдо бўла бошлади (умумий тема қисмларининг айрим болалар ёки кичик-кичик группалар томонидан бажарилиши ҳамда тайёрланган материалларнинг ўқитувчи раҳбарлигида синфда муҳокама қилиниши)<sup>1</sup>. Билимлар ўқитиш жараёнининг ўзида текширилади ёки ўрта мактабнинг бирор босқичини тугатгандан кейинги якуний текшириш асосан ёзма тарзда ўтказилади.

Бундай текшириш хийла ҳолисона ҳисобланади. Тўлиқ ўрта мактабга имтиҳонлар топширишда ўқувчиларнинг жавоблари ёзилган варақалар ёпиштирилиб<sup>1</sup>, маҳаллий мактабларнинг ўқитувчилари текшириши учун бошқа шаҳарга юборилади.

Мактаб ҳаёти Францияда анча аниқ ташкил этилган эди. Француз мактаби бошқа капиталистик мамлакатлар мактабига нисбатан ўқитишда сииф-дарс системасига кўпроқ риоя қилган.

Француз мактабида узок йиллар давомида ўқитишнинг анъанавий оғзаки методлари устунлик қилган. Бошлангич мактаб ва умумтаълим коллежларида ўқув материаллари кўп марта такрорланар, ёд олипар эди. Лицейлар олдида ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари ва мантикий тафаккурларини ўта ривожлантириш вазифаси қўйилган эди. Лицейларда ўқитиш методлари хилма-хил бўлиб, ўқувчиларнинг актив ва мустақил ишларига кўп эътибор берилар эди; лицейда ўқувчилар докладлар, нутқлар тайёрлашар, доимо нотикликни машқ

<sup>1</sup> Каранг: Латинская В. П. Средняя общеобразовательная школа современной Англии. М., 1977, гл. III.

.... Шар и; булар билимли кишининг ажралмас хусуси. Ни III \ тобланарди.

**Мактаб** па таълим мазмунига янги талаблар қўйиларди. Бошлангич мактабда ак-  
**И III** методлар кузатишлар, оддий экспериментлар, ўқитишнинг техник воситалари кенгроқ қўлланади. Лицейларда кўпроқ эътибор берилмоқда. Лицейларда индивидуал ва группа методларини кузатиш ва битирувчи синфлар даражасида кўпроқ қўллаш тенденциясини кузатиш мумкин. Француз мактаблари баҳолашга кўра, иккинчи даражада муҳокама қилинади. Шунинг айтиб ўтиш лозимки, Аби ва реформасининг қабул қилиниши аниқ тартибга солинган мактаб системасига, француз мактабида қабул қилинган ўқитишнинг форма ва методларига сезиларли таълим мумкин.

Социалистик ва капиталистик мамлакатлар мактабларидаги таълим мазмуни концепцияларини, ўқув планларининг тузилиш принциплари, дифференцияланган ўқитишнинг форма ва методларининг киёсий анализи қуйидаги умумий хулосалар чиқариш имконини беради.

Таълим мазмунининг етакчи назария ва концепциялари социалистик ҳамда капиталистик мамлакатларда муқобиллик қарама-карши нуктаи назардан хал қилинади. Социалистик мактабнинг асосий ягоналик принциплари ўқитиш жараёнини махсуслаштириш, умумтаълим мактабларида ички тўсиклар, буржуа жамиятида турмуш шартлари катламлар учун турлича билим бериш ҳолати қўйилади.

Социалистик қарама-каршилиқ таълим мазмунида ва капиталистик мамлакатларнинг тузилишида акс этади: бу план социалистик мамлакатлар мактабларида бир хил, капиталистик мамлакатлардаги турли мактабларга нисбатан аниқ типли. Асосий қарама-каршилиқ, шунингдек, софалашнинг асосий формаларида ҳам кўринади, чунки социалистик мамлакатларда у барча ўқувчиларга ўзгариш умумтаълим тайёрлигини беришни назарда тутиб, капиталистик мамлакатларда ижтимоий сарафдорликнинг кўшимча тўсиғи хизматини ўтади. Политехник

ва меҳнат таълими проблемаларини ҳал қилиш принцип-лари ҳам тамомила фарқ қилади.

Социалистик дунёда ўқитиш методлари болаларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини мумкин қадар ўстиришни назарда тутса, капиталистик дунёда улар ўқитиш жараёнини махсуслаштириш ва индивидуаллаштиришга, ўқувчиларни турлича ўқитиладиган группа ва потокларга тақсимлашга хизмат қилиши лозим. Шундай қилиб, замонавий умумтаълим мактаби тараққиётининг барча етакчи аспектларида социалистик ва капиталистик мамлакатлардаги асосий проблемаларни ҳал қилишдаги қарама-қаршилик аниқ намоён бўлади!

### **РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРДА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ ВА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ<sup>1</sup>**

Ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам таълим мазмуни, ўқитишнинг форма ва методлари масаласи биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Собиқ мустамлака ва қарам мамлакатларнинг асрий қолоқликдан қутулишлари ҳозирги замон маорифининг ривожланиши билан узвий боғлиқдир. Агар ривожланган индустриал давлатлар—социалистик ва капиталистик—бу масалани ҳал қилишда (ўз ижтимоий тузумлари характериға мувофиқ) етарли тажриба ҳамда моддий базаға эға бўлсалар, ривожланаётган мамлакатлар бу йўлда жиддий қийинчиликларға дуч келадилар.

Социал-иқтисодий тараққиёт жадаллигини тезлаштириш учун эндиғина озод бўлган ёш давлатларнинг ҳукуматлари ва халқлари халқ маорифи соҳасида кўпгина муҳим масалаларни ҳал қилишлари керак эди. Ёш давлатлар саводсизликка қарши кураш фронтини кенгайтириш ва бошланғич мактаб тармоғини ривожлантириш билан бирға *миллий социал-иқтисодий тараққиётнинг\** энг муҳим эҳтиёжларига яқинлаштириш, илмий-техника революцияси талабларига мувофиқлаштириш учун таълимнинг анъанавий мазмунини ўзгартиришлари керак эди. Объектив сабабларға кўра ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматларига умумтаълим ўрта мактаблари масалаларидан кўра кўпроқ саводсизликка қарши кураш ва бошланғич таълим ҳақида ўйлашларига тўғри келади.

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: *Ширинский А. Е. Образование в развивающихся странах. М., 1977.*

• м|>|и кунда бошланғич таълим барча штат-лар м \.1м мажбурий ва текин бўлган Ҳиндистонда 11 ёш-• II I о. м а м ҳар 5 боладан 4 таси бошланғич мактабға и I I I III Катта ёшли аҳоли ўртасида ҳам саводсиз-ип ироценти ортиқдир. Мактаб ёшидаги барча бола-|a|H1m мактабға жалб қилиш тадбирлари билан бирға, бнр қатор штатларда катта ёшдаги аҳоли ўртасида > 1 В О Д С И З Л И К Н И тугатиш программалари ишлаб Чикилмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда тўла қонли ўрта .|/. и шртлари метрополиялар—Англия, Франция, Бель-||| |, I пландия, Испания ва бошқаларнинг мактаблари-| а гақлид қилиб тузилган эди. Вазифаси маҳаллий аҳоли-| ||| м.п.мурий кадрлар тайёрлашдан иборат бўлган ара-| пи мактаблар (француз-мусулмон, инглиз-ҳинд, инглиз-рма) амалий характердаги тўлиқ бўлмаган, қисқар-ГИрилган (европа тўлиқ ўрта мактабларига нисбатан) | II, I ПМ берарди. Озодликка эришишға қадар бу мактаб-|Вр маҳаллий аҳолининг 1—2% ини қамраб олган эди.

Г Iп давлатларнинг ҳукуматлари таълим мазмунида ||| I.IIIII тараққиёт вазифаларига ва илмий-техника та-р |ккиёти талабларига жавоб берадиган ўзгаришлар қи-|. . . лозимлигини сўзсиз тушунар эдилар. Социал-иқти-СОДИЙ ривожланиш даражаси анча юқори бўлган мам-|акатлар бу проблемани хийла муваффақиятли ҳал эта . . . . .|лари табиийдир. Бирок мазкур ҳолатда ҳам озод-ликка эришган мамлакатларнинг сиёсий йўналиш харак-герини эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Ижтимоий \ I. |,|дларнинг ўта турлилиги ҳамда сиёсий ва иқтисодий I \ л'мдаги жиддий фарқлар маорифнинг ҳозирги ҳолатп-пппг анализини қийинлаштириб қўяди. Бирок бу проб-и м а диққат билан ўрганилса, маориф соҳасидаги баъзи юн 'Н'пцияларни аниқлаш ва содир бўлаётган ҳодисалар-|III маълум даражада системалаштириш мумкин.

Барча ривожланаётган, айниқса *социалистик йўлни* II илагаи мамлакатларда маорифни замонавийлашти-|• 11111 \амда уни миллий тараққиёт вазифаларига муво-фиқлаштириш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Ву ўринда шуни таъкидлаш лозимки, бу мамлакатлар-| II гаълим мазмунини замонавийлаштириш ва такомил-наштириш ривожланган индустриал давлатлардагига қараганда каттароқ қи й и н ч и л и к л а р ға дуч кела-|И амопавийлаштириш вазифаси фақат амалдаги ўқи-п п п программаларини қайта кўриб чиқиш ва ўзгарти-р н ш билангина чеклана олмайди. Ёш миллий давлатлар, ирппчн иавбатда, ўқитиш тилини танлаш каби пробле-

маларпи ҳал қилишлари ва шунга мувофиқ тарзда структураси ва мазмуни миллий асосда қайта қурилиши лозим бўлган ўқув программалари ва ўқув планларини радикал ўзгартиришлари лозим.

ЁШ давлатлар олдидан бир қатор тамоман янги проблемалар пайдо бўлди: она тилида ўқитишга ўтиш (муракаб этник составли мамлакатларда бир неча ўқитиш тилини танлаш); биринчи марта миллий тарих, адабиёт, география, зоология, ботаника, биология каби ўқув предметларининг мазмунини ишлаб чиқиш; ўқитишда табиий математика цикли ролини кучайтириш; янги миллий дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва ўқув материалларини яратиш, ЮНЕСКО, шунингдек регионларнинг ўз ташаббуслари билан Африка ва Осиёда ташкил этилган махсус илмий-тадқиқот марказлари таълимнинг янги мазмунини ишлаб чиқиш ва маҳаллий миллий тилларда ўқув материалларини нашр этишга оид жадал суръат билан изланиш ишларини олиб бормоқдалар. (Лотин Америкасида бу биринчи даражали вазифа ҳисобланмайди: испан тили, айрим мустаснолар назарда тутилмаса, ягона давлат ўқитиш тили ҳисобланади). Европа тиллари дунё маданияти билан алоқа воситаси сифатида ўқитишда иккинчи мажбурий тил ҳисобланади.

Тараққиётнинг *капиталистик йўлини* танлаган ёки ўз социал истиқболларини етарли аниқ белгиламаган мамлакатлар олдидан ҳам худди шундай проблемалар туради. Собик метрополиялар билан анча мустаҳкам алоқалар ҳамда иқтисодий қарамлик таълимнинг янги системалар й ва янги мазмунига ўтиш суръатига тўсқинлик қилади. Капиталистик тараққиёт йўлини танлаган давлатлар ўтмиш қолдиқларидан сустроқ халос бўладилар ҳамда экономика, ижтимоий ҳаёт ва маорифнинг колониализм даврида қарор топган характерини сақлаб қоладилар. Ривожланаётган барча мамлакатларда, сиёсий йўл тутишидан қатъи назар, содир бўлаётган ўзгаришларга эътибор бермаслик мумкин эмас, албатта. Бирок *социалистик йўл маорифдаги прогрессив ўзгаришларга анча қатъийроқ таъсир этиб, социал-иқтисодий тарақиёт суръатини* янада жадаллаштиради.

Магрибдаги турли сиёсий йўлга эга бўлган уч давлатда (Жазоир, Тунис, Марокаш) ўтказилган тадқиқот тараққиётнинг социалистик йўлини танлаган, Жазоир халқ демократик Республикаси ўқитиш проблемаларини ўзига тарихан ҳамда территория жиҳатидан яқин бўлган Марокаш қироллиги ва Тунис Республикасига нис-

батан анча изчил ва жадалроқ ҳал қилаётганини ишонч-III 1.1]мда исботлаб берди.

**Мисол** тариқасида социалистик тараққиёт йўлини . . . . л а и Г в и н е я Р е с п у б л и к а с и маориф система- • п м ни бераётган ўзгаришларни кўрсатиш мумкин. \\ . п м и реформаси ва таълим мазмуни: мустамлакачи- м,]. бутунлай халос бўлишни, мактабнинг ҳаёт билан I юкасини мустаҳкамлашни; таълим билан сиёсий тарбия алоқасини, ўзи ва жамият учун гармоник шахсни Прбиялашни назарда тутди. Маориф жамиятни рево- .....ион ўзгартиришнинг асосий мақсади деб эълон қи- I И Н и б, давлатлар раҳбарларининг фикрича, оғир санаот билан тенг баҳоланиши зарур. Таълимда барча фан- I I | ч ш ўрганиш техника ва ишлаб чиқариш меҳнати би- I . Ш узвий боғланиши зарур; бунга фақат ўқитиш маз- I п и ва методларини замонавийлаштириш орқалигина фишиш мумкин. Мактаб системаси структураси, мазму- ни, ўқув плани ва методларига кўра мустамлака даври- I И I I мактабдан жиддий фарқ қилиши лозим. Биринчи босқичда (олти йиллик бошлангич мактаб) ўқитиш мил- I п п тилларда олиб борилади, III синфдан бошлаб фран- п | I или — биринчи чет тили киритилади; ўқув планида п н а г таълимига — қишлоқ хўжалик, чорвачилик, ба- н и , ч п л п к, миллий хунармапдчиликка катта ўрин бери- I П т. Иккинчи босқич мактабларида — умумтаълим кол- к-жларида — сиёсий ва амалий тарбияга, савдо-сотик ишларига (умумий таълим билан бир қаторда) катта п.тнбор берилади; юқори синфларда социалистик қури- I М П I асосларини ўрганиш киритилади. Реформа маъно- I та кўра мактаб тўлик даражада касбга оид фаолият- I . I п л олий маълумот олишга тайёрлайдиган жой бўли- . . . . . с е р а к . Г в и н е я Р е с п у б л и к а с и д а г и ўзгаришларнинг п. помним мустамлакачилик давридаги анъанавий форма- . II > п и қайтишни ва ўқитишда касбга оид ҳамда меҳ- н I гайёргарлигига жиддий ўрин берилаётганлигини «урсатади; меҳнат тайёргарлиги, кўпгина бошқа ри- пожланаётган мамлакатларда, бўлганидек, миллий эко- ц о м и к а тармоқлари учун турли даражадаги кадрларни камол топтириш зарурияти билан боғлангандир. Ривожланаётган мамлакатлар ўрта умумтаълим мак- I и . I I | н I . I г н таълим мазмунининг ўзгаришлари асосан н плани ва *программаларига миллий эгументларни ишиш, она тилида йқитишни жорий қилиш, табиий-ма- ичиптик-циклнинг ролини оширишга* тааллуқлидир. Узок I ном чтап колониал ҳукмронлик даврида ўрта мактаб- I а р Ч П T I O кам сонли" бўлса-да, — барқарор анъана-

вий характер касб этган. Миллий мустақилликнинг 10 — 20 йилдан ошмайдиган қисқа муддатида, ёш давлатларнинг ўрта таълимни жиддийроқ қайта тузишга етарли вақти ҳам, зарур шароити ҳам бўлмаган; ўрта мактабни, таълим мазмунига миллий характеридаги баъзи тузатишларни киритган ҳолда, аслича қолдириш маъқулроқ бўлган.

Ривожланаётган мамлакатларда озодликка эришилгунга қадар аралаш характерда бўлган ва маҳаллий маъмурият кадрларини тайёрлашга мўлжалланган тўлиқсиз ўрта мактаблар ташкил этилди. Бу мактаблар ўқитиш системасида касбга оид мактаблар билан бир қаторда фаолиятнинг бирор турига тайёрловчи асосий ёки таянч мактаблар сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Кўпгина ёш мамлакатлар ҳатто бошлангич мактабда ўқитишга ҳам амалий йўлланганлик характерини беришга интиломқдалар, буни Гвинея Республикаси мисолида кўриш мумкин. Бу тадбирлар мактабни миллий экономика эҳтиёжларига жадалроқ мослаштириш эҳтиёжи тўғрисида амалга оширилмоқда, чунки мамлакат ана шундай мақсадларга мўлжалланган ва ҳозирча камсонли бўлган ўқув юртлигининг мутахассислар етказиб беришини кутиб тура олмайди. Ривожланаётган мамлакатларда бошлангич ва тўлиқсиз ўрта мактабларда ўқитишдан қуйи ва ўрта малакадаги қишлоқ хўжалик ва саноат ходимларини тезроқ тайёрлаш йўлида фойдаланишга интилишни кузатиш мумкин. Уқитувчилар ўта етишмаслиги тўғрисида асосий ва тўлиқ ўрта мактаблар кўпинча ўз битирувчиларини педагогик ишга (махсус педагогик тайёргарликсиз) йўлламоқдалар. Урта мактабларда, юқори босқичда бир қатор ҳолларда француз, инглиз ёки америка системалари бўйича дифференциялаш мавжуд, техник ва амалий ихтисосларга жиддий эътибор берилди.

Ривожланаётган мамлакатлар ўрта мактабларида маълумот даражаси ҳали юқори эмас. Малакали ўқитувчилар, мактаб бинолари етишмаслиги, зарур моддий база йўқлиги билим даражасига талабни жиддий пасайтиришга мажбур қилади. Синф хоналари ўқувчилар билан шундай тўлиб кетадики (баъзан 100 — 150 ўқувчи), ўқитиш программасини нормал эгаллаш деярли мумкин бўлмай қолади.

Ўқитишнинг форма ва методлари, билимларни баҳолаш системаси ҳозирги кунда ҳам асосан колониал даврда қабул қилинган устунлик қилувчи ўқитиш системасининг таъсирига боғлиқдир. Фақат шуни айтиб ўтиш

ЮЭИМКИ, синфларнинг ортиқча тўлиб кетиши ўқитиш...и расмий оғзаки методларининг устунлик қилишига, Мамлакат ичкариси ва қишлоқ хўжалик районларидаги бир комплектли мактабларда тушунмай ёдлашга олиб келинган. Шунинг билан бир қаторда мактабни тубдан қайта қуриш, ўқитишнинг эски форма ва методларидан воз кечиш йўлидаги уринишларни кўриш мумкин. Озодликка эришган мамлакатлар умумтаълим мактаби Мфаққидидаги икки тенденция: янги ўқув планлари, программалари ва ўқув материалларини миллий п'нда қайта ишлаб чиқиш ҳамда таълим мазмунини 1.1 молавийлаштириш, уни миллий манфаат ва илмий-имшқа тараққийнинг замонавий талабларига мувофиқлаштириш ҳақида гап юритиш мумкин. Маорифни ршшжлангиришнинг бу программасини амалга оширишда кўпгина қийинчиликларга дуч келинса-да, социал-Иқтисодий колоқлик бартараф этилиб, маданий революция вазибалари амалга оширила борган сари ривожланиши мамлакатлардаги ўқитиш даражаси бу мамла-1.11.тар1г11 ривожланган индустриал, давлатларга анча лқпнлаштиради. Бу маънода озодликка эришган мамлакатлар учун Европадаги социалистик мамлакатлар ва, айниқса, қисқа тарихий давр ичида саводсизликка бар-\\.\| бериб, дунёда энг илгор социалистик мактаб системасини яратишга муваффақ бўлган Совет Ииттифоқи-...и тажрибаси айниқса қимматлидир.

()юдликка эришган мамлакатлар билан ҳамкорлик-III мустақамлаш ва уларнинг дунё тараққийидаги ро-IIIII ошириш ҳақида гапириб Л. И. Брежнев КПСС МК нинг партия XXV съездига қилган Ҳисобот доклади-II уларнинг«кўпчилиги тўғрисида муайян равишда шунини пиI!Iш мумкинки, улар империализмга қарши олиб бораётган курашларида ўз мустақилликларини мустақамлаб қолишга, ўз халқларининг социал иқтисодий ва I | мши"! ривожланиш даражасини кўтаришга интилиб, • I .11 >IIIIII сиёсий ва ИҚТИСОДИЙ ҳуқуқларини тобора Кўпроқ куч-гайрат билан химоя қилмоқдалар»<sup>1</sup>, деган I/II

.I II. Брел<нев «Коммунизм йўлидаги тарихий мар-мақоласида СССР Конституциясининг халқаро аҳаишиш очиб ва турли мамлакатларнинг конкрет ша-I"III.1.111да социалистик демократияни ривожлантириш-

<sup>1</sup> КПСС XXV съездининг материаллари. Т., 1976, 17-бет.



нинг тўғри йўлларини топишга ёрдам берадиган ориентирларни кўрсатиб таъкидлаган эди:

«Хаёт шуни кўрсатдики, бундай тўғри йўл бевосита социализм, курилишидагина эмас, шу билан бирга социализм сари борадиган йўлда ҳам фойдали бўлиши мумкин. Масалан, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларида янги Совет Конституцияси тўғрисида билдирилган кўпгина фикр-мулоҳазалар шундан далолат бериб турибди. Шу мамлакатларнинг таниқли арбоблари ва газеталари бизнинг конституциямизда ўз ифодасини топган социалистик курилиш тажрибаси мустамакачилик қарамлигидан халос бўлиб, ривожланиш йўлини таплаб олиш, миллий давлатчилиқни мустақамлаш проблемаларини ҳал қилиш олдида турган халқлар учун ҳам анчагина қимматли тажриба эканлигини уктириб ўтмоқдалар»<sup>1</sup>.

## VI боб. УҚУВЧИ ЁШЛАРНИ СИЁСИЙ ТАРБИЯЛАШ

Сиёсий тарбиянинг <sup>С и ё с и й</sup> тарбия - бу социалистик ва роли **ва ахамияти** капиталистик мамлакатларда еш авлодни тарбиялаш назарияси билан амалиёти ўртасида алоҳида кескин чегара ўтадиган, улар ўртасидаги қарама-қаршилик бор кучи билан наюён бўладиган соҳадир.

Сиёсий тарбиянинг роли, унинг мактабда ўқитишдаги вҳамияти ҳақидаги масаланинг қўйилишининг ўзи хактерига кўра принципал фарқли, қарама-қарши эди.

XIX — XX асрларнинг *буржуа педагог-назарийчилари* мактабнинг сиёсатга зид позициясида турганлар, ёшларни мактаб деворлари воситасида атрофдаги ижтимоим ҳаётдан ажратишга, уни илғор ижтимоий фикр таъСИридан сақлашга, ҳукмрон эксплуататорларга қарши кескин синфий курашга иштирок эттирмасликка ҳаракат | плганлар. Буржуа назарияларининг чин моҳиятини фoш қилиб В. И. Ленин «мактаб ҳаётдан ташқарида бўлади, сиёсатдан ташқарида бўлади, деган гап ёлғон гап ва \\пофикликдир»<sup>1</sup>, — деган эди. Педагог-марксистлар мактабнинг сиёсатга зидлиги буржуазиянинг тарбия со[асидаги чинақам синфий сиёсатининг никоби эканлигини пeботлаб бердилар.

Аслини олганда, буржуа мактабида сиёсатдан узок тарбия ҳеч қачон амалга оширилмаган. Уқувчиларга сии III ташкилотларда қатнашиш тақикланар эди, бироқ скаут, маданий ва бошқа ташкилотлар очиб қўйилган I III Тарих ва қонуншунослик, дин ва ахлоқ дарсларида | \пчилар мавжуд тузумга, буржуа ахлоқига, буржуа шопипизми ва миллатчилигига содиклик руҳида тарбияланар эди.

XX асрда синфий курашнинг кескинлашуви аполи- I M I тарбия назариясининг асосизлигини кўрсатди, бур- I тyani ёшларни ҳарбийлаштириш, антикоммунизм,

<sup>1</sup> Л. И. Брежнев. Ленин йўлидан, 6-том, 718- бет.

<sup>1</sup> V, •тин В. И. Тўла асарлар тўплами, 37- том, 89- бет.

фашизм рухда тарбиялашни кучайтиришга ундади. Шунга қарамай, ҳозирги кунда ҳам бу тенденцияни кучайтириш билан бирга, буржуа педагогикасида мактаб доирасида мақсадга мувофиқ сиёсий тарбияни инкор этувчи «идеологиядан узоклаштириш», «конвергенция» ғоялари мавжуд.

*Марксча-ленинча педагогика* ёшларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиялашга, уларда коммунизм, социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализи ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга катта аҳамият берган. В. И. Ленин комсомолнинг III съезидида сўзлаган нутқида ҳозирги замон ёшларини «тарбиялаш, ўқитиш ва уларга таълим бериш ишларининг ҳаммаси уларни коммунистик ахлоқли қилиб тарбиялашдан иборат бўлсин»<sup>1</sup>, — деган эди.

Мазкур ленинча низомлар барча социалистик давлатларнинг мактаб сиёсатида асос қилиб олинди. Социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг ҳужжатларида мактабнинг ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашдаги муваффақиятлари бир неча бор такрорлаб ўтилди ва бу тарбияни кучайтириш, унинг таъсирчанлигини ошириш вазифалари қўйилди. Масалан, СЕПГ Марказий Комитетининг партия IX съезидида қилган Ҳисобот докладыда: «Усиб келаётган авлоддан бўлажак жамият қурувчиларини тарбиялар эканмиз, биз асосий нарсая деб доимо уни дунёқараш асослари ва ишчилар синфининг ахлоқи билан қуроллантиришни назарда тутганмиз»<sup>2</sup>, дейилган эди.

Венгрияда қабул қилинган ёшлар ҳақидаги (1971 й.) Қонунда коммунистик тарбия самарадорлигини ошириш, коммунистик дунёқараш ва ўқувчиларда ахлоқийликни шакллантириш жараёнини такомиллаштириш тўғрисида гапирилади. Польша бирлашган ишчи партиясининг V ва ундан кейинги съездларининг қарорларида педагогик тадқиқотни мактабнинг ғоявий-тарбиявий иши проблематикасига қаратиш, ёш авлодни ватанпарварлик ва пролетар интернационализи руҳида тарбиялашни ҳар томонлама кучайтириш тавсия этилади. Ғоявий қурашнинг кескинлашуви, 60- йиллар охирида Чехословакияда бўлганидек, синфий душманлар томонидан ғоявий қў-

<sup>1</sup> Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, Ёшлар союзларининг вазифалари, 41-том, 344-бет.

<sup>2</sup> Хоннекер Э. СЕПГ Марказий Комитетининг Германия бирлашган Социалистик партияси IX съезидида Ҳисоботи Дрезден 1976, 134-бет.

В Орувчилик қилишга уринишлар ўқувчи ёшларни ғоявий-сиёсий тарбиялашнинг роли ва аҳамиятини янада шппради.

*Гиржуа мактаби* амалиётида ҳам сиёсий тарбиянинг **ВОЛИ** ортиб борганлиги шубҳасиз. Бир томондан, ҳукум.и прогрессив кучлар тазйики остида қисман ён бериш-П1 мажбур бўлади: юкори синф ўқувчиларига сиёсий хамкатлар, сиёсий мунозараларда қатцашишга рухсат на т. масалан, 1968 йилдан сўнг Франция лицейларида .м1.1 шундай хол юз берган эди. Иккинчи томондан, буржуа ҳукуматлари ёшларга таъсирлари ўтмаслашиб толмаслиги учун буржуа идеологияси руҳидаги сиёсий ирбияни кучайтирадидлар. Расмий ҳужжатларда, педагогика| назариётчиларнинг нутқларида «гражданлик бурчи», • ватанга ва императорга мухаббат» (Япония) ни тарбиялаш, мавжуд тузумга фақат «мослашиб»гина қолмай (буржуа педагогикаси бир неча ўн йиллар илгари фақат шуни талаб қилар эди), балки мавжуд қонун-қоидаларнинг бенуксонлигига ишонган, унга қаттиқ содиқ бўлган «яхши гражданлар» ни тарбиялаш (АҚШ) масаласи борган сари кескинрок қўйилмоқда.

Ўқувчиларни у ёки бу идеологияга асосланган ҳукум.ВОИ синфнинг синфий мақсадларига мувофиқ келадиган I Пёсий ва ахлоқий тарбияси, одатда, бир неча манба-Шрда: ўқитиш жараёнида, синфдан ташқари иш жара-1-П11 1,1, мактабдан ташқари муассасалар ишларида, бо-1влар ва ўсмирларнинг сиёсий ҳамда мадапий ташкилотларида амалга оширилади.

**Ўқитиш жараёни-** Ўқитиш жараёнидаги ўқувчиларни д.пи сиёсий па ах- сиёсий ва ахлоқий тарбиялаш у ёки 1..МШ тарбия бу даражада мактаб ўқув плани-1М11 барча предметларни ўтиш давомида амалга оши-1п 1ляп. Она тили ёки чет тилини ўрганишда фойдала-НИладиган текстларнинг мазмуни, математика ва физи-| 1 масалаларининг мазмуни ўқувчиларнинг мамлакат Ижтимоий ҳаёти ҳақидаги билимларини тўлдириши, бу Вилимларга маълум йўналиш бериши мумкин. Бирок, Габийки, ўқувчиларни сиёсий тарбиялаш жараёнида .....т. стакчи роль ижтимоий-сиёсий циклдаги предмет-|ар тарих, жамиятшунослик, адабиёт, иқтисодий геог-\' |фия, фалсафа, ахлоқ, гражданшуносликка тааллуқлидир.

( пина листик мамлакатлар мактабларининг ўқув И юларига кўра ўрта мактабнинг юкори синфларида | 1рnx география, адабиётдан ташқари, коммунизм асос- | • | • 11 (Болгария), жамиятшунослик, Совет давлати асос-

лари ва ҳуқуқ (СССР), дунёқараш асослари (Венгрия), гражданлик тарбияси (ГДР, Польша ва Руминия), сиёсий иқтисод, ижтимоий-сиёсий билим (Руминия), фалсафа (Чехословакия), ахлоқ ва ижтимоий муносабатлар, жамиятшунослик асослари ва давлат тузуми (Югославия) каби предметлар ўқитилади.

Номларидаги фарқларга қарамай, бу предметларни ўқитишда кўпгина умумий вазифалар мавжуд. Улар ўқувчиларнинг қуйи синфларда ўқиш вақтида олган конкрет социал-иқтисодий билимларини умумлаштиришга хизмат қилиши, марксча-ленинча фалсафа ва социологиянинг айрим асосий қонун-қоидаларини ўргатиши, марксистик этиқодни шакллантиришга ёрдам бериши, ўз мамлакатлари давлат ва ижтимоий тузумининг асосий факторлари, гражданлик бурчлари билан таништириши, ўқувчиларни ижтимоий ва сиёсий ҳаётда актив қатнашишга тайёрлаши лозим.

Ижтимоий-сиёсий цикл предметлари дарсларида ўқувчилар марксизм-ленинизмнинг асосий ҳолатларини ўрганадилар. Бу фанларни ўрганиш жараёнида коммунистик дунёқарашни шакллантиришга катта эътибор берилади. Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш замонавий воқелик, социалистик қурилиш амалиёти билан жипс алоқада амалга оширилади. Ўқувчилар социалистик мамлакатлар ишчилар синфининг ривожланган социализмни қуриш учун қурашдаги меҳнат жасоратлари намуналарини билан танишадилар; уларга капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг ўз ҳуқуқларни, эксплуатация ва зулмдан озод бўлиш учун олиб бораётган қурашлари кўрсатилади; уларни ижтимоий тараққиётнинг сабаб ва қонуниятларининг ўзаро алоқасини тушунишга олиб келинади. Ижтимоий-сиёсий цикл предметларини ўрганиш илмий диалектик-материалистик дунёқарашларини шакллаптириш, мактаб ёшларини гоявий-сиёсий тарбиялашга имкон беради.

Ижтимоий фанларни ўқитишни такомиллаштириш масалалари доимо социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг диққат марказида бўлиб, партия съездларида муҳокама предметиға айланади. Партиянинг XI съездиға қилган Ҳисобот докладада Я. Кадар «марксизм-ленинизмни ўқитиш даражасини ошириш, барча ўқитиш ва тарбия процесси асосида марксча-ленинча дунёқараш ётишиға эришиш»<sup>1</sup> лозимлиги ҳақида гапириб ўтди.

<sup>1</sup> Кадар Я.- Избранные статьи и речи М., 1976, 452-бет.

Капиталистик мамлакатлар мактабларининг ўқувчи ми.ирида ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий тарбия максидларига, аввало, дин каби предметнинг ўқитилиши КИЗмат қилади. Мактаб ва черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар, тарбия ва таълимнинг динийлиги ва динсизлик проблемаси доимо педагогик қурашнинг энг кескин пролемаларидан бири бўлган. Мактабларнинг асосий қисми дунёвий деб эълон қилинганлигиға ва давлатта Ишчи партияси қарамай кўпгина капиталистик мамлакатларда дин ўқитилиб келинмоқда. Масалан, Англия, ГФР, Италия, Испаниянинг барча мактаблари учун дин мажбурий предмет ҳисобланади. Англия бошланғич мактабларида, масалан, динни ўқитишға арифметикадан Кўпроқ, табиатшуносликдан эса уч марта кўп соат ажратилган. Франция, АҚШ, Японияда дин давлат мактабларида ўқувчи қилиб кирмайди, шунга қарамай, Францияда динға ишонувчи оилаларнинг болалари ҳафтанинг иккинчи «бўш» кунини пайшанбада дин ўқитилади, Ливонияда эса кўпчилик ўқувчилар яққанба мактабларида қатнайдилар ёки мактабдаги библия ўқишларини ишлайдилар. Гарчи кўпчилик капиталистик мамлакатларда мактаб черковдан юридик ажратилган бўлса-да, давлат мактаблари билан бир қаторда черков ва бошқа диний ташкилотларға тегишли кўп сонли шахсий диний мактаблар мавжуддир. Италияда ярим миллионға яқин шахсий мактабларда ўқийди. Францияда 2 млн. га яқин боланинг 85% и католик черковида таълим олувчи бўлган шахсий мактабларда ўқийди, Японияда қонун шахсий мактабларда ҳафтасиға 1 соат «Ахлоқ» курси ўрниға динни ўқишға рухсат этади.

Ижтимоий-иқтисодий цикл предметларига Келганда, тарих ва географиядан ташқари, улар қаторида кўпчилик предметларни: ахлоқ, ва гражданшунослик элементларини (Франция, Япония), фалсафа (Франция), жамиятшунослик (ГФР, Япония), хўрғи қуриш воқелири (ГФР), жамиятшунослик, граждашунослик, ишчи партияси бошқариш (АҚШ) ни айтиб ўтиш лозим. Францияда фалсафа курси катта ўрин эгаллаган, у ёшларнинг буржуа дунёқарашини шакллантиришға хизмат қилиши лозим. Курснинг мазмуни ва структураси турли проблемаларни талқи қилишда идеалистик йўналишни қўллаб беради. Фалсафа курсининг марксизмни соҳибдорлигини ва бузиши, антикоммунистик йўналганлигини кўрсатилади. II Франция халқ маорифи раҳбарларининг «маорифнинг оқлаштириш» ҳақида эълон қилган идеологик принцип

ларини инкор этади. Франциядаги тараккийпарвар кучлар бу «бетарафлик» ни мактабда тараккийпарвар фалсафий қарашларнинг ўқитилишига йўл қўймаслик усули деб қарайдилар.

Англия оммавий мактабларининг ўқув планларида социал-иқтисодий циклдаги предметлар нисбатан кичик ўрин эгаллайди. Бироқ социал оқсуяклар тарбияландиган имтиёзли хусусий мактаблар («Паблик скулэ») ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу мактабнинг юқори синфларида экономика, Британия конституцияси, машхур кишиларнинг таржимаи ҳоли, кундалик воқеалар каби предметлар ўрганилади. Бу циклдаги предметлар ўқув планнида етакчи ўрин эгаллайди.

Америка мактаблари учун ҳам социал-иқтисодий циклдаги предметларга ана шундай муносабатда бўлиш тенденцияси характерлидир. Америка мактаби сиёсатдан узоқ ва ажратилганликдан воз кечиб, ижтимоий-сиёсий циклдаги предметлардан «яхши гражданлар»ни актив сиёсий тарбиялашда фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бир қатор мактабларнинг ўқув планларида социал-сиёсий предметлар бутун вақтнинг 15—20% ини эгаллайди. Юқори синфларда «Демократия проблемалари», «Америка давлат тузуми», «Коммунизм, унинг методлари ва ҳалокатли натижалари» каби курслар киритилган. Уқув планларини тузишнинг электив принципи кўп миқдорда ижтимоий-сиёсий циклдаги проблемали курсларни киритиш имконини беради.

Ўқувчиларни сиёсий тарбиялаш ишида ҳал қилувчи омил, албатта, ижтимоий-сиёсий цикл курсларининг сони ва ҳажми эмас, балки уларнинг мазмуни, ғоявий йўланганлигидир. Буржуа мактабларидаги барча ижтимоий-сиёсий цикл курслари, одатда, ғоявий нуктаи назардан ўрганилади. Француз лицейидаги фалсафа курси айрим файласуфларнинг қонун-қоидаларини конкрет тарихий шароитдан ажралган ҳолда ёдлашга бориб тақалади. Бу ўринда фақат идеалистик назариялар ёд олинади.

Капиталистик мамлакатлар мактабларидаги ижтимоий-сиёсий циклдаги курслар учун ўқувчиларга социалистик дунё мамлакатлари, уларнинг тарихи, географияси, маданияти ҳақида жуда оз ахборот бериш муҳимдир. Оддий мактабларда бу билим умуман берилмайди. Француз бошлангич мактабида фақат ўз мамлакатининг тарихи ва географияси ўрганилади; америка ва япон олти йиллик мактабларида ҳам аҳвол мана шундай. Гарчи америка мактабларида ўқув вақтинини

20% гача қисми жамиятшунослик курсига ажратилса-да, бу вақт асосан ўқувчиларни ўз штати, ўз мамлакатининг тарихи ва географияси, Америка китъасидаги баъзи мамлакатлар билан таништиришга сарфланади. **Вақат VII** синфдагина дунё географиясига юзаки шарҳ қилинади. Кўпгина инглиз мактабларида ўқитишнинг 1-п-тлабки беш йилида фақат Англия тарихи ўрганилади.

Англия ўрта мактабининг юқори синфларида ўқувчи-ларга СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар тарихи ҳақида айрим маълумотлар берилди, бироқ бу маълумотлар жуда оз ва ўта қалбакилаштириб юборилди: Европадаги социалистик мамлакатлар СССР нинг «мустамлақаси» сифатида берилди; иккинчи жаҳон урушини ўрганишда Совет Иттифоқининг фашизм устилай қозонилган ғалабадаги роли сохталаштирилади ва, Вложи борича, уни камситишга ҳаракат қилинади ва х. к.

Америка мактабида материал Совет Иттифоқи, социалистик ҳамкорлик мамлакатларининг тарихи ёки 1917 йилиги сиёсатига тегишли бўлганда, ўқувчиларга СССР томонидан «уруш хавфи» ҳақидаги фикр сингдирилади; Октябрь революцияси «революционерларнинг кичик гуруҳи томонидан улкан кўп миллатли мамлакатнинг бошқаруви олиниши» тарзида талқин қилинади. Антисоветизм воқеалари сиёсий фанлар таркибига шунчалик сингиб кетдики, ҳатто америка маорифининг баъзи раҳбар ходимлари тарих, жамиятшунослик курсларида коммунизм, фақат заиф жойлари ва камчиликларига зўр берилиб, Кўпинча ҳақиқатга зид тарзда баён қилинади, деб тан Олишга мажбур бўлмоқдалар.

Француз ўрта мактабида СССР тарихига хийла кўн ГЪТИБор берилди. Франциянинг баъзи тараккийпарвар фоблари томонидан ёзилган дарсликларда материал Л К, III ва Англиядагидан кўра анча тўлиқроқ ва объективроқ берилган. Бироқ бу ўринда ҳам ўқувчиларда рус тарихи ҳақида тўғри тасаввур шаклланмайди. Дарсликларда рус олимлари (И. П. Павлов, И. П. Павлов, И. П. Павлов) ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган и йишнинг ўзи кифоя; Россиядаги революцион ҳаракат тарихи ҳақида жуда юзаки кўрсатилади. Реакцион нашриётлар Иашр надиган дарсликларга келганда, улар СССР ва Иттифоқнинг тарихи ва географияси ҳақида ҳақиқатдан ташқари фақат социалистик мамлакатлар тарихи ҳамда ҳозирги

Цитата қуйидаги китобдан олинди: *Малькова З. А. Современная школа, США. М., 1971, с. 240.*

холати ҳақидаги далилларни сохталаштириш методлари ва бир ёклама баён қилишдан кенг фойдаланадилар.

Антисовет «хужжатлари»дам цитаталар олиш ва бу «хужжатларга» муносабат билдирмаслик кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Капиталистик мамлакатлар мактабларида тарих ва география ўқитиш программасида ўқув программаси ҳамда дарсликларда бевосита ўз мамлакатини ва дунёдаги бошқа мамлакатларга тааллуқли бўлган материал ҳам сохталаштирилади. Революцион ҳаракатлар халқ хўзғолонлари (масалан, Спартак, Уотт Тайлер кўзғолонлари ва б.) ҳақида жуда кам гапирилади. Империалистик колониал сиёсат идеаллаштирилади. Британия империяси босиб олинган ҳамда қул қилинган халқлар учун маданият ва тараккиёт элтувчи тарзида талқин қилинади. Америка мактабининг VIII синфида АҚШ тарихининг илк даврларини ўрганишда америка индеецларининг қириб ташланиши ҳақида лом-мим дейилмайдн, янги ерларни босиб олган америка пионерларипингромаитикаси кўқларга кўтарилади. Шимол ва Жануб ўртасидаги Гражданлар урушининг характери ҳолисона очиб берилмайди («ҳамма — жанубликлар ҳам, шимолликлар ҳам ҳақдир, чунки улар ўз идеаллари учун курашганлар»<sup>1</sup>).

Америка мактабларидаги ижтимоий-сиёсий циклдаги курсларда «америкача ҳаёт тарзи», «эркин хусусий мулкчилик», буржуа демократияси ҳар томонлама тарғиб қилинади. АҚШ ҳукмрон бўлган ижтимоий тузум жамият тараккиётининг чўққиси, идеал тузум тарзида талқин қилинади. Шу билан бирга, ижтимоий ҳаёт қарама-ҳаршилиқларининг гувоҳи бўлиб турган ёшларнинг иккиланишларига тўқнаш келган, кундан-кунга авж олиб бораётган ёшлар ҳаракатини назарда тутган америка мактаби социал-сиёсий фанлар курсига ҳозирги замон капиталистик жамиятининг кескин проблемаларни бўлмиш иркий камситиш, ишсизлик, социал тенгсизлик, авж олиб бораётган жиноятчилик қабиларни ўрганишни киритишга мажбур бўлди. Бироқ материалнинг мазмуни ва берилиши ёшлар бундай проблемаларни уларнинг пайдо бўлишидаги асл сабабларини четлаб ўтиб, «ақл нуқтаи назаридан» муҳокама қилишни ўрганадиган қилиб тузилган.

Кейинги йилларда социал-иқтисодий цикл предметларини ўрганишда ҳарбийлаштириш, миллатчилик йў-

<sup>1</sup> Цитата қуйидаги китобдан олинди: Малькова З. А. Современная школа США. М., 1971, с. 240.

палишининг авж олганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Бу айниқса Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраган (ГФР, Япония) мамлакатлар мактабларига тааллуқлидир. Тарих дарсликлариди, дарсларда ўқитувчилар фашизм ғояларини қайта тиклашга уринмоқдалар, фашист саркардаларининг жасоратини ҳамда азобланганлигини таърифлаб, ўч олишга даъват этмоқдалар.

Бунга қарама-қарши ўларок, *социалистик мамлакатлар* мактабларининг социал-иқтисодий циклдаги курслари тинчлик ва халқлар дўстлиги, социализм ғояларини тарғиб қилади, ёш авлодни гуманизм ва интернационализм руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Улар ўқувчиларни фақат ўз мамлакатларининггина эмас, балки дунёдаги бошқа мамлакатлар тарихи, экономикаси, маданияти юзасидан кенг билим доираси билан ҳам таъминлаб, ўқувчилар жамият тараккиёти қонунларини эгаллаб, янги жамият қурилишида, ҳар қандай ёт идеологияга қарши курашда актив иштирок этишга тайёрлашлари учун тарихий фактларга марксистик, чинакам илмий талқин беради.

**Синфданвамак<sup>^</sup>-табдан ташқари** Дардан ташқари олиб бориладиган синфдан ва мактабдан ташқари ишларда сиёсий тарбиялаш ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, дардан ташқари фаолият ўқувчиларнинг билим доирасини кенгайтиради, интеллектни ва ижодий қобилиятни ўстиради, жисмоний ҳамда эстетик тарбиялайди, бўш вақтни ташкил этади ва х. к.

*Социалистик давлат* шароитида синфдан ва мактабдан ташқари ишларга алоҳида эътибор берилди, фаолиятнинг бу турига мувофиқ келувчи моддий-техник базаси яратилди. Мактабларнинг бир сменали машғулотга ўтпши, узайтирилган кунлар тармоғининг кенгайтирилиши, мактаб-интернатлар, мактабдан ташқари болалар мазорасаларининг (Пионерлар саройлари, болаларнинг пхпнк станциялари, ёш табиатшунослар станциялари ва Гюшкалар) кенг тармоғи яратилиши ўқувчилар билан п.шб бориладиган тарбиявий ишни амалга ошириш учун (и 1.1 имконият яратди. СССР да 1976 йилда пионер ва ёшларнинг 4501 та Сарой ва уйлари, 1085 ёш техник-чар станцияси, 7723 болалар кутубхоналари, 158 болалар табиатшунослар станцияси, 641 ёш табиатшунослар боғлари кабилар<sup>1</sup> ишлаб турган эди.

<sup>1</sup> Народное хозяйство СССР за 60 лет. Юбилейный статический сборник. М.: АГ, 1977, с. 584, 600, 608.

Польшадаги «Светлица»лар, Чехословакиядаги ёшлар дружиналари, ГДР даги мактаб ёшларининг клублари мактабдан ташқари вақтларда ўқувчиларнинг кўпчилик қисмини педагогик раҳбарлик остига олишга ёрдам беради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни кучайтириш зарурлиги социалистик мамлакатлар коммунистик партиялари, комсомол ташкилотларининг қарорларида бир неча марта қайд этиб ўтилган эди. Бир қанча мамлакатларда яратилаётган методик материаллар: тарбиявий ишлар программалари, турли тўғараклар фаолияти Программалари, синф раҳбари учун қўлланмалар ва бошқалар бу ишни авж олдиришга жиддий ёрдам берди. Бир қатор социалистик мамлакатларнинг мактабларида махсус синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси лавозими таъсис этилди, педагогика билим юртлирида бу соҳа ходимларини тайёрлаш кучайтирилди.

Агарда маълум босқичда мактаблардаги синфдан ташқари иш асосан ўқув фаолиятини тўлдириб, предмет тўғараклари, фан кечалари ва бошқалар билан чекланган бўлса, кейинги йилларда гоёвий-сиёсий тарбия бўйича олиб бориладиган ишлар айниқса кучайиб кетди. Ишнинг кизил изтопарлар, мактаб музейлари, ўқувчиларнинг Ватан уруши қаҳрамонлари, Қаршилик (Сопротивление) қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлари кенг тарқалди. Кекса коммунистлар, социалистик жамиятни қурган ва қураётганлар, уни ҳимоя қилганлар билан юзма-юз муомалада бўлиб, болалар ўз халқларининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини идрок этадилар, «Ҳеч ким унутилмаган, ҳеч нарса унутилмайди» шиори остидаги ижтимоий ҳаракатда фаол иштирок этадилар. В. И. Ленин ва унинг сафдошларининг ҳаёт ва фаолиятларини, социализм мамлакатлари коммунистик партияларининг шонли йўлини, она юртни, социалистик қурилиш тарихини, социалистик мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатини ўрганишга катта эътибор берилади.

Гоёвий-сиёсий тарбиянинг муҳим элементи социалистик мамлакатларнинг ҳозирги ҳаёти билан алоқадордир. Мактаб ўқувчилари сиёсий ахборотлар, лекция, суҳбатлар, газета, радио ва телевидение орқали ўз мамлакатларида юз бераётган кундалик воқеалардан хабардор бўлиб турадилар.

Социалистик мамлакатлардаги синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларнинг муҳим хусусияти кат-

талар меҳнат коллективларининг ҳаёти, бутун мамлакат ҳаёти билан узвий алоқада бўлишдир.

Бу алоқа, аввало, ўқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатлари орқали амалга оширилади. СССР да ўқувчиларнинг ҚИШЛОҚ хўжалик бригадалари, аслини олганда, колхоз ва совхознинг бир бўлагидир, чунки ўқувчилар унинг планининг бир қисмини бажарадилар, катталар коллективи билан бирга ишлайдилар. ГДР да ёш техникларнинг бир қатор станцияларида болаларнинг конструкторлик ва рационализаторлик бюрolari ташкил этилган бўлиб, улар заводлар буюртмаси ёки ўз ташаббуслари билан кейинчалик ишлаб чиқариш амалиётига татбиқ қилинадиган турли рационализаторлик таклифлари устида иш олиб борадилар. ГДР, Чехословакия ва бошқа социалистик мамлакатлардаги кўпгина мактаблар заводлар билан шартномалар тузадилар: бир томондан, завод мактабга ёрдам беришни, тўғарак ишлари учун раҳбарлар, керакли материаллар, асбоб-ускуналар ажратишни ўз зиммасига олади; иккинчи томондан, мактабларнинг коллективлари ижтимоий фойдали \н.хнатнинг хиёбонлар, истироҳат боғларига қараш, заиоднинг мактабгача муассасаларига ёрдам бериш каби ишларни амалга оширадилар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мактаблари учун умумхалқ ба(йрамлари, сиёсий компанияларда к.пнашиш одагга айланиб қолган. Ўқувчилар намопншларда, митингларда қатнашадилар, навбатдаги байрам ёки юбилейга бағишлаб кечалар, концертлар, кўр|ималар, мусобақалар, конкурслар ташкил қиладилар. | Мактаблар Улуг Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамига бағишлаб улкан ишларни амалга пшнрдилар. Бу байрам фақат СССР дагина эмас, балъи барча социалистик мамлакатларда нишонланди. Польша мактабларининг ўқувчилари Польша давлатининг 1000 йиллиги байрамини тайёрлашда актив қатпашдилар, экспозициялар, тарихий-^ўлкашунослик му(ейлари ташкил қилдилар. Халқ Польшанинг 1000 йил-ЯИги мингта мактаб қуришни мажбурият қилиб ол- ПИ Мактаб ўқувчиларининг ўзлари бу мактаблар, спорт иишоотлари кабиларнинг қурилишида фаол қатнашдилар. Социалистик мамлакатлар мактабларида фашизм м IIIчаи қрзонилган ғалабанинг 30 йиллигига, янги халқ ааплатларидан кўпчилигининг ташкил этилганлигининг 10 йиллигига бағишлаб улкан ишлар амалга оширилди.

Турли мамлакатлар *буржуа мактабларида* дарсдан Ғашқари тарбиявий иш мамлакатнинг тарихий шакл-

ланган анъаналари, у ёки бу мактабнинг моддий имкониятлари ва бошқаларга кўра, турлича ўринда туради. Масалан, француз педагогларининг кайд қилишича, тарбиявий иш француз мактабларида доимо иккинчи ўринда турган. Англия мактабларида синфдан ташқари тарбиявий ишга хийла жиддий эътибор берилади. Бу, асосан, синфдан ташқари тарбиявий ишнинг пухта ўйланган, педагогик асосланган системаси мажуд бўлган имтиёзли хусусий мактабларга тааллуқлидир.

ГФР да бундан беш-ўн йил муқаддам синфдан ташқари тарбиявий ишга худди Франциядагидек кам эътибор берилар эди. Ҳозирги кунда куни узайтирилган ва тўлиқ кунли мактаблар сонининг кўпайиши муносабат билан синфдан ташқари тарбиявий фаолиятнинг назарий ва амалий асослари ишлаб чиқила бошланди.

АҚШ ва Япония мактабларида синфдан ташқари тарбиявий иш кенг тарқалган. Япоп мактабларининг ўқув планларида синфдан ташқари тарбиявий иш учун ҳатто махсус вақт ҳам ажратилади, синфдан ташқари ишлар бўйича топшириқлар эса ўқитувчи нагрузкасига киритилади.

Буржуа мактабидаги синфдан ташқари ишда турли тенденцияларнинг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бир томондан, синфдан ташқари фаолиятдан мактаб ёшларини мактаб деворидан ташқаридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётдан чалғитиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини спорт, маданият каби билан банд қилишда фойдаланилади. Иккинчи томондан, синфдан ташқари тарбиявий ишдан актив реакция сиёсий тарбия мақсадларида фойдаланишга интилиш устунлик қилади. АҚШ ва Англияда ўтказиладиган сиёсий ахборотлар ҳамда «Ғарб иттифоқи коммунизмга қарши» типдаги мунозаралар, ГФР мактабларида ўтказиладиган «Германиянинг парчаланиши» ҳақидаги суҳбатлар, Японияда рус-япон уруши ва иккинчи жаҳрн урушининг «ёдгорликлари» тўпланган Ясукуни ибодатхонасига бориш — буларнинг барчаси капиталистик мамлакатлар мактабларидаги синфдан ташқари тарбиявий ишларда антикоммунизм ва ўч олиш тенденцияларининг кучайганлигидан далолат беради.

Бир қатор ҳолларда мактабларда ҳар иккала тенденция чирмашиб кетади. Японияда синфдан ташқари иш расман икки қисмга бўлинади: болаларнинг синф, клуб ва тўғарак коллективларини ўз ичига олувчи «махсус тарбиявий фаолият» ва бевосита ўқитувчи раҳбарлигида маъмурий тартибда ўтказиладиган «мактаб тадбир-

лари» (маросимлар, байрамлар, конференциялар ва бошқалар). Фаолиятнинг биринчи турининг мазмуни ўзининг аналитиклиги билан ажралиб туради, чунки янон педагогикаси болаларнинг ижтимоий активлиги сиёсий характерда бўлмаслиги керак, деб ҳисоблайди. Синфдан ташқари ишнинг иккинчи бўлимининг мазмунига келганда, у кейинги йилларда боргап сари реакция, миллатчилик характерини касб этмоқда.

Синфдан ташқари ишларнинг формалари хилма-хилдир ва купчилик мамлакатларда кўп жихатдан бир-бирига ўхшайди. Масалан, ўқувчилар билан бўладиган синфдан ташқари ишнинг уларнинг алоҳида қизиқишлари ва майлларига мувофиқ келадиган формаси — тўғараклар, секциялар ва клублар (спорт, техника, илмий, бадиий ва б.) энг кўп тарқалган формаларидандир.

Англиянинг имтиёзли хусусий мактабларида синфдан ташқари спорт иши айниқса кенг ёйилган бўлиб, бу инглиз мактабининг анъанаси ҳисобланади. Ишнинг етакчи формаси спорт ўйинларга бўлиб қолди. Одатда, ҳар бир мактабнинг спорт ўйинлари бўйича (футбол, регби, теннис, крикет каби) бир неча командаси бўлади. Бой, моддий таъминланган мактабларда спортнинг велосипед, мотоцикл, эшак эшиш, елканли спорт турлари ҳам ривожланган. Оммавий мактабларда спортнинг кпматбахо жихрларни талаб қилмайдиган тури устунлик қилади. Бу кўпгина капиталистик мамлакатлар учун характерлидир.

Кейинги йилларда ўрта мактабда кўп сонли ўқувчиларни қамраб оладиган, таркибига ўйин элементлари киритилган ва шу билан мактаб ўқувчиларини жалб қиладиган ўқувчилар жамиятлари ва клублари каби иш формалари айниқса кенг тарқалди.

Тарбиявий вазибаларни ҳал қилишда синф коллективи ва умуммактаб кўламидаги ҳар қандай маросимнар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Тарбиячилар бундай маросимларнинг мактаб ўқувчиларига эмоционал таъсири назарда тутадилар. Тарбиявий ишнинг айниқса қуи синф ўқувчилари билан олиб бориладиган кўргазмалилиги, эмоционаллиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Масалан, диний тарбия салмоқли ўрин эгаллайди. **1.И1** Англия, Франция, Испания ва бошқа мамлакатларда мактаб черковининг ташқи безалишига, таъсирли маросимларнинг ўтказилишига, уларнинг кол. ^'т - " \*тл\* ИЖро этилишига, алоҳида, дилкаш мухит яратиладиган мактаб қошидаги кичик бутхонада ўтказиладиган "ечки ибодатга катта эътибор берилади.

Америка мактабларида сиёсий тарбияга энг безакли, таъсирчан характер беришга ҳаракат қилинади: ҳар бир синфда АҚШ нинг давлат байроғи, президентнинг портрета бўлади; ўқув қуни миллий гимн ва миллий байроққа содиқлик қасамёдини ижро этиш билан бошланади. Япония мактабларидаги байрам маросимлари пухта ўйлаб чиқилган ва барча мактаблар учун бир хилдир.

*Социалистик мамлакатларда* педагогиканинг етакчи принципи коллектив орқали коллективни тарбиялаш гоёсидир: коллективизм социалистик жамиятнинг бутун ҳаётига сингиб кетган. Социалистик мамлакатлар мактабларида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида коллектив муносабатлар тажрибасини ўрганадилар.

Социалистик мамлакатлар мактабларида гоёвий-сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг энг самарали формаси синф коллективида синф раҳбарлари раҳбарлигида ўтказиладиган синфдан ташқари ишдир. Сиёсий ва ахлоқий темалардаги суҳбатлар, сиёсий ахборотлар ишнинг асосий формалари бўлиб, бу жараёнда синф раҳбари ўқувчилар онгига таъсир қилади, коммунистик қараш ва эътиқодни шакллантиради.

*Буржуа мактабида* синф ичидаги муносабатлар системаси ва мактабда умуман диаметрал қарама-қарши гоёларда ташкил этилади. ЁПИҚ типдаги инглиз мактабларида «уй» деб аталадиган система қўлланади (ётоқхонанинг алоҳида блокада яшайдиган турли синф тарбияланувчиларининг ҳар хил ёшдаги группа ўқувчилари)-, Бундай «уй»нинг вазифаси оилага тақлид қилиб, мактабда тенгсизлик муносабатининг алоҳида системасини, ўқувчиларда бўйсундира билиш ва бўйсунма билишни тарбиялаш мақсадида кичикларнинг катталарга сўзсиз бўйсунганини ўрнатишдир.

У ёки бу кўринишдаги ўзини-ўзи бошқариш ҳозирги кунда дунёдаги деярли барча мактабларда мавжуд, бироқ, социализм мамлакатлари мактабларида ва буржуа мактабларида унинг характери, йўллаганлиги, формалари турличадир. *Социалистик мамлакатларда* ўқувчиларнинг ўзини-ўзи бошқариши фақат болаларни мактаб ва синф коллективлари ҳаётини ташкил этиш воситасигина эмас, балки социалистик демократия, социалистик меҳнат коллективи шароитларидаги ҳаётга тайёрлаш мактабига айланади. *Буржуа мактабида* ўзини-ўзи бошқаришдан, асосан, «бошлиқлар» ва «омма»ни тарбиялаш мақсадида фойдаланилади. Бу, айниқса, юқори синф ўқувчиларидан префектлар сай-

лаш системаси мавжуд бўлган. инглиз мактабларида апиқрок кўринади. Ҳар бир префект маълум иш участкасига жавоб беради ва кўп ишда ўқитувчи-тарбиячининг ўрнини босади, тартибни кузатиб боради, айбдорларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлади.

Бундан ташқари, кўпгина буржуа мамлакатлари мактабларидаги ўзини-ўзи бошқариш системаси ўз олдига ўқувчиларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти механизми, давлат муассасаларининг фаолияти, сайлов системаси билан ўйин тарзида таништиришни вазифа қилиб қўяди. Бу мақсадда ўзини-ўзи бошқариш системаси давлат муассасалари системасидан нусха кўчиради: мактабда «парламент» ташкил этилади, парламент «депутатлари» ўз талабларини киритадилар, «сайлов кампаниялари» ўтказилади ва шу қабилар.

Шундай қилиб, синфдан ташқари тарбиявий иш социалистик мамлакатларда ҳам, капиталистик мамлакатларда ҳам ўсиб келаётган авлодни тарбиялашни муҳим воситаси ҳисобланади. Мазмуц ва форманинг йўналишидаги фарқлар тарбиячилар олдига ё социалистик, ё капиталистик жамиятнинг ўзи томонидан қўйиладиган мақсадлар қарама-қаршилигига кўра аниқланади.

**Болалар ва ўсмирларнинг тарбиялашнинг энг тўлиқ ва самарали шакллари**

Болалар ва ўсмирларнинг тарбиялашнинг энг тўлиқ ва самарали шакллари иўлларида бири уларнинг болалар ва ўсмирлар ташкилотларида қатнашишларидир. Юлаларнинг пролетар сиёсий ташкилотларининг аҳа-лияти ҳақида В. И. Ленин бир неча бор гапириб ўтган эди: «Болалар ташкилоти — бу коммунарларни тарбиялашни энг яхши йўлидир».

Болалар ва ўсмирларнинг демократик ташкилотлари социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар процессида ташкилотлари томонидан ташкил қилинади. Бу ташкилот болалар ва ўсмирларни меҳнатқашларнинг социализм ва коммунизм, тинчлик ва демократия, миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашларида қатнашиш формаси бўлиб, сиёсий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг бошлангич тажриба мактаби деб қаралади.

*Социалистик мамлакатларда* болаларнинг қуйидаги оммавий ташкилотлари мавжуд: В. И. Ленин номли Бугупитифок пионерлар ташкилоти (1922 йилда ташкил ГОПган) Г. Димитров номли Болгария Халқ Республикаси «Септемвриче» ёш пионерлар ташкилоти (1944 й.), Венгр пионерлари саюзи (1946 й.), Хо Ши Мин номли Вьетнам Социалистик Республикасининг Пионер



ташкilotи (1941 й.), Германия Демократии Республикасининг Э. Тельман номидаги Пионер ташкilotи (1948 й.), Куба пионерлари союзи (1961 й.), Корея Халқ Демократик Республикаси «Сонёндан» Пионер ташкilotи (1946 й.), Монголия Халқ Республикасининг Сухе-Батор номи Пионер ташкilotи (1925 й.) Поляк харцерлари союзи (1956 й.), Руминия Социалистик Республикасининг Пионер ташкilotи (1949 й.), Чехословакия социалистик ёшлар Союзининг Пионер ташкilotи (1949 й.), Югославия пионерлари Союзи (1942 й.).

Бу ташкilotларнинг максaди бир хил, улар фаолиятининг асосида бир хил принциплар: ихтиёрийлик, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида актив иштирок этиш, тарбия омили сифатида ижтимоий фойдали меҳнат, кураш ва меҳнат қахрамонларининг ҳаёти ва фаолияти намуналаридаги тарбия, билим, маданиятнинг юксак даражаси учун актив кураш, спорт ва ўйинлардан кенг фойдаланиш, пионер романтикаси, ёрқин символика ётади. Буларнинг барчаси социалистик мамлакатлардаги барча болалар коммунистик ташкilotлари учун умумийдир. Болалар ва ўсмирларнинг ташкilotлари ўз фаолиятларида ўз мамлакатларининг миллий ва ижтимоий шароитларини ҳисобга оладилар, бу ишнинг мазмуни, формалари ва методларида, символика ва атрибутикада акс этади.

Ёшларни гоёвий-сиёсий тарбиялашда СССРдаги изтопарларнинг экспедиция ва юришлари, тимурчилар отрядлари, «Зарница» ҳарбий-ватанпарварлик ўйини каби оммавий ҳаракатлар ва бошқалар, польшалик харцерларнинг ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этиш бўйича «Кўринмас кўл», «Грюнвальд», «Замонит» (тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш) оммавий акциялари, чехословакиялик пионерларнинг ЧКП нинг 50 йиллигига бағишланган «Қизил юлдуз кетидан» сиёсий акциялари, кубалик пионерларнинг партия I съезди делегатларидан ўрнатилган олиш ҳақидаги мажбуриятлари, монгол пионерларнинг чорвадорларга уюштирган ёрдамлари қабилар муҳим роль ўйнади.

Социалистик мамлакатлар пионерлар ташкilotининг ишида интернационал тарбия салмоқли ўрин эгаллайди. Бошқа мамлакатлар халқларига ҳурматни, социалистик мамлакатлар пионерлари билан дўстликни улуғ Ленин мамлакатига муҳаббат ва ҳурматни тарбиялаш пионер ташкilotларининг ишида муҳим ҳисобланади. В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллиги фашизм устидан қрзонилган галабанинг 30 йиллиги, пар

тия съездларининг очилиши ва шу қабилар пионерларнинг катта ишлари билан қарши олинди. Барча социалистик ва бошқа мамлакатларнинг пионерлари тўпланадиган ёзги пионерлар лагерлари: «Артек» (СССР), «В. Пик номи Республика» (ГДР), «Кранево» (БХР), «Чиллеберц» (ВХР) интернационализмни тарбиялашга хизмат қилади.

Пионер ташкilotларида гоёвий-сиёсий тарбиянинг вазифаларидан бири пионерларни ўз пионер ташкilotлари ишига раҳбарлик қилувчи коммунистик ёшлар союзига қиришга тайёрлашдир. Юқори синф ўқувчиларини гоёвий-сиёсий тарбиялаш барча социалистик мамлакатларда ташкил этилган бир қатор комсомол ва бошқа ташкilotларда амалга оширилади.

Коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлиги остида ишлайдиган пионер ва комсомол ташкilotлари кўпгина *капиталистик мамлакатларда* ташкил этилган. Бу ташкilotлар турар жойларда ишлайди, чунки уларнинг мактабдаги фаолияти таъқиқланган. Болалар коммунистик ташкilotининг аъзолари бўлган мактаб ўқувчилари ўз партияларига сиёсий курашда ёрдам берадилар, сайлов компаниялари, намоёишлар ўтказиш, иш ташлашларда иштирок этиб, сиёсий кураш малакаларини эгаллайдилар. Бу ташкilotларда спорт ишлари олиб борилади, туристик походлар уюштирилади, ўзи яшаб турган ва бошқа мамлакатлардаги революцион ҳаракатлар тарихи ўрганилади, бошқа мамлакатлардаги пионер ташкilotлари билан интернационал алоқа боғланади. Капиталистик мамлакатларда ишлаб турган ташкilotлар орасида «Франция пионерлари» (1945 йилда ташкил этилган), Австрияда «Ёш гвардия» (1946 й.), «Финляндия пионерларининг Демократии Союзи» (1945 й.), Норвегияда «Ёш пионерлар» (1952 й.), Швейцарияда «Олдинда югурувчилар» (1961 й.), Бельгияда «Пионерлар союзи» (1945 й.), Англияда «Урмон халқи» (1925 й.) ва бошқалар мавжуд.

Болалар демократик ташкilotлари ишини Демократик ёшларнинг бутунжаҳон федерацияси (ВФДМ) ва унинг қошида ташкил этилган болалар ва ўсмирлар ташкilotи халқаро комитети (СИМЕА) бошқариб туради.

Капиталистик мамлакатларда буржуазия болаларнинг коммунистик ташкilotларига қарши ўзларининг болалар ва ўсмирлар ташкilotларини туздилар. Булар ўқувчиларнинг сиёсий партиялар қошидаги ташкilotларидир. «Урта мактаблар ўқувчиларининг Австрия со-

циалистик союзи», «Германия социалистик ёшлари» — «Лочинлар» (ГФР) ва католик черкови ташкил қиладиган кўп сонли ташкилотлар ГФР даги «Католик ёшлар союзи», барча капиталистик мамлакатларда мавжуд бўлган «ЁШ христианлар ассоциацияси»дир. Католик ва бошқа буржуа ёшлар ташкилотлари қошида болалар секциялари мавжуд.

Баъзи буржуа ва ўсмирлар ташкилотлари ўзларининг сиёсий мақсадлари ҳақида рўйи рост гапирадилар. Масалан, Австриядаги «Урта мактаб ўқувчиларининг жазо союзи», Даниядаги «ЁШ унглари», «Консерватив гимназистлар», Финляндиядаги «ёш марказ союзи» ва бошқалар шулар жумласидандир. Баъзи ташкилотлар расмий тарзда сиёсатга дахлсиз ҳисобланади. Бу категорияга кўп сонли диний, маданий, спорт ташкилотларини, болалар лигаларини, кизиқишга кўра хаваскорлик клубдрини киритиш мумкин. АҚШ даги «Угил болалар клублари», «Бўлажак уй бекалари клуби» бунга мисол бўла олади. Барча капиталистик мамлакатларда мавжуд бўлган ва 10 млн. дан ортиқ кишини бирлаштирувчи (ўғил ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида ташкилотлар мавжуд.) скаутчи ташкилотлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар ўзларини сиёсатга дахлсиз деб эълон қилиб, асосан маданий, спорт, туристик ишлар билан шуғулланади, бу ташкилотлар ёшларни ва ўсмирларни ижтимоий ҳаётда қатнашишдан чалғитиш, жамиятдаги прогрессив кучлар таъсиридан четга тортишга ҳаракат қилади. Шу орқали улар мактаб ёшларига ҳукмрон буржуа доираларининг талаблари манфаатлари руҳига мувофиқ сиёсий тарбия беришга кўмаклашади. Баъзи ташкилотлар, гарчи расман сиёсий ҳисобланмаса-да, ўз иш практикасига сиёсий проблемаларни муҳокама қилиш ва ўрганишни киритадилар. Скаутлар, гарчи ўзларини сиёсатга дахлсиз ташкилот ҳисобласалар-да, ўзларининг асосий қарғишларини «Ҳукмрон ҳокимиятга содиқлик» деб биладилар.

## **VII боб. ХОЗИРГИ ДУНЁДА УҚИТУВЧИ ПРОБЛЕМАСИ**

### **УҚИТУВЧИЛАР АХВОЛИНИНГ УМУМИЙ ПРОБЛЕМАЛАРИ**

Уқитувчи проблемаси доимо зарур масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Усиб келаётган авлоднинг тарбиялаш ва таълим беришдаги муваффақият кўп даражада мана шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Айпан уқитувчи «ўтмиш билан келажак ўртасидаги жонли звенодир» (К. Д. Ушинский). Усиб келаётган авлоднинг тарбиялаш ва таълим бериш соҳасидаги давлат сиёсатининг конкрет рўёбга чиқарилиши, ўқув программалари, дарсликлар, умумий таълим-тарбия процессининг самарадорлиги жиддий даражада уқитувчига, унинг тайёрланганлигига, сиёсий йўлланганлигига, маданий ва маънавий қиёфасига, шахсининг характериغا боғлиқдир.

Юқори малакали уқитувчиларини етарли миқдорда тайёрлаш борасидаги қийинчиликлар АҚШ ва айрим бошқа мамлакатларда уқитувчининг мактабдаги ролини заифлаштириш, уни ўқитишнинг техник воситалари, ўргатувчи машиналар билан алмаштириш, ўқув процессини малакали уқитувчилар иложи борица камроқ талаб этадиган қилиб қайта қуриш тенденциясининг вужудга келишига сабаб бўлди (Трампа плани ва бошқалар). Даре бериш процессидаги уқитувчининг раҳбарлик ролини етарли баҳоламасликнинг илдизи прагматик педагогикага бориб тақалади.

Бироқ мактабнинг кўп аерлик тажрибаси бу тенденциянинг ҳаётий эмаслигидан далолат беради, чунки инсонга таълим-тарбия бериш процесси икки томонлама процесс бўлиб, у мутахассис, педагогик иш соҳибига томонидан амалга оширилиши керак. Кейинги йилларда кўпгина мамлакатларнинг ижтимоий ҳаётида вийникса *ривожланаётган* ва *капиталистик* давлатларда (гарчи турли форма ва турли сабаблар туфайли бўлса-да) уқитувчи проблемаси жуда кескин намоён бўлмоқда.

Педагогик кадрларнинг миқдори ва сифати жамиятнинг тарихий ривожланишининг мазкур босқичидаги таълим-тарбиянинг мазкур давлатнинг мактаб сиёсатининг

хусусиятларига, унинг тарихий ва миллий хусусиятларига кўра белгиланади.

XX аернинг иккинчи ярмида ўқитувчи проблемасини хал этиш йўналишини белгилловчи энг муҳим факторлар: жамиятнинг ҳар бир аъзосининг билим даражасига, таълим мазмуни, метод ва системаларига янги талаблар кўйган илмий-техника революцияси; марказида бошка таъсир воситалари билан бир қаторда ёш авлодга бевосита гоаявий таъсир кўрсатувчи ўқитувчи турадиган социалистик ва капиталистик идеология ўртасидаги курашининг кескинлашганлиги; Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий ривожланишидаги жадал тараққиётдир.

Капиталистик тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатлар шароитлари учун характерли бўлган бу объектив факторлар халқ оммасининг маорифни демократлаштириш, унинг даражасини ошириш борасидаги курашини кескинлаштиради. Бу кенг халқ ҳаракатига коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлик қилади. Бу факторлар таъсирида тўлақонли билимга монополияни социал элитанинг мулки сифатида саклашга интилган ҳукмрон доиралар меҳнаткаш омманинг билим олиш имкониятларини кенгайтиришга, кенг халқ оммаси учун маориф даражаси ва сифатини оширишга мажбур бўлдилар.

*Социалистик система* мамлакатлари шароитида мактаб сиёсати, табиийки, халқ оммаси манфаатларидан келиб чиқади, шу омма фаровонлигига йўлланади, ҳозирги жамият, шу жумладан маориф тараққиётининг асосий объектив факторларининг марксча-ленинча илмий анализига асосланади.

Кейинги чорак аерда дунёда барча босқичдаги мактаб ўқитувчиларининг умумий сони сезиларли даражада ортди. Усиш суръати айниқса халқ маорифини оммавий амалга ошириш йўлга қўйилган Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг *ривожланаётган* мамлакатларида жуда юқридир. Бу мамлакатларда фақат 8 йил ичида (1960—1968) ўқитувчилар сони 4,5 млн. дан 7,3 млн. гача кўпайди<sup>1</sup>.

*Социалистик мамлакатларда* ўқитувчилар сони жадал суръатда ўсди. Масалан, 50—60-йилларда ўқитувчилар сони Болгарияда деярли 1,5 марта, Венгрия ва ГДР да —1,8—1,9 марта, Польшада 2,3 марта ўсди.

<sup>1</sup> Қ а р а н г: Танган С. А. Развивающиеся страны: образование я ЮНЕСКО. М., 1973, с. 116.

**Қатто** умумий мажбурий бошланғич таълим анча **илгари** жорий қилинган ривожланган *капиталистик мамлакатларда* ҳам ўқитувчиларнинг умумий сони сезиларли даражада ортди. Бу ўсиш асосан мажбурий таълим и (датларининг кенгайиши билан боғлиқ бўлиб, ўрта **мактаблар** ҳисобига бўлмоқда. Японияда 20 йил ичида (1966—1976) умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг сони 34% га ортди.

Ўқитувчилар умумий сонининг ўсганлигига қарамай, Ирг қупда дунёнинг кўпгина мамлакатлари ўқитувчиларнинг таълим сислигини бошдан кечирмоқда. **Ўқитувчи** кадрларнинг етишмаслиги айниқса ривожланаётган мамлакатларда кескин намоён бўлмоқда. Агар Японияда 100 минг аҳолига 84 умумтаълим мактаби ўқитувчи тўғри келса, Афғонистонда 5 тага **тўғри** келади. 1970-йилларнинг бошларида Афғонистонда ҳаммаси бўлиб 8 минг ўқитувчи ишлаган. Умумий бошланғич таълимни амалга ошириш учун Афғонистон 90 мингга яқин ўқитувчи кадрларни тайёрлаши лозим, бунга эса 30—35 млрд керак бўлади<sup>1</sup>. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, ишлаб турган ўқитувчиларнинг кўпчилиги кичик керакли малакага эга эмас. Маша шу Афғонистоннинг ўзида бошланғич мактабда ишлаётган ўқитувчиларнинг 55%и **маҳсулсиз** эмас, балки ўрта маълумотга ҳам эга эмас, Таиландда керакли тайёргарликка эга бўлмаган ўқитувчилар бошланғич мактабда 46% ва ўрта мактабда 36% ни ташкил қилади. Табиийки, бундай ўқитувчилардан фойдаланишга мактабда педагогик кадрларнинг **етисмаслиги** сабаб бўлади.

*Ривожланаётган мамлакатларда* ўқитувчи кадрлар етишмаслигининг сабаблари: аҳолининг деярли ялпи саводсизлиги проблемасини шошилиш ҳал этиш зарурлиги. жуда бўлмаганда, ялпи бошланғич таълимни амалга келтириш, яъни маданиятнинг мамлакат экономикасини ривожлантириш, халқ эҳтиёжларини қондириш учун керак бўлган минимал даражасини эгаллаш; метрополияларда **етисмас** ўқитувчиларни миллий ўқитувчи кадрлар билим олиш алаштириш зарурлиги; диний мактабларни дунёвий мактабларга, рухоний ўқитувчиларни дунёвий ўқитувчилар билан алаштириш (бу айниқса мусулмон мамлакатларида учун хос); кўпгина Осиё ва Африка мамлакатларида мустиқлик йилларида туги-

<sup>1</sup> Қ и р а н г: Просвещение и подготовка национальных кадров в странах Востока, М., 1971, с. 63.

лишнинг кўпайиши ва болаларнинг нобуд бўлишининг камайиши туфайли аҳоли сонининг кўпайишидир.

Кўпгина *ривожланган капиталистик мамлакатлар* ҳам ўқитувчилар танқислигини хис қилмоқда. Англияда тахминан 30 минг ўқитувчи етишмайди. Франция, Италия ва бошқа мамлакатларда ҳам ўқитувчилар етишмайди. Бунинг сабаби, энг аввало, умумий таълим даражасининг ўсганлиги, мажбурий таълим муддатларининг узайганлиги ва шу туфайли ўқувчилар контингентининг кескин кўпайганлигидадир.

Капиталистик мамлакатларда бошланғич мактаб ўқитувчиларининг етишмаслиги педагогика ўқув юртлири ва уларда ўқийдиган студентлар сонининг етарли эмаслиги туфайлидир. Масалан, Францияда мажбурий мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган росмана мактаблар ўқувчиларининг сони деярли кўпаймаган ва 34 мингдан ошмайди. Бу росмана мактаблардаги тўрт йиллик ўқитиш курсида йиллик битирув 8—8,5 мингдан ошмайди, айна бир вақтда бошланғич мактаблар учун хар йили камида 15 минг янги ўқитувчи талаб қилинади. Шунини қайд қилиш лозимки, аҳолиси Франциядан 1,5 марта кам бўлган Польшадаги бошланғич мактаблар ўқитувчиларини тайёрлайдиган педагогика ўқув юртлирини хар йили 30 минг киши, аҳолиси Франциядан деярли 3 марта кам бўлган ГДР педагогика ўқув юртлирини 13,5 минг киши битириб чиқади. Шундай қилиб, кўпгина капиталистик мамлакатлардаги сингари, Францияда ҳам ўқитувчиларнинг етишмаслиги ҳукуматнинг «маориф эвазига тежам» сиёсати билан сунъий равишда қўллаб-қувватланади.

Капиталистик дунё мамлакатларида ўқитувчилар танқислигининг жиддий сабаби улар иш ҳақининг камлиги, нарузкасининг хаддан ташқари кўплиги туфайли педагогика кадрларнинг ўта кўнимсизлиги дир. Франция бошланғич мактабининг ўқитувчиси фақат мактабнинг ўзидагина ўқувчилар билан эрталаб соат 8 дан кеч соат 6 гача ишлайди. Япон ўқитувчисининг хафталик нарузкаси 63 соатни ташкил қилади. Англия педагогика коллежларини битириб чиқувчи 5 кишидан (қизлар студентларнинг 2/3 қисмини ташкил қилади) фақат биттаси мактабда ишлаши аниқланган. Японияда 60-йилларнинг охирларида хар йили қанча янги ўқитувчи қабул қилинган бўлса, шунчаси ишдан бўшаган. Кўп ўқитувчиларнинг мактабдан кетишининг асосий сабаби капиталистик мамлакатларда ўқитувчилик касбиницг жамиятда кадрсизлигидир,

*Социалистик мамлакатларда* ҳукумат ўқитувчи кадрларни гайёрлашни кенгайтиришга, ўқитувчининг жами-Н1 | пи обрўйини ошириш ва моддий фаровонлик даражасини оширишга катта эътибор беради. Бироқ бу ерда || педагогика кадрларнинг кўнимсизлиги, мактабларни етарли микдорда юқори малакали ўқитувчилар билан | | ьминлаш проблемаси мавжуд; бу айниқса кишлок мактаблари ва баъзи ўқитувчи мутахассисликлари (физика, чет тили ўқитувчилари ва шу қабилар) га тааллуқ-ЛИДИР. Уқитувчилар контингентини кенгайтириш эҳти-й | и мактаб таълимининг жўшқин ривожланиши, ай-ниқса ўрта ва юқори синфларда, тўлиқ ўрта таълимнинг Жорий этилиши, таълим даражасининг ошганлиги, маорифнинг умумий социал обрўйининг ўсганлиги билан изохланади.

**Бир** қатор *ривожланаётган мамлакатларнинг* ҳуку-Матлари ўқитувчилар танқислигини педагогик ишга педагогик малакаси бўлмаган ва хатто бошланғич мактабни тугатган кишиларни жалб қилиш хпсобиға қоплашга харакат қилмоқдалар. Бундай кишилар қиска муддатли (1—3 ойлик) ўқитувчилар курсини тугатганларидан сўнг мактабга ишга йўлланма оладилар.

Баъзи ривожланаётган мамлакатларда кадрларни бундай жалб қилиш маъмурий тартибда амалга оширилмоқда. 1963 йилда Эронда армияга чақирилган ўрта маълумотли ёшлардан «Маориф корпуси» ташкил >т.!гап эди. Корпус аъзолари харбий хизматни ўташ ўр-НИга қиска тайёргарликдан сўнг ёки тайёргарликсиз кишлокка педагогик ишни олиб боришга жўнатилад эди. Бироқ харбий хизмат муддати тугагач, уларнинг кўпчилиги ўқитувчилик касбини ташлаб, кишлокдан кетиб колар эди.

*Социалистик мамлакатларда* катта ёшли аҳоли ўр-Гасйдаги саводсизликни тугатиш ва ялпи бошлан-|им гаълимни амалга ошириш учун маданий кучларни Оммавий сафарбар этиш кенг ижтимоий харакатга ай-1.П1 т. СССРда (20—30-йилларда) ва Кубада (60-ЙИЛларда) саводсизликни тугатишга оид оммавий ком-панья, кар бунга мисол бўла олади.

Капиталистик дунёдаги айрим мамлакатлар ҳам пекишик кадрларнинг етишмаслигини тўлдириш бўйича Йавқулорда тадбирлар қўришга мажбур бўлдилар. 1965 ш.и.1.ш бошлаб Англияда мактабга ўқитувчиларнинг ёр-(амчилари ва штатсиз, соатбай ўқитувчи сифатида тур-| чикқанлиги туфайли педагогик ишни ташлаган СССР, ўқитувчилар жалб қилина бошланди. Уларнинг

педагогик малакасини тиклаш учун киска муддатли курслар ташкил қилинди. Уй бекалари учун худди шундай курслар ГФР да 60- йиллар охирида ташкил этилди.

Уқитувчилик касби обрўйини оширишда ва педагогика олий ўқув юртларида абитуриентлар сонини оширишда айрим мамлакатларда йўлга қўйилган касбга йўллаш ишлари маълум роль ўйнади. АҚШдаги «Американинг бўлажак ўқитувчиси» ташкилоти бунга мисол бўла олади, у коллежларда 2500 гача тўгарак ва 600 бўлимларни ташкил этади. Бу тўгарак ва бўлимларнинг мақсади ўқитувчилик касбини тарғиб қилишдир.

Социалистик мамлакатларнинг тажрибалари ўқитувчиларни киска муддатли курсларда тайёрлаш системаси маълум вазиятда муқаррар ва ўқитувчи проблемасини ҳал қилишда зарур эканлигидан далолат беради. Бироқ шуниси тамоман равшанки, курс системаси фақатгина шошилиш чора бўлиши мумкин ва бундай курсларни битириб чиққанлар кейинчалик сиртдан еки кечкурун ўқиш орқали мунтазам педагогик билим олишлари керак. Уқитувчилар тайёрлаш миқдори ва сифати проблемасини ҳал қилишнинг асосий йўли етарли педагогика ўқув юртлари тармоғига, педагогик кадрлар тайёрлашнинг илмий ишлаб чиқилган мазмун ва методикасига эга бўлган педагогик билимнинг катъий системасидир.

### УҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ СИСТЕМАСИ

Уқитувчилар тайёрлаш системаси ҳам маорифнинг маълум системасини юзага келтиришга хизмат қилади ва у, ўз навбатида, ўқитувчилар тайёрланадиган мактабларнинг типларига, таълим-тарбия мазмуни, улардаги ўқитиш принципи ва методларига боғлиқ бўлади.

Тарихий нуқтаи назардан қаралса, синфий эксплуататорлик жамияти шароитида халқ маорифида бир-биридан кескин фарқ қилувчи ва бир-бирига тамоман зид бўлган икки типдаги мактаб вужудга келган: бир томонда халқни аросатда қолдирувчи, фақат икир-чикир нарсаларни ўргатувчи мактаблар, иккинчи томонда олий таълим сари йўл очиб берувчи, тўб ижтимоий мазмунга эга бўлган ўрта мактаблар мавжуд бўлган. Шунга мувофиқ ўқитувчилар тайёрлаш ҳам икки хил йўл билан амалга оширилган. Оддий халқ мактаблари учун ўқитувчиларни оддий мактаб негизидан, жуда нари борса қўшимча синфлар, аммо тўлиқсиз ўрта мактаблар негизидан вужудга келган *ўрта педагогика ўқув юрт-*

*лари* тайёрлаб берган. Бундай ўқув юртлари сирасига Франциядаги росмана мактаблар, Япониядаги ўқитувчи-ЧИЛар соминариялари ва бошқаларни киритиш мумкин. Урта мактаблар учун ўқитувчилар, одатда, *университет-Хўрда*, махсус педагогика бўлимларида ёки умумий (аниқ ва гуманитар) факультетларда тайёрланган. Баъзи холларда умумий факультетларнинг битирувчилари-|.|, бир оз бўлса-да, махсус педагогик билим ҳам берил-| |!|, баъзан эса бу ҳам бўлмаган. Бундан ташқари, махсус олий педагогика ўқув юртлари мавжуд бўлган. Франциядаги олий росмана мактабларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Илмий-техника революциясининг ҳозирги кундаги шарт-шароитида жамиятнинг билим олиш даражасига, ҳар бир жамият аъзосининг, ҳар бир оддий ишчининг ўсншга интилиши шу қадар кучайиб кетдики, мажбурий |п.лимнинг умумий ҳажми энг юқори даражага етди. Жамиятнинг ҳамма қатламларида ўз болаларига кенг-роқ билим ўргатиш тенденцияси биринчи ўринга чиқиб олди. Ҳатто капиталистик мамлакатларда ҳам ҳуқуқрон до-праларнинг вакиллари мажбурий таълим ҳажмини кенгайтиришга мажбур бўлмоқдалар. XX асрнинг бошларидан кўпгина мамлакатларда мажбурий таълим системаси бўлмаган, ёки бўлганда ҳам, 3 — 4 йилдан нарига |маган бўлса, бизнинг давримизга келиб, мажбурий таълим системаси фақат бошлангич эмас, одатдагидек, тўлиқсиз ўрта мактаб программасини ўз ичига олган *хрлда* 8 — 10 йилгача ўқитилган.

Айрим социалистик системадаги мамлакатлар (Польша, Болгария) да социалистик қурилишлар бошлангун-|| қадар умумий мажбурий бошлангич таълим бериш амалда қўлланмаган эди. Социалистик тараққиёт'йў-лига ўтилгач эса, мажбурий бошлангич таълим, мажбурий тўлиқсиз ўрта маълумот бериш қоидалари йўлга қўйилди, мажбурий таълим системаси узлуксиз кенгайтирила бориб, ҳозирги кунда унинг муддати 8 йилдан 10 йилгача узайтирилган. Мажбурий таълим муддатининг ) : п'мпрплиши жуда катта ,ап. Бу ўрта ва кжрри синф \\| \ нчпларининг миқдор жиҳатдан ўсишига ва шу синф-мрга даре берувчи ўқитувчиларга бўлган талабнинг I...пиита олиб келди.

Илмий-техника революцияси ва фан тараққиётининг *гаъсири* патижасида фақат мажбурий таълим муддати-|" пил ўзгариш бўлиб қолмай, балки таълим система-Си кам мазмунан бойитилди. Фақат ' юқори синфлард? • 'и. |{атто қуйи синфларда ҳам предметлар сони оши-

рилди, ўрганилаётган материалнинг илмий жихати кўтарилди, таълимнинг техник воситалари кенг қўламда қўллана бошланди. Бундай ўзгаришлар ва таълим мазмуни, методлари акселерация, яъни ўқувчиларнинг маънавий камол топишини тезлаштириш жараёни билан боғлиқдир, ўқувчиларнинг на фақат мактабда, балки турли-туман манбалардан (радио, телевидение, матбуот, кино) тахсил олиши ҳам ана шу жумлага киради. Ҳозирги замон ота-оналарининг маданий савияси бундан илгариги авлод ота-оналарининг савиясига нисбатан юксалганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бу нарсалар охир-оқибатда ҳозирги замон ўқувчисидан ўқитилаётган предмет юзасидан чуқур билимга эга бўлиш, касбига оид ҳар тарафлама методик ҳозирлик кўриш, хусусан, қўйи ва юқори синф ўқувчилари билан ишлашда укув талаб қилинади. Уз навбатида, бу нарса ўқитувчилар тайёрлашни ҳозирги давр талабларига мос равишда ташкил этиш масаласини кўндаланг қилиб қўяди.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар тайёрлаш системасида уч асосий йўналишни кузатиш мумкин: бошланғич синфлар ўқитувчиларини тайёрлаш; кичик ўрта мактаб ёки «оралик мактаб» (VII — IX синфлар — 12— 15 ёш) ўқитувчиларини тайёрлаш; тўлиқ ўрта маълумот берувчи юқори ўрта мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш.

**Бошланғич мактаб ўқитувчилари** жуда кўп мамлакатларда ўрта ёки «ярим тайёрлаш» педагогика ўқув юртларида (педагогика ўқув юрти, педагогик коллеж, росмана мактаб) тайёрланади. Бундай педагогика ўқув юртлари бир-биридан, аввало, ўқитиш муддатининг узок-қисқалиги билан ва уларнинг вужудга келишига замин бўлган базалари билан фарқланадн.

Ўрта педагогик маълумот жорий этилган мамлакатларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ — Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар. Бу Мамлакатлардаги *педагогик билим юртлари* кўп ҳолларда *урта мактаб базасида* ташкил топади ва уларда ўқиш муддати 2 йилдан 7 йилгача бўлган ораликни ўз ичига олади. Уқитишдаги бундай катта фарқнинг мавжудлигига ўша мактабларнинг турли хусусиятга эга бўлиши асосий сабаб ҳисобланади. Мексика, Бразилиядаги олтинчи йиллик педагогика билим юртлари, асосан умумий ва профессионал-педагогик таълим берувчи ўрта мактаб типларидан биридир. Нигериядаги икки йиллик пе-

дагогика билим юрти эса (бу бошланғич мактаб базасида ташкил этилган бўлиб, бошланғич мактабнинг фақатгина дастлабки икки синфи учун ўқитувчилар тайёрлайди), қисқа муддатли курслардан унчалик фарқ қилмайди ва фавқулодда шарт-шароит, миллий ўқитувчи кадрларни етказиб бериш сингари қийинчиликлар такозоси билан амалга оширилган вақтинчалик тадбир деб ҳисобланади. Бироқ ривожланаётган мамлакатларда *тўлиқсиз ўрта мактаб базасидаги педагогик билим юртлари* мавжуддир. Одатда, бундай билим юртларидаги ўқиш муддати жуда қисқа бўлади: Афғонистонда — 3 йил. Гана ва Эронда — 2 йил, Мароккода — 1 йил.

Иккинчи гуруҳ — бошланғич мактаб ўқитувчилари тўлиқсиз ўрта мактаб базасидаги ўрта педагогика билим юртларида тайёрланади. Фарбий Европанинг роман мамлакатлари (Франция, Италия, Испания, Бельгия), Скандинавия мамлакатлари (Швеция, Норвегия, Дания) ва Австрия ҳам шулар жумласига киради. Одатдагидек, булар росман мактаблар деб аталувчи 3—4 йиллик мактаблардир (бундан истисно ҳолда Испанияда — икки йиллик). Франция, Бельгия, Швеция Сингари пктисодий ва маданий жихатдан тараққий этган мамлакатларда қўйи умумтаълим даражасидаги ўқитувчилар тайёрлаш системасининг тургунлашуви маълум даражада анахронизм ҳисобланса-да, бу аънаналарга кўр-кўрона маҳкам ёпишиб олишнинг натижасидир. Росман мактаблар системаси юз йилча муқаддам юзага келган, унинг ўз мустақкам замини, кадрлари, услуги ва иш аънаналари бор. Бундан ташқари, тўрт йиллик ўқитиш муддатидан икки йили умумий таълим учун ажратилгаи, бу мажбурий таълим олингандан сўнг ўқувчининг олий маълумот олиш учун борадиган йўлини ёпиб қўйган, ҳукмрон синфларнинг олий маълумот устидан **М...Н**юлия ўрнатишларига кенг имконият яратгаи.

Тўлиқсиз ўрта мактаб базасида ташкил этилган тўрт йиллик ўрта педагогика билим юртлари бир қатор социалистик мамлакатлар (масалан, Руминия) да ҳам сақланиб қолган, бироқ капиталистик мамлакатларга нисбатан социалистик мамлакатлардаги бу хил ўқув юртларининг ўтмиши ва келажаги тубдан фарқ қилади. Социализм вужудга келиши мобайнида ташкил этилган бу педагогика билим юртлари умумий бошланғич таълим олиш ва ялпи маълумотли бўлишга эришишда катта амниятга эга бўлди. Сўнгги йилларда бу тарика ўқув юртларининг сони кўпайтирилмоқда ёки *тўлиқсиз ўрта мактаб базасини* қабул қилиш шарти билан уларни ик-

ки йиллик ўқув муддагига айлантирилмоқда. Педагогика билим юртлири аста-секин ўз ўрнини олий педагогика билим юртлирига бўшатиб бераётир. Бундай ташкари, уларда тахсил олгандан сўнг ўқувчи олий педагогика юртлирига, педагогика институтлирига ва университетлирга ўқишга кириш имкониятидан махрум бўлмайди.

Бошланғич мактаб учун ўқитувчилар тайёрлаш даражасини ошириш ғояси кўпгина тараққий этган мамлакатлирга ҳам хосдир. Хусусан, Англия, ГФР, АҚШ, Японияда бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган педагогика билим юртлири аллақачоноқумумий ўрта таълим базасига ўтган бўлиб, ўқув муддати тобора оширилмоқда. Бундай ўқиш усулининг энг кўп тарқалган хили ўрта мактаб базасида *кинник икки йиллик коллежлар* ташкил этишдир. Капиталистик мамлакатлирининг расмий маълумотлирига кўра, бундай ўқув юртлири гўё олий мактаб каторига кирар эмиш, бироқ ўз-ўзидан равшанки, уларда икки йиллик олий маълумот бериш қудрати йўқ, бинобарин, улар «ярим олий» ўқув юртлири деб аталади. Амалда эса улар ўрта мактаб базасида ишлаб турган педагогика билим юртлири, коллежлар, росмана мактаблардан кам фарқ қилади. \*Аммо икки йиллик таълим муддати бошланғич мактаблар ўқитувчилари тайёрлаб бериш талабига мутлақо жавоб бермайди, шу боисдан кўпгина мамлакатлирда бу муддат 3 — 4 йилгача узайтирилган. Инглиз икки йиллик педагогик коллежлирида 1961 йилдан қўшимча бир йил ўқитиш тартиби жорий қилинган бўлиб, эндиликда тўрт йиллик таълим системасига ўтиш жараёни кечмоқда. *Тўрт йиллик педагогик коллежлар* сони жуда аста-секинлик билан кўпайиб, бунга ўқитувчилар танқис бир шароитда бундай лойиханинг амалга оширилишидаги қийинчиликлар асосий сабаб бўлмоқда.

Бошланғич мактаблар ўқитувчилари тайёрлаш муддатининг узайтирилиши ва бундай ўқув юртлирининг олий таълим системаси томон силжиб бориши бошқа капиталистик мамлакатлирда ҳам содир бўлмоқда. ГФР да бу ходиса аввал икки йиллик, сўнгра уч йиллик олий педагогика мактабларини университетлар билан ташкилий жиҳатдан яқинлаштириш ва қўшиб юборишда намоён бўлди. ГФР таркибига кирувчи турли жойларда бундай яқинлаштириш у ёки бу шаклда амалга оширилмоқда: педагогика мактаблари университетлирининг факультета ёки бўлимлирига айлантирилмоқда, бунда улар бир қадар ўз автономиялирини саклаб ко-

ладилар, албатта. Кўпинча бундай қўшиб юбориш соф расмий тусда бўлиб, педагогика мактаблирида тайёрлов даражасини ошириш учун заррача ҳам қулайлик туғдира олмайди.

Венгрия, Польша, Чехословакия сингари социалистик мамлакатлирда бошланғич мактаб учун ўқитувчилар *университетлирининг уч йиллик педагогик факультетлирида* тайёрланади. Агар бошланғич мактаб ўқитувчиси мажбурий таълимнинг юкори синфлирида (VI — IX синфлар) ўқита олиши мумкин бўлган бирор предмет бўйича ихтисосга эга бўлиши лозимлиги хисобга олинса, бундай муддатнинг етарли эмаслиги ҳақидаги муаммо кўндаланг бўлади.

Бошланғич мактабларнинг бўлажак ўқитувчиларига тўлпқ олий маълумот бериш тендецияси СССРдагн ўқитувчилар тайёрлаш системасида ўзининг анча изчил ва ёркин ифодасини топган. Бу ерда *педагогика институтлирида* бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган *тўрт йиллик факультетлар* аста-секин жорий этнлмоқда.

Бошқа факультетлар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган тўрт йиллик таълим муддати, институт илмий-педагогика кадрлиридан фойдаланиш имконияти — булар барчаси бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлашни ҳақиқатан ҳам олий мактаб даражасига кўтаради.

Бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлашни бутунлай олий ўқув юрти зиммасига юклаш мўлжалланмоқда. Бошланғич мактабларнинг хозирда ишлаб турган ўқитувчиларининг асосий қисми — ўз вақтида олий маълумот олмагани сабабли, педагогика институтлиридаги сиртки ва кечки бўлимлар орқали шундай маълумотга эга бўлишлари кўзда тутилмоқда.

Урта мактабларнинг юкори синфлири **Тўт йиллик ўрта мактаб ўқитувчилари тайёрлаш** ;  $u_{\text{ч.у.}}$   $\cdot > \mid \wedge$   $g$  ўқитувчилар тайёрлаш масаласи анча осон ва аниқ ҳал этилаетир. Бу синфларда предметлар бўйича ўқитиш характери, олий мактабларнинг билимли абитуриентлирда чанқоклиги, таркиб топган анъаналар — булар барчаси шунга олиб келадики, ривожланган социалистик мамлакатлирда ҳам бу пикша учун ўқитувчилар тайёрлаш фақат *олий мактабдагина* амалга оширилмоқда.

Г)проқ бу ерда ҳам тайёрловнинг икки йўли мав-  $\cdot \mid \wedge d$  — *университет ва олий педагогика мактаби* (педагогика институтлири, педагогика коллежлири ва бошқалар). Кўпчилик мамлакатлирда дастлабки йўл бир

цадар анъана тусини олган, университетни битирувчилар ўқув предмети соҳрасида, кейинчалик ўрта мактабда ўзлари ўқитишлари лозим бўлган фан асослари юзасидан хийла пухта тайёргарлик кўрган бўладилар. Шу билан бирга, университетни битирувчилар, одатда, методикадан, профессионал-педагогик тайёргарликдан оқсайдилар, мактабда ишлаш учун психологик жihatдан яхши хозирлик кўрмаган бўладилар.

Олий педагогика мактаблари — педагогика институтларини битирувчилар университетни битирувчиларга нисбатан предметлар юзасидан камроқ илмий тайёргарлик кўрадилар, аммо профессионал-педагогик масалаларда сира қийналмайдилар.

Кўпгина мамлакатларда у ёки бу системанинг (университет ёки педагогика института) афзаллиги хусусида бир неча бор баҳслар бўлди. У ёки бу системани такомиллаштириш, улардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасида изланишлар олиб борилди. Табиийки, бундай такомиллаштириш таълим мазмунига—ўқув плани ва программасига, педагогик практиканинг характери ва ҳажмига дахлдор бўлар эди. Уқитувчилар тайёрлашнинг ўзида ҳам мавжуд қарама-қаршиликларни бартараф қилишга қаратилган бир қанча ўзгаришлар киритилди.

Масалан, асосан университет орқали ўрта мактаб ўқитувчилари тайёрланадиган Францияда (олий\*росмана мактабларнинг студентлари жуда кам сонни ташкил қилар эди) университет даражасидаги маълумот билан ўқитувчилар тайёрлашда қуйидагича тартиб ўрнатилган эди. Университет курси хали мактабда даре бериш ҳуқуқини бермайди. Урта мактаб ўқитувчиси бўлишни хоҳлаган битирувчилар конкурс имтиҳонлари топширадилар ва тажрибали ўқитувчилар раҳбарлиги остида бир йиллик меҳнат стажировкасини ўтайдилар. Бу стажировка соф амалий характер касб этиб, стажировка давомида педагогик тартиб бўйича назарий тайёргарлик жуда кам ҳажмда олиб борилган. Стажировка охирида ўқитувчиликка номзодлар ҳисобот дарслари ўтганлар ва имтиҳонлар топширганлар. Маца шу имтиҳонлар ва гоҳо конкурслар, стажёрнинг иши ҳақидаги характеристика асосида унга ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш ҳуқуқини берган.

Франция университетларининг бир қанча факультетларида студентларга педагогик-профессионал таълим бериш иккинчи курсдан кейин режалаштира бошланади. Уқитувчи бўлишни хоҳлаган студентлар университет

кошида тузилган ўқитувчилар тайёрлайдиган институтларга қабул қилинади. Бирок студентларни тайёрлаш усули жihatидан ҳам бу институтнинг бошқа институтлардан деярли фарқи йўқ. Даставвал студентлар ўз университетларининг программасини тугаллайдилар, сўнг-ра бир йиллик меҳнат стажировкасини ўтайдилар. Бу тоифа институтлар фақатгина бир хусусияти билан бошқалардан фарқ қилади, чунончи унда таҳсил олган талабалар институтни битиргандан кейин 10 йил мактабда ишлаб бериш эвазига ўқув даврининг бошидан охиригача стипендия билан таъминланадилар. Уқитувчилар тайёрлаш бўйича институтларга қабул қилиш ҳам конкурс орқали амалга оширилади.

Бу хилдаги стажировка системаси ГФР даги университет ва олий педагогика мактабларида ҳам мавжуд.

АҚШ университетларида ўқитувчилар тайёрлашда олий таълимнинг кўп босқичли характери билан боглик, бўлган айрим хусусиятлар АҚШ да халқ маорифида ягона система бўлмаганидек, ўқитувчилар тайёрлашда ҳам бир бутун система йўқ. Нафақат турли штатларда, ҳаттоки биргина штатнинг ичида ҳам ўрта мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган турли типдаги ўқув юртлари фаолият кўрсатади. Бу тайёргарликлар тўрт йиллик ўқитувчилар коллежлари, эркин санъат коллежларида, беш йиллик маълумот ҳажмидаги университетларда, кўп соҳали коллежларда олиб борилиб, студентлар дастлабки икки йилда умумий таълим берувчи тайёргарликдан ўтадилар ва кейинги икки йилда университет бўлишларида таҳсил оладилар. Баъзи университетларда ҳам университет коллежидаги умумий маълумот берувчи икки йиллик тайёргарликдан кейин студентларнинг бир қисми университет кршидаги икки йиллик педагогик мактабга ўтказиб юборилади. Шу нарсани қайд этиб ушбу лозимки, коллежлар, университетлар, педагогика мактабларида ўрта мактабнинг юқори синфлари учун ўқитувчи тайёрлайдиган бўлимлар билан бир қаторда бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайдиган бўлимлар ҳам бор. Баъзан булар биргина бўлим доирасида ихтисослаштирилади. Бу эса, АҚШ даги шарт-шароитда ўқитувчи кадрларни тайёрлаш системаси, худди социалистик мамлакатларда бўлгани каби, жипслаша бориб, ўзининг синфий характерини йўқотади, деган гап **»MBC.** Агар Францияда халқ учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва ижтимоий тузум доирасидаги мактаблар учун **\миу!!чн** кадрлар тайёрлаш мазкур тузумнинг ўзида.



педагогика билим юрларининг типларидаёқ, бир-бири билан қарама-қарши қйлиб қўйилса (росмана мактаб— университет), АҚШДа олий педагогик таълим системаси типлар орасидаги тафовутлар билан эмас, балки алоҳида ўқув юрлари ўртасидаги тафовутлар билан шарт қилиб қўйилади: бир хил университет ва коллежлар имтиёзли, катта обрўга эга ва ўқиш ҳақининг ўта юқориликдан таъминоти яхши бўлмаган абитуриентлар кириб ўқиёлмайдиган даражада бўлса, бошқа хиллари кичик, арзимаган, гарчи ўқиш ҳақи камроқ бўлса ҳам, маълумот беролмайдиган ўқув юрларидир. Битирувчиларнинг планли тақсимоти йўлга қўйилмаган бундай шароитда бошланғич мактаблар (хусусан, чекка районлардаги қишлоқ жойларда) чекига унча чуқур маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар тушади.

Социалистик мамлакатларда ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш университетларнинг умумий факультетларида бўлгани сингари (гуманитар ва аниқ фанлар) педагогика институтларида ҳам амалга оширилади. Хар икки ҳолда ҳам бўлажак ўқитувчилар таълим олаётган фанлари бўйича ва психологик-педагогик туркум бўйича чуқур тайёргарлик кўрадилар, хар тарафлама касбга оид практикани ўтайдилар.

Ўқитувчи кадрларга қаттиқ эҳтиёж сезиладиган ривожланаётган мамлакатларда студентларни чет элда ўқитиш ўрта мактабларни кадрлар билан таъминлашнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қйлади. Хусусий педагогика ўқув юрлари ва университетларига келганда эса, улар ё метрополиядан қолган олий мактаб намуналарини ўзига намуна қйлиб олади, ёки социалистик мамлакатлардаги худди ўшандай олий мактабларга таъсир қйлиб, тараккиёт йўлини танлайди.

**Тўлиқсизурта мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш** Одатда, 5-7 ёки 7-10-синфлари ичига камраб олган туликсиз ва қуйи ўрта мактаб учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш системаси ҳоят мураккаб ва зиддиятларга бойдир.

Капиталистик мамлакатлар халқ маорнфи системаларида бу тоифадаги мактаблар энг мураккаб ижтимоий қарама-қаршиликлар манбаи ҳисобланади: маориф соҳасида синфий кураш худди мана шу ердан мадад олиб, тармоқ ёяди. Хукмрон синфлар зурёдлар учун олий мактабга, билим чўкқилари сари олиб борувчи йўлни саклагани ҳолда мамлакатнинг ёш авлоди ҳаёт йўлини бўлиб-бўлиб юборишга, кенг халқ, оммасини

замонавий техника ва экономика талабларига мопанд даражадаги, аммо олий мактабда ўқишни давом эттириш учун етарли бўлмаган билим билан худди мана шу участкада чегаралаб қўйишга ҳаракат қйладилар.

Бир қатор капиталистик мамлакатларда таълим бериш даражаси, ўқитиш методикаси, ҳаёт тарзига қараб турли-туман бўлган тўлиқсиз ва қуйи ўрта мактабларнинг бир қанча типлари яратилган. Шунга биноан, ўқитувчилар ҳам турли даражада тайёрланадилар. Бу нарса Англиядаги ўқитувчи кадрлар тайёрлаш системасида ўзининг анча ёркин ифодасини топган. «Ун бир йиллик учун топширилган имтиҳон» дан сўнг нисбатан кам сондаги ўқувчилар, асосан, ижтимоий тузумга мойил қатлам вакиллари келадиган грамматик мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш худди ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун бўлганидек, университетларда ҳам амалга оширилади. Замонавий, оммавий, таълим ҳажми чегараланган мактаблар учун ўқитувчи кадрлар худди бошланғич мактабларникидек тайёрланади, холбуки, улар предметлар бўйича даре беришлари ва 12—16 яшар ўсмир болаларни тарбиялашлари керак.

Францияда ҳам аввал худди шундай: 14 яшар лицей ўқувчисини университет битирувчиси ўқитади, умумий таълим коллежи ёки бошланғич мактабнинг қўшимча синфларида ўқийдиган 14 яшар ўқувчини росмана мактабнинг битирувчиси ўқитади.

Япония АҚШ сингари бир қанча капиталистик мамлакатларда қуйи ўрта мактабларнинг ягона тип мавжуддир. Бу мамлакатларда бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, одатда, биргина бўлим, факультет, коллежларнинг ўзидагина олиб борилади. Бошланғич мактабда ишлаш учун тайергарликни олгач, битирувчи бир вақтнинг ўзида бирикки фан бўйича ихтисосга эга бўлади. Табиий, бундай шароитда дарелар сони шунчалик ортиб кетадики, нагижада па бошланғич, на тўлиқсиз ўрта мактаб учун ўқитувчи етишиб чиқади. Оммавий қуйи ўрта мактаблар билан бир қаторда яхши жиҳозланган ва ўқиш ҳақи анча юқори бўлган шахсий мактаблар ҳам мавжуд, Бундан ит доирасида маълумоти бўлган малакали ўқитувчилар танлаб олиш имконини берадилар. Капиталистик мамлакатларда тўлиқсиз ўрта мактаблар учун ўқитувчи Вчлар тайёрлашнинг паст даражаси тараккийпарвар кучларнинг норозилигини ва олий ўқув юрларида барча босқич мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш

борасидаги кучайиб бораётган талабларини юзага келтирмесада.

Урта синфлар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш проблемаси социалистик мамлакатларда бошқача хал этилаётир. Бу ерда халқ маорифи социалистик системасининг асосий принциплари амал қилади — бу мактабларнинг ягоналик принциpidир ва, ўз навбатида, урта синфлар ўрта мактабнинг юкрий синфлари билан ўз-ўзидан боғланиб кетади. Шу боисдан тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси (баъзан ашула, раем, жисмоний тарбия сингари предмет ўқитувчиларидан мустасно) ўрта мактабнинг юкори звенolari ўқитувчилари сингари тайёрланадилар. Бу кридага кўпроқ СССР, Болгария, ГДР да изчил амал қилинмоқда. Чехословакия ва Венгрияда шундай крида борки, бунда бошланғич мактабнинг бўлажак ўқитувчиси бир йўла ягона мажбурий таълим мактабларининг юкрий синфларида (олтинчи—тўккизинчи синфларда) бир-икки предметдан даре бера оладиган қилиб тайёрланмоқда. Келажакда барча синфлар учун предметлар бўйича даре берувчи ўқитувчи кадрлар тайёрлаш олий ўқув юртлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилган.

Кўпчилик капиталистик мамлакатларда (АҚШ ва Япония бундан мустасно) олий педагогика ўқув юрти сингари ўрта педагогика ўқув юртлари ҳам давлат муассасаси ҳисобланади ёки маҳаллий органларга—муниципалитет ва прецентураларга қарам бўлади. Англиядаги коллежларнинг кўпчилиги, Франциядаги барча росмана мактаблар давлатники ҳисобланади. Япониядаги 76 давлат университетларидан 54 тасида педагогика факультетлари ёки ўқитувчилар тайёрлайдиган факультетлар бор. Шу билан бирга, 300 та шахсий университетда (Васеда номли энг йирик университетни ҳисобга олганда) ҳаммаси бўлиб 10 та жисмоний тарбия факультети ва 2 — 3 та унча катта бўлмаган педагогика бўлими бор. Педагогик таълимнинг давлат характери шу билан изоҳланадики, бир томондан, ўқитувчи-ппг асосий вазифаси давлат таъсирини ёш авлодга халқ оммасига ўтказишдан иборат, икинчи томондан, педагогика коллежлари, росмана мактаблардаги студентлар сафи жамиятнинг хийла демократик, энг кам таъминланган қисми ҳисобига тўлдирилади, бу юкрий ўқиш ҳақи жорий этилиш имкониятини, хусусий ўқув юртларидан фақат бойлик орттириш учун фойдаланиш имкониятини чегаралайди.

Педагогика ўқув юртлари ташкил этишда черков ва бошка диний ташкилотлар каттагина роль ўйнайди. Хусусий ҳисобланган жуда кўп муассасалар худди шуларга қарашлидир. Англиядаги 157 педагогика коллежларидан 119 таси халқ маорифига қарашли, қолганлари, черков ташкилотлариникидир. Италияда барча ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган институтларнинг ярмидан купи католик черковига қарашли. ГФР даги педагогика мактаблари давлат ҳисобида бўлиб, улар бир-бирдан студентларининг католик ёки протестантликка мансублиги билан фарк қилади; бу ўқув юртларига раҳбарлик қилиш масалалари тегишли черков ҳокимияти билан келишилган ҳолда хал этилади.

Франция росмана мактабларининг ҳамма студентлари, инглиз педагогика коллежлари студентларининг аксарияти текин турар жой, овқат билан таъминланиб, шунинг эвазига мактабда камида 10 йил ишлаб бериш шартини қабул қиладилар. Бу ҳол, шубҳасиз, абитуриентларни кўпроқ ўзига жалб қилиб конкурега сабаб бўлади. Францияда ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики, росмана мактабларда ҳар йили конкурс бир ўринга 4 кишини ташкил этади. Инглиз ва Франция педагогика ўқув юртлари шароитида студентларни ётоқхона билан таъминлаш зарурий миқдордаги абитуриентларни жалб этиш зарурлиги ва мактаблар учун битирувчи кадрларни банд этиш билангина боғлиқ бўлиб қолмай, балки студентларга муттасил тарбиявий таъсир ўтказиб туришга ҳаракат қилиш билан ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, Англияда бу ҳол кўпроқ ёпик ўқув юртларининг анъанавий системасида намоён бўлади.

Ривожланган капиталистик мамлакатлардаги педагогик коллежлар ва росмана мактаблар айрим-айрим ҳолда ўқитиш билан бир қаторда аралаш ҳолда ўқитиш ишларини ҳам йўлга қўйган. Франциядаги қонун бўйича ҳар бир департаментда битта қизлар ва битта ўғил-болалар росмана мактаби бўлиши кўзда тутилган. Мажбурий таълим ўқитувчиларининг катта кўпчилигини барча тараккий этган мамлакатларда хотин-қизларнинг этишини ҳисобга олсак, демак, шундай педагогика ўқув юртларининг студентлари ичида ҳам улар кўпчиликни ташкил қилади. Англиядаги 157 коллежнинг 18 тасида йигитлар, 16 таси аралаш, қолганларида қизлар таълим олади. Бошланғич ва куйи ўрта мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган Япония кичик коллежлари студентларининг 80% ини қизлар, 20% ини утил болалар ташкил этади.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари умумий таълим маълумоти бўлиши мумкин. Инглиз коллежларида, одатда, 150 — 200 киши, Франция росмана мактабларида ўртача 200 киши тахсил кўради. Хусусан, шахсий педагогика ўқув юртлари жуда ҳам жузъийлашиб кетган. Масалан, 1970 йилда Италияда битта давлат ўқитувчилик институтига қарийб 600 студент, битта шахсий институтга эса 150 студент тўғри келган эди.

## ПЕДАГОГИКА УҚУВ ЮРТЛАРИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИ

Ўқитувчи тайёрлаш системасининг самарадорлиги на фақат педагогика ўқув юрти типининг қулайлиги, ўқиш муддати билан, балки кўпроқ педагогик таълимнинг мазмуни билан белгиланади.

Педагогика ўқув юртларида таълим мазмуни умумий таълим ва профессионал педагогик ихтисос юзасидан тайёргарликдан, шунингдек, предмет бўйича ихтисослашадиган иборат. Шунга мувофиқ, ўқув плани, одатда, предметларнинг уч циклидан: умумий таълим, махсус ва педагогик цикллардан иборат бўлади. Бу циклларнинг йиллар бўйича тақсимланиши турли мамлакатларда турлича. Франциянинг нормал мактабларида, АҚШ нинг бир қатор коллежлари ва университетларида умумий таълим тайёргарлиги дастлабки икки курсда жамланган. Купчилик социалистик мамлакатлар, шунингдек, Англия ва Япония ўқув юртларида касбга оид ва махсус цикл предметлари билан турли вариантларда қўшилган ҳолда бутун ўқув йилларига барабар тақсимланган. Уқув планларида цикл доирасида мажбурий курслар билан танлашига кўра курсларни қўшиш кўзда тутилган.

**Бўлажак ўқитувчиларни умумий таълим маълумоти даражасини оширишдан ташқари, бўлғуси таълим бўйича тайёрлаш** ўқитувчиларни гоёвий-сиёсий тайёрлашни таъминлаш даркор. *Социалистик мамлакатларда* ўқитувчилар тайёрлашда партия тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм курсларида марксча-ленинча назарияни ўрганиш муҳим ўрин тутди.

Социалистик мамлакатларнинг коммунистик ва ишчи партиялари ҳужжатларида педагогика ўқув юртларида марксча-ленинча назарияни ўрганишни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш масалаларига кўп эътибор берилди.

*Капиталистик мамлакатларда* бўлажак ўқитувчиларни сиёсий тарбиялашда умумий таълим цикли таркибига кирадиган ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий предметлар маълум роль ўйнайди. Капиталистик мамлакатлар ўқув юртларида (педагогик) қуйидаги предметлар турлича қўшиб ўқитилади: тарих, география, социология, ҳуқуқ, фалсафа, сиёсий иқтисод, ижтимоий фикр тарихи ва бошқалар. Уларнинг ҳаммаси расмий буржуа мафкураси руҳида талкин қилинади. Масалан, америка педагогика олий ўқув юртларида ижтимоий предметлар жамият тараққийнинг буржуача, антимарксистик талқини беради, «америкача» ҳаёт тарзини, америка ташқи сиёсатини улуғлайди, бошқа халқларнинг, айниқса социалистик мамлакатлар халқлари тарихи ва географиясига дойр маълумотларни бузиб кўрсатади.

Италия, Испания, Англия ва бошқа бир қанча мамлакатларда бўлажак ўқитувчиларни ахлоқий-сиёсий тайёрлашда дин маълум роль ўйнайди. Дин фақат черковга тегишли институтлар ва коллежлардагина эмас, балки айрим давлат ўқув юртларида ҳам мажбурий предмет ҳисобланади. Уни ўрганишга ўқув вақтининг 10% гача қисми ажратилади.

Умумий таълим предметлари циклига, шунингдек, чет тилини ўрганиш ва жисмоний тарбияни киритиш ҳам лозим. Бир қатор мамлакатларда педагогик мактаблар ва коллежлардаги умумий таълим циклига умумий таълим мактабида ўрганиладиган деярли барча предметлар қиради. Тўлиқсиз ўрта мактаб замида қурилган (Франциянинг росмана мактаблари ва бир қатор социалистик мамлакатлардаги педагогик ўқув юртлари) ва тингловчиларнинг тўлиқ ўрта маълумотини тугаллаш вазифасини бажарадиган педагогик ўқув юртлари учун бу табиий ва зарурдир. Бирок АҚШ педагогик коллежларига ўрта маълумотли шахслар қабул қилинишига қарамай, мазкур предметлар ўргатилади. АҚШ да бу на фақат ўқитувчилар тайёрлаш системасига, балки, умуман, олий мактабга хосдир: пастки икки курсда студентлар, одатда, умумий таълим тайёргарлигини ўтайдилар. Бу таълим электив (ҳар хил назарияларни аралаштириб қўллаш) принципни қўллаш туфайли, яъни ўрта мактабни битирувчи айрим ўқувчилар муҳим умумий таълим предметларини ўрганмаслиги оқибатида қандайдиган билимидаги камчиликларни тўлдирishi мумкин беради. Умумий таълим мактабида инглиз тилини ўрганиш мажбурий бўлса-да, шундай жиддий камчиликлар борки, ДҚШ даги барча коллежларда, соҳаси

ва факультетига қарамай, инглиз тили курсини кири-тишга тўғри келади; курс 96 соатдан 224 соатгача вақт олади.

Албатта, педагогика коллежларида умумий маълумот берадиган предметларни ўқитиш ўқувчиларнинг билимидаги камчиликларни тўлдириш билан чекланмайдн. У ўз олдига ўқувчиларга барча предметлардан анча юқри илмий даражада билим беришни, умумий маълумот доирасини кенгайтиришни мақсад қилиб қўяди. Инглиз тили ва ижтимоий предметлардан ташқари, математика, биология, бир қатор коллежларда биофизика, геология, астрономия ва х. к. мажбурий курс ҳисобланади.

**Бўлажак ўқитувчиларни махсус цикллар умумий таълим циклига таъинлаш** лари билан кўпинча узвий боғлиқ бўлиб, унинг асосига қурилади, уни тўлдиради ва ривожлантиради. Бўлажак ўқитувчилар учун бирор масала бўйича чуқурроқ билимга эга бўлиш на фақат унинг шахсий маънавий маданияти, балки педагогик касбининг махсус қуроли ҳамдир.

Бошланғич мактаб ўқитувчиси бу мактабда ўтиладиган барча предметлардан, жуда чуқур ва кенг бўлмасда, барпбир маълум билимга эга бўлиши даркор. Урта мактаб ўқитувчиси бир-икки предмет юзасидан билимга эга бўлиши зарур, бироқ ҳозирги замон талабларига кўра жуда чуқур бўлмоғи, замонавий фан тараққиёти даражасида турмоғи лозим. Педагогика ўқув юртларининг махсус цикл бўйича ўқув плани шунга мое ҳолда тузилади.

Бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрланадиган коллежлар, бўлимлар ва росмана мактабларда юқри курсларнинг махсус цикл бўйича ўқув планига бошланғич мактабда ўтиладиган барча предметлар қирадн. Кўпгина ҳолларда булар пастки қуреларда ўтилган умумий таълим предметлари бўлиб, энди улар анча чуқур, асосли тарзда уларни ўқитиш методикаси билан қўшиб ўтилади.

Тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчилари ҳам бошланғич мактаб ўқитувчилари тайёрланадиган жойда ўқитиладиган мамлакатларда студентларга, одатда, ихтисослашиши учун икки-уч предметни танлаб олиш имкони мавжуд. Бу ерда махсус предметларни маълум даражада тармоқларга бўлиш мумкин. Махсус предметлар ўрта мактаб учун предмет ўқитувчиларини махсус тайёрлайдиган университетлар ва олий педагогика ўқув юртларида янада қупрок, тармоқларга ажратилади, Бу ердэ

танлаш принципи ўқитувчилик касби билан боғлиқ эмас, чунки, у бу факультет ёки бўлимни танлаганда белгиланади. Бироқ кўпгина мамлакатларда факультет ичида бу принцип сақланади: студент ихтисосига алоқадор ҳамма предметларни эмас, балки танлашига кўра айримларини ўрганишга мажбур. Социализм мамлакатларида танлаб ўрганиладиган предметлар салмоғи нисбатан унча катта эмас, электив принцип асосан махсус курс ва махсус семинарларга тегишли бўлиб, студентнинг ўқитувчилик қобилиятини эмас, балки илмий ихтисослашишига, илмий қизиқиши ва қобилиятини ўстиришга кўмаклашади. Капиталистик мамлакатларнинг кўпгина олий ўқув юртларида электив принципнинг ҳукмронлиги шунга олиб келадики, студент махсус цикл бўйича курснинг ўта тор бўлимларини ўрганиш учун танлайди. Бу кенг, системали илмий маълумот олишга ҳақикат беради, бўлажак ўқитувчиларнинг махсус тайёргарлигини тўлиқсиз, фақат амалий қилиб қўяди.

Ўқитувчини махсус тайёрлашда кенг ва тор соҳа бўйича тайёрлаш проблемаси хийла мураккаб проблемадир. Ўқитувчининг таълим берадиган предметларидан кенг ва чуқур билимли бўлиши нуктаи назаридан студентларни ортикча юкламаслик нуктаи назаридан предмет ўқитувчисини бир предмет ёки жуда яқин предметлар (она тили — адабиёт, физика — астрономия, тарих — жамиятшунослик) бўйича тайёрлаш энг мақсадга мувофиқ ва самарали бўлур эди. Бироқ айрим объектив ҳолатлар предмет ўқитувчисини икки, уч, баъзан эса тўрт предмет бўйича тайёрлашга мажбур этади. *Социализм мамлакатлари* шароитида бу ахрлининг жойлашиши, кўплаб кичик кишлок мактабларининг мавжудлиги, параллел синфи бўлган кичик ўрта мактабларнинг борлиги билан изоҳланадики, бир предмет бўйича ўқитувчи тўла қувват билан ишлай олмайди. Социалистик кишлокни иқтисодий ва маданий қайта қуришлар, мактабларни йириклаштириш яқин келажакда предмет ўқитувчиларини тайёрлашнинг бундай системасидан воз кеншга имкон беради.

*Капиталистик мамлакатлар* шароитида ҳам кичик кишлок мактаблари мавжуд. Бироқ у ерда кенг соҳали ўқитувчини тайёрлашнинг бошқа педагогик сабабдан Қура кўпроқ ижтимоий сабаблари ҳам бор. Ҳукмрон доираларнинг оммавий бошланғич ўрта мактабининг таълим даражасини пасайтириб туриш тенденцияси синтезлик предмет деб юритиладиган предметларда ўз аксининг топади. Масалан, Япониянинг кичик ўрта мактабида

Ўқитишнинг еттинчи-тўққизинчи йилида биология, физика, химия, геология, астрономия бўйича узук-юлук билимлар, маълумотларни ўз ичига олган табиатшунослик синтетик курси ўқитилади. Жамиятшунослик курси тарих, география, ахлоқ, гражданшунослик элементларини бирлаштиради. Табиийки, предметларнинг бундай жамламасини ўқитиш учун ўқитувчи тайёрлаш анча кенг соҳалар бўйича таълим беришни тақозо этади, амалда эса ўқитувчилар тайёрлаш ва ўқитиш даражаси жуда паст. Кенг соҳали ўқитувчини тайёрлашга, шунингдек, ўқув планларининг кўп предметлилиги, ўқув куролларининг кўп тармоқлилиги ҳам тақозо этади. Агар АҚШдаги барча ўрта мактабларнинг турли ўқув планларини бирлаштирилса, ўрта мактабнинг юқори сиифларида бир неча юзлаб ўрта тор ва амалий курслар мавжудлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, капиталистик мамлакатлар шароитида на фақат бошлангич мактабга, балки юқори ўрта мактаб учун кенг ихтисосли ўқитувчилар тайёрлаш ҳам мактаб сиёсати, умумий таълим мактабидаги таълим мазмунининг айрим хусусиятлари билан боғлиқ.

**Бўлажак ўқитувчиларни педагогик ихтисос бўйича тайёрлаш** мамлакатларда ўқитувчиларни педагогик цикл бўйича тайёрлаш ҳам назарий, ҳам амалий қисмлардан иборат. Циклнинг назарий қисми *социалистик мамлакатларда* ҳам ўрта, ҳам олий педагогика ўқув юртлирида бир ёки бир неча психология курсларини (умумий психология, болалар психологияси, ўқитиш психологияси), педагогика, педагогика тарихи, хусусий методикалар, шунингдек, психология, педагогика ва хусусий методикалардан махсус курс ва махсус семинарларни ўз ичига олади. Педагогика курсидан баъзан «Ихтисосга кириш», «Ўқитиш тазарияси» ва «Тарбия назарияси» алоҳида курс тарзида ажратилади, бироқ педагогика фанларининг изчил системаси вужудга келган бўлиб, унда тарбиянинг марксча-ленинча фалсафий асослари, ўтмишдаги тарбиянинг тарихий тажрибасини ўрганиш студентни ўқитувчилик касбига конкрет амалий тайёрлаш билан қўшиб олиб борилади.

*Капиталистик мамлакатлардаги* ўқитувчи тайёрлаш системасидаги педагогик циклнинг умумий хусусиятлари педагогика назариясини етарли баҳоламаслик, тарқоқлик ва курсларнинг утилитарлиги, электив принципнинг кенг тарқалганлигидир. Биринчи хусусият айниқса ўрта мактабнинг юқори сиифлари ўқитувчиларини тан тайёрлашга хосдир. Франция ва бошқа мамлакатлар ун-

верситетлари ўқув планида умуман педагогик курслар ва хусусий методикалар йўқ, у кўпчилик факультетлар психология курсига ҳам эга эмас. Француз росмана мактаби илгаридан касбга оид яхши тайёргарлик бериши билан машҳур; бу ерда барча предметларни ўқитишда педагогик йўналганлик кучли, педагогик практика яхши йўлга қўйилган. Аммо нормал мактабда ҳам педагогикачгинг назарий курслари ўқув планининг 9—10% инигина эгаллайди. Педагогика тарихи курсида фақат француз мактаби ва педагогикаси тарихи ўрганилади, бошқа мамлакатларнинг педагогик тажрибаси инкор этилади.

Педагогик курсларнинг ўта бўлиниб кетганлиги Япония ва АҚШ каби мамлакатларга хос. Япониядаги кўпгина университетларнинг бошлангич мактаблар ўқитувчилари тайёрлайдиган факультетларида қуйидаги сингари предметлар ўрганилади: бошлангич таълим принциплари, ўрта таълим принциплари, болалар психологияси, ўқитиш психологияси, таълим мазмуни, ўқитиш методлари, ўқувчиларга раҳбарлик қилиш, мактабни бошқариш, мактаб маъмурияти, ижтимоий тарбия, тарбия фалсафаси, педагогика тарихи, таълим социологияси, мактаб гигиенаси, педагогик баҳо, ўқитишнинг социал психологияси ва бошқалар. Улаодан фақат уч-беш предмет мажбурий бўлиб, қолганларни группаларга бўлинган, студент ҳар бир группадан бир предметни танлаб олишга мажбур. Шундай қилиб, студент педагогика тарихи ёки таълим мазмуни масалаларини мутлақо ўрганмай туриб педагогика ўқув юртини битириб чиқиши мумкинки, бу ўқитувчининг тайёрлик сифатига таъсир қилмай қолмайди.

Педагогика назариясини ўрганишда электив методнинг кенг қўлланиши студентларнинг педагогик маълумотини системасиз қилиб қўяди, илмийлигига путур етказди. Бирмунча вақт аввал АҚШнинг кўпгина университетлари ва педагогика коллежларида педагогик цикл бўйича мажбурий предмет умуман йўқ эди. Масалан, Колумбия университетининг педагогика коллежича студентларга танлаб олиш учун психологиядан 10 та, педагогикадан 10 та предмет хавола этиларди; ҳар бир I группадан студент хоҳлаган икки предметни танлаб олиш лозим эди. Кейинги вақтларда психологик-педагогик циклдан бир қатор предметлар барча студентлар ўрганншлари учун мажбурий қилиб қўйилди.

Лини чокда Европанинг айрим мамлакатларида электив принцип авж олмоқд. Мажбурий предметлар сақ-

лантан ҳолда студентларга танлаб олиш учун тавсия этилаётган предметлар доираси кенгаймоқда.

Хусусий методикаларни студентлар\* юқорн курсларда педагогик практика билан параллел равишда ва у билан узвий боғлаб ўрганадилар. Урта педагогика мактабида махсус предметлар билан, ҳатто куйи курсларда умумий таълим предметларини ўрганиш билан боғлаб амалга оширилади. Масалан, Француз нормал мактабида ўқитишнинг учинчи йилида ўрганиладиган «Арифметика ва уни ўқитиш методикаси» курси бор.

Педагогик таълим мазмунини такомиллаштиришнинг жиддий масалаларидан бири педагогик практика ҳақидаги, унинг характери, ҳажми, ўтказиш муддати, унинг назарий предметлар билан муносабати ҳақидаги масаладир.

Турли мамлакатларда ва ҳар хил педагогика ўқув юртинининг ҳар хил типларида" ўқув педагогик практикаси ҳажми бир хил эмас. Француз росмана мактабларининг педагогик ихтисосидаги икки юқри курсида практика учун ҳаммаси бўлиб 20 ҳафта ажратилади. Италиянинг ўқитувчилар институтида студентлар фацат 6 ҳафтагина практика ўтказадилар. Англия педагогик коллежларида практика 12 ҳафта давомида ўтказилади. Гарчи турли коллежларда педагогик практика ҳажми бир хил бўлмаса-да, АҚШ коллежларида у катта ўрин тутати. Вашингтон штатидаги педагогик коллежлардан бирида, масалан, студентлар III курсдаёқ ҳар ҳафтада бир неча кун мактабда бўладилар; IV курсда педагогик практика чорак давомида ўтказилади, натижалар қониқтирмаса, кейинги чоракда ҳам такрорланади.

Университетларнинг студентлари — ўрта мактабнинг бўлажак ўқитувчилари анча кам амалий тайёргарликка эга бўладилар. Ҳатто педагогика факультетлари ёки ўқитувчилар тайёрлайдиган бўлимлари бўлган жойларда ҳам практикага 4—6 ҳафта ажратилади, холос. Ваҳоланки, уларда умумий ўқиш муддати педагогик коллежларга нисбатан ортик бўлади.

Бошқа факультетларга келсак, *капиталистик мамлакатлар* шароитида педагогикадан ўқув практикаси бутунлан йўх. Тўғри, уларни битирган киши ўқитувчилик практикасини олиш учун бир-икки йиллик стажёрлик практикасини ўтиши даркор. Аммо бу практика туб моҳиятн билан ўқув жараёнидан ташқарига чиқарилган, университет унга раҳбарлик қилмайди.

*Социалистик мамлакатларда* педагогик практикама

ташқил этишнинг турли вариантлари қўлланади. СССР нинг педагогика институтларида педагогик практикага юқори икки курсда 14—15 ҳафта ажратилади. Бундан ташқари, студентлар пионерлар лагерларида, педагогик практика ўтадилар, куйи курсларда ўқувчилар билан ижтимоий-педагогик ишлар олиб борадилар. Университетларда (ўқитувчи дипломини берадиган факультетларда) педагогик практика 6—8 ҳафтани эгаллайди. Венгрияда педагогик практика назарий машғулотлар билан параллел равишда олиб борилади. Урта мактаб ўқитувчилари тайёрлайдиган университетларда студентлар II курсда психологик практика (ҳафтасига 4 соат) ўтадилар, мактабда пионер ишларини олиб борадилар. Студентлар III курсда шу ишни давом эттириб, ундан ташқари, 5 даре ва синф раҳбарининг 5 соатида иштирок этиши шарт. V курсда студентлар ҳафтасига 12 соат давомида практика ўтадилар ва жойлардаги мактабларда 3 ҳафта практикада ишлайдилар. Практикани назарий куреларни ўтиш билан қўшиб олиб бориш бошқа социалистик мамлакатларда ҳам мавжуд.

Практика мазмуни хилма-хил: ўқувчиларни, ўқитувчиларнинг ишини, мактабнинг иш услубини кузатишда тортиб то бир, ҳатто бир неча синфларда ўқитувчи ўрнида ишлашгача. Масалан, Венгрияда жойлардаги мактабларда уч ҳафталик практика давомида студент камида 40 даре бериши керак.

„ Уқитувчи касбининг бошқа касбларга  
Уқитувчи малака- „ >.  
сини ошириш нисбатан купрок узига хос хусусияти  
ўқитувчи малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича мумтазам иш олиб боришнинг зарурлигидир. Бир томондан, фан тараккиёти ўқитувчиинг ўз илм хазинасини мунтазам янгилаб туришини, ўқувчиларга фан тараккиётининг ўтмиши учун эмас, ҳозирги босқичи учун характерли бўлган маълумотларни беришини талаб қилади. Бошқа томондан, инсон шахси ривожланишида олдинга силжиш юз бермоқда, ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиш методлари, таълим бериш методлари, ўқитишнинг моддий-техник базаси ўзгармоқда. Бу ўқитувчидам педагогик касбига дойр билимларини, кўникмаларини мунтазам янгилаб туришни, ривожланиб бораётган педагогика фанн билан бирга одимлашни талаб қилади.

Барча мамлакатларда ўқитувчилар малакасини ошириш проблемаси кескин бўлиб қолди. Малака ошириш марказлари, малака ошириш ицетитутлари ташқил этилмоқда, вақт-вақти билан малака ошириш курелари

системаси шаклланмоқда, мактабда методик иш авж олмоқда.

Шу муносабат билан сиртки таълим системаси ҳақидаги масала ҳам қўйилмоқда. Социалистик мамлакатларда ўқитувчиларни сиртдан ўқитиш системаси социалистик жамиятнинг янги ўқитувчилар армиясини етиштиришда муҳим роль ўйнайди, эски тузум шароитида маълумот олган ўқитувчиларни қайта тайёрлашга кўмаклашди, ўқитувчилар малакасини оширди, маданий революцияни муваффақиятли амалга ошириш шартларидан бири бўлди. Ҳозир сиртки таълим олдида асосий вазифа — бошланғич синф ўқитувчилари оммасига олий маълумот бериш вазифаси турибди. Шу билан бирга, сиртки таълим системасининг иши ўрта мактаб ўқитувчилари тайёрлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки ўқитувчи кадрлар масаласи тўлиқ ҳал этилган эмас ва ўқитувчилар орасида зарур малакага эга бўлмаган кишилар анчагина.

Ўқитиш мазмуни ва методикасини такомиллаштириш, ўқитувчи тайёрлаш сифатини ошириш проблемаси сиртки таълим системаси олдида ҳам, ўқитувчилар малакасини ошириш системаси олдида ҳам, педагогика ўқув юртларининг турғун системаси олдида ҳам қўндаланг турибди. Бу проблемани муваффақиятли ҳал этиш ҳозирги замон талабларига мос бўлган соҳа бўйича ва шундай малакага эга бўлган ўқитувчиларни етарли тайёрлашни таъминлайди.

## ХУЛОСА

Қиёсий-педагогик тадқиқотлар, махсус курс ва махсус семинарлар ўтказиш тажрибаси, шунингдек, педагогика институтларининг студентлари қиёсий педагогикадан ёзган курс иши ва диплом ишлари қиёсий педагогика педагогика фанларининг бир тармоғи сифатида бўлажак ўқитувчиларни психологик-педагогик тайёрлашни такомиллаштиришга ўз хиссасини қўшаётганлигини кўрсатди. Қиёсий педагогика студентларнинг педагогик назарияга, билимларни ижодий қўллашга, илмий-педагогик фаолиятга қизиқишини ўстиришга ёрдам беради, ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялашни педагогик назариясини ва амалиётини илмий таҳлил қилиш ўқув малакаларини ҳосил қилиш, илмий тадқиқот олиб бориш методларини эгаллаш, адабий манбалар билан мустақил ишлаш кўникмаларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Қиёсий-педагогик тадқиқотларда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга: инсоният тарихида янги эра очган Улуг Октябрь социалистик революциясининг жаҳон революцион жараёнига ва шу жумладан халқ маорифига улкан таъсирини очиб бериш; совет мактаби ва педагогикасининг халқаро аҳамияти, сифат жиҳатдан янги, социалистик маориф системасини, унинг қарор топиши ва ривожланишини чуқур тадқиқ этиш, ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия бериш назарияси ва амалиётининг марксча-ленинча тарихий тажрибасини умумлаштириш, социалистик мактаб ва педагогика қурилиши ва такомиллашишининг умумий белгилари ва қонуниятларини, турли мамлакатлар ва турли даврларда, тарихий ва миллий шароитга боғлиқ равишда маориф системалар, ўсиб келаётган авлодга таълим-тарбия беришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш. Буларнинг ҳаммаси социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари томонидан тўпланган тажрибани, социалистик педагогика назарияси ва амалиётини умумлаштириш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Фақат типик ҳодисалар ва фактларни илмий таҳ-

лил қилиш асосида халқ маорифи ахволи манзарасини яратиш ва реал воқеликни ҳисобга олган ҳолда, унинг кейинги тараққиёти тенденцияларини очиб бериш, социалистик маориф системасининг капиталистик маориф системасидан устунлигини таъкидлаш мумкин.

Социалистик мамлакатлар ахрлининг илгари эзилиб келган қатламларининг саводсизлиги ва маданий қолоқлигини бартараф этиб, меҳнатқашларнинг болаларига замонавий жамият талабларига мос даражадаги илмий билим олиш учун ҳуқуқ ва реал имконият берди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари болалар ва ёшларнинг ҳар тарафлама, гармоник ривожланиши, уларнинг таълим олиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди: болалар яслилари ва боғчалари, таълим олишда ҳаммага баравар ҳуқуқ; ўқувчиларни овқат, медицина хизмати, дарелик ва мактаб қурол-ашёлари билан таъминлаш; кутубхоналардан, Пионерлар уйлари ва саройларидан, клублардан ва болалар станциялари (ёш техниклар, табиатшунослар станциялари ва б.) дан, спорт стадионлари ва залларидан ва бошқа мактабдан ташқари болалар муассасаларидан текин фойдаланиш имконини берди.

Кўпчилик социалистик мамлакатлар мажбурий тўликсиз ўрта таълимни амалга оширди, улардан айримлари мажбурий тўлиқ ўрта таълимга ўтишни тугаллади ёки уни амалга оширишга киришмоқда.

Умумий таълим мактаби ўқувчиларга фан асослари, фикрлаш ва ақлий меҳнатнинг илмий методлари ҳақида маълумот беради, ўқишнинг ҳаёт билан, социалистик қурилиш амалиёти билан алоқасини амалга оширади. Социалистик мактаб илмий дунёқараш ва коммунистик ахлоқни шакллантиради, янги инсон — социализм ва коммунизм қурувчиси хусусиятларини тарбиялайди.

Социалистик мамлакатлар мактаби турли тарихий ва миллий шароитларда ёшларга политехник таълим ва меҳнат тарбияси беришнинг марксча-ленинча назариясини амалга ошириш борасида катта тажриба тўплади. Политехник таълим ва меҳнат тарбияси — умумий таълимнинг социалистик мамлакатларда ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг янги авлодини тайёрлашнинг муҳим таркибий қисмидир.

Капиталистик мамлакатларда тамомила бошқа манзарани кўрамиз. Капитал мамлакатларнинг бирортасида ҳам меҳнатқашлар оммасига фан ва маданият эшиги очик эмас. Хатто энг ривожланган мамлакатлардан бири — АҚШ да 23 млн. «функционал саводсиз» деб

аталадиганлар, яъни билим даражаси кундалик ҳаётнинг энг оддий талабларига ҳам жавоб беролмайдиган граждандлар бор, улар орасида — ҳар саккиз ўқувчидан бири 17 ёшда; 51 млн. катта ёшдаги аҳоли тўлиқ ўрта маълумот олган эмас, 15 млн. киши саккиз синфдан паст маълумотли. Капиталистик мамлакатларда болалар ва ўсмирлар жинойатчилиги офат даражасига етди.

Меҳнатқашлар болалари учун мактаблар ўқувчиларга энг оддий билимларни беради. Тараққийпарвар кучлар талаби билан ўтказилган 60- йиллардаги маориф реформаси буржуазиянинг таълимга ҳукмронлигини сақлаб қолиб, капиталистик мамлакатларнинг маориф системасига амалда ҳеч бир янгилик киритмади. Ёшлар, ўқитувчилар ва бошқа дипломли мутахассислар орасида ишеизликнинг ўсиши муносабати билан буржуа педагогикасининг айрим вакиллари «60- йилларда маорифда йўл қўйилган энг қўпол ва ачинарли хатолардан бири — бу университетларда олий таълимнинг рағбатлантирилиши ва ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар таълимига беписанд қарашдир», деб ошқора айтмоқдалар.

Капиталистик мамлакатлар мактаби чуқур инқирозга юз тутганлигини тан олган ҳолда, буржуа педагогикасини маориф кризисини капитализмнинг умумий инқирозининг таркибий қисми деб қарамайди, унинг ижтимоий илдиэларини очмайди. Буржуа мафкурачилари маориф кризисини капитализмнинг умумий кризисидан ажратиб кўрсатишга уриниб, маориф кризисининг турли концепцияларини илгари сурмоқдалар: «маориф системаларининг замонавий талабларга номувофиқлиги» концепцияси (Филипп Кумбс, Жан Тома, Род Бойсон, Майкл Бакалис, Кеннет Ричмонд, Бернерд С. Ватсон, Чарлз Е. Силберман, Жеймс К- Веллингтон ва б.); жамият «сустлиги» ва маориф системаларининг янгиликлар киритиш ва ўзгаришларга «қаршилиги» концепцияси (Ивор Морриш, Норман Гобл, Жеймс Портер, Грегори Р. Фаррел, Давид Райзман, Поль Морт, Жан Тома, Филипп Кумбс ва б.); «маблаг етишмаслигининг кескин сезилиши» концепцияси (Филипп Кумбс, Б. Офанел Смит, Дональд Орлоски, Норман Бесвик, Томас Е. Жордан, Эрнест Л. Бойр) ва бошқалар.

Буржуа мафкурачилари турли реакцион сиёсий, социологик, педагогик ва бошқа назариялар ёрдамида яна «маорифнинг» биологик шартланган «чегаралари» ҳақида гапирмоқдалар, бўлажак ишчини тайёрлаш воситаси корхона эгасига максимал фойда келтирадиган ва капиталистик ишлаб чиқариш шароитига мослаша олади-



ган, бўлғуси ишчини тайёрлаш воситаси сифатида «очик мактаблар»ни, «норасмий маълумот»ни «меҳнат дунёсига кириш» ни фаол тарғиб қилмоқдалар. Уқувчи ёшлар онгини коммунизмга қарши руҳда тарбиялашни кучайтириш мақсадида буржуа педагогикаси яна олдинги планга «тарбиянинг таълимдан устунлиги»ни сурмоқда. Билимнинг революционлаштирувчи кучи олдида ваҳимага тушиб капитализм идеологлари ўқувчи ёшларни тарбиялаш системасига энг реакцион ғоя ва концепцияларни: миллатчилик, шовинизм, реваншизм, ирқчиликни сингдирмоқдалар; ёшларни кўрқинч ва агрессивлик руҳида тарбиялашга интилоқдалар.

Бошқа ижтимоий фанлар каби қиёсий педагогика ҳам жаҳон майдонида капитализм билан социализм ўртасида маориф соҳасида олиб борилаётган ғоявий курашнинг олдинги чизиғида турибди. Ёшларга таълим-тарбия беришнинг реакцион буржуа концепцияларини танқидий анализ қилиш, марксча-ленинча педагогика ва таълимнинг социалистик системасини антикоммунистик сохталаштиришни фoш этиш, шунга ўхшаш ҳамма ва ҳар қандай ҳамлаларга кескин зарба бериш, социалистик педагогика ва мактаб тўғрисидаги ҳақиқатни ва уларнинг капиталистик мактаб ва педагогикадан устунлигини актив ташвиқ этиш социалистик мамлакатлар педагогларининг принципнал бурчи, уларнинг тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун курашининг муҳим тарқибий қисмидир.

## Д У П Д А Р И Ж А

### Сўз боши

**I б о б . Қиёсий педагогика предмети, вазифаси ва тадқиқот методлари**

Қиёсий педагогика тараққиётининг асосий босқичлари .  
Қиёсий педагогика предмети . . . . .  
Қиёсий педагогиканинг методологик асослари , . . . .  
Қиёсий педагогиканинг вазифалари . . . . .  
Қиёсий педагогиканинг тадқиқот методлари . . . . .  
Қиёсий педагогика ўқув предмети сифатида . . . . .

**II б о б ; Социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда мактаб сиёсати ва халқ маорифи системасини ташкил этишнинг асосий принциплари.**

Улур Октябрь социалистик революциясига қадар жаҳон мамлакатларида маориф тараққиёти шароитлари .  
Европа социалистик мамлакатларида халқ маорифининг қарор топиши ва ривожланиши. Социалистик мамлакатларда мактаб сиёсатининг асосий йўналиши .  
Капиталистик мамлакатлар мактаб сиёсатининг асосий йўналишлари . . . . .  
Социалистик мамлакатларда халқ маорифи системасини ташкил этишнинг асосий принциплари . . . . .  
Капиталистик мамлакатларда маориф системасини ташкил этиш принциплари . . . . .  
Ривожланаётган мамлакатларда мактаб сиёсати ва мактабни ташкил этиш принциплари . . . . .

**III б о б . Социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда маориф системалари ва мактаб реформалари.**

Европа социалистик мамлакатларида маориф системалари структураси . . . . .  
Социалистик мамлакатларда мактаб реформаси . . . . .  
Капиталистик мамлакатлар таълим системасининг характеристикаси . . . . .  
Капиталистик мамлакатларда таълимнинг инкирози . . . . .  
Капиталистик мамлакатларда таълим реформалари . . . . .  
Коммунистик ва ишчи партияларнинг ёшларни ўқитиш ва тарбиялашни демократлаштириш учун кураши . . . . .  
Ривожланаётган мамлакатларда таълим реформаси проблемаси . . . . .

**IV б о б . Педагогикада социалистик ва буржуа идеологларининг кураши.**

Марксча-ленинча педагогикада тарбиянинг мақсад ва вазифалари . . . . .  
Буржуа педагогикасида тарбиянинг мақсад ва вазифалари . . . . .  
I . 8 IV  
Ҳозирги замон буржуа педагогикасида йўналишларнинг хилма-хиллиги . . . . .  
Буржуа педагогикасининг антикоммунистик йўналиши . . . . .

	<b>V боб. Социалистик, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда таълимнинг мазмуни ҳамда ўқитишни ташкил этиш проблемалари.</b>	
	Социалистик мамлакатларда таълимнинг мазмуни ва ўқитишни ташкил этиш . . . . . ; . . . . .	142
	Капиталистик мамлакатларда таълимнинг мазмуни ва ўқитишни ташкил этиш г ^ с . . . . .	155
	Ривожланаётган мамлакатларда таълимнинг мазмуни ва ўқитишни ташкил этиш * : . » * . . . . .	155
	<b>VI боб. Уқувчи ёшларни сиёсий тарбиялаш.</b>	177
ни:	<b>VII боб. Ҳозирги дунёда ўқитувчи проблемаси.</b>	
СИШ	Уқитувчилар аҳволининг умумий проблемалари . . . . .	193
	Уқитувчилар тайёрлаш системаси . . . . .	198
	Педагогика ўқув юртларида таълим мазмуни . . . . .	210
	Хулоса . . . . . Г . . . . .	219

**На узбекском языке**

**Мария Александровна Соколова,  
Елена Николаевна Кузьмина,  
Михаил Леонидович Родионов**

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ПЕДАГОГИКА**

**Перевод с издания «Просвещение». 1978 г.**

*Ташкент «Ўқитувчи» 1983*

Таржимон Н. Холлиев  
Махсус редактори Б. Дўстқорраев  
Нашриёт редактори М. Собирова  
Раём редактори Г. И. Чернишов  
Техредакторлар Т. Ф. Скинба, Э. В. Вильданиова  
Корректор Ф. Тўлаганов

**ИБ № 2576**

Теринга берилди 22.02.1983 й. Босишга рухсат этилди 11.08.1983 й. Формат 84X108'/3г. Тип. қоғози № 3. Кегли 10 пшонсиз. Юкори босма усулди босилди. Шартли б. л. 11,76. Нашр. л. 10,81. Тиражи 4000. Зак. 110, Баҳоси 50 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент.Навой кўчаси, 30. Шартнома № 12-143-82.

УзССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитет Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2- босма хонаси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1983 П.

Типография № 2 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли, г. Янгйюль, ул. Самаркандская, 44.